

Р.ҚЎЗИЕВ, Н.АБДУРАХМАНОВ. Тупроқшунослик фанидаги натижалар.....3
Д.НАЗАРОВА, Г.КАРАХОДЖАЕВА. Органик қишлоқ хўжалиги – соғлом ҳаёт гарови5

ПАХТАЧИЛИК

Р.НАЗАРОВ. Азотное и углеродное питание хлопчатника.....6
А.РАВШАНОВ, В.АВТОНОМОВ, А.АШИРКУЛОВ, А.КУРБОНОВ. Создание и выделение селекционно-значимых гибридов F₁-F₂ по признаку всего коробочек на растении.....7
Д.ШАДМАНОВ, Х.БЕКМУРОДОВ, Ж.ДУСТОВ. Тупроқ унумдорлиги паст ерларда ғўза ва ҳамкор экинларнинг ҳосилдорлиги.....8
И.АМАНТУРДИЕВ, Ш.НАМАЗОВ, Б.НИЯТОВ. Ғўзанинг янги яратилган тизмаларида тола чиқими ва тола узунлиги белгиларининг шаклланиши10
О.ҚҶҚОРОВ, Ш.ШАРИПОВ, М.ЭШОНҚУЛОВ, Б.НОРОВ. Шўрланган тупроқлар шароитида ўрганилган тизмаларда қимматли хўжалик кўрсаткичлари.....11
С.УСМАНОВ, К.ХУДАРГАНОВ, М.АБДУЛЛАЕВА. Ғўзанинг G.BARBADENSE L. турига мансуб F₂ ўсимликларида қимматли хўжалик белгилари орасидаги ўзаро боғлиқлик.....12
И.АБДУРАҲМОНОВ. Тупроққа асосий ишлов беришнинг такмиллашган ресурстежамкор технологияларининг кўсақлар шаклланиши ва пахта ҳосилининг пишиб-етилишига таъсири13
А.ШАМСИЕВ, Х.АЛЛАНОВ, М.АВЛИЯКУЛОВ, Н.ДУРДИЕВ. Республикамиз жанубида ингичка толали ғўза навлари майдони кенгаймоқда.....15
Ф.ТЕШАЕВ, М.УБАЙДУЛЛАЕВ, Фарғона вилояти шароитида ғўзада янги дефолиантларни қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатини аниқлаш.....16
И.НАЗАРЫМБЕТОВ, Д.БЕРДИКЕЕВ, К.ШАМУРАТОВ. Изменчивость урожая, выхода и длины волокна хлопчатника у гибридов F₃ на среднесоленном агрофоне17
Т.СЕЙТНАЗАРОВ. Ғўзанинг узоқ географик дурагайларида вилтга чидамлиликнинг ирсийлиниши.....18
Я.БЎРИЕВ, Н.ҚАХОРОВА. Қашқадарё вилояти тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзадаги бир кўсақ пахта вазни ва ҳосилдорлигининг агроомилларига боғлиқлиги.....19
П.ИБРАГИМОВ, Б.ЭРГАШЕВ, С.ЭРГАШЕВА. Узоқлашган дурагайлаш асосида вилт касаллигига бардошли бўлган ғўза селекцияси.....21

ҒАЛЛАЧИЛИК

Ж.ХАЙТБАЕВА. Кузги буғдойнинг ҳосил структураси ва дон сифатида минерал ўғит меъёрларининг таъсири.....22
О.АМАНОВ, А.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Республикамизнинг жанубий минтақасида янги юмшоқ буғдой намуналарининг дон сифати кўрсаткичлари.....23
И.ЭГАМОВ, Т.РАХИМОВ, Д.РУСТАМОВА, М.ҚҶҚАРОВА, И.ЮЛДАШЕВ. Кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий ҳамда хорижий навларининг бирламчи уруғчилигини илмий асосда ташкил этиш натижалари.....24
М.АЗИМОВА. Кузги буғдой навларини етиштиришда экиш муддати, меъёри ва ўғитлашнинг дон ҳосилдорлигига таъсири.....26
З.УСАРОВ, Т.МАМАТҚУЛОВ, А.ХОЛДОРОВ. Суғориладиган майдонлар учун арпа навларини яратиш бўйича селекция тадқиқотлари.....27
Ш.ХАЗРАТҚУЛОВА, А.ШОЙМУРАДОВ. Қаттиқ буғдой дон ҳосилига суғориш режимларининг таъсири.....29
Х.ИДРИСОВ. Мошининг “Наврўз” нави биометрик кўрсаткичларига экиш муддати ва меъёрининг таъсири.....30
С. НЕГМАТОВА, Б.ШАВКАТОВ. Такрорий экин мош илдизида туганаклар ҳосил бўлиши.....31
З.БОБОҚУЛОВ, И.ХАМДАМОВ, Б.МАВЛОНОВ, Кузда экилган нўхат навлари илдизларида туганаклар массасининг ўзгариши.....32

Ш.ОРИПОВ, Ф.АМАНОВ. Лалмикор майдонларда мойли зиғирнинг “Баҳорикор” нави бошланғич уруғчилигини ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш.....34
Д.АБДУКАРИМОВ, Н.ХАЛИЛОВ, Б.КУЛДАШОВ. Суғориладиган ерларда соянинг янги навларини етиштириш.....35
Х.АТАБАЕВА, М.САТТАРОВ. Соя ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитлар ва олтингургуртнинг таъсири.....36
О.СОТТОРОВ, Соя навларини суғоришлар сони ва меъёрлари 37
Р.СИДДИҚОВ, А.МЎМИНОВ, У.ЭРГАШЕВ. Маъдан ўғитларни қўллашнинг соя навларининг биометрик кўрсаткичлари ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири.....38
Н.УМАРОВА, Р.САИТКАНОВА, Х.ИДРИСОВ. Соянинг фотосинтетик фаолияти ва ҳосилдорлигига микроэлементларнинг таъсири 40
Б.СУЛАЙМОНОВ, А.АЗИЗОВ. Қанджўхорини қайта ишлаб биозтанол олишнинг технологик схемаси41

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

М.ЯКУБОВ, М.МИРЗАЕВ, А.РАИМОВ. Интродукция қилинган олма навлари кўчатларини кўпайтириш ҳамда улар асосида очиқ ва ёпиқ турдаги симбагазларда интенсив боғларни барпо қилиш.....42
Ю.САИМНАЗАРОВ, Х.ИБОДУЛЛАЕВ. Мандариннинг “Климинтин” навини In-vitro шароитида культурага киритиш.....43
К.АБДУЛЛАЕВ, А.РАИМОВ. Фундук ўсимлигининг қаламчаларидан кўчат етиштириш усуллари.....44
Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ. Ўзбекистон ҳудудида хандақларда апельсин навларини етиштириш.....45
А.ҚОСИМОВ. Вегетация даврида олтинсимон қорағат навлари баргларидаги сув миқдорининг ўзгариши.....47
С.ИСЛАМОВ, Э.ЗУФТАРОВ. Малинанинг ремонтант навларини экиш, парваришlash ва шакл бериш.....48
А.ГУЛЯМОВ. Ток тупига шакл бериш ва кесиш қоидалари.....49
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, А.ИСМОЙЛОВ. Сабзавотчиликда ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аҳамияти.....51
Х.МАҲСАДОВ. Технология возделывания сахарной свеклы в условиях джизакской области.....52
У.МИРЗАХИДОВ, Э.УМУРЗОКОВ, Л.ХАЛМИРЗАЕВА. Влияние стимуляторов роста на качество семян унаби.....53
У.АКРАМОВ, Х.ДАВЛАТОВ. О возможности интродукции якона в Узбекистане.....54
А.ВАХОБОВ, М.СОЛИЕВА, Х.ХАТАМОВА. Увеличение урожайности овощных культур и выращивание экологически чистой продукции.....56
Б.РУСТАМОВ. Сорты краснокочанной капусты для повторной культуры.....57

ЎСИМЛИКЛАР ҶИМОЯСИ

Б.ХАЙИТОВ. Биологик воситалар ишлаб чиқаришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш.....58
М.МИРЗАЕВА, А.ДОЛИМОВ, Н.МАХМУДОВ, С.ОБИДОВ. Қанд лавлагининг биологияси, зараркунанда ва касалликлари ҳамда уларга қарши кураш усуллари.....60
А.АНОРБАЕВ, Ш.ЭСАНБАЕВ, У.МАШАРИПОВ. Тошкент вилояти шароитида “шаҳар мўйловдори” нинг ривожланиш босқичлари61

ЧОРВАЧИЛИК

АН ХИ СУНГ, А.НУРМАТОВ, Б.АЛЛАШОВ, К.ХИДИРОВ, Ш.ЖАББОРОВ. Ўзбекистонда қорамолларни озиклантиришда корейнинг (Тmг) технологиясини қўллаш ва жорий этиш.....62
А.ИСМОЙЛОВ, А.РЎЗИМУРОДОВ Зообиоценозларда зоофил ҳашаротларга қарши пиретроидлар синовлари64
Д.ИСМАТУЛЛАЕВА. Результаты тестирования пород тутового шелкопряда с разным генетическим потенциалом на болезнестойчивость65
Б.БАКИРОВ, Р.БОБОЕВ, Ҳ.РАХМАТОВ. Қоракўлчиликда самарали зооветеринария технологиялари.....66

Х.МАМАТОВ. Симментал зотига мансуб бўлган ёш қорамолларнинг экстерьер кўрсаткичлари.....	68
Е.ЛАРЪКИНА, К.САЛИХОВА. Репродуктивные показатели высокопродуктивных пород-компонентов промышленных гибридов тутового шелкопряда.....	69
А.КУРБАНОВ, Б.КАМИЛОВ. Рабочая плодovitость африканского сома, <i>clarias gariepinus</i> , в условия узбекистана.....	70
С.КИМ, Т.ТАШПУЛАТОВ, М.РАХМАТУЛЛАЕВА. Качество воды в аквариуме.....	71
Б.ЭЛМУРОВОДА, З.УЗОҚОВ. Ачин кўлида балиқ етиштириш жараёнининг функционар модели.....	72

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

Б.АМАНОВ. Суғоришнинг тежамкор технологияларини яратишнинг асосий тамойиллари.....	73
Н.ХАЛМАНОВ. Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқларида микробиологик жараёнларнинг сидерат ўғитлари таъсирида бошқарилиши.....	75
Ю.КЕНЖАЕВ. Турли муддатларда қўлланилган сидерациянинг ёмғир чувалчанглари сонига таъсири.....	76
Ф.ТАШПУЛАТОВА. Урта осиеда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришнинг тарихи.....	77
С.МАНСУРОВ, Ш.АБДУВАХОБОВ. Жанубий Сурхон сув омборининг лойқа оқизиклар билан тўлиб бориш жараёнига таъсир этувчи омиллар.....	78
А.БУТАЯРОВ. “Аму-Сурхон” ИТХБ худудидаги фермер хўжаликларда сувдан фойдаланишни такомиллаштириш.....	79
С.УРУНБОЕВ, Б.КУРБАНОВ, А.ШЕРОВ, З.КУРБАНОВ. Исследования закономерности поглощения воды в почвах с применением ядерно-физических методов.....	81
М.ЖУМАМУРАТОВ, М.МАМБЕТУЛЛАЕВА. Коэффициент обогащения некоторых химических элементов в речной и коллекторной воде.....	82
З.ХАФИЗОВА, Ер ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари (Навоий вилояти мисолида).....	84
М.БОТИРОВ, Г.УСМОНХУЖАЕВА, Ш.АЛИШЕРОВ. Оралиқ муддатда беда парваришланнинг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири.....	85
А.ХУДОЯРОВ, Р.МАХМУДОВ, М.ЮЛДАШЕВА, И.НАЗИРЖОНОВ. Комбинациялашган агрегат ўғитлагични ўрганиш бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқотлар.....	86
И.ИСЛОМОВ. Влияние режимов орошения и минерального питания на урожай люцерны.....	88
Ё.ШЕРМАТОВ, Ф.ДУСИЁРОВ, Б.ХАНИМКУЛОВ. Количественные критерии формирования засухи в бассейне реки Амударья.....	89
З.МИРХАСИЛОВА, Х.ЯКУБОВА, Г.АХМЕДЖАНОВА. Фактические водно-солевые балансы на фоне вертикального дренажа в верхнем течении бассейна реки Сырдарья.....	90
А.ПЕТРОВ, И.МАХМУДОВ. Битумные погонажные профильные герметики для ликвидации протечек воды через дефектные стыковые сопряжения лотковых элементов.....	92
С.КАСЫМБЕТОВА, Д.ЕРГАШОВА, А.ГЕНЖЕМУРАТОВ. Определения технологических элементов капельного орошения.....	93
Д.ЭШНАЗАРОВ, И.МУСАЕВ, М.АБДУКАДИРОВА, Ер кадастрини юритишда геодезик-картографик таъминотнинг аҳамияти.....	94
И.АБДУЛЛАЕВ, С.АБДУРАХМОНОВ, М.АКРАМОВА. Бентонит, ўғит, сув ва ҳосилдорлик.....	95
М.ХАМИДОВ, У.ЖўРАЕВ, Ж.ДУСТОВ. Сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишда биологик тозаланган зовур сувларининг аҳамияти.....	97
Г.ЖУМАБАЕВА, М.ҒАФАРОВА, У.ТУРСУНОВА. Тоғолди кичик дарёсининг гидрологик режими ўзгаришлари.....	98
Н.ЭГАМБЕРДИЕВ, С.НИҒМАТИЙ, Г.ИСЛАМОВА. Шўрланган тупроқларда биомелиоратив ўсимликлар ўстириш орқали тупроқ шўрланишини камайтириш усуллари.....	99
Т.ОРТИҚОВ, Б.ШОНИЁЗОВ, Ш.НОРМАМАТОВ. Сидерат сифатида экилган амарантнинг биомасса ҳосил қилишига минерал ўғитлар таъсири.....	100

А.АХМЕДОВ, М.РУЗМЕТОВ, А.МИРЗАМБЕТОВ. Орол бўйи худудлари ва денгизнинг қуриган туби Мўйноқ қисми тупроқларининг асосий хоссалари ва эколого-мелиоратив ҳолати.....	102
Д.ТУРДИЕВА, Н.ЮСУПОВ, К.ДЖАМОЛОВ,	
Н.ЗАЙНОБИТДИНОВ. Кузги имкон – ёзги хирмон.....	104

МЕХАНИЗАЦИЯ

М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОДИРАЛИЕВ. Пахта кўсақларига интенсив ишлов берувчи аппаратда терилган ва тўкилган ҳосилнинг барабанлар зонаси бўйича тақсимланиши.....	105
Ф.МАМАТОВ, Ҳ.РАВШАНОВ, И.ТЕМИРОВ, Ш.ҚУРБАНОВ. Текис шудгорлайдиган ПФХ-2 фронтал плуги.....	106
Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ, А.ХУДОЁРОВ, Д.АБДУЛЛАЕВ. Ғўза қатор ораларига кўп қаторлаб ғўздой уруғини экувчи шарнирли экичдан фойдаланишнинг афзалликлари.....	107
А.АБДУРАХМАНОВ, П.УТЕНИЯЗОВ. Органик ўғитларни локал соладиган ўғитлагичнинг дастлабки дала синовлари.....	109
А.БЕКНАЗАРОВ, А.ХАСИЛБЕКОВ, Б.НУРМИХАМЕДОВ, Ш.ЁДГАРОВА. Ғўза қатор орасига ишлов беришда комбинациялашган суспензия сепиш мосламаси пуркагич учлик.....	110
М.КАРИМОВ, О.ОЧИЛДИЕВ. Мойли экинларни дастлабки тозалаш машинаси ҳаво-тозалаш қисмининг мақбул параметрларини тадқиқ этиш.....	111
И.ЭРГАШЕВ, Х.ПАРДАЕВ, Б.РАХИМОВ, Ю.РАХИМОВ. Боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив параметрларини асослаш.....	112
А.ЮЛДАШЕВ. Агротехнические показатели вентиляторного опрыскивания с двойным соплом.....	113
А.САИТОВ, И.КОЛЕСНИКОВ. Устройство экстрагирования растительного сырья на основе электромагнитных технологий.....	115

ИҚТИСОДИЁТ

Н.АСҚАРОВ, А.БАХРИДДИНОВ. Ипак қурти уруғчилиги тизимида харажатлар ва маҳсулот таннархини камайтириш йўллари.....	116
Ш.ТУХТАМИШЕВ. Фермер хўжаликларини фаолиятини диверсификациялашнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.....	117
Ю.УСМАНОВ. Деҳқон ва томорқа хўжаликлариди ҳолати бузилган ерларни тиклаш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили.....	118
Б.ИБРАГИМОВ. Солиқ назорати самарадорлиги солиқ маъмуриятчилиги фаолиятининг мезони бўлиши зарур.....	120
В.ВАХОБОВ, А.ФАЙЗИЕВ, М.ХИДОЯТОВА. Узум ҳосилдорлигини статистик таҳлил асосида прогноз қилиш.....	121
Х.ҲАЙИТОВ. Дарёларда ўзан ва пойма оқимларининг ўзаро таъсир зонасини инобатга олган ҳолда тезликнинг тақсимланиши.....	123
Д.РАХМАНОВ, З.АХМЕДОВА, Т.ШОНАХУНОВ. Приготовление силоса и сенажа из рулона.....	124

ЭЪЛОН!

Кейинги вақтда олимлар, докторантлар, тадқиқотчи ва мустақил изланувчилар томонидан таҳририятимизга “Agro ilm” илмий иловасининг Махсус сонини чоп этиш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда.

Мазкур таклифларни инобатга олган ҳолда, “Устоз-шогирд ҳамкорлиги — фан равнақи омили” рўки билан Мустақиллик байрами олдида “Agro ilm” илмий илова журналининг Махсус сонини нашр қилиш режалаштирилди.

Шу муносабат билан илмий мақола чоп этириш истагида бўлган муаллифлардан тижорат асосида мақолалар қабул қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Муржаат учун телефон рақамлари:
71-249-13-54; 71-242-13-54.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИДАГИ НАТИЖАЛАР

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом” ҳамда “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом”га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2017 йил 27 июндаги 240/2-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ОАК раисининг 2017 йил 27 июндаги 71-сонли қарори билан Тупроқшunosлик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузурида қишлоқ хўжалиги ва биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли илмий кенгаш тузилган. Ҳозирда Илмий кенгаш таркибига ТАИТИ, ПСУЕАИТИ, УЗЎХИТИ, УЗМУ, ТДАУ, ФарДУ, ГулДУ, СВМИ каби илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидан 19 нафар фан докторлари киритилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 2017-2018 йилларда Илмий кенгашда жами 11 та ҳимоя ўтказилган бўлиб, шундан 7 нафар талабгор томонидан фалсафа доктори (PhD) ва 4 нафар талабгор (шундан 1 нафари Экология ихтисослиги бўйича бир марталик) томонидан фан доктори (DSc) диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилиниб, илмий даражалари тасдиқланди. Ҳимоя қилинган диссертация ишлари “Агрохимё”, “Агротупроқшunosлик ва агрофизика” ҳамда “Экология” ихтисосликлари бўйича тайёрланган бўлиб, қишлоқ хўжалиги муаммолари ва замонавий ривожланиш масалаларига мос келади. Бу соҳадаги билимларни чуқурлаштириш, тадқиқот методларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўтган икки йилда “Агрохимё” ихтисослиги бўйича бир қатор муҳим илмий натижаларга эришилди. Жумладан, Қашқадарё ҳавзаси асосий тупроқлари шароитида суғориладиган тупроқларининг макро ва микроэлементлар билан таъминланганлик даражаси аниқланиб, ғўза ва кузги буғдой учун озика элементлар баланси ишлаб чиқилди. Бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқлари учун агрохимкартограмма тузиш технологияси такомиллаштирилиб, “тупроқ-ўсимлик-ўғит” тизими асосида озика элементларининг мақбул меъёрини ҳисоблаш электрон дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, Чирчиқ дарёси ҳавзаси тупроқлари шароитида ҳавза ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибига тупроқлар хусусиятлари ва ривожланиши шароитлари, “Ғўза - кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга гўннинг турли меъёрларининг тупроқ азот фондига, “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида

азот мувозанатига таъсири аниқланиб, ушбу тизимда минерал ўғитлар билан бирга қўлланилган гўннинг тупроқда гумус ва азотнинг дефицитсиз ва ижобий мувозанатини ҳамда экинларнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи мақбул меъёрлари асосланди. Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида оч тусли бўз тупроқлар шароитида ердан самарали фойдаланиш мақсадида кузги буғдой, такрорий экинлар – маккажўхори



ва мошда қўлланилган маъданли ўғитларнинг тупроқ озика режимига таъсири, кузги буғдойда қўлланилган маъданли ўғит меъёрларини ўсимликнинг илдиз-анғиз қолдиқлари миқдорига ҳамда ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган. Кузги буғдой, такрорий экинлар – маккажўхори ва мошда қўлланилган маъданли ўғитларнинг мақбул ўғитлаш меъёрлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Зарафшон водийсининг ўтлоқи тупроқлари шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитларининг Зарафшон водийси магний карбонатли ўтлоқ тупроқлари озика режимига таъсири аниқланган ҳамда қўлланилган

ўғитларни тупроқ фосфатлари фракцион таркиби, турли гуруҳларга кўчиш характери, тупроқ фосфат сифими ва интенсивлиги, улар орасидаги боғлиқлик характери ва тиғизлиги исботланган. АФУ ва НКФУ ўғитлари ғўзанинг “Омад” ва “Оқдарё-6” навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига ижобий таъсир кўрсатиши исботланиб, ўғитларнинг биоэнергетик самарадорлиги (ФИК) АФУ ўғитида 1,32, НКФУ ўғитида эса 1,35 га тенг бўлиши аниқланган.

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида илк бор эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзада янги турдаги маҳаллий хомашёдан тайёрланган калийли ўғитни мақбул қўллаш муддатлари ва захира ҳолдаги меъёрлари асосланди. Янги турдаги калийли ўғитни азот ва фосфор фондида тупроқдаги калий шакллари, мувозанатига, тупроқ унумдорлигига, ғўзани калийни ўзлаштириш коэффициентига таъсири ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Ушбу ихтисослик бўйича (DSc) талабгорлар томонидан ҳам муайян натижаларга эришилган. Хусусан, Зарафшон водийси тупроқлари шароитида ялли ва ўзлаштирилувчан шаклдаги микроэлементлар миқдори воҳалар ва тупроқ типларида фарқланиши, уларнинг миқдори муҳит реакциясига, гранулометрик таркибига,

гумусли ҳолатига, озика моддаларга боғлиқлиги аниқланиб, микроэлементларда чигит ивитишнинг концентрациялари (Co, Cu ва Zn - 0,01%, Mo ва B - 0,05 ва Mn - 0,1%) ишлаб чиқилган. Шўрланган шароитда микроэлементларнинг чигит унвчанлигига таъсири ва ушбу фонларда фойдаланиладиган микроэлемент турлари, кобальтнинг ғўзага таъсири, ўсимлик талабининг критик ва максимал даври ҳамда озикланиш жараёнида кобальт ва NPKнинг ўзаро таъсири аниқланиб, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда кобальт микроўғитини қўллашнинг қулай меъёр, муддат ва усуллари ҳамда ҳосилдорлигининг оши-

ши ва махсулот сифатининг яхшиланиши исботланган. Шунингдек, Навоий ва Тошкент вилоятлари тупроқлари шароитида суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навлари учун мақбул ўғит қўллаш тизими ишлаб чиқилди, кузги буғдой навларининг потенциал имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда унинг ўғитларга талабчанлигини ҳисобга олган ҳолда мақбул ўғит қўллаш асосида кузги буғдой ҳосили билан ўғитлар самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди.

“Агротупроқшунослик ва агрофизика” ихтисослиги бўйича ҳам муҳим илмий натижаларга эришилди. Жумладан, Фарғона вилояти қумли тупроқлар шароитида табиий экранли қумли майдонларда жавдар ўсимлиги поясини 14-15 см. қолдирилиши натижасида уларнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари яхшиланиши ҳамда озика режими бойиганлиги исботланди. Минерал ва органик ўғитларни энг самарали меъёрини қўлланганда дефляция таъсирида бўлган дўнг-барханли, қумли ерларда ғўза ва ғўза мажмуидидаги экинларнинг ҳосилдорлиги яхшиланиши аниқланди. Табиий ва сунъий экранларни ҳосил қилиш орқали қумли ерларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва сув тежовчи технология ишлаб чиқилди; фермер хўжаликлари пахта майдонларида табиий экран ҳосил қилиниши натижасида кўсақларнинг 3-4 кунга эрта очилиши аниқланди.

Бундан ташқари, Қашқадарё қуйи оқими тупроқлари шароитида тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг суғориш даврийлигининг тупроқ унумдорлигига ва эволюцион ҳолатига таъсири ўрганилди. Тупроқларнинг суғориш даврийлиги асосида унинг умумфизик, физик механик ва сув-физик хоссаларини, мелиоратив ҳолатини ўзгариши динамикаси аниқланди.

Фориш тумани қумли чўл тупроқлари шароитида қумли чўл тупроқларининг морфологик, агрохимёвий, агрофизикавий, сув-физикавий хоссалари аниқланди. Қумли чўл тупроқларда экишдан олдин тупроққа ишлов беришда шудгорлаш + мола босиш тадбирининг чўл озукабон ўсимликлари ўсиши-ривожланишига ижобий таъсири ўрганилди. Қумли чўл тупроқларида кечаётган деградация жараёнларининг олдини олишда очилиб қолган майдонларга чўл-озукабон ўсимликларидан изен, терекен ва чўғон ўсимликларини экиш са-

марали эканлиги исботланди.

«Экология» ихтисослиги бўйича энг муҳим илмий натижалар Зарафшон водийси шароитида олинган бўлиб, с и д е р а т л а р тупроқнинг экологик ҳолатига, жумладан, нитратлар, оғир металлар, пестицидлар, ирригацион эрозияни камайтиришда, тупроқнинг ҳарорат ва намлик миқдорининг ошишидаги аҳамияти илмий жиҳатдан исботланди. Зарафшон водийсининг тупроқ ва иқлим омилларининг имкониятлар захираси экологик жиҳатдан баҳоланиб, сидератларнинг биогеоценозлар агрохимёвий, агрофизик ва биологик хоссаларини яхшилаши аниқланди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қишлоқ хўжалиги экинларига азотли, фосфорли ва калийли макро ҳамда микроўғитларни мақбул қўллаш меъёрлари ва муддатлари бўйича агротехнологиялари, технологиялари, шунингдек, агротадбирлар, тавсиялар, картограммалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Жумладан, тадқиқотчи-олим Жаҳонгир Қўзиев томонидан (PhD) 2017 йилда Қашқадарё ҳавзаси бўз тупроқлар минтақасида тарқалган асосий суғориладиган тупроқларнинг макро ва микроэлементлари билан таъминланганлик даражаси аниқлади. Бўз тупроқ минтақасида қўлланилган минерал ва маҳаллий ўғитларни мониторинги асосида парваришланган ғўза ва кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори бир-бири билан қиёсланиб, озика элементлар баланси ишлаб чиқилди. Илк бор бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган асосий тупроқларнинг агрохимёвий маълумотлари базаси ва агрохимкартограмма тузиш технологияси такомиллаштирилди. “Тупроқ – ўсимлик – ўғит” тизими асосида озика элементларининг мақбул меъёрий ҳисоблаш электрон дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи-олим Бахтиёр Атоев томонидан (DSc) 2018 йилда суғориладиган



сур тусли кўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навлари учун мақбул ўғит қўллаш тизими ишлаб чиқилди. Тупроқнинг агрохимёвий хоссалари, қўлланилган ўғит меъёрлари билан кузги буғдой ҳосили ўртасида корелляция боғлиқлик аниқланиб, кузги буғдой навларининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда унинг ўғитларга талабчанлиги аниқланди. Ўғитларни табақалаштириб қўллаш натижасида кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланганлиги ҳамда озик моддаларни кўп тўплаганлиги маълум бўлди.

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар шароитида гектарига (соф ҳолда) $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида гектарига (соф ҳолда) $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг миқдорида мақбул ўғит қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилди. Ушбу ўғитлаш меъёрларини амалиётга қўллаш ўрганилган тупроқларда кузги буғдойдан юқори ҳосил олишга хизмат қилган; кузги буғдой ҳосилини ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақбул ўғит меъёрлари 2006-2007 йилларда Навоий вилоятининг суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқли тупроқларда 2125 гектар ер майдонга жорий этилди. Бунинг натижасида кузги буғдойнинг “Половчанка” ва “Таня” навларидан ўртача 7-9 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди.

Шу каби натижаларни тадқиқотчи-олимлар Акмал Санакулов, Саноат Зокирова, Жуманазар Исмаилов, Хуршида Нуриддинова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин. Ушбу ютуқлар заминидан фан ва амалий ишлар бирлашуви ётганлиги шубҳасиз.

Р.ҚЎЗИЕВ,
б.ф.д., профессор,
Н.АБДУРАХМАНОВ,
б.ф.н..

ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

«Органик» атамаси ЕИ (Европа Иттифоқи) 2092/91 қоидаларига мувофиқ «Биологик» ёки «Экологик» деҳқончиликнинг синоними сифатида ишлатилади ва уларни ишлатишда, шунингдек «эко», «био» ва «орг» аббревиатуралари органик қоидаларга риоя қилинмаган бўлса, улар ишлатилиши мумкин эмас. Дунё халқлари органик сўзини ҳар хил атамалар билан: немис ва нордик тиллари: «ёкологиче», француз, испан, италя, португалча: «биологик», инглиз тилида: «органик» деб атайди.

«Органик қишлоқ хўжалиги - бу тупроқ, экотизим ва одамларнинг соғлиғини сақлаб турувчи ишлаб чиқариш тизими бўлиб, экологик жараёнлар, биологик хилма-хиллик ва маҳаллий шароитларга мослаштирилади. Органик қишлоқ хўжалиги аъёнларини, инновациялар ва фанни бирлаштиради. Биригинадаги муҳитга фойда бериш ва адолатли муносабатларни ва барча иштирокчилар учун яхши ҳаёт сифатини рағбатлантиради» (IFOAM).

Органик қишлоқ хўжалигидаги деҳқончилик органика талабларига мос тарзда олиб борилади. Органик деҳқончилик - бу синтетик комплекс ўғитлар, пестицидлар, ўсиш регуляторлари ва чорвачилик учун ем қўшимчаларидан фойдаланишни истисно қиладиган ёки сезиларли даражада истисно қиладиган ишлаб чиқариш тизимидир. Тегишли органик деҳқончилик тизимларига ўсимликларнинг озукавий моддаларини етказиб бериш ва ҳашаротлар, бегона ўтлар ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш учун ўсимликларни алмашлаб экиш, ўсимлик қолдиқлари, ҳайвонларнинг гўнглари, дуқакли экинлар, яшил гўнглари, хўжаликлардаги органик чиқиндилар ва биологик зараркунандаларга қарши курашиш киради. Унинг талабларидан бири ўтиш даврининг мавжудлиги. Ўтиш даври органик деҳқончилик учун 3 йилни ташкил қилади.

Органик қишлоқ хўжалиги бутун дунё бўйлаб 2016 йилдан бошлаб 178 мамлакатда қўлланилмоқда. Умумий майдон – 1645,4 га, тўлиқ органикага ўтган майдон – 645,4 га, ўтиш давридаги майдон – 1000 гектарга етди. Асосий экинлар: мевалар (узум, ўрик, тут, бодом), дуқакли донлар, сабзавотлар. Ёввойи ўсимликлар – 5000 га (IFOAMнинг 2017 йилдаги маълумоти).

Органик маҳсулотлар пестицидларсиз, кимёвий препаратларсиз экологик тоза маҳсулотлардир. Организм учун зарарли бўлган моддаларсиз маҳсулотлар инсон соғлиғининг барқарор бўлиши гарови. Кейинги йилларда касалликларнинг, айниқса, ҳали тўлиқ давоси топилмаган оғир касалликларнинг кўпайиши кимёвий препаратлар ва қўшимчаларнинг ҳаддан зиёд кўп ишлатилаётгани сабабидир. Бундай касалликларни камайтириш, балки умуман йўқотиш ва келгусида хавф туғдирувчи касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида органик қишлоқ хўжалигига ўтиш ва экологик тоза маҳсулотлар истеъмолини кўпайтиришни тақозо қилади. Бу масалалар бўйича Ўзбекистонда бир қанча ишлаб амалга оширилмоқда. Тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурлари доирасида ва инновацион фондлар воситалари ёрдамида амалга оширилмоқда. Илмий ишланмалар ўсимликшунослик масалалари (тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш бўйича талабларни белгилаш) ни, микробиологик препаратларни, қайта ишланган маҳсулотларни, махсус техникаларни ишлаб чиқишни ва умумикўрсаткич масалаларни ўрганишни қамраб олган бўлса-да, органик чорвачилик, асаларичилик, органик тўқимачилик каби бошқа йўналишларга умуман эътибор қаратилмаяпти. Қўйдаги стратегик ҳужжатларни қабул қилиш орқали мамлакатда органик қишлоқ хўжалиги, органик қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари мавзуларининг мавқеини оширишга ҳаракат қилинмоқда:

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси;

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги, органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш бўйича стратегик чора-тадбирлар режаси.

Миллий қонунчиликда: Ўзбекистон Республикасининг «Органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ва айни вақтда қайта кўриб чиқиш босқичида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган ва айни вақтда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш босқичида.

«Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сертифицирлаштиришдан ўтказиш тартиби» лойиҳаси ишлаб чиқилган ва айни вақтда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш босқичида.

O'zSt 3084:2016 «Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Атамалар ва таърифлар» давлат стандарти ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2016 йил 31 майдаги 05-765-сонли қарори билан тасдиқланган ва жорий қилинган.

O'zSt 3084:2016 «Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш, транспортда ташиш ва сақлаш қоидалари» давлат стандарти ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2018 йил 12 январдаги 05-920-сонли қарори билан тасдиқланган ва жорий қилинган.

ИФОАМ 2005 йил август ойида органик ҳаракатга хизмат қилиш учун органик қишлоқ хўжалиги соҳасида янги асосий тамойилларни қабул қилди. Ушбу тамойиллар бир-бири билан боғлиқ бўлган қўйдаги асосий тушунчаларга асосланган:

Соғлиқ тамойили: Органик қишлоқ хўжалиги тупроқ, ўсимлик, ҳайвон, инсон ва ўсимликларнинг соғлиғини ягона сифатда ва бўлинмасдан таъминлаб, мустаҳкамлаши назарда тутилади.

Экология тамойиллари: Органик қишлоқ хўжалиги жонли экосистемалар ва цикларга асосланган бўлиши, улар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга ёрдам бериши керак.

Адолатлилик тамойиллари: Органик қишлоқ хўжалиги умумий атроф-муҳит ва ҳаёт имкониятларига нисбатан адолатли таъминлайдиган муносабатларга асосланган бўлиши керак.

Эътиборли бўлиш тамойиллари: Органик қишлоқ хўжалиги жорий ва келгуси авлодлар, атроф-муҳитнинг саломатлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш учун эҳтиёткорлик ҳамда масъулият билан бошқарилиши керак.

Эҳтиёткорлик ва жавобгарлик тамойиллари: Органик қишлоқ хўжалиги генетик инженерия ва нурланишни тақиқлайди. Органик қишлоқ хўжалиги трансгенетик навларни ва барча генетик йўл билан яратилган таркибий қисмлар ёки маҳсулотларни нурланишини қабул қилмайди, чунки органик ҳаракатларнинг соғлиқга таъсири ҳозирги ва келажак авлодлар, атроф-муҳитнинг фаровонлигини қўллаб-қувватлайдиган етарлича илмий далиллар мавжуд эмаслиги ҳис этилади.

Органик қишлоқ хўжалиги табиатга: тупроқ, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар, экологияга ва инсонларга зарар келтирувчи барча нарсадан воз кечади. Органика соф экологик маҳсулотларга асосланган йўналиш. Органик қишлоқ хўжалиги – соғлом ҳаёт гарови.

**Д. НАЗАРОВА,
Г. КАРАХОДЖАЕВА,**

Академик М. Мирзаев номидаги БУВаВИТИ илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Уйғун Аксой. «Қишлоқ хўжалигидаги бугунги муаммолар ва барқарор тизимларга бўлган эҳтиёж» / «Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик билимлари ва тажрибалари имкониятларини мустаҳкамлаш ва оммалаштиришдаги ўрни» мавзусидаги ўқув-тренинг тақдимоти. 2018 йил 12 ноябр – Тошкент шаҳри.

2. Уйғун Аксой. «Органик деҳқончиликнинг таърифлари, тамойиллари ва амалиёти» / «Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик билимлари ва тажрибалари имкониятларини мустаҳкамлаш ва оммалаштиришдаги ўрни» мавзусидаги ўқув-тренинг тақдимоти. 2018 йил 12 ноябр – Тошкент шаҳри.

3. Ойбек Соатов. «Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» / «Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик билимлари ва тажрибалари имкониятларини мустаҳкамлаш ва оммалаштиришдаги ўрни» мавзусидаги ўқув-тренинг тақдимоти. 2018 йил 12 ноябр – Тошкент шаҳри.

АЗОТНОЕ И УГЛЕРОДНОЕ ПИТАНИЕ ХЛОПЧАТНИКА

Н. И. Вавилов отмечал, что химизация земледелия ставит на очередь вопрос о селекции на отзывчивость к удобрениям. Известно, что для роста и развития растений требуется свет, тепло, вода и питательные вещества.

В состав растений входит свыше 70 химических элементов. Установлено, что только 16 из них абсолютно необходимы для их жизнедеятельности: углерод, кислород, водород, азот называемые органическими, фосфор, калий, кальций, магний и сера – зольные элементы, и наконец, бор, молибден, медь, цинк и кобальт – микроэлементы, а также железо и марганец.

Главными элементами, поступающими из атмосферы в зеленые растения являются углерод, водород и кислород на долю этих трёх элементов приходится 93,5 процентов сухой массы растений, в том числе, на углерод–45%, на кислород–42% и на водород–6,5%. (Панников, 1976). Углерод поступает в растения в виде углекислого газа CO_2 в процессе фотосинтеза, в основном из воздуха через листья и частично через корни растений из почвы. Углерод входит в состав всех органических соединений – белков, жиров и др.

Водород потребляется растениями в виде воды, необходимо для синтеза органических веществ. Кислород поступает в растение через листья из воздуха и в незначительных количествах через корни из воды и других соединений. К.А.Тимирязев писал, что зелёный лист, или, вернее, микроскопическое зелёное зерно хлорофилла является фокусом, точкой в мировом пространстве, в которую с одного конца притекает энергия Солнца, а с другого берут начало все проявления жизни на Земле.

Фотосинтез является основным источником энергии, используемой человеком. Вся энергия, которую человек потребляет в продуктах питания, в технике, в быту – эта преобразованная энергия солнечной радиации (Лебедев, 1961)

Выдающийся физик прошедшего века Фредерик Жолио-Кюри отмечал, что как ни велико значение открытия возможности использования атомной энергии в интересах человечества и прогресса техники, оно все же уступает тому прогрессу техники, какой произойдет при полном познании фотосинтеза зелёного растения. Всестороннее исследование этого процесса откроет пути для более полного использования солнечной энергии, количество которой в природе практически неограниченно. Таким образом, познание фотосинтеза имеет исключительное значение для процветания человечества. Решающая роль фотосинтеза в формировании урожая определяется также и тем, что более 90 процентов веществ биомассы урожая, как было отмечено, выше, это органические вещества, первоисточником которых является фотосинтез, так же как и всей связанной в урожаях.

Фотосинтез является первоисточником той биологически активной энергии, которая необходима для усвоения элементов минерального питания (Чиков, 1987, Назаров, 1980).

Воздействие на растение через почву является хотя и не единственным, но наиболее распространенным и действенным приёмом современного земледелия. Это является наилучшим способом организации и поддержки фотосинтетической деятельности растений, чтобы получить наибольшее количество продуктов фотосинтеза и наилучшим образом использовать их на процессы формирования урожая.

Для всех растений важное значение имеет повышение на

генетическом уровне активности процессов усвоения азота и синтеза белков, а также наилучшего распределения образующих ассимиляторов на последовательное формирование, в начале питающих, затем репродуктивных и запасающих органов, и наконец, на процессы созревания, отложения запасных веществ.

По мнению А.Л.Курсанова (1976), элементы минерального питания участвуя в широком круге метоболических реакции, влияют на транспорт ассимилятов. Это по видимому связано с явлением авторегуляции. Во – первых, присущее растениям онтогенетическим циклом и с последовательными переходами из одной фазы в другие, а также общей закономерностью сезонных циклов, в которых растения в начале усиленно используют продукты фотосинтеза на рост питающих органов, в первую очередь корней, затем листьев и связывающих те и другие – осевых органов. Вслед за тем наступает фаза формирования продуктивных органов при продолжающем росте (хотя и затухающем).

Однако, в посевах возникают дополнительные факторы авторегуляции, по сравнению с теми, действию которых подвергаются одиночные растения. Это то, что определяется, как ценотическое взаимодействие растений или конкуренция растений за условия жизни. На ранних фазах роста и развития, до смыкания посевов, это главным образом конкуренция за факторы почвенного плодородия – воду, элементы минерального питания, кислород.

В дальнейшем, по мере роста растений и уплотнения посевов, конкуренция – за свет, проникающий внутрь посева, углекислый газ, переносимую из масс воздуха – возрастает. При этом, наиболее чувствительной и лабильной функцией формирования посевов (фитоценозов) является площадь листьев. Увеличение площади листьев увеличивает конкуренцию за воду, питание, свет, что ускоряет переход в следующую фазу вегетации, с ущербом для урожая. Это можно будет наблюдать при повышении густоты стояния растений в посевах.

В то же время, повышение урожая зависит от увеличения размеров листового аппарата растений, площади листьев. До фазы бутонизации-цветения нарастает интенсивность ассимилятов в плодородные и корневую систему. Комплексная обеспеченность необходимыми факторами – основная функция зеленого растения, что позволяет устранить депрессию фотосинтеза и значительно повысит продуктивность растительного организма.

Нужно отметить, что зависимость урожая от возрастного содержания элементов минерального питания не прямолинейна. Эффективность минерального удобрения зависит от реакции почвенной среды и содержания элементов в почве. Так, при содержании фосфора 6 мг. в 100 граммах почвы доля урожая составила 55 процентов, а при содержании более 10 мг. фосфора на 100 граммов почвы составило 64-65 процента.

Исследованиями показано (Чиков, 1987), что азотная подкормка на ранних этапах развития резко (в два раза) снизила интенсивность фотосинтеза. Увеличение синтеза, в корнях, органических соединений азота происходит только при достаточном снабжении их продуктами фотосинтеза (ассимилятами), а при недостатке ассимилятов (при затенении листьев) содержание не меняется. Исследованиями показано (Назаров, 1980), что при подкормке хлопчатника, в начале вегетации азотом, в нитратной форме, обеспечивало поступление продуктов фото-

синтеза в корневую систему. Здесь же, происходило активное образование аминокислот из ассимилятов (продуктов фотосинтеза). Однако при аммиачном питании растений на ранних этапах развития этого не происходит. Перестройка фотосинтетического метаболизма углерода под действием азотного питания в значительной мере связана с функцией экспорта ассимилятов из фотосинтезирующей клетки.

В то же время, в действии на процесс фотосинтеза разных форм азота, есть определённая специфика. Так, на основании опытов показано, что на ранних этапах развития растений интенсивность фотосинтеза была выше при нитратном, а в конце фазы бутонизации наблюдалась, обратная картина, интенсивность фотосинтеза была выше при аммиачном питании,

когда увеличился отток продуктов фотосинтеза из листьев в корневую систему.

Для хлопчатника важно (Ничипорович, 1977), придание ему, при существенном изменении темпов его роста, развития, морфогенеза с четким распределением во времени процессов: первичного интенсивного вегетативного роста, для образования системы хорошо развитых питающих органов. Затем, по возможности, в кратчайше сроки обеспечить период интенсивного формирования плодоземелентов и коробочек.

Р. НАЗАРОВ,
Заслуженный работник
сельского хозяйства
Республики Узбекистан,
Д.С.Н., профессор.

ЛИТЕРАТУРА

1. Тимирязев К. А. *Солнце, жизнь и хлорофилл*. Изб. Соч. том 1. – Сельхозгиз, 1948.
2. Ничипорович А. А. *Теория фотосинтетической продуктивности растений*. Сб. Физиология растений. т.3. М., – 1977. – Стр. 11-55.
3. Курсанов А. Л. *Транспорт ассимилятов в растений*. – М.: Изд. Наука, 1976. – Стр. 3-646.
4. Ничипорович А.А. *Энергетическая эффективность фотосинтеза и продуктивность растений*. – Пушино, 1977. – Стр. 3-77.

УДК 633.511:581.169:631.523

СОЗДАНИЕ И ВЫДЕЛЕНИЕ СЕЛЕКЦИОННО-ЗНАЧИМЫХ ГИБРИДОВ F_1 - F_2 ПО ПРИЗНАКУ ВСЕГО КОРОБОЧЕК НА РАСТЕНИИ

The article provides an analysis of the research results, on the basis of which conclusions are drawn on the established genetic laws of variability, inheritance and heritability of the characteristic “total bolls on a plant, as of 03.09.2018,” in linear-variety hybrid combinations F_1 - F_2 of cotton of the species *G.hirsutum* L .

Перед научным сообществом стоит проблема, в ближайшие годы провести модернизацию научных исследований, связанных с вопросом ускоренного создания и внедрения в производство новых, отвечающих современным мировым требованиям производства сортов хлопчатника с качественным волокном фермерские хозяйства. Наиболее приоритетным направлением является сохранение экологической безопасности в зонах хлопководства Узбекистана, а также повышение рентабельности основной отрасли сельского хозяйства – хлопководства.

Количественная генетика различного происхождения гибридов изучалась с целью создания идеального генотипа, который обладал бы качеством волокна вида *G. barbadense* L. и урожаем вида *G. hirsutum* L., а также обладали ультраскороспелостью и высокой продуктивностью хлопка-сырца. Трудности заключались в недостатке информации о числе и местоположении генов, управляющих этими признаками в пределах генома.

Размер раннего урожая хлопка-сырца зависит от скороспелости сорта или линии, их потенциальной продуктивности, темпов плодоношения и степени дружности раскрытия коробочек. Результаты исследований свидетельствуют, что сорта, давшие наибольшую урожайность, характеризуются скороспелостью, количеством и массой хлопка-сырца коробочки.

Величина коэффициента наследуемости признака главный критерий эффективности отбора и имеет большое значение для селекции. Коэффициент наследуемости отражает ту долю фенотипической изменчивости, которая обусловлена генотипической неоднородностью популяции.

Исполнителем в 2018 году проведены полевые исследования

в рамках прикладного проекта КХА-КХ-2018-135 финансируемого Министерством инновационного развития Республики Узбекистан, в полевых условиях производственного отдела научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ), Ташкентской области, при этом использовалась общепринятая агротехника возделывания хлопчатника для данной зоны.

Полевой опыт закладывался в условиях 2018 г., рендомизированными блоками в 3-х кратной повторности, при этом в уравнительном посеве участвовали все исходные формы участвующие в гибридизации и сортолинейные гибриды F_1 - F_2 , при этом каждое растение перед проведением морфобиологического описания этикетировалось и оно проводилось по каждому растению индивидуально. С тем, чтобы определить величину признака «продуктивность хлопка-сырца одного растения» урожай хлопка-сырца с каждого проводился индивидуальными отборами на 15 сентября 2018 года.

Величину показателя доминантности (h_p) у гибридов F_1 определяли по формуле приведенной в работе BeilAtkins [7], коэффициент наследуемости (h^2) у гибридов F_2 определяли по формуле приведенной в работе R.W.Allard [6], статистическая обработка результатов исследований проводилась по Б.П.Доспехову.

Среди сортов отечественной селекции, используемых в исследованиях наибольшим средним значением признака «всево коробочек, на растении, на 15.09.2018 г.» обладал сорт Наманган-102, у которого она равнялась величине 19.3 коробочки. Высокие значения признака отмечены также, и у

линий Л-288 и Л-374, у которых среднее значение соответственно находилось на уровне 18.8 и 19.2 коробочки.

Анализируя результаты исследований, среднее значение признака «всего коробочек на растении, на 15.09.2018 г.» у гибридов F_1 укладывается в пределы от 19.59 коробочек у гибрида Л-288 х Наманган-102 до 20.95 у гибрида Л-976 х С-6575.

Анализируя величины стандартного отклонения (δ) и коэффициента вариации ($V\%$) у родительских форм и гибридов F_1 в 1.5-2 раза ниже, нежели чем у гибридов F_2 , что позволяет в свою очередь говорить о том, что сорта используемые в гибридизации отличаются высокой сортовой чистотой, а гибриды F_1 - единообразием. Данный вывод подтверждается и результатами анализа вариационных рядов, где у всех без исключения родительских форм и гибридов F_1 распределение растений со значениями указанного признака укладывается в 3 класса, тогда как у гибридов F_2 в 8 и более классов.

Величины показателя доминантности (h_p) позволяют говорить о том, что у всех гибридных комбинаций F_1 по признаку «всего коробочек на растении, на 15.09.2018 г.» отмечен эффект гетерозиса, что имеет не маловажное значение при селекции на вышеназванный признак. Основное число растений гибридов F_2 размещено в вариационных рядах, как это видно из таблицы 1 в классах от 12 до 32 коробочек. Наибольший интерес представляют растения, размещенные в правой части вариационных рядов и имеющие 21 и более коробочек на одном растении. При этом, как видно из таблицы 1 признак в F_2 наследуется на высоком уровне, а значение коэффициента наследуемости (h^2) укладывается в пределы от 0.66 у гибрида F_2 Л-288 х Наманган-102 до 0.93 у гибрида F_2 Л-976 х Наманган-102.

Следовательно, у селекционера имеется возможность, начиная

с F_2 отбирать растения с высокой генетически обусловленной величиной признака «всего коробочек на растении, на 15.09.2018 г.».

На основании проведенного анализа результатов исследований, сделаны следующие выводы:

наилучшей величиной анализируемого признака обладали линии Л-288, Л-374 и сорт Наманган-102 использованные в гибридизации;

средняя величина признака у гибридов F_1 находится на более высоком уровне, нежели чем у гибридов F_2 и укладывается в пределы от 19.6 до 21 коробочки;

- у всех гибридов F_1 анализируя величину показателя доминантности (h_p) установлен эффект гетерозиса, величина которого укладывается в пределы от 1.8 у гибрида F_1 Л-374 х С-6575 до 31.0 у гибрида F_1 Л-374 х Наманган-102, следовательно все гибриды могут использоваться в дальнейшем в качестве перспективного селекционного материала;

основное количество растений в F_2 размещено в вариационных рядах в пределах от 12 до 26 коробочек;

- так как величина коэффициентов наследуемости (h^2) укладывается в пределы от 0.66 до 0.94, то признак наследуется на высоком уровне, что позволяет говорить о высокой генотипической обусловленности признака и возможности отбора растений с повышенным числом коробочек на растении, начиная с F_2 .

А. РАВШАНОВ,

к.с/н., с.н.с.,

В. АВТОНОМОВ,

д.с/х., проф.,

А. АШИРКУЛОВ,

к.с/х.н., с.н.с.,

А. КУРБОНОВ,

д.ф.(PhD), с.н.с.,

НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1979 г.
2. Светашев А.Т. Старые и новые промышленные селекционные сорта хлопчатника. // В кн.: Справочник по хлопководству. – Ташкент: СоюзНИХИ, 1937. - С.105-138.
3. Симонгулян Н.Г., Мухамедханов С., Шафрин А. Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника. - Ташкент: Мехнат, 1987. - С. 3-317.
4. Страумал Б.П. Сорта хлопчатника с основами селекции. // –Ташкент: Фан, 1974. – С. 215.

УЎТ:635/634.7

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ЕРЛАРДА ҒЎЗА ВА ҲАМКОР ЭКИНЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ

The article considers the cultivation of cotton of Andijan-37 grade cotton and shrub crops, shade and other types of cultivated crops in the sowing conditions of the Syrdarya region with low productivity, sowing soil, simultaneously cultivating two types of crops on the same agrotechnical basis, using land, water, fertilizers and other sources. information on the impact of cereal crops on the productivity of cotton, on the productivity of cooperative crops using the annual standard N-200, R-140, K-100 kg / ha of fertilizers.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ўта муҳим масаладир. Шунинг учун шўрланиш жарёнларининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш энг долзарб масала ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар ПСУЕАИТИнинг Сирдарё филиалида олиб борилди. Дала тажрибалари ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (СоюзНИХИ, 1963), «Методика по-

левых опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981) ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПТИ 2007) услубий қўлланмасига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади — унумдорлиги паст, шўрланишга мойил тупроқлар шароитида, бир пайтда икки хил экин экиб, бир хил агротехника асосида ҳосил етиштириб, ер, сув, ўғит ва бошқа манбалардан фаол фойдаланиш, кўпроқ ҳосил, фойда олиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобланади.

Тупроқнинг шўрланишида сизот сувларининг минераллашув даражаси ва жойлашув чуқурлиги алоҳида ўрин тутди. Маълумки, кўп

йиллик илмий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, сизот сувлари ер сатҳига нисбатан 2 м. дан юқори жойлашганида шўрланиш жараёни анча тез кечади. Шунинг учун ҳам вилоятнинг барча деҳқончилик қилинадиган майдонларида ероти сизот сувларининг сатҳининг 2 м дан пастда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сизот сувлари қанчалик ернинг устки қатламига яқин жойлашса, шунчалик унинг таркибидаги тузларнинг юқорига кўтарилиши фаол кечади. Маълумотларга қараганда, тажриба майдонида сизот сувлари сатҳи 1 майда 3 та қайтариқдан ўртача 50 см, 10 майда 62,5 см, 20 майда 68,3 см, 30 майда 58,7 см, 10 июнда 61 см, 20 июнда 110,7 см, 30 июнда 157,3 см, 10 июлда 105,3 см, 20 июлда 169 см, 30 июлда 213,7 см, 1 августда 122,7 см, 10 августда 157 см, 21 августда-172 см, 31 августда 198 см, 10 сентябрда 228 см ва 20 сентябрда 252 см чуқурликда жойлашганлиги аниқланган. Бу хилдаги минераллашган сизот сувлар сатҳини албатта азэрация чуқурлигини пастда сақлаб туриш керак. Баҳорда ғўза даласида сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори хлор иони-1,54 г/л, умумий ишқор-0,37 г/л, сульфат-5,36 г/л, кальций-0,554 г/л, магний-0,459, натрий +калий 1,693 г/л ва куруқ қолдиқ миқдори 11,87 г/л ни ташкил этган бўлса, ҳамкор экинлар даласида юқоридагиларга мос ҳолда 1,48; 0,32; 5,33; 0,542; 0,444; 1,681 ва 11,75 г/л ёки ғўза далага нисбатан ўртача шўрланганда хлор иони 0,06 г/л; умумий ишқор-0,05 г/л, сульфат-0,03 г/л, кальций-0,012 г/л, магний-0,015, натрий+калий 0,012 г/л ва куруқ қолдиқ миқдори 0,12 г/л юқорилиги кузатилди.

Тупроқ намлиги ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этувчи кўрсаткичлардан биридир. Намлиқни ўзгартириш билан ўсимликнинг илдизи ва ерустки қисмининг ривожланишини бошқариш мумкин бўлади. Олиб борилган тажриба кузатувларида суғориш муддати ва меъёрини белгилаш учун тупроқ намлигини ҳисобий қатламларда, яъни ўсимлик униб чиққандан гуллаш фазасигача ва пишиш даврида 0-70 см қатламдан, гуллаш-ҳосил тўплаш фазаси даврида эса 0-100 қатламдан аниқланди.

Суғоришолди тупроқ намлигини аниқлаш учун ҳар 10 (0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100) см дан тупроқ намуналари олинди (термостатда) куриштидан олдин ва куритилгач, ВЛТК-500 тарозисида тортилиб ва кундуз соат 11.00 дан кечки 15.00 оралиғида ғўзанинг тепа қисмидан учинчи баргидан 3-10 тагача барг олинди, махсус баргсикич билан баргнинг ширасини чиқариб, қўл рефрактометрига қўйилиб, унинг кўрсаткичлари аниқланиб ёзиб борилди ва суғоришолди тупроқ намлиги билан қиёсий таққослаб борилди ва белгиланган суғоришолди тупроқ намлиги тартибига ва қўл рефрактометри (ХШК) маълум бир кўрсаткичларга келганда сув олинди.

Ғўза ҳамкор (мош, соя, ерёнғок) экинларини шўрланишга мойил бўлган далада суғориш олдидан тупроқ намлигини дала нам сифимига нисбатан 70-70-60 фоиз тартибда сақлаб туриш учун ғўзани амал даврида 2 маротаба суғориш талаб этилди. Ҳар суғоришда гектарига 1235-1125 кубометр сув сарф этилди. Мавсумий суғориш меъёри эса 22360 м³/га ни ташкил этди.

Тажриба майдонида экилган чигит ва ҳамкор экинларни униб чиқиши 7-8 кунни ташкил қилди. Чигитларнинг униб чиқишини кузатиш натижаларига кўра, 5 майда 84,2% ни ташкил қилди. Тажриба майдонида экилган соянинг униб чиқишини аниқлаш мақсадида дала шароитида 2 метрли ўлчагич ёрдамида кузатув ишлари олиб борилди. Кузатув натижаларига кўра 20 майда 87,2% ни, мош 88,4% ва ерёнғок 74,5% ташкил қилди.

Тажрибада ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши устида олиб борилган фенологик кузатишлар маълумотларига қараганда, тупроғи шўрланишга мойил бўлган далада ғўзанинг ўсиб ривожланиши ҳамкор экинлар экилганда бирмунча яхши бўлиб, унинг бўйи ғўза яқка ўзи ёнма-ён экилганга нисбатан баланд бўлганлиги кузатилди. Июл ойининг бошига келиб, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишида фарқ бор,

айниқса, ғўза орасига мош, соя ва ерёнғок экинлар экилганда унинг бўйи 5-6 см, ҳосил шохлари эса ўртача 1,3-1,5 донага кўп бўлди. Бу хилдаги қонуният, яъни ғўза орасига бошқа экинлар экилганда ғўзанинг яхши ўсиб ривожланиши август ва сентябр ойларида ҳам кузатилди. Шунингдек, ҳамкор экилган дуккакли дон экинлари, ҳам яхши ривожланганлиги кузатилди. Илдизмевали ва дуккакли дон экинлар, ҳамкорликда экилиб, ғўза агротехникаси асосида етиштирилганда мош ва соя бошқа экинларга (мош, соя ва ерёнғок) нисбатан яхши ўсиб ривожланганлиги аниқланди.

Ғўза ҳамда ҳамкор экинлар мош, соя ва ерёнғок экилган майдончаларда 11,1 п/м да аниқлаш ўтказилганда, амал даври охирига келиб, кўчат қалинликлари гектарига ўртача ғўзада 73,0 минг тупни ҳамда ҳамкор экин мошда 117,7 минг туп, сояда 107 минг тупни ва ерёнғокда 46,7 минг тупни ташкил этди.

“Андижон-37” ғўза нави ҳамкор экин билан экилган далада 26 июнь ҳолатига 54,8% ўсимликда гуллаш фазаси бошланганлиги кузатилган бўлса, ҳамкор экинсиз экилган “Ан-Боёвут-2” навида бу кўрсаткич 52,3% ни ташкил этди. Шунингдек, охириги кузатув муддати 24 август ҳолатига ҳамкор экин экилган далада 82,6% ўсимликда кўсақлар қийғос очилган бўлса, “Ан-Боёвут-2” навида 80,2% ни ташкил этганлиги кузатилди.

Ҳар қайси терим олдидан тажрибанинг барча қайтариқ ва кўринишлари бўйича ҳисоб майдонидаги белгиланган 50 та ўсимликдаги пахталар ҳосили териб олинди, битта кўсақдаги пахта вазни аниқланди. Теримлар бўйича битта кўсақдаги пахта вазни “Ан-Боёвут-2” навида 5,4 грамм, “Андижон-37” навида 6,2 граммни ташкил этди.

Фермер хўжалигида қўлланилаётган у ёки бу агротехник омилнинг якуний самарадорлиги ҳосилдорлик кўрсаткичи билан баҳоланади. Шунинг учун тажрибада ғўзага N-200, P-140, K-100 кг меъёрида қўллашда назорат “Ан-Боёвут-2” навидан 22,2 ц/га ҳосил олинган бўлса, ғўза ҳамкор экин (мош, соя, ерёнғок) экилган далада 24,0 ц/га пахта ҳосили териб олинди ёки “Ан-Боёвут-2”га нисбатан 1,8 ц/га кўшимча ҳосил олинди. Шунинг билан бирга ҳамкор экин сифатида экилган мош, соя ва ерёнғок ўсимлигининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири битта ўсимликдаги дуккаклир сони мошда 24,8 дона, дон сони 34,3 дона, дон оғирлиги 7,5 грамм ва 1000 дона дон вазни 52,5 граммни, сояда юқоридагиларга мос ҳолда 21,1; 36,2; 8,9; 145,2 ва ерёнғокда 22,1; 28,4; 6,4; 167,7 граммдан иборат бўлган. Ғўза билан ҳамкор экин мошдан 16,4 ц/га, соядан 11,8 ц/га ва ерёнғокдан 6,7 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Хулоса: Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида шўрланишга мойил далада ғўзанинг “Ан-Боёвут-2” нави назорат ва “Андижон-37” навини ҳамкор (мош, соя, ерёнғок) экинлари билан парваришlash жараёнида қуйидагича хулоса қилинди:

–ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзага маъдан ўғитларни N-200, P-140, K-100 кг меъёрида қўллаб, гектарига ҳар суғоришда гектарига 1235-1125 кубометр сув сарф этилиб, мавсумий суғориш меъёри эса 22360 м³/га да назорат “Ан-Боёвут-2” навидан 1-теримда 22,2 ц/га ҳосил олинган бўлса, ғўза ҳамкор экин (мош, соя, ерёнғок) экилган далада 24,0 ц/га пахта ҳосили териб олинди ёки “Ан-Боёвут-2”га нисбатан 1,8 ц/га кўшимча ҳосил олишга эришилди.

–ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзага маъдан ўғитларни N-200, P-140, K-100 кг меъёрида қўллашда ғўза билан ҳамкор экин экиб, мошдан 16,4 ц/га, соядан 11,8 ц/га ва ерёнғокдан 6,7 ц/га ҳосил олишга эришилди ва мош ҳамда соянинг анғиз қолдиқлари ҳисобига тупроқ унумдорлиги ошишига эришилди.

Д.ШАДМАНОВ,

қ.х.ф.н.,

Х.БЕКМУРОДОВ,

таянч докторант ПСУЕАИТИ,

Ж.ДУСТОВ,

магистр, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Patil S.B., Sheelavante M.N. Studies on intercropping in chillicotton mixed cropping. Growth, yield and yield components of intercrops chilli and cotton. Mysore I., agr. Se 1988. 22. 1, 6-14.

2. Hoshy A.A., Mohammad H.M.H. Vassen A.I.H. Effect of intercropping maize and cotton on yield components of Giza 2 meize Vazicity and Giza 80 cotton Vazicity. Ann. agr, Se 1989. 34, 1, 47-61.

ЃЎЗАНИНГ ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРИДА ТОЛА ЧИЌИМИ ВА ТОЛА УЗУНЛИГИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

In the paper listed results of formation of fiber output and fiber length among the new cotton lines developed on the basis of ecology-geographically distant hybridization. It was determined that ecology-geographically distant hybridization is effective method in selecting progenies with high fiber output and fiber length. Selected cotton lines with high quality fiber output and fiber length were recommended to genetic-breeding investigations.

Маълумки, ғўза асосан енгил саноатнинг қимматли хомашёси – тола олиш учун экилади. Толанинг пахта хомашёсидаги фоизи барча экин майдонидан олинадиган тола ҳосилдорлигини кўрсатишга асосий мезон ҳисобланади. Ѓўзанинг экологик ва генетик келиб чиқиши бўйича кескин фарқланадиган ҳар хил тур ва кенжа турларни частиштириш асосида олинган намуналарни ҳар хил навлар билан қайта частиштириб, тола сифати халқаро андозаларга жавоб берадиган янги тизмалар олиш мумкинлиги аниқланган.

Ѓўзанинг пахта тола сифат белгиси ирсиятини, ишлаб чиқариш учун фойдали бўлган белгилар билан, бойитишда генетик жиҳатдан узоқ бўлган ёввойи, яримёввойи турларни маданий навлар билан частиштириш орқали дурагайлар олиш, улардан янги навлар яратишда фойдаланиш юзасидан жуда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган (Culp T.M., Harel D.C., 1973; Wali M., Anvar M.M., Latif S.A., 1974; Ynnis N.Z., 1975; Пулатов М., Эгамбердиев А., 1987; Пулатов М., 1992; Абдуллаев А.А., Клят В.П., Ризаева С.М., 2006).

Маълумки, яратиладиган янги ўрта толали ғўза навларида тола чиқими ва тола узунлиги юқори бўлиши хўжалик учун аҳамиятга молик белгилар ҳисобланади. Чунки ғўза экини асосан толаси учун етиштирилиб, аксарият олимлар тадқиқотларида тола чиқимини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ, бу борадаги тадқиқотларни узлуксиз олиб бориш зарур бўлиб, юқори тола чиқими эга навларни яратиш долзарб ҳисобланиб келмоқда. Муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб, изланишларимизда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайли юқори авлодларида тола чиқими белгисининг шаклланиш жараёни ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилди (1-жадвал).

1-жадвал. Янги ғўза тизмаларининг тола чиқими ва тола узунлиги белгилари бўйича кўрсаткичлари

№	Тизмалар	Тизмаларнинг келиб чиқиши	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм
			X±Sx	X±Sx
1	T-397/00	Л-842	36,8±0,4	35,7±0,7
2	T-535/38	--/--	36,2±0,6	35,2±0,5
3	T-609/12	F ₁₀ BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15 x C-6524	37,4±0,7	34,2±0,5
4	T-450/51	--/--	37,0±0,6	34,7±0,4
5	T-184/89	F ₁₀ BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15 x C-6530	37,2±0,5	34,0±0,5
6	T-755/58	F ₁₀ BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15 x C-6532	37,0±0,7	34,1±0,5
7	T-387/90	F ₆ C-6530 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	38,1±0,6	33,8±0,7
8	T-213/16	F ₆ C-6524 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	36,3±0,8	35,8±0,6
9	T-221/24	--/--	38,7±0,9	33,6±0,5
10	T-563/70	F ₆ C-6532 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	39,0±0,4	34,8±0,6
11	T-521/24	--/--	38,4±0,9	34,5±0,7
12	T-765/68	--/--	38,1±0,5	34,9±0,5
13	T-483/84	F ₆ 9871-И x BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	38,6±0,8	34,9±0,7
14	T-285/89	F ₆ Турон x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	37,5±0,6	36,2±0,6
15	T-567/70	--/--	37,9±0,7	36,0±0,5
16	T-793/96	--/--	37,2±0,8	34,8±0,4
17	T-9/18	BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	36,7±0,6	34,1±0,3
18	T-25/28	--/--	37,5± 1,0	33,0±0,9
19	T-527/28	BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	38,6± 0,8	35,4±1,0
20	T-29/32	--/--	37,0± 0,7	35,2±0,9
21	T-85/86	F ₆ Бухоро-8 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	38,7±0,9	35,6±0,5
22	T-533/34	--/--	38,0±0,4	34,8±0,6
23	T-691/94	--/--	38,4±0,9	34,5±0,7
24	Андоза-St	C-6524	36,4±0,2	34,2±0,3

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, тола чиқими белгиси тизмаларда юқори кўрсаткичга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. T-563/70, T-221/24, T-521/24, T-483/84, T-527/28, T-85/86 ҳамда T-691/94 тизмаларида андоза навга ва қолган тизмаларга нисбатан тола чиқими юқори (тегишли равишда 38,4% дан 39,0% гача) эканлиги қайд этилди. Тола чиқими белгиси бўйича энг паст натижа (36,2-36,3%) T-535/38 ва T-213/16 тизмаларида кузатилди. Қолган барча тизмаларда нисбатан андоза навдан устун ёки андоза даражасида эканлигини кўришимиз мумкин. Эслатиб ўтамиз, андоза C-6524 навининг тола чиқими 36,4% ни ташкил этди. Энг юқори тола чиқими кўрсаткичи 39,0% T-563/70 тизмасида кузатилди.

Шунингдек, тадқиқотларимизда чигитида (+)-госсипол миқдори турлича эколого-географик ва генетик узоқ янги ғўза тизмаларида тола узунлиги белгисини шаклланиш жараёни ўрганилди ва олинган натижалар таҳлил этилди (1-жадвал).

Олинган маълумотларга кўра, тола узунлиги белгиси бўйича тизмаларда кўрсаткичлар ижобий бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, келиб чиқиши F₆ Турон x BC₃S₁-47-8-1-17 популяциясидан ажратиб олинган иккита T-285/89 ҳамда T-567/70 тизмаларда белги бўйича яққол андоза навдан анча устун (36,0 ва 36,2 мм) эканлиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, андоза C-6524 навининг тола узунлиги 34,2 мм ни ташкил этди. Тола узунлиги белгиси бўйича нисбатан паст натижа T-25/28 (BC₃S₁-47-8-1-17), T-221/24 (F₆ C-6524 x BC₃S₁-47-8-1-17) тизмаларида кузатилиб, тегишли равишда 33,0 мм. дан 33,6 мм. гача кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Тола чиқими бўйича дисперсия кўрсаткичлари борасида ҳам барча ўрганилган тизмалар андоза навга нисбатан паст кўрсаткични, яъни белги бўйича барқарор эканлигини намоён этишди. Белгининг ўзгарувчанлик коэффициентлари кўрсаткичлари ҳам деярли барча ҳолларда андоза навдан юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. Тадқиқотларимиз асосида ажратиб олинган ғўзанинг юқори тола чиқими эга T-563/70, T-221/24, T-521/24, T-483/84, T-527/28, T-85/86, T-691/94 тизмалари ҳамда тола узунлиги белгиси бўйича келиб чиқиши F₆ Турон x BC₃S₁-47-8-1-17 популяциясидан ажратиб олинган T-285/89 ва T-567/70 тизмалари генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

И.АМАНТУРДИЕВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Ш.НАМАЗОВ,
қ.х.ф.ф.д., проф.,

Б.НИЯТОВ,
к.и.и. х.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Кимсанбоев О.Х. Селекция хлопчатника на скороспелость, выход и качество волокна.: Автореф. Дис. док. с-х. наук. Т. УзНИИССХ, 2008, 41 с.

2. Эгамбердиев А.Э., Алиев А.И., Григорьев С.В., Матёкубов Х. Роль дикорастущих видов хлопчатника в селекции // В.сб.: Вопросы генетики, селекции и семеноводства хлопчатника. Ташкент, 1992. С. 3-10.

3. Мирзарасулов М. Генетическая оценка линий хлопчатника полученных путём отдалённой гибридизации.: Автореф. Дисс. к.с.х.н. – Ташкент, 1998.– 17-20 с.

4. Иксанов М., Ашуров М., Ѓўзанинг ингичка толали навларида тола чиқимини ошириш селекцияси. //Ѓўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами. – Тошкент, 1995.- 76-79 Б.

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ЎРГАНИЛГАН ТИЗМАЛАРДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

In this article presents information about the characteristic features of wild and semi-wild forms and lines of cotton with participation on varieties US breeding of agronomic valuable traits and fiber quality in average saline soil conditions.

Пахтачиликда янада юқори натижаларга эришиш тола ҳосили ва сифати юқори, шунингдек, шурланган ерлар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, яъни комплекс ижобий белгиларга эга бўлган янги ғўза навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шуларни инобатга олган ҳолда шўрга чидамли ғўза навларини яратиш ғояси олимлари томонидан ўтган асрнинг 80-йиллар ўртасида кўтарилди ва биз бевосита Сирдарё вилоятининг ўртача шўрланган майдонларида илмий изланишлар олиб бордик. Бизнинг илмий изланишларимизда ёввойи ва яримёввойи турлар *Gossypium thurberi* Tod., *G. hirsutum* L. ssp. *punctatum*, *Gossypium hirsutum* L. ssp. *yucatanense* шакллари иштирокида олинган тизмалар ва уларни чаптиришдан олинган дурагайлар бошланғич ашё сифатида ишлатилди ва ғўза дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг намён бўлиши ва ўзгарувчанлиги бевосита шўрланган тупроқлар шароитида ўрганилди. Ушбу йўналишда деярли 30 йил давомида олиб борилган илмий изланишлар маҳсули сифатида эртапишар, йирик қўсақли ва комплекс юқори кўрсаткичларга эга бўлган ғўза тизмалари яратилди.

Шўрланишга чидамликни баҳолашда тадқиқотларимизда асосий эътиборни селекцион кўчатзорга қаратдик (1-жадвал). Ўрганилган тизмалар чигит сифат кўрсаткичлари ва селекция учун муҳим бўлган қимматли хўжалик белгилари жадвал маълумотларидан кўришиб турибди. Олиб бораётган тадқиқотларимизда бу тизмалар келажакда алоҳида ўрганилади ва танлов ишлари сифат ҳамда миқдорий белгиларга қаратилади.

Ўрганилган ушбу тизмалар бошқаларга нисбатан лаборатория ва дала унвчанлиги, бир дона қўсақдаги пахта вазни, тола чиқими, тола узунлиги белгилари бўйича устунлиги учун ажратиб олинди. Изланишлар давомида тизмаларнинг бугунги кун талабига жавоб бериши уларнинг тола технологик кўрсаткичлари таҳлилидан ҳам кўрсак бўлади.

Пахта толасидан 100 дан ортиқ ҳар хил турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Пахта толаси тўқимачилик, қоғоз, химия, мебелсозлик, машинасозлик саноатида кенг қўлланилади. Тола чиқими чигит оғирлигига, чигитдаги толанинг абсолют оғирлигига,

чигитдаги тола сонига, тола сифатига ва унинг индексига боғлиқ.

Ажратиб олинган нав ва тизмаларни «Агросаноат мажмуасида хизмат кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасида тола технологик кўрсаткичларининг таҳлили (ўртача намунада)

Толанинг технологик кўрсаткичлари юқорида айтиб ўтганимиздек, «Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази»да аниқланди. Тажрибалардан териб олинган 131 та ўртача намуналар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агрорасаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаши устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агрорасаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасида таҳлил қилинди. Ушбу 131 та намунанинг тола технологик кўрсаткичлари андоза С-6524 ва «Ан-Боёвут-2» ғўза навларига таққослаб ўрганилди. Селекцион кўчатзордан ажратиб олинган тизмаларни тола технологик кўрсаткичлари тўлиқ IV-типга жавоб беришини таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкин (2-жадвал).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қўйилган талаблар ўрта толали ғўзада тола сифати IV-типга мос, юқори тола чиқими ва чигит сифатига эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Биз тажрибаларимизда асосий эътиборни юқоридаги кўрсаткичларга қаратган ҳолда тола сифат

1-жадвал.

Селекцион кўчатзорда тизмаларга чидамлик потенциали бўйича баҳолаш. (намунада)

т/р	Нав ва дурагай комбинация номи	Лаборатория унвчанлиги, %	Дала унвчанлиги, %	Эрта пишарлик (кун)	1 дона қўсақ пахта вазни (г)	Тола чиқими (%)	Тола узунлиги, (мм)	Ҳосил шохлари сони (дона)	1 ўсимликдаги қўсақлар сони (дона)
1	СГ-7	92,0	73,3	116	7,0	39,0	37,4	15	24
2	СГ-6	93,0	77,8	118	6,9	38,4	36,2	18	25
3	(СГ-1xИК-2) x (Нам77xСГ-1)	94,0	82,2	114	7,5	38,2	36,0	18	19
4	(СГ-1 x ИК-1) x DPL-61	95,0	83,3	114	7,2	38,8	36,0	11	25
5	(yucatanense x punctatum) x СГ-6	96,0	76,7	120	6,8	38,1	38,0	18	36
6	(СГ-6 x СГ-1) x yucatanense	95,0	76,7	114	6,9	40,0	35,8	14	16

кўрсаткичлари бўйича ҳам танловлар олиб бормоқдамиз. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижаси асосида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Стресс омилларга бардошли навлар яратишда селекциянинг бошланғич ишларини ушбу шароитларда олиб бориш, дурагайлашда навлар, тизмалар ва ёввойи ҳамда рудераль шаклларнинг келиб чиқиш марказларига эътибор бериш яхши самара бериши исботланди.
2. Тадқиқотлар натижасида чигит сифати ва қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган СГ-7, СГ-6, (СГ-1 x ИК-2) x (Нам77 x СГ-1), (СГ-1 x ИК-1) x DPL-61, (yucatanense x punctatum) x СГ-6, (СГ-6 x СГ-1) x yucatanense ажратиб олинди.

3. Шўрга чидамли навлар яратишда ёввойи, рудераль ва АҚШ селекциясига мансуб навларни чаптириш, бошланғич бўғинларда танлов ишларини толанинг сифат кўрсаткичларига қаратиш юқори тола сифатига эга навлар яратиш имкониятини оширади.

О.ҚҶҚОРОВ,
қ.х фанлари номзоди,
Ш.ШАРИПОВ,
илмий ходим,
М.ЭШОНҚУЛОВ,
таянч докторант,
Б.НОРОВ,
таянч докторант,
ПСУЕАИТИ.

т/р	Дурагай комбинация номи	Мис (Микро-нейр)	Str (Солиш-тирма узилиш кучи) г.куч/текс	UHML (Юқори ўртача узунлик) дюйм
1	Жами: 131 та намунада ўртача кўрсаткич	4,5	36,6	1,20
2	st.C-6524	4,6	36,9	1,14
3	st.Ан-Баяут-2	4,7	33,7	1,17
4	СГ-7	4,1	39,0	1,21
5	СГ-6	4,2	38,7	1,30
6	(СГ-1xИК-2) x (Нам77xСГ-1)	4,3	36,8	1,20
7	(СГ-1 x ИК-1) x DPL-61	4,4	38,0	1,26
8	(yucatanense x punctatum) x СГ-6	4,0	33,4	1,22
9	(СГ-6 x СГ-1) x yucatanense	4,1	36,1	1,23

ЃЎЗАНИНГ G.BARBADENSE L. ТУРИГА МАНСУБ F₂ ЎСИМЛИКЛАРИДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ОРАСИДАГИ ЎЗАРО БОЃЛИҚЛИК

In results of interlink age of agronomic valuable traits in the hybrids F₂ G.barbadense L. are presented in this article. The studied combinations of hybrids are remarked by their high indexes on the agronomic valuable traits and within most of the agronomic valuable traits were observed positive in weak and average degree of correlation. This promotes to develop the fine staple cotton varieties with superior indexes of agronomic valuable traits.

Кейинги йилларда дунё миқёсида экологик мувозанатнинг глобал равишда ўзгариши, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун, турли стресс омилларга бардошли, ҳосилдор ва тола сифати юқори бўлган янги ғўза навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори ҳамда бошқа хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга навларини яратишда ғўзанинг дунёвий генофондидаги ёввойи ва яримёввойи турлари потенциалидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Ҳар қандай ўсимликдаги қимматли хўжалик белгилари ўртасида коррелятив боғлиқликларни ўрганиш ва уларни селекция ишларида қўллаш, танлаш самарасини оширишда муҳим аҳамият касб этади ва шу сабабли ҳам кўплаб селекционер, генетик олимлар ўз тадқиқотларида белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни ўрганишга ва салбий коррелятив боғлиқликларни ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишади.


Турли белгиларнинг ирсийланишини баҳолаш, белгиларнинг генетик корреляциясини боғлаб ўрганишни танлашнинг аралаш бевосита таҳлил схемасини идентификацияси учун қабул қилиш мумкин бўлади. Чунки, белгиларнинг кўрсаткичлари юқори бўлганларини тўғридан-тўғри танлашга нисбатан унинг самараси юқори бўлади.

Чет элда G.barbadense L. турига мансуб бўлган асосий экиладиган навлар чекланмаган шохланиш типига эга. Шу сабабли ҚХ-А-ҚХ-2018-201 лойиҳа доирасида 2018 йилда изланишларимизда чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмаларо дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлигини ўргандик.

G.barbadense L. турига мансуб чекланган шохланиш типига эга бўлган “Сурхон-16” нави ва СТ-175, Т-3 тизмалари, чекланмаган шохланиш типига эга бўлган Т-6084, Т-6088, Т-2231 тизмалари билан чапиштирилиб олинган тизмаларо дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. Агротехник тадбирлар ЎзПТИда ишлаб чиқилиб тасдиқланган, ягона агротехник услубдан (2007 йил.) фойдаланган ҳолда ўтказилди. Тажриба уч қайтариқда қўйилди. Олинган барча рақамли маълумотлар Б.А.Доспехов услубида статистик ишловдан ўтказилди.

2018 йилда 4 та F₂ [(F₆Т-6088 х СТ-175) х (F₅Т-2231 х Сурхон-16)], F₂ [(F₆Т-6088 х СТ-175) х (F₅СТ-175 х Т-2231)], F₂ [(F₇Т-6084 х Т-3) х (F₅Т-2231 х Сурхон-16)], F₂ [(F₇Т-6084 х Т-3) х (F₆Т-6088 х СТ-175)] дурагай комбинациялар ўрганилди. Ушбу дурагай комбинацияларда битта кўсақдаги пахта вазни

1-расм Ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб чекланмаган шохланиш типига эга F₂ дурагай комбинацияларида қимматли хўжалик белгилари орасидаги корреляция



Изоҳ: 1. Битта кўсақдаги пахта вазни - тола чиқими; 2. Битта кўсақдаги пахта вазни - 1000 дона чигит вазни; 3. Битта кўсақдаги пахта вазни - тола индекси; 4. Битта кўсақдаги пахта вазни - тола узунлиги; 5. Тола чиқими - 1000 - дона чигит вазни; 6. Тола чиқими - тола индекси; 7. Тола чиқими - тола узунлиги; 8. 1000 - дона чигит вазни - тола индекси; 9. 1000- дона чигит вазни -тола узунлиги; 10. Тола индекси - тола узунлиги.

1-комбинация F₂[(F₆Т-6088 х СТ-175) х (F₅Т-2231 х Сурхон-16)], 2-комбинация F₂[(F₆Т-6088 х СТ-175) х (F₅СТ-175 х Т-2231)], 3-комбинация F₂[(F₇Т-6084 х Т-3) х (F₅Т-2231 х Сурхон-16)], 4-комбинация F₂[(F₇Т-6084 х Т-3) х (F₆Т-6088 х СТ-175)].

3,5-3,8 г, тола чиқими 38,8-40,9%, 1000 дона чигит вазни 115-123 г, тола индекси 7,59-8,02 г, тола узунлиги 39,2-40,4 мм оралиғида бўлганлиги аниқланди.

1-расмда ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб чекланмаган шохланиш типига эга F₂ дурагай комбинацияларида қимматли хўжалик белгилари орасидаги боғлиқлик бўйича маълумотлар гистограмма шаклида келтирилган.

Келтирилган гистограммдан 1 дона кўсақдаги пахта вазни – тола чиқими белгилари орасидаги корреляция коэффициентлари аксарияти комбинацияларда салбий (r=-0,1; -0,45) ҳолатда бўлди. 2-комбинацияда ушбу белгилар орасида ижобий кучсиз (r=0,14) боғланиш борлиги кузатилди. 1 дона кўсақдаги пахта вазни - 1000 дона чигит вазни; тола чиқими - тола индекси; 1000 дона чигит вазни - тола индекси; 1000 дона чигит вазни - тола узунлиги белгилари орасидаги корреляция аксарият ҳолларда ижобий кучсиз, ўртача ва кучли даражада (r=0,13-0,85), тола чиқими - 1000 дона чигит вазни белгилари орасидаги корреляция аксарият ҳолларда салбий кучсиз ва ўртача даражада (r=-0,10; -0,62) бўлганлиги аниқланди. 1 дона кўсақдаги пахта вазни - тола индекси ва 1 дона кўсақдаги пахта вазни – тола узунлиги белгилари орасидаги корреляция 1 - ва 4 - комбинацияларда ижобий кучсиз даражада (r=0,02-0,09), 2 - ва 3 - комбинацияларда эса ижобий кучсиз ва ўртача (r=0,18-0,58) даражада бўлганлиги кузатилди. Тола чиқими

- тола узунлиги белгилари орасидаги боғланиш аксарият комбинацияларида салбий кучсиз ва ўртача ($r=-0,09 - 0,39$) даражада, тола индекси - тола узунлиги белгилари орасидаги корреляция аксарият комбинацияларда ижобий кучсиз ($r=0,06-0,21$) даражада бўлганлиги аниқланди.

Олинган маълумотларни таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Ўрганилган комбинацияларда қимматли хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари, айниқса, тола чиқими кўрсаткичлари узун толали ғўза учун юқори бўлди. Корреляция коэффициенти бўйича ўрганилган белгилар орасида аксарият ҳолларда ижобий кучсиз ва ўртача боғлиқликлар мавжудлиги

аниқланди. Бу эса ўз навбатида 2, 3, 4, 6, 8, 9, 10 белгилар бўйича яқка танлов ўтказилганда бошқа белгиларнинг пасайиб кетмаслигидан далолат беради ва юқори кўрсаткичларга эга бўлган узун толали навларни яратиш мумкинлигини кўрсатади.

С.УСМАНОВ,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,

К.ХУДАРГАНОВ,

қишлоқ хўжалик фанлари доктори,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти,

М.АБДУЛЛАЕВА,

талаба, Тошкент давлат

аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Набиев С.М., Матниязова Ҳ.Ҳ., Хамдуллаев Ш.А., Усманов Р.М. G.BARBADENSE L. турига мансуб наев ва тизмаларда битта ўсимликка тўғри келадиған кўсак сони ва битта кўсакдаги пахта оғирлигини ўрганиш. "Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари" мавзудаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, Тошкент, 2018, 141-144 б.

2. Авлиёқулов Н.Э., Авлиёқулов Т.Н. G.BARBADENSE L. турига мансуб янги ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлиги. "Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари" мавзудаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, Тошкент, 2018, 169-171 б.

3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Колос, 1979. - 416 С.

ЎЎТ: 633.51:631.432.3

ТУПРОҚҚА АСОСИЙ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ КЎСАКЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ ПИШИБ-ЕТИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Ҳозирги кунда дунё қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялар деганда, асосан, экинлар ҳосилдорлигини пасайтирмасдан ерга ишлов бериш сонини қисқартириш ёки иқтисодий сарф-харажатларни тежаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash маъносида талқин қилинади.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2015-2017 йилларда ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида тупроққа ишлов беришнинг турли усулларида фарқли ўлароқ, тупроққа янги такомиллашган минимал ишлов бериш технологиясининг "ЎзПТИ-201" ғўза нави пахта ҳосилининг пишиб-етилишига таъсири ўрганилди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Тажриба Андижон вилояти Андижон туманининг "Мирзараҳим Тоҳир" фермер хўжалигида ўтказилди.

Тажриба даласи эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ. Механик таркиби ўртача кумоқ. Сизот сувлари ер сатҳидан 5-6 м пастда жойлашган. Тупроқ эритмасининг ишқорийлиги РН 7-7,4. Гумус, ялли азот ва фосфор миқдори тегишли равишда 0,9-1,2 ва 0,08 ва 0,153% ни ташкил этади.

Тадқиқотда одатдаги ер 30-35 см чуқурликда ҳайдаш, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа ишлов беришнинг комбинацияли технологиясида ва тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида парвариш қилинган "ЎзПТИ-201" ғўза нави кўсақларининг шаклланиши ва пахта ҳосилининг пишиб-етилишига таъсири тадқиқ қилинди. Бунда, 1-вариантда тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологиясида "ЎзПТИ-201" ғўза нави назорат учун маъдан ўғитларнинг амалдаги NPK-200-140-100 кг/га йиллик меъёрларида ўғитланди. 2-назорат вариантда амал-

даги қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа ишлов беришнинг комбинацияли технологиясида "ЎзПТИ-201" ғўза нави кўшқатор усулида экилди. Яъни далада ғўзапоя йиғиштириб олингандан сўнг, кузда комбинациялашган агрегат ёрдамида пушта олиш билан бир вақтда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёри ҳисобида аммиак шаклида ҳамда фосфорли ўғитларнинг 70% и ва калийли ўғитларнинг 50% и солинди. Ҳосил қилинган пушталарга уруғлик чигитлар кўшқатор усулида 105х(60х12-1) экиш тизимида экилди.

Тажрибанинг 3-6 вариантларида тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллашган технологияси қуйидаги тартибда амалга оширилди. Кузда ғўзапоя йиғиштириб олингандан сўнг, қатор ораси 90 см га мўлжалланган "Илғор-1" агрегати ёрдамида ер ҳайдалмасдан 35-40 см баландликда кузги пушталар ҳосил қилинди. Кузги пушталарга баҳорда ЎзПТИ-201 ғўза нави кўшқатор усулида экилди. 3-вариантда ҳосил қилинган пушталарга баҳорда кўшқатор усулида 130-140 минг туп/га назарий кўчат қалинлигида "ЎзПТИ-201" ғўза нави маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг йиллик меъёрларида қўллаб парвариш қилинди. 4-вариантда ҳам айни шу тартибда пушталарга кўшқатор усулида 150-160 минг туп/га назарий кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг йиллик меъёрларида қўлланган ҳолда парвариш қилинди. 5-вариантда эса, худди шу тартибда "ЎзПТИ-201" ғўза нави пушталарга кўшқатор усулида 130-140 минг туп/га назарий кўчат қалинлигида, 6-вариантда 150-160 минг туп/га назарий кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни гектарига NPK-250-175-125 кг йиллик меъёрларида қўллаб парвариш қилинди. Бу вариант-

ларнинг барчасида ғўзани суғориш олдидан намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилди. 7-12 вариантлар худди 1-6 вариантлар каби яна такрорланади ва ғўза ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилади.

Тадқиқот натижаларига қараганда, тажриба вариантларида қўлланилган тупроққа асосий ишлов бериш усуллари “ЎзПИТИ-201” ғўза навини кўсақлари ва пахта ҳосилининг пишиб етилишига ўзига хос тарзда таъсир этиши аниқланди.

Тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологиясида ишлов берилган вариантларда ўсимликларнинг ҳосил тўплаш жараёни тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси (1- ва 7- вариантлар) ва қатор ораси 105 см га кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган (2- ва 8- вариантлар) назорат вариантларга нисбатан жадал суратда борган бўлса-да, “ЎзПИТИ-201” ғўза навининг чигитлари пушталарга қўшқатор қилиб экилган маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг/га меъёрларда қўлланган ва ғўза ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилганда кўчатлар сони ўртача 3 йилда гектарига 135,5 ва 156,3 минг туп ни ташкил қилган вариантларнинг (9- ва 10- вариантлар) ҳар бир ўсимлигида 7,8-6,8 дона гача кўсақлар шаклланиб, тупроққа асосий ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси (7- вариант) ва тупроққа комбинацияли ишлов берилган (8- вариант) назорат вариантларга нисбатан 2,5-3,9 дона гача камайганлиги аниқланди.

Шунингдек, кўсақлар сони нисбатан кам бўлган айнан шу вариантларда кўсақларнинг очилиш сурати тупроққа асосий ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси (1- ва 7- вариантлар) ва тупроққа комбинацияли ишлов берилган (2- ва 8- вариантлар) назорат вариантларга нисбатан 25-30% га тезлашганлиги кузатилди.

Қисқа қилиб айтганда, тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида “ЎзПИТИ-201” ғўза навини пушталарга қўшқатор қилиб экилган 155,2 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни гектарига NPK 250-175-125 кг/га меъёрларда қўлланган ҳолда ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғориш мақсадга мувофиқ агропадбир эканлиги аниқланди.

Кўсақларнинг шаклланиши ва очилиш суратидаги қонуниятлар пахта ҳосилининг пишиб етилишида ҳам қайд этилди. Жумладан, 2015 йил тажриба натижаларига қараганда, тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида парвариш қилинган “ЎзПИТИ-201” ғўза навини ҳар иккала ўғитлаш меъёрларида ҳам ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган 9- ва 11-вариантларда охириги 28.08 кунги кузатувда гектарига 138,3 ва 135,7 минг туп кўчат қалинлигидаги пахта ҳосилининг 90 ва 92% и пишиб-етилганлиги аниқланди (1-жадвал).

Пушталарга қўшқатор қилиб экилган гектарига 154,0 ва 155,7 минг туп кўчат парвариш қилинган 10- ва 12- вариантларда эса пахта ҳосилининг пишиб етилиши 94,7 ва 96,8% ни ташкил қилди. 30-31 август кунларига келиб (122 кунда) пахта ҳосили 100% пишиб-етилди. 10- ва 12- вариантларга нисбатан гектарига 138,3 ва 135,7 минг туп кўчат қалинлигидаги 9- ва 11-вариантларнинг пахта ҳосили эса 1-2 кун кейинроқ, яъни 123-124 кунда пишиб-етилганлиги маълум бўлди.

Тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси (1- ва 7- вар.) ва тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантларнинг пахта ҳосили эса 3-4 кун кейин 3.09 куни яъни 126 кунда 100% пишиб-етилди. Бунда, маъдан ўғитларнинг сезиларли таъсири кузатилмади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ғўзани ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилган барча вариантларда пахта ҳосилининг пишиб-етилиши ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган вариантлардан фарқ қилиб, агропадбирларнинг таъсир этиш қонуниятлари сақланган ҳолда 2-3 кун эрта пишиб-етилиши аниқланди. Чунки, бу суғориш тартибда ғўзанинг гуллашгача бўлган ЧДНС га нисбатан 65% тупроқ намлигининг таъсирида ўсимликлар ўсиши ва ривожланишида нисбатан орқада қолиши кузатилди. Бу эса амал даврининг охиригача давом этиб, пахта ҳосилдорлигида ҳам акс этди. Шу сабабли пахта ҳосилининг пишиб-етилиши ҳам бу вариантларда эрта бошланди.

Демак, ғўза парваришида кўчат қалинлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳар томонлама ғўзанинг биологик ҳусусиятлари ва қўлланилган технологияларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

2015-2016 йилларда чигитлар ўз вақтида қулай об-ҳаво шароитида экилганлиги боис ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил олиш жараёнларида йиллар бўйича катта фарқлар кузатилмади. Бироқ, 2016 йили чигитлар нисбатан кечроқ экилиши сабабли пахта ҳосили асосан сентябр ойининг 1-ўн кунлигида пишиб етилди. Бу йилдаги тажрибада гарчи, пахта ҳосили кечроқ пишиб-етилган бўлса-да, июл-август ойларидеги узоқ сақланиб турган юқори даражадаги ҳаво ҳарорати ғўзанинг барча кўрсаткичларида ижобий таъсир этиши туфайли кўсақларнинг пишиб-етилишини сезиларли тезлаштириши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, тупроққа асосий ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологияси фониде ғўзани ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган вариантларда (9-12 вар.) янги технологиянинг ижобий ҳусусиятлари туфайли тупроқ намлиги энг узоқ сақланган, маъдан ўғитлар самарадорлиги юқори бўлган, озиқ моддалар билан етарли таъминланган тупроқ шароитини вужудга келтирди. Натижада, бу вариантларда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси (7- ва 8- вариантлар) ва тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантларга нисбатан сезиларли тезлашиб, ҳосилга кириш жараёни айниқса кўчат қалинликлари 150-155 минг туп/га бўлган вариантларда эрта бошланганлиги сабабли эртаки ҳосил элементлари ва кўсақларининг кўпайиши кузатилди. Шунингдек, бу вариантларда пахта ҳосилини назорат вариантга нисбатан 3-4 кун эрта, ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилган вариантларга нисбатан 1-2 кун фарқ билан пишиб-етилганлиги маълум бўлди.

И.АБДУРАҲМОНОВ,

*катта илмий ходим, изланувчи,
ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станцияси.*

АДАБИЁТЛАР

1. Курвонтоев Р. Кам ишлов бериш ва мульчалаш технологияси, воҳа тупроқларининг агрофизикавий хоссалари. // “Тупроқшунослик мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида” Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. Тошкент -2017 й. 6-7 сентябрь. Б. 74-81.

2. Кашкаров А. Бешимова Ш. Создадим мощный пахотный слой. Сельское хозяйство Узбекистана. 1970, №2. стр. 8-10.

4. Olson K.R., M.Lang J., Ebelhar S.A.. Soil organic carbon changes after 12 years of no-tillage and tillage of Grantsburg soils in southern Illinois. Soil and Tillage Research. 2005.

5. World Congr. on Conserv. Agric., 4th, New Delhi. 4-7 Feb. 2009. World Congr. on Conserv. Agric. New Delhi. pp. 10-20.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЖАНУБИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ МАЙДОНИ КЕНГАЙМОҚДА

The paper presents materials related to production agrotechnology of pima cotton varieties (*GossypiumBarbadense* L.) in the southern zone of Uzbekistan.

Олдинги йилларда мамлакатимиз пахтачилигида нафақат ўрта толали ғўза навлари, балки ингичка толали ғўза навлари етиштириш ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Мамлакатимизда 1980 йилда 125,6 минг гектар ермайдонига ингичка толали ғўза навлари экилган бўлса, 1988 йилга келиб бу кўрсаткич 203,4 минг гектарни ташкил этган. 1990 йилга келиб ингичка толали ғўза навлари экиладиган майдонлар 84 минг гектарга қисқариб, яъни 119,4 минг гектарни ташкил этди.

ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС селекционер олимлари А.А.Творогова, Е.Гавриловлар томонидан ингичка толали ғўзанинг “Термиз” навлари 7,8,14,15, 24,31 кенг майдонларда парваришланган. Ҳозирги кунда эса А.И.Автономов, А.А.Автономов, Ю.П.Хуторной, М.И.Иксанов, А.П.Тяминов, Вад.Автономов, Вик.Автономовлар қуйидаги янги ингичка толали ғўза навларини яратишга муваффақ бўлишди: С-6029, С-6030, С-6032, С-6037, С-6040, С-6042, “Қарши-8”, “Қарши-9”, “Сурхон-2”, “Сурхон-3”, “Сурхон-5”, “Сурхон-7”, “Сурхон-9”, “Сурхон-100”, “Сурхон-101”, “Сурхон-102”, “Сурхон-103”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-18” [1].

Бундан ташқари, тола чиқими ва ҳосилдорлиги юқори, I, II типга мансуб ингичка толали ғўза навларини яратиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, II тип тола берувчи ингичка толали “Сурхон-9” ғўза нави 2004 йилда давлат реестрига киритилди. “Сурхон-14” ғўза нави эса 2009 йилдан бошлаб истиқболли нав сифатида парваришланмоқда. Эндиликда ушбу янги яратилган ва истиқболли ингичка толали ғўза навларидан жаҳон андозаларига мос, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехнологиясини тезликда ишлаб чиқиш энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади.



Расм. ҚХ-А-ҚХ-2018-153 амалий лойиҳасининг ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида ингичка толали ғўза навларини етиштириш юзасидан ўтказилаётган дала тажрибаси кўриниши.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2017 йил 11 февралдаги 45-сонли буйруғининг 8-бандида Туркменистондан келтирилган ингичка толали Iª типга мансуб “Иолотан-14” ғўза нави уруғлик чигитларини фермер ҳўжаликлариغا етказиб бериш вазифаси кўзда тутилган эди. Айнан ушбу тола сифати ўта юқори ингичка толали “Иолотан-14” ғўза нави Республикамиз жанубида 10 минг гектардан ортиқ майдонда парваришланмоқда. Президентимиз томонидан “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида ингичка толали пахтани қайта ишлаш корхонаси яратилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Бугунги кунда селекционер олимларимиз томонидан яратилаётган тола сифати бўйича дунёда етакчи ўринларда турадиган янги ва истиқболли ингичка толали ғўза навларидан олинадиган толага бўлган талаб тобора ортиб бораётганлиги ва ингичка толали ғўза майдонлари йил сайин кўпайиб бораётганлиги ушбу ғўза навларини етиштириш агротадбирлар тизимини тезликда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ингичка толали ғўза навларини етиштиришда иқлим шароити жуда қулай ҳисобланган Мисрнинг пойтахти Қоҳирада самарали ҳарорат – 3281°C, Александрияда 3030°C бўлса, Шерободда 3357°C, Термизда 2924°C, Қаршида 2812°C ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўта иссиқ иқлимли ҳудудларга ғўзанинг ингичка толали навларини жорий этиш ҳамда уларга мос бўлган агротехнологиялар тизимини татбиқ этиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ингичка толали ғўза навлари поясининг тукланганлиги, барглариининг қалинлиги ва бошқа хусусиятлари уларнинг зараркундаларга бардошлилигини оширади. Бу айниқса, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида ғўзанинг беда қандаласи каби сўрувчи ҳашаротлар билан кучли зарарланаётганида қўл келиши мумкин. Бу мамлакатимиз жанубий минтақалари пахтачилиги келажаги учун муҳим стратегик чора-тадбирлардан биридир.

Айнан юқорида келтириб ўтилган заруриятлардан келиб чиқиб, давлат илмий-техник дастурлари доирасида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида ҚХ-А-ҚХ-2018-153 рақамли амалий лойиҳа Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларида амалга оширилмоқда. Республикамизнинг жанубий минтақасидаги ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларида ғўзанинг маҳаллий ва хорижий ингичка толали “Қашқадарё-5”, “Иолотан-14”, “Сурхон-104” (Қашқадарё вилояти), “Термиз-202”, “Иолотан-14”, “Сурхон-103”, “СТ-1651” (Сурхондарё вилояти) навларидан юқори пахта ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича ЧДНСга нисбатан суғоришолди тупроқ намлиги, минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ва кўчат қалинликлари

тадқиқ қилинмоқда.

Жанубий минтақа Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларида маҳаллий ва хорижий ингичка толали ғўза навларини парваришlash агротехнологиясини ишлаб чиқиш юзасидан лойиҳа доирасида ўтказилган 2018 йилги тадқиқот натижалари бўйича дастлабки хулосалар қилиниб, бунда Сурхондарё вилоятида ўтказилган тадқиқотларда “Иолотан-14”, “Сурхон-103” ва “СТ-1651” ингичка толали ғўза навларидан назоратга нисбатан тегишлича 5,6, 4,2, 4,8 ц/га қўшимча ҳосил олинганлигини кузатиш мумкин.

Қашқадарё вилоятидаги тадқиқотларда эса “Иолотан-14”, “Сурхон-104” ингичка толали ғўза навларидан назоратга нисбатан тегишлича 3,8, 7,2 ц/га қўшимча ҳосил олинганлигини кузатиш мумкин.

Кўчат қалинлигини мақбул кўрсаткичлар, яъни 130-

140 минг туп/га дан 110-120 минг туп/га гача камайтириш ҳосилдорлиқнинг 1,7-3,0 ц/га гача камайишига олиб келганлигини қайд этиш мумкин.

Ушбу тадқиқот натижалари асосида дастлабки хулосалар қилиниб, тадқиқотлар давом эттирилмоқда ва тадқиқот якунида ҳар бир ингичка толали ғўза навлари бўйича парваришlash агротехнологияси юзасидан агротавсиялар тайёрланиб, чоп этилиши режалаштирилган.

А.ШАМСИЕВ,

қ.х.ф.д., профессор,

Х.АЛЛАНОВ,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,

М.АВЛИЯКУЛОВ,

қ.х.ф.д., катта илмий ходим,

Н.ДУРДИЕВ,

қ.х.ф.ф.д. доктори,

Ш.МИРЗАЕВ

(илмий изланувчи), (ПСУЕАИТИ)

АДАБИЁТЛАР

1. Авлиёқулов М.А. Жанубий минтақадаги ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланишда экинлардан юқори ҳосил этиштириш агротехнологияси. //Монография. “Наврўз” нашриёти. Тошкент, 2018. 400 б.

2. Йиллик статистик тўплам. Тошкент 2013. –Б. 1-223.

3. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2015. –Б. 1-186.

УЎТ: 633.511;631.542.4.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАДА ЯНГИ ДЕФОЛИАНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МАҚБУЛ МЕЪЁР ВА МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ


Because the defoliation of cotton-plant special action, after having done a quality cotton-defoliation, unripe cotton bells' mature can speed, unripe cotton bells' mould which are under a cotton plants' stick can be avoid.

Маълумки, ўсимликларда модда алмашинувига таъсир этувчи сунъий ингибиторларга, гербицидлардан ташқари, ўсимликлар баргининг тўкилишини тезлаштирувчи моддалар — дефолиантлар (folium - барг) ва ўсимликларни тезда қуритувчи десикантлар ҳам қиради.

Авваламбор, ғўза майдонларини дефолиация тадбирига тайёрлашда дала ва унинг атрофидаги ўқариқларни кўмиш зарур. Сўнгра ғўза майдонларини кўздан кечириш керак, яъни ғўза ўсимлигининг навига, барг пластинкасининг катта-кичиклиги, юпқа-қалинлигига қараб дефолиант миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо айрим агротехник тадбирларнинг бузилиши оқибатида, яъни ўғит солишда мутаносиблик бузилганда, сув қуйишда хатоликка йўл қўйилганда, бунда сув қўллатиб, ёлпасига қуйилган майдонларда ғовлаш юзага келади, шундай майдонларда дефолиант миқдорини белгиланган меъёрдан 10-15% га ошириб сепиш, аксинча бўлган майдонларда шунча меъёрда камроқ сепиш тавсия этилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, дефолиант миқдорини белгилашда нафақат барг юзасига, балки ғўза навига, кўчат қалинлигига, ҳаво ҳароратига, шамол тезлигига, тупроқнинг ЧДНС ни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Ҳаво ҳарорати дефолиация сифатига

катта таъсир қилади. Ғўзага юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар ҳаво ҳарорати 20-22°C даражада бўлганда яхши самара беради, 22°C даражадан пасайганда таъсири сезиларли даражада камаяди, аммо 17°C даражадан тушиб кетса, ғўза барглари етарлича тўкмайди. С-8290 ғўза навининг бир гектаридан 90-95 минг туп кўчат қалинлиги бўлса, ундан ўртача 30-33 минг/га м² барг сатҳи шаклланади, демак юқоридаги тавсияга асосан дефолиантларни қўллашда биринчи навбатда, шамол тезлиги 5 м/



сек. дан паст бўлганда, ҳаво ҳарорати 20°C дан паст бўлмаганда, тупроқ намлиги эса 60-65% атрофида бўлганда дефолиантларни аниқ меъёрида қўллаш яхши самара беради. Бундан бошқа ҳолатларда ҳаво паст, қўчат қалинлиги кўп, ғўза ғовлаган майдонларда 15-25% гача дефолиант миқдори қўшилади, аксинча бўлган ҳолатларда эса, дефолиант миқдори камайтириб сепилади.

Ҳозирги вақтда ғўзани баргсизлантиришда СуюқХМД, ЎзДЕФ, ПолиДЕФ каби дефолиантлардан кенг қўлланилмоқда. Лекин, янги ишлаб чиқарилган ФанДЕФ-аъло, Энто-Дефол каби дефолиантларнинг ғўзада қўллаш мақбул меъёр ва муддатлари ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан биз олиб борган тажрибамизда янги ФанДЕФ-аъло, Энто-Дефол дефолиантларни ўрта толали ғўза навларига қўллаб, уларнинг мақбул меъёри ва муддатини аниқладик.

Демак, С-8290 ғўза нави кўсақлари 30-40% очилган муддатда дефолиация ўтказилган фоннинг дефолиация ўтказилмаган, яъни назорат вариантыда дефолиациядан 14 кун ўтгач, барглари табиий тўкилиши 4,0% ни, яшил барглари эса 92,6% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

СуюқХМД дефолиантини 8,0 л/га меъёрда эталон сифатида қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг 77,2% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 11,9% барглари қуриган, 9,3% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди. Энто-Дефол дефолиантида энг юқори натижалар 0,15-0,20 л/га меъёрда қўлланилган вариантдан олиниб, дефолиациядан 14 кундан сўнг 92,8%-гача ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 0,8% барглари қуриган, 5,1% ярим қуриган

ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги кузатилди. Шунингдек, тадқиқотларда ФанДЕФ-аъло дефолиантини 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 7 кундан сўнг ғўза тупида 6,4% яшил барглари, 32,7% қуриган барглари, 23,4% ярим қуриган ва 37,5% тўкилган барглари қайд этган бўлса, дефолиациядан 14 кундан сўнг 83,6% атрофида ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 15,6% барглари қуриган, 0,1% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, С-8290 ғўза навининг кўсақлари 30-40% очилганда Энто-Дефол дефолиантининг 0,15-0,20 л/га қўлланилган вариантыда кўпроқ барглари тўкилишига таъсир этди. Шунингдек, ФанДЕФ-аъло дефолианти 7,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда ҳам барглари тўкилиши юқори эканлиги маълум бўлди.

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғўзани сунъий баргсизлантириш, илмий қўлланилган асосида ўтказилса ҳамда юқоридаги тавсияларга амал қилинган ҳолда дефолиантлар қўлланилса, дефолиация самарадорлиги бир мунча ортади, кўсақлар очилиши тезлашади, пиравордида биринчи терим салмоғи сезиларли даражада ошади. Шунда фермер хўжаликлари ҳосилнинг асосий қисмини олий навларга топшириб, иқтисодий манфаатдорлиги ҳам бир мунча ортади.

Ф.ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
М.УБАЙДУЛЛАЕВ,
тадқиқотчи,

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.*

УДК:633.51.,631.52.

ИЗМЕНЧИВОСТЬ УРОЖАЯ, ВЫХОДА И ДЛИНЫ ВОЛОКНА ХЛОПЧАТНИКА У ГИБРИДОВ F₃ НА СРЕДНЕЗАСОЛЕННОМ АГРОФОНЕ

The obtained results confirm the validity of the genetic assessment, give the opportunity to correctly select the initial parental varieties of cotton for hybridization and predict the expected effects in breeding and genetic work.

Выявление закономерностей наследования количественных признаков у экологически отдаленных внутривидовых гибридов имеет важное значения при поисках благоприятного сочетания отдельных ценных свойств с агрохозяйственным комплексом промышленных сортов.

Изучение нормы реакции сортов и гибридов хлопчатника относительной степени изменчивости генетических параметров и пластичности, выявление характера трансгрессивного расщепления гибридов F₃ и F₄, диапазона варьирования по основным хозяйственно-ценным количественным признакам в зависимости к засоленности почвы в северных условиях Республики Каракалпакстан является актуальной задачей.

В связи с этим нами в 2015-2017 годы (ККНИИЗ), в северных условиях Республики Каракалпакстан, проведены исследования по изучению диапазона варьирования по основным хозяйственно-ценным количественным признакам в зависимости к засоленности почвы.

Полученные данные на средnezасоленном фоне среди гибридов F₃ показывают что, наследования и диапазон варьирования выхода и длины волокна и урожая на одного растения среды гибридов третьего поколения показали сильное расщеплению, характерное для полигенных признаков.

Среди изученных гибридных комбинаций Чимбай-5018хС-4727, Газина х Л-152 и Дустлик-2хЧимбай-5018 выделялись по выходу волокна, а по длине волокна С-4727 х Беруни, Газина х Л-152, Газина х Мехнат, по урожаю на одно растение у гибридов третьего поколения преимущества имели комбинации Мехнат х Л-152, Газина х Мехнат и Газина х Л-152. Нужно отметить что, у гибридов F₃ на средnezасоленном фоне по урожаю на одно растение (коэффициент вариации от 5.29 до 6,16%) показали сильное расщепление, характерное для полигенных признаков.

На основании полученных данных по урожаю на одно растение, выхода и длины волокна можно выделить

Данные гибридов F₃ по урожаю на одно растение, выхода и длины волокна

гибридные комбинации Газина х Л-152, Газина х Мехнат и Чимбай-5018 х С-4727. Их необходимо использовать в селекционных программах в качестве синтетических компонентов при гибридизации для получения полезных рекомбинантов хлопчатника.

Обобщив полученные данные исследований можно отметить что, гибриды F₃ на среднесоленном фоне заметно дифференцировали по показателям средней арифметической, варианты и коэффициента вариации того или иного признака. Это обусловилось подбором родительских пар для данного региона, степенью их генетической контрастности. Среди выше отмеченных комбинаций можно ожидать, рекомбинантов, формирующих высокопродуктивные растения.

Полученные результаты подтверждают оправданность генетической оценки, дают возможности правильно подбирать исходно-родительские сорта хлопчатника для гибридизации и прогнозировать ожидаемые эффекты в селекционно-генетической работе.

И. НАЗАРЫМБЕТОВ,
Д. БЕРДИКЕЕВ,
К. ШАМУРАТОВ,
научные сотрудники,
ККНИИЗ.

№ Вар	Гибридные комбинации	Выход волокна, %		Длина волокна, мм		Урожай на одно растение, г	
		X+S _g	V%	X+S _g	V%	X+S _g	V%
1	С-4727хЧимб-5018	37.0 +0.67	1.81	33.1+1.32	3.98	81.90+3.54	4.32
2	Мехнат х Л-152	36.2 + 0.62	1.71	33.6+0.66	1.96	103.16+3.2	3.17
3	Мехнат х Ч-3010	37.1+ 1.03	2.78	31.5+0.14	0.44	78.34+2.94	3.75
4	С-4727хБеруни	34.7+ 0.92	2.62	33.8+0.79	2.34	95.70+4.58	4.78
5	Чимб-5018хС-4727	38.8 +0.79	2.04	32.0+1.28	4.00	90.17+3.58	3.97
6	Мехнат х Ч-3010	36.2 +0.65	1.80	33.3+1.89	5.68	67.05+5.57	8.30
7	Газина х Л-152	39.5 +0.50	1.27	32.2+0.75	2.33	80.19+3.47	4.32
8	Газина х Мехнат	36.3+0.37	1.02	32.8+0.98	2.99	86.14+4.70	5.45
9	Газина х Мехнат	36.8+ 0.26	0.74	33.2+0.95	2.86	112.09+5.2	4.64
10	Дуст-2хЧимб-5018	38.2+ 1.27	3.32	33.2+0.98	2.85	87.17+2.59	2.97
11	Мехнат х Ч-3010	37.1+ 0.50	1.35	32.0+0.39	1.22	90.45+4.49	4.96
12	Газина х Л-152	37.2 +1.05	2.82	33.1+1.28	3.87	93.13+2.67	2.87
13	Газин х Чимб-5018	37.4+ 1.48	3.96	34.0+0.73	2.15	92.10+4.88	5.29
14	Аму258хЧим-5018	37.0 +1.23	3.32	33.1+1.13	3.41	66.15+1.78	2.69
15	Наманг-77хАнд-21	35.9 +0.55	1.53	32.7+0.63	1.93	59.28+4.08	6.88
16	Л-152 х Ч-3010	35.4+ 0.61	1.72	32.8+1.75	5.34	93.12+2.64	2.83
17	Газина х Беруний	35.7+ 1.41	3.95	34.2+0.56	1.64	112.23+2.8	2.51
18	Мехр х Газина	36.8 +1.42	3.86	32.9+0.81	2.46	88.19+3.40	3.85
19	Наманг-77хАнд-21	37.7 +1.17	3.10	32.8+0.64	1.95	95.43+4.59	4.81
20	Аму-258хЧим-5018	36.2 +0.81	1.69	32.2+1.24	3.85	76.24+3.96	5.19

ЛИТЕРАТУРА:

1. Ахметов В., Автономов В., Курбанов А. Изменчивость, наследование и наследуемость признака «масса хлопко-сырца одной коробочки» у межсортовых гибридных комбинаций F₁ - F₂ хлопчатника вида *G. hirsutum* L. // *Агро илм.* №1, 2015. – С.16-18.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.: Колос, 1979.

УЎТ: 633.511

ЃЎЗАНИНГ УЗОҚ ГЕОГРАФИК ДУРАГАЙЛАРИДА ВИЛТГА ЧИДАМЛИЛИКНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

The hybridization introgression forms and line 578 obtained with participation on this base with geographically distant origin varieties has shown prospect in the selection for the vilt resistance.

Ҳозирги кунда яратилаётган янги ғўза навлари тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлиши билан бир қаторда турли касалликларга, хусусан, вилтга бардошли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Республикаимизнинг маълум майдонлари вилт билан кучли зарарланган бўлиб, касаллик пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини кескин пасайтириб юборишга олиб келмоқда.

Тола сифати IV-V типга мансуб ғўза навлари селекцияси лабораториясида ёввойи турлар асосида олинган интродюктив шакллар ноёб генетик асосга эга бўлиб, ғўза генофондини сақлашда ва селекция жараёнида фойдаланилади (А.Эгамбердиев 2006, С.А.Эгамбердиева 2009, 2010). Тадқиқотларимизда эколого-географик жиҳатдан узоқ дурагайларнинг вертикаллез вилтга бардошлилигини ўргандик. Тадқиқотнинг манбаи бўлиб оналик сифатида мамлакатимиз иқлим шароитига мослашган, *G. trilobum* Skov., *G.hirsutum* ssp. *uscatanense* иштирокида олинган интродюктив шакллар ва улар асосида олинган тизма-

Жадвал 1

Ота-она шакллари ва F₁ дурагайларнинг вилт билан зарарланиши

Т/р	Ота-она шакллари ва F ₁ дурагайлари	Вилт билан зарарланиш даражаси, %	
		Кучли даражада зарарланиш	Умумий даражада зарарланиш
1	St. Наманган 77	28,8	48,0
2	St. С-6524	53,8	74,3
3	Л-578	2,2	17,7
4	Л-Т	8,1	32,6
5	Л-Ю	4,7	37,2
6	S-2515	1,1	14,7
7	S-6082	68,5	84,2
8	S-489	21,7	36,9
9	S-6003	15,7	18,4
10	F ₁ Л-578 х S-6003	22,2	33,3
11	F ₁ Л-Т х S-6003	9,1	31,8

лар ҳамда оталик сифатида ғўза коллекциясидан олинган юқори тола чиқимиға эға хорижий навлар Paymaster Dwarf (каталог рақами-010930), SlS 21726 (011604), PD 6520 (011590) келиб чиқиши АҚШ, Qalla Lot 361 (04841) Ruwden Lot 70 (04840) келиб чиқиши Австралия бўлган навлар хизмат қилади. Тадқиқотлар 2018 йили ПСУЕАИТИ марказий тажриба даласида олиб борилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар таҳлиллари шуни кўрсатдики, ота-она шакллари ва F_1 дурагайлар вертициллез вилтига бардошлилиги бўйича сезиларли фарқларға эға. Мисол учун, юқори тола чиқимиға эға S-2515 тизмаси бирмунча бардошли бўлиб, умумий даражада зарарланиши 14,7%, кучли даражада 1,1% зарарланишни қайд қилди. Л-Т интрогрессив шакли иштирокида олинган Л-578 тизмаси юқори чидамлик намоён этди ва умумий даражада 17,7%, кучли даражада 2,2% зарарланишни қайд қилди. Вертициллез вилтидан энг кўп зарарланиш ҳолати S-6082 тизмасида кузатилди умумий даражада 84,2 ва кучли даражада 68,5% ни ташкил этди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, F_1 дурагайларида ота-она шакллариға нисбатан чидамлик ҳолати кузатилди. Биз буни тупроқдаги вилт патогенларининг концентрацияси юқорилиги ва ота-она шаклларининг

12	F_1 Л-Ю х S-6003	30,3	39,4
13	F_1 Л-578 х S-2515	11,1	16,6
14	F_1 Л-Т х S-2515	28,3	37,4
15	F_1 Л-Ю х S-2515	19,0	38,0
16	F_1 Л-578 х S-6082	0	14,2
17	F_1 Л-Т х S-6082	16,0	20,0
18	F_1 Л-Ю х S-6082	6,4	25,5
19	F_1 Л-578 х S-489	10,3	13,7
20	F_1 Л-Т х S-489	14,5	25,3
21	F_1 Л-Ю х S-489	24,1	48,2
22	F_1 Л-578 х S-6593	11,9	38,4
23	F_1 Л-Т х S-6593	0	18,1
24	F_1 Л-Ю х S-6593	9,1	45,4
25	F_1 Л-578 х S-6596	10,8	27,0
26	F_1 Л-Т х S-6596	14,2	17,7
27	F_1 Л-Ю х S-6596	0	30,0

вилтга чидамсиз бўлганлиги билан изоҳлаймиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Л-Т интрогрессив шакли ва унинг иштирокида олинган тизмалар вилтга бардошлилик ва юқори тола сифати белгилари бўйича донор бўлиши мумкинлиги аниқланди. Кейинги тадқиқотларимизда вилтга чидамли бўлган намуналар билан селекция ишлари давом эттирилади.

Т.СЕЙТНАЗАРОВА,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Намозов Ш.Э., Эгамбердиев А. Узоқ чатиштиришдан олинган дурагайларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши. // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами. - Тошкент, Фан, 2000. - Б. 82-87.
2. Раҳмонов З.З. Ғўзанинги хўжалик учун қимматли белгиларини яхшилашда оддий ва мураккаб чатиштириш услубидан фойдаланиш: қ/х. Фан, ном дисс. автореф. Тошкент, 2008. - Б. 22.
3. Сеновдов В., Хидоятлов Х. Тезлишарлик ва вилтга чидамлик. // Пахтачилик. - Тошкент, 1996. - № 1. - Б. 12-13.
4. Эгамбердиев А., Эгамбердиева С.А. Донорская ценность интрогрессивных линий хлопчатника по устойчивости к вертициллезному вилту и качеству волокна. Вестник аграрной науки Узбекистана. № 1. 2006. С.26-32.

УЎТ: 633.11; 631.445.56/5(575.192)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАДАГИ БИР КЎСАК ПАХТА ВАЗНИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ АГРООМИЛЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

The article presents data on the role of repetitive and intermediate crops to increase the yield of cotton in the system of short shift crop.

Маълумки, ғўза ҳосилдорлиги салмоғи ва сифат даражасини белгиловчи омиллардан бири битта кўсақдаги пахта вазнининг катта-кичиклигиға бевосита боғлиқ бўлади.

Бу борада олинган маълумотларға қараганда ғўза парваришида мавсумда олиб борилган агроадбирлар таъсири бир кўсақдаги пахта вазнини ҳар хил бўлишиға таъсир қилди.

Тажрибанинги 1-вариантида такрорий экин сифатида мош экилиб, унинг таглигида ғўза экилганда 2 йил ўртача 1 кўсақдаги пахта вазни 1-теримда 5,74 грамм, 2-вариантида такрорий экин мош экини таглигида оралиқ экин сифатида жавдар экилиб, ҳамкор экин сифатида ғўза билан соя қўшиб экилганда 1 кўсақ пахта вазни 5,92 грамм бўлиб, бу ерда оралиқ экин жавдар қолдирган органик қолдиқларнинг

эвазига тупроқ таркиби яхшиланиб, 1 кўсақдаги пахта вазни 0,18 граммға яхшиланиши аниқланди. 3-вариантида такрорий экин (2015 й.) фонида парваришланган ғўзанинги 1 кўсақдаги пахта вазни 5,77 граммға тенг бўлиб, 1-вариантидан бор йўғи 0,03 граммға юқорилиги қайд этилди. 4-вариантида соя таглигида 2016 йилда оралиқ экин сифатида тритикале экилганда ғўзанинги 1 кўсақдаги пахта вазни 2-вариантидаги кўрсаткичға яқин бўлиб, 5,93 грамм., 3-вариантида нисбатан 0,16 граммға юқорилиги қайд этилди. 5-вариантида такрорий экин сифатида мош, оралиқ экин сифатида жавдар+сули экилганда 1 кўсақдаги пахта вазни 5,94 граммни ташкил этгани ҳолда 1-вариантида нисбатан 0,20 граммға оғирроқ бўлди. 6-7-8-вариантларда 1 кўсақ пахта вазни 6-вариантида (6,0 грамм) юқоридаги вариантлар кўрсаткичлариға

**Бир кўсак пахтанинг вазни ва ҳосилдорлиги, ц/га
(2016-2017 йиллар)**

1-жадвал

Вар №	Теримлар бўйича бир кўсакдаги пахта вазни, г			Теримлар бўйича ғўза ҳосилдорлиги, ц/га			Қайтариқлар бўйича ғўза ҳосилдорлиги, ц/га			
	1-терим	2-терим	ўртача	1-терим	2-терим	Жа-ми	1	2	3	ўртача
1	5,74	5,14	5,44	34,9	3,9	38,8	38,1	40,0	38,6	38,8
2	5,92	5,31	5,61	37,8	4,6	42,4	42,5	43,1	41,6	42,4
3	5,77	5,15	5,46	35,0	4,5	39,6	40,0	39,8	38,8	39,6
4	5,93	5,33	5,63	38,4	5,1	43,5	43,9	43,3	43,1	43,5
5	5,94	5,39	5,66	39,9	5,5	45,4	45,0	45,9	45,2	45,4
6	6,00	5,43	5,72	41,2	6,1	47,3	47,5	48,3	46,3	47,4
7	5,95	5,43	5,68	40,8	5,7	46,4	46,1	47,5	45,9	46,4
8	6,01	5,44	5,73	41,3	5,8	47,1	47,5	46,4	47,3	47,1
9	5,70	5,08	5,39	32,7	3,5	36,1	37,3	36,1	34,9	36,1
10	5,79	5,13	5,46	36,9	3,8	40,7	40,3	41,1	40,3	40,7
11	5,80	5,15	5,48	37,4	4,0	41,5	42,5	41,1	40,9	41,5
12	5,72	5,10	5,41	33,6	3,6	37,2	37,0	37,8	37,0	37,2

нисбатан оғирроқ бўлиб, бу вариантда таглик экин сифатида мош, оралик сифатида жавдар+сули+беда кўшиб экилганда, 7-ва 8-вариантларда такрорий экин сифатида соя оралик экин сифатида 7-вариантга тритикале+беда, 8-вариантга тритикале+беда+жавдар экилганда 1 кўсакдаги пахта вазни мос равишда 5,95,6,01 граммга тенг бўлиб, юқорида келтирилган вариантлар кўрсаткичларидан нисбатан оғирроқ эканлиги кузатилди. 9-вариантда (2015 йилда) такрорий экин сифатида сабзавот экини шолғом экилиб, унинг фонидagi парваришланган ғўзанинг 1 кўсакдаги пахта вазни энг кам бўлиб, ўртача 2 йилда 5,70 граммни ташкил қилди. 10-вариантда таглик сифатида шолғом, оралик экин сифатида сули экилиб парваришланганда, ғўзанинг 1 кўсакдаги пахта вазни 5,79 грммни ташкил этиб, 9-вариантга нисбатан 0,10 грамм оғирроқ эканлиги аниқланди. 11-вариантда мойли экин-кунжут, оралик экин сули парваришланганда 1 кўсакдаги пахта вазни 5,80 граммни ташкил этиб, 12-вариантда фақат кунжут экилган фонга нисбатан 1 кўсакдаги пахта вазни 0,08 грамм га юқори эканлиги ўз исботини топди.

2-терим олдидан тажриба вариантларидан териб олинган бир кўсак пахтасининг вазни аниқланганда олинган маълумотларда ҳам юқоридаги қонуният сақланиб, вариантларга мос равишда кўрсаткичга эга бўлди.

Олинган маълумотларга асосан хулосага келиш мумкинки, тупроқ таркиби фақат такрорий экинлар қолдирган органик масса миқдорига қараганда 1 кўсакдаги пахта вазни энг кам (1-,3-,9-,12-вариантларда ўртача 2 теримда 5,44, 5,46,5,39,5,41 грамм) миқдорда, ҳам такрорий экин, ҳам унинг фонида оралик экинлар экилган вариантларда ва бирйўла икки-учтадан оралик экин кўшиб экилганда энг юқори (5-,6-,7-,8-вариантларда ўртача 2 теримда 5,66,5,72,5,68,5,73 грамм.), экин турига мос равишда сабзавот, мойли экин — кунжут экилганда нисбатан кам (10-,11 вариантларда 2 терим ўртача 5,46,5,48 г.) миқдорда бўлиши кузатилди.

Юқорида таъкидланганидек, ҳосилдорлик бир кўсакдаги пахта вазни билан бевосита боғлиқ бўлади. 2016-2017 йилларда тажриба даласида 2 марта терим ўтказилди.

2016 йил: $S_x^A=0,34$, $S_d=0,48$, $HCP_{0,5}=2,40$ ц

2017 йил: $S_x^A=37$, $S_d=52$, $HCP_{0,5}=2,44$ ц

Ғўза ҳосилдорлиги тажриба вариантлари-

да олиб борилган тажрибанинг парваришлаш ишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда 1-вариантида фақат такрорий экин мошдан (2015 й.) кейин парваришланган ғўзанинг ҳосилдорлиги 2 йилда жами гектарига 38,8 ц.га тўғри келди. 2-вариантда такрорий ва оралик экинлардан кейин парваришланган ғўзанинг ҳосилдорлиги 42,4 ц/га бўлиб, бу оралик экин жавдарнинг тупроққа қолдирган биомассаси ҳисобидан бўлса керакки у 1-вариантга нисбатан 3,6 ц.ни ташкил қилиб, 1-вариантдаги кўрсаткичга яқин бўлди. 4-вариантда 2-вариантдаги сингари ғўза такрорий ва оралик экинлар фонида парвариш қилинди. Бу вариантда ҳосилдорлик гектарига 43,5 ц.га тўғри келиб, 3-вариантдаги кўрсаткичдан 3,9 ц.га кўп эканлиги қайд этилди. 6-вариантда такрорий экин фонида

оралик экиннинг бирйўла уч тури (жавдар+сули+беда) экилиши ҳосилдорликка (47,4 ц/га) ижобий таъсир қилиб, юқоридаги вариантлар ҳосилдорлиги кўрсаткичларидан юқорилиги қайд этилди. 7-вариантда такрорий экиндан кейин 2 турдаги экин (тритикале+беда) экилганда ҳам ғўза ҳосилдорлиги юқори (46,4 ц/га) лиги 6-вариантдаги кўрсаткичга яқин бўлди. 8-вариантдаги ҳосилдорлик бир йўла 3 экин тури (тритикале+беда+жавдар) ҳисобидан бўлса керакки, бу вариантдаги ҳосилдорлик (47,1 ц/га) тўғри келиб, ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича 6-вариант кўрсаткичига жуда яқин бўлди. 10-вариантда такрорий экин сифатида сабзавот (шолғом), оралик экин сули, 11-вариантда мойли экин кунжут, оралик экин сули экилганда ҳосилдорлик бу вариантларда тегишлича 40,7,41,5 ц.ни ташкил этиб, 9 ва 12-вариантдаги кўрсаткичлар (36,1,37,2 ц/га) нисбатан 4,6,4,3,ц. га юқори эканлиги билан фарқ қилди.

Шундай қилиб, хулосага келиш мумкинки, тажриба дала-сидан энг юқори пахта ҳосили такрорий экинлардан кейин бир йўла 3 оралик экин тури, айниқса, беда кўшиб экилган фонда ғўза парваришланган вариантлардан олинди (6-,7- ва 8-вариантларда 47,4, 46,4, 47,1 ц/га). Энг кам ҳосилдорлик такрорий экин сифатида сабзавот (шолғом) ва мойли экин кунжут фонида ғўза парваришланган 9 ва 12 вариантлардан олинди. (36,1, 37,2 ц/га). Қолган вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичлари оралик ҳолатда бўлди.

Я.БҮРИЕВ,

қ.х.ф.н. катта илмий ходим,

ПСУЕАИТИ,

Н.ҚАХОРОВА,

мустақил изланувчи,

ҚарМИИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Р.Назаров, А.Мухаммадиев. Ғўзадан мўл ҳосил етиштириш омиллари Т-2007

2. Я.Бўриев. Қарши чўли шароитида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агроомиллари. Қарши, "Насаф" нашриёти", 2017 й.

УЗОҚЛАШГАН ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ВИЛТ КАСАЛЛИГИГА БАРДОШЛИ БЎЛГАН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ

In this article the results of testing new lines of cotton developed on the base of Australian samples.

Вертициллёз вилт билан асосан, ғўзанинг ўрта толали навлари касалланади. Унинг кўзгатувчиси эса тупроқ замбуруғи *Verticillium dahliae* Kleb. дир. Вертициллёз вилт – дунёнинг барча пахта экувчи мамлакатларида маълум бўлган – ғўзанинг энг кўп тарқалган ва энг хавфли касалликларидан бири ҳисобланади. Касаллик нафақат республикамизда, балки *G. hirsutum* L. турига мансуб бўлган ғўза етиштирувчи Ўрта Осиё мамлакатларида, шунингдек, АҚШ, Хитой, Эрон каби давлатларда тарқалган. Бундан ташқари, вилт Шимолий ва Жанубий Америкада, Африка, Австралия, Европа ва Осиёда тарқалган ҳамда булар тўғрисида маълумотлар бир қатор муаллифларнинг ишларида келтириб ўтилган.

тизмалар яратилди. Улардан комплекс белгилар бўйича андоза навига нисбатан ўз устунлигини қуйидаги тизмалар кўрсатди.

Л-462 тизмаси F_4 (Aburun X C-8284)да олинган бўлиб, вегетация даври 118.0 кунни ташкил қилди (-9 кун). 1 дона кўсак вази 6,6 г. ни намоён этди (+1.2 г). 15 сентябр кунига ушбу тизманинг очилган кўсақлар миқдори 87,5 фоизни ташкил этди ва ўртача маҳсулдорлик (74,5 г) бўлиб, андоза навидан (+12 г) ортди. Тола чиқими 38,10% бўлиб, андозадан 4% юқори бўлди. Тола маҳсулдорлиги 28,4 г. ни ташкил этди ва бу эса, андозадан 7,3 г юқори бўлди. Вилтга ўта бардошли бўлиб, вилт билан 5 баллик тизим-

Энг тезпишар ва вилтга бардошли бўлган тизмаларнинг таснифи

1-жадвал

№	Тизмалар	Вегетация даври	1 дона кўсаквазни	15.09 гача очилган кўсақлар, %	Ўртача маҳсулдорлик, гр	Тола чиқими, %	Тола маҳсулдорлиги, гр	Вилт би-лан зарарланиши	М.С	STR	Len	Unf (%)
1	Л462F ₄ (AubxC-8284)	118,0	6,6	87,5	74,5	38,1	28,4	1,6	4,3	35,6	1,16	82,7
2	Л4623 ₄ (AubxC-8284)	126,0	5,5	49,3	67,2	35,2	23,7	2,1	4,6	43,5	12,3	83,2
3	Л467F ₄ (AubxC-8284)	121,0	5,4	57,8	70,1	34,8	24,4	2,0	4,6	38,8	1,14	82,3
4	Л470F ₄ (AubxC-8284)	125,0	6,3	44,2	59,3	33,6	19,9	2,4	4,5	33,3	1,15	83,0
5	Л472F ₄ (AubxC-8284)	123,2	5,2	47,5	65,0	34,5	22,4	2,8	4,5	39,2	1,17	83,1
6	Л473F ₄ (Brozesxчарос)	125,5	5,0	46,4	64,2	32,3	20,7	3,1	4,6	41,0	1,16	86,2
7	Л474F ₄ (Brozesxчарос)	115,0	6,8	90,3	78,3	39,2	30,7	1,8	4,0	42,0	1,19	84,1
8	Л478F ₄ (Brozesxчарос)	124,7	6,3	48,6	66,9	34,6	23,1	2,2	4,5	32,7	1,32	85,3
9	Л473F ₄ (Brozesxчарос)	125,0	6,5	50,0	63,7	33,3	21,2	1,9	4,6	41,0	1,29	85,2
10	Л478F ₄ (Deltapinexомад)	127,1	1,0	43,3	58,5	33,8	19,8	2,4	4,5	39,5	1,19	85,0
11	Л478F ₄ (Deltapinexомад)	112,6	6,4	85,7	82,3	40,1	33,0	1,1	4,1	41,7	1,23	88,0
12	Л478F ₄ (Deltapinexомад)	114,3	6,6	80,4	80,2	38,3	30,7	1,4	4,0	42,1	1,23	83,2
13	Л478F ₄ (Deltapinexомад)	124,7	5,1	45,1	60,3	34,1	20,6	2,5	4,5	40,0	1,19	85,4
14	Л-485F ₄ (35F5 xC-8290)	115,0	6,7	82,0	79,8	37,2	29,7	1,8	4,4	40,0	1,25	86,2
15	C-6524	127,0	5,6	82,5	62,0	34,1	21,1	4,2	4,5	37,8	1,15	82,0

Бу борадаги изланишларимиз Қибрай туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида олиб борилди. Ушбу ҳудуд жуғрофий жиҳатдан 41°20' шимолий ва 69°18' шарқий кенгликларда жойлашган. Тажриба ўтказилган ер бўз тупроқли бўлиб, денгиз сатҳидан 584 м баландликда жойлашган. “Бўз-сув” метеостанцияси маълумотларига асосан, кўп йиллик ўртача ёғин миқдори 360 мм. ни ташкил қилади. Тажрибада С-2612, С-2615, “Барҳаёт”, “Жавлон”, С-6524, “Наманган-77”, Л-403, Л-116, Т-707, Т-20, Т-1 ҳамда F_3 - F_{11} дурагайлар экилди.

Вегетация даврида селекцион материалларнинг тезпишарлиги, вилт ва гоммоз касалликларига чалиниши, тола чиқими ҳамда маҳсулдорлик элементлари ўрганилиб чиқилди. F_3 - F_{11} дурагайларнинг оилалари алоҳида ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари, янги яратилган тизмалар вилт билан кучли зарарланган муҳитда кўпайтирилиб ўрганилди. Барча олинган маълумотлар математик таҳлилдан ўтказилди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида бир қатор

да 1,6 баллга зарарланди. Тола сифати тўлиқ IV типга жавоб беради.

Л-473 F_4 (Brozos X Чарос) дан олинган бўлиб, вегетация даври 115.0 кунни ташкил қилди (-12 кун). Бир дона кўсақдаги пахта вази 6,8 гр.ни ташкил қилди (+1.2). 15 сентябрь кунига ушбу тизманинг очилган кўсақлари миқдори 90,3% ни ташкил қилиб, андозадан 2 баробар кўп очилган. Маҳсулдорлик 78,3 г. ни ташкил этди. Бу эса андоза навидан 16 г кўп бўлди. Тола чиқими 39% бўлиб, андозадан 5% юқори бўлди. Тола маҳсулдорлиги 30,7 г бўлиб, андозадан 9,5 г кўп бўлди. Вилт билан зарарланиш жуда паст бўлиб 1,8 баллини ташкил этди ва 2,6 баллга паст бўлди. Тола сифати бу тизмада IV типга жавоб беради.

Ушбу тизмада Л-479 F_4 (deltapine X Омад) олинган бўлиб, вегетация даври 112 кунни ташкил қилди (-15 кун). Бир дона кўсақдаги пахта вази 6,4 намоён этди (+1 г). 15 сентябрда ушбу тизмаларнинг очилган кўсақлари сони 85,7% ташкил қилиб, андозадан 2 баробар кўп очилди. Маҳсулдорлиги эса 81,3 г.ни ташкил қилди. Бу эса андоза навидан 20 г.

кўп бўлди. Тола чиқими 40,1% бўлиб, андозадан 6% юқори бўлди. Тола маҳсулдорлиги 33,3 гр бўлиб, андозадан 12.1 г. га кўп бўлди.

Вилт билан зарарланиши жуда паст бўлиб, 1,1 баллни ташкил этди. Бу эса андоза навидан 3,1 баллга паст. Ушбу тизималардан Л-480 F₄ (Deltapine X Омад) олинган бўлиб, вегетация даври 114,3 кунни ташкил қилди (-12 кун). 1 дона кўсак вазни 6,6 гр.ни ташкил қилди (+1 г). 15 сентябрда очилган кўсақлар сони 80 фоизни ташкил қилиб, андозадан 2 баробар кўп очилди. Маҳсулдорлиги эса 80,2 г. ни ташкил қилиб, андоза навидан 20 г кўп бўлди. Тола чиқими 38,3% бўлиб, андозадан 4% юқори бўлди. Тола маҳсулдорлиги 30,7 г бўлиб, андозадан 9 г кўп бўлди.

Шундай қилиб, узоқлашган дурагайлаш натижасида Австралия намуналаридан комплекс белгилар бўйича ўз устунлигини намоён этган янги тизмалар яратилди. Ушбу тизмалар институт далаларида тезкор кўпайтирилиб, ДНС

комиссиясига топширишга тайёрланди.

П.ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Б.ЭРГАШЕВ,
муштақил тадқиқотчи,
С.ЭРГАШЕВА,
таълим докторант,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Сукуров М.П. Наследование вилтоустойчивости у межсортовых гибридов хлопчатника к двум популяциям гриба вертициллиум. Автореф. дис. канд. с-х. наук. - Ташкент, 1984. - 24 с.

2. Эрнзарова З.А. Межвидовое родство с-геномных хлопчатников и их филогенетические взаимоотношения С.Д. -геномными видами. Автореф. дисс. к.б.н. - С. 1-23.

3. Азизов В.Г. Изменчивость некоторых хозяйственных признаков у межвидовых гибридов хлопчатника первого поколения на инфекционном вилтовом фоне. - Уз. Рес. Генетик ва селекциячилар жамияти 6-съезди, тўп. - Ташкент, 1992. - 30 б.

ЎЎТ: 633.11:631.4:631.82(575.171)

ҒАЛЛАЧИЛИК

КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛ СТРУКТУРАСИ ВА ДОН СИФАТИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Grain quality and yield structure determined in winter wheat with application of mineral fertilizer at the rate of $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ и $N_{240}P_{170}K_{120}$ kg ha⁻¹ was investigated in the experiment carried out on irrigated meadow alluvial soils of Khorezm Province.

Кузги буғдой навларининг минерал ўғитларга бўлган талабчанлиги турлича бўлиб, бу — натижада ҳосил ва унинг структурасида акс этади. Чунки қўлланилган ўғитларнинг тупроқнинг кимёвий хоссаларига бўлган таъсири ўғит меъёри ва буғдойнинг навига боғлиқ. Натижада қўлланиладиган минерал ўғит меъёрларини тўғри танлаб, кўзланган сифатли дон ҳосили олишимиз мумкин.

Дала тажрибалари Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий текшириш институтининг Хоразм филиалида 2009/10 ва 2010/11 йилларда ўтказилди. Кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави 250 кг/га меъёрда экилди. Минерал ўғитлар $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрларда қўлланилди. Бўлинмаларнинг эни 5 м, узунлиги 5 м, умумий майдон 25 м² ни ташкил этди. Фосфорли (оддий суперфосфат 10% P₂O₅) ва калийли (калий хлориди 51-60% K₂O) ўғитларнинг йиллик меъёри экишдан олдин ишлатилди. Азотли ўғитлар (NH₄NO₃ – 34% N) нинг йиллик меъёри учга бўлиниб қўлланилди: 20 фоизи экишдан олдин; 40 фоиздан буғдойнинг баҳорги туплаши ва найчаш давларида. Кузги буғдойнинг асосий усув давлари Феек шкаласига асосланди. Минерал ўғитлар самарадорлигини аниқлашда вариантларни далада жойлаштиришда такрорлаш, блоклаш ва рендомлаш усулларида фойдаланилди.

Кузги буғдой ҳосил структураси вегетация даврининг охирида аниқланди. Бу иш тажрибаларнинг барча вариант ва такрорлашиларида бажарилди. Кузги буғдойда ҳар бир бўлинмадан 1 м² дан ўсимлик намуналари олинди. Олинган намуналар сояда қуритилгандан сўнг 1 м² дан чиққан бошоқли поялар умумий сони аниқланди. Унта ўсимликда: бўйи (поя+бошоқ), бошоқ узунлиги, бошоқ оғирлиги ўлчанди, бир бошоқдаги донлар сони ҳисобланиб, 200 та дон оғирлиги ўлчанди. Термостатда қуритилган намуналарда 1 м² дан олинган поялар ва дон қобиғи оғирлиги, 200 та дон оғирлиги ўлчанди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, дон ва сомон ҳосили, 1000-та дон оғирлиги каби кўрсаткичлар

аниқланди. Дон ҳосилининг сифат кўрсаткичлари (ялтироқлиги, оқсил ва клейковина миқдорлари) учта қайтариқнинг ҳамма вариантларида аниқланди (ТУ Уз 8-115-97).

Шу муносабат билан биз изланишларимизда минерал ўғитлар меъёрларини кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навида дон ҳосилини шакллантирувчи структура элементларига (1000 дона дон оғирлиги, бошоқ узунлиги, бошоқдаги дон сони) бўлган таъсирини ўргандик.

Тажриба маълумотларига кўра, маҳсулдор поялар сони 302-681 дона/м² оралиғида бўлиб, энг юқори кўрсаткич минерал ўғит $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда эришилган ва мутаносиб равишда 599-681 дона/м² ни ташкил этган.

Минерал ўғит меъёри $N_0P_0K_0$ дан $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га гача ортиб бориши билан 1000-та дон оғирлиги кўпайган ва барча тадқиқ қилинган вариантлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан тасдиқланган. Бунда энг юқори меъёрда ўғит ($N_{240}P_{170}K_{120}$) ишлатилган вариантда бу кўрсаткич биринчи тажриба йилида 46,2 г ва изланишларнинг иккинчи йилида эса 43,6 граммни ташкил этган. Л.Ганджаева (2018) нинг Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида кузги буғдойнинг “Гром”, “Аср”, “Анджон-2” ва “Звезда” навлари билан ўтказган изланишларида ҳам минерал ўғит меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ дан $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га гача оширилиши 1000 та дон оғирлигига ижобий таъсир кўрсатган.

Бошоқ узунлиги ва бошоқдаги дон сони минерал ўғит таъсирида ортган. Ўғитсиз назоратда бошоқ узунлиги 6,8-6,9 см ва бошоқдаги дон сони 30-33 дона бўлган бўлса, минерал ўғит турли меъёрларда қўлланилган вариантларда ушбу кўрсаткичлар 0,9-1,4 см ва 7-11 донага ошган ҳамда мутаносиб равишда 7,7-8,2 см ва 37-41 дона оралиғида бўлган.

Тажриба йилларида доннинг ялтироқлиги минерал ўғит меъёрига боғлиқ холда, 27,0 фоиздан 60,3 фоизгача ўзгариб турган (1-жадвал). ушбу маълумотнинг тўғрилигини ўхшаш шароитда ўтказилган тажриба натижалари тасдиқлайди. (Джуманиязова, 2011).

Минерал ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой дони сифат кўрсаткичларига таъсири

Минерал ўғит меъёри, кг/га	Ялтироқлиги, %	Клейковина, %	Протеин, %
2008/2009 йиллар.			
$N_{0}P_{0}K_{0}$	27,0 (6,2) ^с	14,4 (0,4) ^д	8,9 (0,2) ^с
$N_{120}P_{85}K_{60}$	34,5 (3,5) ^б	17,8 (0,5) ^с	9,5 (0,4) ^б
$N_{180}P_{125}K_{90}$	43,7 (2,1) ^а	22,4 (1,0) ^б	9,8 (0,2) ^б
$N_{240}P_{170}K_{120}$	50,7 (3,1) ^а	25,1(0,9) ^а	10,8(0,2) ^а
2009/2010 йиллар.			
$N_{0}P_{0}K_{0}$	51,3 (0,6) ^с	18,9 (0,8) ^с	9,6 (0,2) ^с
$N_{120}P_{85}K_{60}$	56,0 (1,0) ^б	24,0 (1,0) ^б	10,3 (0,2) ^б
$N_{180}P_{125}K_{90}$	58,7 (1,2) ^{ба}	27,9 (0,2) ^а	11,3 (0,3) ^а
$N_{240}P_{170}K_{120}$	60,3 (2,5) ^а	29,0(1,0) ^а	11,8(0,5) ^а
2010/2011 йиллар.			
$N_{0}P_{0}K_{0}$	40,7(1,5) ^с	14,1(0,2) ^с	8,5(0,5) ^д
$N_{120}P_{85}K_{60}$	53,7(3,2) ^б	23,6(1,1) ^б	10,1(0,2) ^с
$N_{180}P_{125}K_{90}$	57,7(0,6) ^а	27,5(1,3) ^а	10,9(0,1) ^б
$N_{240}P_{170}K_{120}$	59,3(0,6) ^а	28,2(0,5) ^а	11,7(0,1) ^а

^сУстундаги бир хил ҳарфлар билан белгиланган сонлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланмаган. Қавс ичидаги сонлар стандарт четлиниш.

Дон ялтироқлиги бўйича энг паст кўрсаткич ўғитсиз назоратда бўлган (27,0-51,3%). Минерал ўғит қўллаш доннинг ялтироқлигига ижобий таъсир кўрсатган ва минерал ўғит $N_{120}P_{85}K_{60}$ кг/га меъёрда ишлатилганда ушбу кўрсаткич 7,5-13,0 фоизга яхшилланган. Ўғит меъёри $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га оширилганда доннинг ялтироқлик

кўрсаткичи янада яхшиланди, ammo барча тадқиқот йилларида ушбу вариантлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланмади.

Тадқиқ қилинган минерал ўғит меъёри ортиши билан дон таркибидаги клейковина миқдори кўпайган (2-жадвал). Изланишлар давомида дондаги клейковина ўғитсиз назоратда 14,1-18,8 фоиз оралигида тебранган. Минерал ўғитнинг $N_{120}P_{85}K_{60}$ кг/га меъёри таъсирида 24,0 фоизгача, $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га ўғит ишлатилганда 27,9 фоизгача ва ўғит меъёри $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га гача оширилганда клейковина миқдори 29,0 фоизгача кўпайган. Кўрсатиб ўтиш ўринлики, тажрибанинг иккинчи ва учинчи йилларида клейковина кўрсаткичи бўйича $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га ўғит меъёрлари орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланмаган. Бу эса ушбу иккита вариантда дондаги клейковина миқдори ўзaro тенглигини кўрсатади. Дон таркибидаги протеин миқдори, қўлланилган минерал ўғит меъёрларига тегишли равишда, изланишларнинг биринчи йилида 8,9-10,8%, иккинчи йилда – 9,6-11,8% ва учинчи йилда – 8,5-11,7% оралигида бўлди (1-жадвал). Барча ҳолларда минерал ўғит қўллаш дондаги протеин миқдорини оширган. Бунда энг юқори кўрсаткичлар минерал ўғит $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрда қўлланилганда эришилган. Уч йиллик тадқиқотнинг икки йилида дон таркибидаги протеиннинг энг юқори миқдори тажрибанинг тўртинчи вариантыда эканлиги қайд этилган.

Тадқиқ қилинган минерал ўғит меъёрлари доннинг сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Доннинг ялтироқлиги (43,7-58,7%) ва дондаги клейковина (22,4-27,9%) миқдорлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар минерал ўғит $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилганда эришилди. Дон таркибидаги протеин (10,8-11,8%) миқдори $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрда ўғит берилганда юқори бўлди.

Ж.ХАЙТБАЕВА,
ассистент, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ганджаева Л. Кузги буғдой навларини экиш муддати, ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларининг ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент, 2018.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М.: Агропромиздат, 1985. - 248-255 с.
3. Джуманязова Ю. Кузги буғдойда суғориш тартиблари асосида азотли ўғитлар меъёрларининг самарадорлиги (Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида). Қ.-х. фан. номз. дисс. автореферати. – Тошкент: ЎзПИТИ, 2011.
4. Сатторов Ж.С., Атоев Б.Қ. Кузги буғдой навлари, тупроқ ва ўғит. Монография. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -151 б (133 б).

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИДА ЯНГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАМУНАЛАРИНИНГ ДОН СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

In this article there is given the information related to the research of the rates of soft wheat sorts which are plant in the climate conditions in fields of Kashkadarya region.

Бугунги кунда Республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган асосий вазифа ҳар қандай йўл билан экинлар ҳосилдорлигини ошириш эмас, балки маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Об-ҳаво шароити буғдой дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорига таъсир этади. Дон сифатининг шаклланишида ҳарорат ва намлик ўсимлик ўсув даврида, асосан, дон тўлишиш фазасида катта аҳамиятга эга. Бу пайтда етарли юқори ҳарорат билан бирга намгарчиликнинг кам бўлиши донда юқори сифатли оқсил миқдори ошишига олиб келади. Ammo бу даврда ҳарорат +35°C дан ошиши билан доннинг технологик сифат кўрсаткичлари пасайиб кетиши адабиётларда келтирилган.

Тажриба ўтказилган 2017-2018 йил бошоқли дон экинларини етиштириш мавсумида ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати экинларнинг униб чиқиш даврида ўртача эрта муддатда 21,4°C ни, ўрта муддатда 22,4°C ни, кеч муддатда 19,3°C ни ташкил этди. Энг паст ҳаво ҳарорати декабр – январ ойларида бўлиб, ўртача ҳаво ҳарорати декабр ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида 4,0-4,2°C ва январ ойининг учинчи декадасида 3,8°C ни ташкил этди. Ўртача суткалик

ҳаво ҳарорати феврал ойининг 2-декадасидан бошлаб кўтарилиб борди. Энг юқори ўртача суткалик ҳаво ҳарорати июн ва июл ойларининг 2-декадасида 39,0°C гача кузатилди.

Тадқиқотлар 2018 йилда Дон ва дуккакли экинлари ИТИ Қашқадарё филиалининг “Доннинг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва физиология” лабораториясида аниқланди. Тажриба даласида етиштирилган кузги буғдойнинг донининг технологик сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качества зерна», «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмалари, клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68, дон шишасимонлиги ГОСТ 10987-76, дон намлиги ГОСТ 13586-5-93 бўйича таққослаб ўрганилди.

“Яксарт” навининг дон таркибидаги клейковина миқдори 28,1%, “Краснодарская-99” навида 28,4%, “Ғозғон” навида 30,2%, “Бунёдкор” навида 29,2% эканлиги аниқланди.

Дон таркибидаги клейковина миқдори андоза “Краснодарская-99” навидан юқори бўлган 28 та тизма борлиги аниқланди. Жумладан, KRBW17-10 тизмаси 28,7%, KRBW17-12, UZ15PC-266 тизмаларида 29,1%, UZ15PC-58 тизмасида 29,6%, UZ23FAWIR-43 тизмасида 30,9%, KR17-IWY-9813 тизмасида 31,1% ҳамда KR17-AYT-90108

тизмасида 32,3% ни ташкил қилганлиги аниқланди. (1-диаграмма)

Андоза навларда клейковинанинг сифат кўрсаткичи “Краснодарская-99” навида 104,8, “Яксарт” навида 98,7, “Бунёдор” навида 102,1, “Фозгон” навида 101,3 ни ташкил қилди.

UZ15PC-270 тизмасида 97, UZ15PC-266 тизмасида 96, KR15-9808 тизмаси 103, KRBW17-6 тизмаси 100,1, KRBW17-10 тизмаси 87,7, UZ15PC-58 тизмаси 98,3, KRBW17-12 тизмаси 91,2, UZ15PC-295 тизмаси 87 ҳамда UZ23FAWIR-37 тизмасида ИДК кўрсаткичи 95,9 ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Буғдойнинг сифатини аниқлайдиган муҳим белгилардан бири, ундаги оксил микдоридир. Оксил микдорининг кўп ёки кам бўлишига навнинг биологик хусусияти, етиштириш услуби ва иқлим шароитлари таъсир этади (Конарев В.Г, Чмелева З.В., 1977, Минеев В ва Павлов А.Н 1981).

Таъриба натижаларига кўра, дондаги оксил микдори андоза “Краснодарская-99” навида 15,8%, “Яксарт” навида 16,3%, “Бунёдор” навида 14,6%, “Фозгон” навида 15,6% ни ташкил қилди.


Оксил микдори бўйича андоза “Краснодарская-99” навидан юқори кўрсаткични 20 та тизмада аниқланди. Энг юқори натижани KR17-IWY-9813 тизмаси 17,9%, энг паст натижани UZ23FAWIR-37 тизмаси 13,6% ни ташкил қилганлиги аниқланди. (2-диаграмма).

Маълумки, ўсимлик ўз вақтида ва етарли даражада озиклантирилса, нафақат ҳосилдорлик ошади, балки доннинг сифатига ҳам ижобий таъсир кўратади.

Дон шишасимонлиги бўйича 31 та тизма андоза

2-диаграмма


Нав ва тизмаларнинг дон оксил кўрсаткичлари. (Қарши-2018 й)



“Краснодарская-99” навидан юқори натижани қайд этган бўлиб, KRBW17-12 тизмаси 76,7%, UZ15PC-270 тизмасида 67%, UZ15PC-266 тизмасида 66%, KR15-9808 тизмаси 54,8%, UZ15PC-295 тизмасида 54,8% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Ўрганилган янги тизмаларнинг сифат кўрсаткичлари олиб борилган агротехник тадбирлар ҳамда ўсимлик экилган ҳудуднинг иқлим шароитига боғлиқ. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, доннинг сифат кўрсаткичларининг намоён бўлишига навнинг биологик хусусиятлари ҳам асосий омил сифатида ўз таъсирини кўратади.

1-диаграмма
Нав ва тизмаларнинг клейковина кўрсаткичлари. (Қарши-2018 й)



О.АМАНОВ,
қ/х.ф.д.к.и.х.

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
таянч докторант,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Айрим буғдой навлари донининг технологик сифат кўрсаткичларини ўрганишга доир. А.А.Имирсинова, С.Мирзакаримова. “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Қарши, 14-15 май, 2018 й.

2. Sinha S. K. Drought Resistance in Crop plants: A critical physiological and biochemical assessment. Drought tolerance in winter cereals. Proceeding of International Workshop 27-31 October. 1985. Capri. Italy. -P. 349-351.

ЎУТ: 631.52.633.11.631.537.

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲАМДА ХОРИЖИЙ НАВЛАРИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ

In the second year of the Primary Seeding System, household and domestic varieties of autumn wheat have been traced on economic and biological features. As a result of monitoring, a total of 14720 families of 35 varieties have been planted in the second year’s testing seedlings. 1652 families were exiled to families and selected the typical grassroots families, with the characteristic economic and morphological features of 13069 species.

Республикамизнинг суғориладиган ер шароитида экишга тавсия этилган ҳамда истиқболли кузги юмшоқ буғдой навларининг бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш лозим.

Ўзидан ва четдан чангланувчи ўсимликларнинг элита уруғларини ишлаб чиқариш қоидасига биноан яқка оиласи билан танлаш усули қўлланилади. Бу усулда навларнинг

морфологик ва маҳсулдорлик хусусиятларини сақлаш чоралари кўзда тутилган бўлади:

Бошоқли дон экинларининг элита уруғларини етиштиришни яқка оиласи билан танлаш усули қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олиши керак.

1. Биринчи йилги авлодларни синаш кўчатзори (танлаш кўчатзори)

2. Иккинчи йилги авлодларни синаш кўчатзори (уруғлик кўчатзори).

3. 1-3 йил кўпайтириш кўчатзори.

4. Суперэлита.

5. Элита.

Экишга тавсия этилган ва истиқболли кузги юмшоқ навлари бошланғич уруғчилигини ташкил этишда экишган тавсия этилган навларнинг суперэлита ва элита майдонларидан навга хос бўлган типик бошоқлар 500 тадан кам бўлмаган ҳолда навнинг экилиш майдони ва талаб истакларга қараб 1500 тагача бошоқлар танлаб олинади. Танлаб олинган типик бошоқлар алоҳида янчиб, дони ажратиб олинади ва олинган донлар алоҳида қоғоз пакетчаларга солиниб, 1-йилги авлодларни синаш майдонига ҳар бир бошоқдан олинган донлар 100x60 см схемада олинган авлодлар сонига қараб экилади.

Бугунги кунда республикада бошоқли дон экинларини бирламчи уруғчилигини ташкил этишда асосан якка танлаш усулидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу тизим бўйича институтда маҳаллий ҳамда хорижий навларни бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этилган бўлиб, 2018 йил ҳосили учун иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзорига биринчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан танлаб олинган кузги юмшоқ буғдойнинг 35 та навларини оилалари экиб ўрганилган.

Иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзори институтнинг “Марказий” тажриба даласида ташкил этилган бўлиб, тупроғи – ўтлоқи тупроқ, ерости сувлари сатҳи 1.5-2.0 м чуқурликда жойлашган.

Кўчатзорга 1-йилги оилаларни текшириш кўчатзоридан танлаб олинган кузги юмшоқ буғдойнинг 35 та навларидан жами 14720 та оилалари ўрганилди. Иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан кузги юмшоқ буғдой навларининг оилалари уруғлари 5 м² майдонга, эгат пуштасига уч қатор қилиб, ҳар 20 та оиладан кейин уларнинг андоза уруғликлари жойлаштирилиб, қўл кучи ёрдамида экиш ишлари амалга оширилди. Ҳар бир оиланинг ҳимоя оралиғи 50 см. ни ташкил этади. Тажрибадаги 2-йилги оилаларни синаш кўчатзорига 35 хил навларнинг оилалари юқоридаги экиш тизими асосида экиб, белгиланган барча дала кузатуви ва таҳлиллари олиб борилди.

Тажриба натижалари бўйича дала шароитида кузда униб чиқиш даврида 50 фоиздан кам униб чиққан, ўсиш кучи паст оилалар, ўсимликлар бошоқлагандан кейин навнинг биологик хусусиятлари бўйича эрта ёки кеч бошоқлаган, бошқа нав аралашмалари мавжуд бўлган оилалар, навга хос бўлмаган ва касалланган оилалар чиқитга (брак) чиқарилди. (1-жадвал).

Тажрибадаги 2-йилги оилаларни синаш кўчатзорига 35 хил навларнинг оилалари юқоридаги экиш тизими асосида экиб, белгиланган барча дала кузатуви ва таҳлиллари олиб борилди.

Тажриба натижалари бўйича дала шароитида кузда униб чиқиш даврида 50 фоиздан кам униб чиққан, ўсиш кучи паст оилалар, ўсимликлар бошоқлагандан кейин навнинг биологик хусусиятлари бўйича эрта ёки кеч бошоқлаган, бошқа нав аралашмалари мавжуд бўлган оилалар, навга хос бўлмаган ва касалланган оилалар чиқитга (брак) чиқарилди. (1-жадвал).

Оила ҳосил пишиб етилгандан кейин алоҳида халтачаларга териб олинди. Лаборатория шароитида барча навлар ои-

Икки йилги оилаларни синаш кўчатзоридан кузги юмшоқ буғдой навлар бўйича оилаларни чиқитга чиқариш ва олинган уруғлик ҳосили

№	Навлар номи	Ўрганилган оилалар сони, дона	Чиқитга чиқарилган оилалар сони, дона	Танлаб олинган оилалар сони, дона	Уруғлик миқдори, кг
1	Аср	480	53	427	725
2	Андижон-2	480	53	427	720
3	Дурдона	320	36	284	207
4	Қорадарё	320	37	283	263
5	Давр	480	55	425	629
6	Краснодар-9	480	61	419	358
7	Таня	320	42	278	311
8	Гром	640	83	557	650
9	Первица	480	59	421	250
10	Грация	480	55	425	250
11	Восторг	480	54	426	250
12	Стан	320	39	281	200
13	Вершина	320	35	285	200
14	Курень	320	30	290	250
15	Нота	480	53	427	300
16	Баграт	320	37	283	250
17	Бригада	320	34	286	250
18	Юка	320	36	284	300
19	Табор	320	37	283	200
20	Адел	320	37	283	300
21	Азиз	160	20	140	171
22	Навбахор	320	39	281	357
23	Ўзбекстон-25	480	52	428	532
24	Крошка	480	63	417	450
25	Зимница	320	36	284	239
26	Есаул	480	49	431	460
27	Старшина	480	52	428	375
28	Чиллаки	480	51	429	280
29	Бобур	480	52	428	324
30	Звезда(Юлдуз	640	68	572	300
31	Андижон-4	480	53	427	314
32	Ёғду	640	71	569	476
33	Шодлик	320	37	283	193
34	Сохибкор	320	37	283	169
35	Матонат	320	37	283	100
36	Жами;	14720	1652	13069	11599

лалар бўйича тарозида тортилиб, ўртачадан паст вазндаги оилалар чиқитга чиқарилди.

Фенологик ва лаборатория таҳлиллар натижасида “Таня”, “Крошка” навларининг оилаларидан бошқа навларга нисбатан кўп чиқитга чиқарилди, яъни улардан 13,1% оила чиқитга чиқарилди. “Курень” навининг оилаларида нисбатан кам чиқитга чиқарилганлиги маълум бўлди, яъни 9,3% ни ташкил қилди. Қолган барча навларининг оилаларидан бу кўрсаткич 10-12% оралиғида бўлди.

Тўлиқ таҳлиллардан ўтган ҳар бир нав оилалари уруғлари бирлаштирилди. Уруғлик дон ҳосили бўйича “Аср”, “Андижон-2”, “Давр”, “Гром” навлари юқори ҳосилдорликка эришилди.

Олиб борилган тажриба хулоса ва натижаларига кўра, иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан 35 хил навлардан жами 14720 та оила экилди.

Оилалардан 1652 таси чиқитга чиқарилди ва 13069 дона навга хос ҳўжалик ва морфологик белгилари мужассамлаш-

ган типик бошоқли оилаларни танлаб олишга эришилди.

Танлаб олинган оилалардан жами 11599 кг уруғлик оилалари навлар бўйича бирлаштирилиб, 1-йилги кўпайтириш кўчатзорига экишга тайёрланди.

Ўрганилган навлар оилаларининг миқдорий кўрсаткичлари, 1000 дона дон вазни, доннинг уруғликнинг сифат кўрсаткичлари юқори, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган оилалар танлаб олишга эришилди. Фенологик кузатув ҳамда ҳисоблаш ишлари натижаларига кўра кам маҳсулдор, касалланган оилаларни чиқитга чиқарилди. Биринчи йилги кўпайтириш кўчатзори учун танланган оилаларни сифатли уруғлик материаллари экишга яроқли ҳолга тайёрланди.

Республикамиздаги суғориладиган ерларда экишга тавсия этилган ва истиқболли навларнинг сифат кўрсаткичларини тиклаб бориш билан бир қаторда навларнинг дастабки ирсий белгиларини (морфологик, биологик, хўжалик) сақлаш билан, республика ғаллачилик хўжаликларини кузги буғдойнинг оригинал уруғлари билан таъминлай оладиган тежамкор уруғчилик технологиясини ишлаб чиқишни ишлаб чиқаришга тавсия қилиш. Уруғ етиштиришнинг узлуксиз давом этиши учун уруғчилик иши бошланган йилдан бошлаб ҳар йили навлардан якка

танлаш ва авлодларни ўрганиш жараёнлари параллел равишда давом эттирилмоқда.

И.ЭГАМОВ,
қ.х.ф.н.,

Т.РАХИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Д.РУСТАМОВА,
М.ҚЎЧҚАРОВА,
И.ЮЛДАШЕВ,
илмий ходимлар,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Д. Т. Абдукаримов. «Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги». Тошкент. «Н.Доба» ХТ матбаа бўлими. 2010 й. 309-бет.

2. Х.Н.Атабоева, О.Қодирхўжаев. «Ўсимликшунослик». Тошкент 2006 й. «Янги авлод» нашриёти.

3. Й.Узоқов, Ф.Қ.Қурбонов «Уруғчилик ва уруғшунослик» Тошкент, 2000 й.

4. Р.Сиддиқов, И.Эгамов ва бошқалар. «Бошоқли дон экинларининг элита уруғларини етиштириш бўйича услубий қўлланма». Андижон. 2017 й.

УЎТ: 633.11; 631.445.56/5(575.192)

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЭКИШ МУДДАТИ, МЕЪЁРИ ВА ЎҒИТЛАШНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

This article talks about the development of norms and planting dates, the need for mineral fertilizers to achieve a stable yield of grain crops from the biological characteristics of each created variety.

Республикамизда кузги юмшоқ буғдой навларини ҳудудлар бўйича тўғри жойлаштириш ва ҳар бир навнинг ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда тупроқ-иқлим шароити, мақбул муддат ва меъёрларда экиш, суғориш ва ўғитлаш каби агротехнологик тадбирларни ўз вақтида бажариш ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришга имконият яратилади.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борган тадқиқотларимизда кузги буғдойнинг «Краснодарская-99», «Яксарт», «Бунёдкор» ва «Ғозгон» навлари уруғлари ўрта муддатда (20 октябрь) экилганда, дон ҳосили эрта муддатда (1 октябрь) экилганига қараганда, навлар бўйича назорат вариантларида тегишлича 3,5-3,4; 2,6-3,4; 3,5-2,7 ва 3,2-2,8 ц/га юқори бўлишини таъминлаган бўлса, бу кўрсаткичлар ўғитлар $N_{180}P_{108}K_{54}$ кг/га қўлланилган пайкалчаларда экиш муддатларига ва навларга мос равишда 5,8-5,7; 6,1-5,5; 6,0-6,0 ва 6,5-5,7 ц/га, ўғитлар меъёри оширилиб ($N_{210}P_{147}K_{105}$ кг/га) қўлланилган пайкалчаларда етиштирилганда қўшимча ҳосил миқдори ўртача 5,5-6,0; 5,9-5,2; 5,3-6,1 ва 4,8-6,1 ц/га ни ташкил этганлиги ҳисобга олинди. Шунингдек, мақбул экиш муддатида (20.10), экиш меъёри 4,0 млн. дан 5,0 млн. унвчан уруғга кўпайтирилганда кузги юмшоқ буғдойнинг «Краснодарская-99», «Яксарт», «Бунёдкор» ва «Ғозгон» навларининг дон ҳосили гектаридан 1,5; 1,9; 0,9 ва 1,0 ц/га ошган бўлса, экиш меъёрини гектарига 5,0 млн дан 6,0 млн. га оширилганда, дон ҳосили навларга мувофиқ равишда 7,4; 8,3; 7,1 ва 6,7 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мақбул экиш муддатларидан кечикканда, барча экиш меъёрларида ҳам кузги юмшоқ буғдой навлари дон ҳосили камайди, лекин экиш меъёри гектарига

4,0 млн дан 6,0 млн унвчан уруғга оширилганда, дон ҳосили ўртача 6,4-9,6 ц/га ошди. Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг «Яксарт», «Бунёдкор» ва «Ғозгон» навлари эрта муддатда (1 октябрь) экилганда экиш меъёри 4,0 млн. кеч муддатда (10 ноябрь) экилганда 6,0 млн., мақбул муддатда (20 октябрь) экилганда эса, 5,0 млн унвчан уруғ эканлиги ва юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлаши аниқланди.

1-жадвал

Кузги юмшоқ буғдой навларининг дон ҳосилига экиш муддати, меъёрлари ва ўғитларнинг таъсири, ц/га

№	Вариантлар	Млн дона	Навлар номи	Эрта	Ўрта	Кеч
1	Назорат	4,0	Краснодарская-99	18,4	21,9	18,4
2			Яксарт	19	21,6	18,1
3			Бунёдкор	18,9	22,3	18,6
4			Ғозгон	19,9	23,0	19,1
5		5,0	Краснодарская-99	20,8	23,8	19,7
6			Яксарт	21,7	24,2	20
7			Бунёдкор	22,1	24,5	19,8
8			Ғозгон	22,2	25,0	21,6
9		6,0	Краснодарская-99	21,6	24,7	20,4
10			Яксарт	22	25,4	20,7
11			Бунёдкор	23,6	26,4	21,6
12			Ғозгон	24,3	27,1	22,2

13	N ₁₈₀ P ₁₀₈ K ₅₄	4,0	Краснодарская-99	44,2	50,1	39,4
14			Яксарт	46,8	52,7	40,4
15			Бунёдкор	48,7	54,7	42,8
16			Ғозғон	51,4	57,9	45,5
17		5,0	Краснодарская-99	46,7	51,5	40,7
18			Яксарт	50,5	54,6	44,6
19			Бунёдкор	50	55,6	44,7
20		6,0	Ғозғон	53,6	58,9	46,3
21			Краснодарская-99	51,7	57,4	45,6
22			Яксарт	55,6	61,1	50
23			Бунёдкор	55,8	61,9	50,7
24		N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	4,0	Ғозғон	58,9	64,7
25	Краснодарская-99			56,8	59,0	48,3
26	Яксарт			54,9	60,7	49,4
27	Бунёдкор			58,5	63,8	51,8
28	5,0		Ғозғон	63,5	66,3	56,7
29			Краснодарская-99	54,1	60,0	48,6
30			Яксарт	60,5	65,8	54,3
31	6,0		Бунёдкор	61,1	67,0	55,3
32			Ғозғон	63	68,7	55,5
33			Краснодарская-99	54,9	60,9	49
34			Яксарт	61,5	66,7	54,2
35	6,0		Бунёдкор	61,8	67,8	55,1
36		Ғозғон	63,8	69,9	56,5	

Ўрта муддатда (20 октябрь) экилган кузги юмшоқ буғдой навларининг ҳосилдорлиги эрта муддат (1 октябрь) ва айниқса, кеч (10 ноябрь) муддатларда экилганга нисбатан сезиларли даражада юқорилиги билан ажралиб турган бўлса, экиш муддатининг кечикиши (10 ноябрь) билан етиштирилган кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, “Яксарт”, “Бунёдкор” ва “Ғозғон” навларида

дон ҳосилининг сезиларли камайишига олиб келганлиги кузатилди. Демак, суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг “Краснодарская-99”, “Яксарт”, “Бунёдкор” ва “Ғозғон” навларидан энг юқори дон ҳосили, мақбул муддатда (20 октябрь) ва меъёрда (5,0 млн унвчан уруғ/га) экилганда ҳамда минерал ўғитлар N₂₁₀ P₁₄₇ K₁₀₅ кг/га меъёрларида қўлланилганда, навларга мос равишда 60,0; 65,8; 67,0 ва 68,7 ц/га етиштирилди. Кузги юмшоқ буғдой навларининг мақбул экиш муддати (20 октябрь), меъёри (5,0 млн дона уруғ) ва ўғит меъёридан (N₂₁₀ P₁₄₇ K₁₀₅ кг/га), барвақт (1 октябрь) ёки кеч муддатларда (10 ноябрь) экилганда сезиларли камайиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг “Краснодарская-99”, “Яксарт”, “Бунёдкор” ва “Ғозғон” навлари учун энг мақбул экиш муддати (20 октябрь) да экилганда 5 млн, эрта муддатда (1 октябрь) экилганда 4,0 млн, кеч муддатда (10 ноябрь) экилганда эса 6,0 млн. унвчан уруғ ҳисобида экилганда ва барча экиш муддатларида минерал ўғитларни N₂₁₀ P₁₄₇ K₁₀₅ кг/га ҳисобида қўллаш юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлаганлиги аниқланди.

М.АЗИМОВА,
қ.х.ф.ф.д.

Дон ва дуқакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР

- Ирмулатов Б.Р., Мустафоев Б.А. Влияние сроки посева и нормы высева на урожайность современных сортов яровой пшеницы // *Аграрная наука*. – Москва, 2014. – №9. – С. 13-14.
- Абдуллаева М. Кузги буғдойнинг фотосинтетик фаолиятига кўчат сонларининг таъсири ва ҳосилдорлиги // *“Агро илм” – Тошкент*. 2007. №2 (2) – Б. 21
- Жумабоев З., Азизов Б., Сулаймонов И. Экиш меъёри ва муддатининг буғдой ҳосилдорлигига таъсири // *“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”*. – Тошкент, 2005. – №3-4, – Б. 17-19.

УЎТ: 633.16:631.52

СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН АРПА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА СЕЛЕКЦИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ

The article presents the results of the research conducted to study the resistance to adverse factors and the resulting grain yield, grain nature, 1000 grain weight, the number of grains in the ear.

Ҳозирги кунда республикаимизнинг суғориладиган майдонларига экиш учун Давлат реестрига киритилган арпа навлари ўртапишар ва кечпишар навлар гуруҳига мансуб. Аввало, эртапишар хусусиятга эга бўлган бошланғич манбаларни ўрганиш ва уларни чагиштириш ишларига жалб қилиш ҳамда бир неча ота-она шакллари хос бўлган ирсий белгиларни дурагайлаш орқали битта генотипда мужассамлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Бугунги кунда суғориладиган ерларда экилаётган арпа навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашган бўлишига қарамасдан, қишга, қурғоқчиликка ва иссиқликка, турли касалликларга етарлича чидамли эмас.

Ҳосилдорликнинг айрим йилларда кескин тушиб кетишига сабаб, сут пишиш фазасида қурғоқчилик ва иссиқликнинг узоқ давом этиши, турли касалликлар эпифитотиясининг кенг тарқалиши ҳисобланади.

Суғориладиган ва лалмикор ерларнинг нам билан ярим таъминланган ва таъминланган минтақаларида ем-хашак учун иш-

латиладиган эртапишар серҳосил ва сифатли дон берадиган, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамли арпа навларини яратиш ва уруғчилигини ташкил этиш, тоғолди ва тоғли минтақаларда экиш учун пивобоп арпа навларини яратиш ва жорий этиш ўта долзарб вазифа ҳисобланади.

Суғориладиган майдонларда арпанинг янги нав намуналарини синаб кўриш ва ажралиб чиққан намуналарни истиқболли ва Давлат реестрига киритилган навлар билан чагиштириб олинган дурагайларда селекция учун қимматли белгиларни ўзаро таққослаб ўрганиш асосида биотик (касалликка, зараркунандаларга) ва абиотик (қишлашга, совуққа, қурғоқчиликка, иссиқликка) шароитларга чидамли юқори ҳосилли, дони юқори сифатли, ем-хашак, пивобоплик сифати ҳалқаро талабларга жавоб берадиган навларни яратиш.

Фенологик кузатувлар Давлат нав синаш участкаси қишлашга, касалликларга чидамлилиқ дала шароитида Россия ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган қўлланмасидан фойдаланилди. Қурғоқчиликка ва иссиқликка чи-

дампликни аниқлашда Н.Н.Кожушко услубидан фойдаланилди.

Тажрибалардан олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланди.

Тадқиқот 2015-2018 йилларда Арпа селекцияси ва уруғчилиги лабораториясининг суғориладиган тажриба майдонида олиб борилди. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида яратилган арпа навлари, суғориладиган майдонларнинг ем-хашак йўналишида 15 та, пивобоп йўналишида 6 та нав ва намуналари ўрганилди. Андоза қилиб суғориладиган майдонларда ем-хашак йўналишида Мавлоно, пивобоп йўналишида “Болғали” арпа навлари олинди. Ўрганилаётган янги нав ва намуналарга баҳо беришда Давлат реестрига киритилган Болғали (1996), “Ихтиёр” (2015), “Қизилқўрғон” (2002), “Мавлоно” (1997), “Хонақоҳ” (1999), қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат Комиссиясида синовдан ўтаётган “Мезон”, “Мирзачўл”, “Дўстлик-2011” навларига таққослаб баҳоланди.

Абиотик омилларга: Суғориладиган майдонларда қишлоққа жуда чидамли бўлган андоза “Мавлоно” навига нисбатан чидамлик (71-90%) бўлган ва унга яқин ($\pm 10\%$) кўрсаткич қуйидаги “Қизилқўрғон”, “Мезон”, “Ихтиёр”, “НМ-55”, “НМ-93” нав ва намуналарида кузатилди.

Арпа намуналарининг иссиқликка чидамлиги суғориладиган ерларда ўрганилганда нав намуналари ичидан иссиқликка чидамли кўрсаткич: “Қизилқўрғон”, “Ихтиёр”, “НМ-55”, “Болғали”, “Дўстлик-2011”, “КП-11”, “КП-12” нав ва намуналарида кузатилди (1-жадвал).

Биотик омиллар: Марказий Осиё мамлакатларида асосан арпа экини гельминтоспориоз, сариқ ва кўнғир занг, бактериал доғланиш, септориоз, қорақуя, фузариоз, ун-шудринг, тўр-тўр доғланиш, илдиз ва поя чириш сингари касалликлар ҳамда зарарли хасва, барг зулуғи, трипс ва шира сингари зараркундалар катта зарар етказмоқда [2].

Арпанинг биринчи даражали касалликлари: тўқ-кўнғир доғланиш (гельминтоспориоз), ринхоспориоз, ун-шудринг, йўл-йўл доғланиш, тўр-тўр доғланиш касаллиги билан суғориладиган майдонларда нав намуналари 10-50% атрофида касалликка чалинганлиги қайд этилди. Нав намуналар ичидан суғориладиган майдонларда “Хонақоҳ”, “Ихтиёр”, “НМ-55”, “НМ-93” нав ва намуналари андоза “Мавлоно” (40%) ва бошқа нав намуналарига нисбатан бардошлилиги билан яққол устунлик қилди (1-жадвал). Қолган касалликлар билан нав намуналарнинг 10-40% атрофида касалланганлиги кузатилди.

Ўсув даври: суғориладиган майдонларда андоза Мавлоно навига нисбатан “Ихтиёр”, “Мирзачўл”, “НМ-55”, “НМ-93”, “К-12”, “К-13” нав ва намуналари 10-15 кун эртапишар эканлиги қайд этилди.

Бошоқдаги дон сони: Тадқиқот йилида бошоқдаги дон сони суғориладиган майдонларда кўп қаторли арпа намуналарида энг кам 53 дона (НМ-93), энг кўп 76 дона (Хонақоҳ), икки қаторли арпа намуналари ичида энг кам 22 дона (К-13), энг кўп 33 дона (Болғали) оралиғида кузатилди.

1000 дона дон вазни: Суғориладиган майдонларда энг паст 32,5 г (Мезон), энг йирик 37,1 г (НМ-55) оралиғида кузатилди.

Ҳосилдорлик. Ҳосилдорлик фақат 1000 дона дон вазнига эмас, балки бир бошоқдаги донлар сони, бир бошоқдаги дон вазнига ҳам эмас балки бир бошоқдаги донлар сони, бир бошоқдаги дон вазнига ҳам боғлиқдир.

Суғориладиган майдонларда андоза “Мавлоно” навининг ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 57,7 ц ва андозага нисбатан энг юқори 70,2 ц ёки 126,2% НМ-93 намунасида қайд этилди. “Қизилқўрғон”, “Ихтиёр”, “НМ-55” нав ва намуналарида ҳам андозага нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Суғориладиган майдонларда пивобоп йўналишдаги конкурс

Суғориладиган ерларда конкурс нав синаш тажрибасида арпа нав намуналарининг биологик ва қимматли хўжалик белгилари, (Ғаллаорол, 2015-2018 йиллар)

№	Нав ва намуналар номи	Ўсув даври, кун	Иссиқликка чидамлик, %	Қишлоққа чидамлик, %	Касалликларга чидамлик, %	Бошоқдаги дон сони, дона	1000 дона дон вазни, г	Ҳосилдорлик, ц/га
Ем-хашак йўналиши бўйича								
1	Мавлоно (андоза)	211	80	84	40	61	34,9	57,7
2	Қизилқўрғон	205	87	86	25	69	33,1	64,7
3	Хонақоҳ	209	80	80	15	76	35,3	62,1
4	Ихтиёр	198	89	87	10	70	35,6	66,4
5	Мезон	202	85	85	10	63	32,5	61,2
6	Мирзачўл	199	81	89	10	71	33,4	63,5
7	НМ-55	195	88	90	5	60	37,1	68,9
8	НМ-93	206	86	92	5	53	34,2	70,2
Пиво йўналиши бўйича								
1	Болғали (андоза)	202	85	81	45	33	30,5	55,8
2	Дўстлик - 2011	195	87	84	20	28	35,2	58,2
3	КП-11	197	86	86	15	23	41,5	52,1
4	КП-12	196	90	83	15	25	41,4	51,7
5	КП-13	194	82	83	10	22	41,7	58,1

нав синаш тажрибасида андоза “Болғали” навининг ҳосилдорлиги гектаридан 55,8 ц ва андозага нисбатан юқори 58,1-62,1 ц ёки 105,1-113,7% бўлган “Дўстлик-2011”, “КП-11”, КП-12, КП-13 нав ва намуналарида қайд этилди.

Танлаб олинган НМ-55 тизмаси асосида арпанинг янги ем-хашак йўналишида “Обикор” нави яратилди ва қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган арпанинг “Болғали”, “Мавлоно”, “Хонақоҳ”, “Қизилқўрғон” каби навларнинг бошланғич уруғчилиги тўлиқ тизимда ташкил этилди.

З.УСАРОВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Т.МАМАТҚУЛОВ,
қ.х.ф.ф.н.,

А.ХОЛДОРОВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. Б.А.Доспехов. “Методика полевого опыта. Москва. Агропромиздат, 1985.

2. Глухова Л.А., Бажанова Р.М. Селекция пшеницы, грибной этиологии и таксономия возбудителей в отдельных областях Узбекистана. 1-я Центрально -Азиатская конференция по пшенице. г. Алматы, 10-13 июня, 2003 года. ТОО «Идан» 272 с.

3. Кожушко Н.Н. Комплексная физиологическая оценка засухо- и жароустойчивости озимой пшеницы в условиях Узбекистана (методические указания). 1987. -20 с.

4. Международный классификатор СЭВ рода *Hordeum L.* ВНИИР имени Н.И.Вавилова (ВИР). Ленинград. 1983. 54 с.

5. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Вып. 2. «Зерновые, крупянные, зернобобовые, кукурузы и кормовых культур» М., 1989.

ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛИГА СУҒОРИШ РЕЖИМЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

This article talks about the impact on the yield index of varieties of durum wheat Krupinka, Nasaf and Zilol irrigation regimes in the conditions of the southern regions of the Republic.

Республикамаизда экинларнинг сувга бўлган талаби жуда кўп табиий ва ҳўжалик омилларига боғлиқ бўлади. Бундай омиллардан энг муҳимлари, бу экин экиладиган ҳудуднинг тупроқ, иқлим, геологик, гидрогеологик ва рельеф шароитларидир. Шунингдек, экинларнинг сувга бўлган талаби, уларни етиштириш учун қўлланиладиган агротехник омилларга боғлиқдир. Бунда навнинг биологик хусусиятларига ҳамда экинларнинг ўсув даврларига, ўсув давридаги берилган сув сарфи эса олинадиган ҳосил ва унинг сифат кўрсаткичларига таъсири билан ажралиб туради.

Суғориш муддатларини аниқлаш мақсадида тажриба даласида тупроқни чекланган дала нам сизими (ЧДНС) тупроқ қатламлари бўйича тупроқ вазнига нисбатан аниқланди. Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сизими оғирлигига нисбатан 15,9% ни ташкил қилди. Тажрибада суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 1,0 м чуқурликдан доимий равишда 4 та такрорликда термостатда қуришти йўли билан аниқланди.

Суғориш муддати тажриба схемасига мувофиқ белгиланди ва меъёри тупроқнинг ЧДНС ва суғоришлардан олдинги намлиги фарқи (Рыжов С.Н. услуби бўйича) аниқланди.

Тажрибани 1-2- ва 3-вариантларида (ЧДНСга нисбатан 70-75-50%) буғдой 2 марта суғорилиб, ўсув даврида умумий суғориш меъёри ўртача “Крупинка” нави учун 2080 м³/га, “Зилол” нави учун 2070 м³/га, “Насаф” нави учун 2075 м³/га, 4; 5 ва 6 вариантларда (ЧДНСга нисбатан 65-70-65%) қаттиқ буғдой 3 марта суғорилиб жами ўртача “Крупинка” нави учун 3000 м³/га, “Зилол” нави учун 3095 м³/га, “Насаф” нави учун 1075 м³/га, 7; 8 ва 9 вариантларда (ЧДНСга нисбатан 70-80-75%) ўсув даври давомида “Крупинка” нави учун 3380 м³/га, “Зилол” нави учун 3535 м³/га, “Насаф” нави учун 3575 м³/га сув сарфланди.

Таҳлил натижаларига кўра, тажриба вариантларида суғоришолди тупроқ намлиги 70-75-50 фоиздан 70-80-75 фоизга ортиши билан ялпи суғориш меъёрлари “Крупинка” навида 2080 м³/га, дан 3380 м³/га. гача, “Зилол” навида 2070 м³/га. дан 3535 м³/га, “Насаф” навида 2075 м³/га. дан 3575 м³/га. гача ортиб борди.

Сувга бўлган умумий эҳтиёж ва сув истеъмоли вариантлар бўйича 1030-1120 м³/га умумий сув сарфининг 15,6-19,8% ини, атмосфера ёғинларидан фойдаланиш миқдори 2309 м³/га, 33,0-42,6 ни ташкил этди. Мавсумий суғориш меъёри эса 2080-3575 м³/га (38,0-51,0%) ни, тажриба майдонлари бўйича ҳар гектар майдон-

га умумий сув сарфи 5419-7004 м³/га. ни ташкил этди.

Энг кам сув сарфи тажрибанинг 1-3-вариантларда кузатилди, яъни 5419-5464 м³/га.га тенг бўлди. 7-9-вариантларда ушбу кўрсаткич 6739-7004 м³/га.га тенг бўлди.

Республикамаизда сув тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги вақтда буғдойдан мўл ҳосил етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, 1 ц ҳосил олиш учун кетган сув сарфини камайтириш асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаландик:

ССФС=Мавсумий суғориш меъёри (м³/га) / Ҳосил (ц)
(ССФС – Суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлиги, м³/ц)
Агар 50 ц/га ҳосил етиштиришда мавсумий суғориш меъёри 5000 м³/га сарфланса яъни, масалан 5000 м³ / 50 ц = 100 м³/ц.

Бунда 1 ц ҳосил учун 100 м³ суғориш суви сарфланган бўлади. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги бу мавсумий сарфланган сув миқдорини етиштирилган ҳосилга нисбатидир.

1 ц. доннинг шаклланиши учун сарфланган сув миқдори Фон + 70-75-50% ЧДНС суғориш тартибида навлар бўйича 37,3-42,1 м³/ц ни ташкил этган бўлиб, энг кам сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти тажрибанинг 3- вариантда (37,3 м³/ц), Фон + 65-70-65% ЧДНС суғориш тартибида эса, навлар бўйича 51,3-53,2 м³/ц ни ташкил этган бўлиб, энг кам сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти тажрибанинг 6-вариантида (51,3 м³/ц), Фон + 70-80-75% ЧДНС суғориш тартибида эса, навлар бўйича 58,1-59,3 м³/ц ни ташкил этган бўлиб, энг кам сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти тажрибанинг 9- вариантыда (58,1 м³/ц) кузатилди.

Кўзда экишдан кейинги уруғ сувидан кейин ЧДНС 70-75-50 суғорилган вариантда “Крупинка” навида ҳосилдорлик 49,4 ц/

Жадвал

Тажрибада қаттиқ буғдой навларининг сув истеъмоли кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари								
	Фон + 70-75-50 % ЧДНС			Фон + 65-70-65 % ЧДНС			Фон + 70-80-75 % ЧДНС		
	Крупинка	Зилол	Насаф	Крупинка	Зилол	Насаф	Крупинка	Зилол	Насаф
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Тупроқдаги захира намликдан фойдаланиш, м ³ /га	1030	1050	1080	1040	1090	1120	1050	1110	1120
Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	2080	2070	2075	3000	3095	3115	3380	3535	3575
Ёғингарчилик миқдори, м ³ /га	2309	2309	2309	2309	2309	2309	2309	2309	2309
Жами фойдаланилган сув миқдори, м ³ /га	5419	5429	5464	6349	6494	6544	6739	6954	7004
Қаттиқ буғдойнинг ҳосилдорлиги, ц/га	49,4	52,8	55,7	56,4	58,7	60,7	57,5	59,6	61,5
1 ц дон ҳосилига сарфланган жами сув миқдори, м ³	110	103	98	113	111	108	117	117	114
1 ц дон ҳосилига суғориш суви сарфи миқдори, м ³	42,1	39,2	37,3	53,2	52,7	51,3	58,8	59,3	58,1
Жами суғориш сарфидан суғориш суви сарфи улуши, %	38,4	38,1	38,0	47,3	47,7	47,6	50,2	50,8	51,0

га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 110 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 42,1 м³, “Зилол” навида ҳосилдорлик 52,8 ц/га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 103 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 39,2 м³, “Насаф” навида ҳосилдорлик 55,7 ц/га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 98 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 37,3 м³ни ташкил этди.

Шунингдек, ЧДНС 70-80-75 суғорилган вариантда “Крупинка” навида ҳосилдорлик 57,5 ц/га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 117 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 58,8 м³, “Зилол” навида ҳосилдорлик 59,6 ц/га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 117 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 59,3 м³, “Насаф” навида ҳосилдорлик 61,5 ц/га.ни, 1 ц дон ҳосили учун сарфланадиган сув жами сув миқдори 114 м³, шундан суғориш сувининг сарфи 58,1 м³ни ташкил этди.

Тажрибамизда суғориш қаттиқ буғдойнинг тупланиш-найчалаш, бошоқлаш-гуллаш ва сут пишиш фазаларида ўтказилганда тупроқнинг 0-100 см қатламидаги намликни 65-70-65% ЧДНС

да ушланди. Суғориш тартиби суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСнинг 70-80-75% ушлаб турилганда тўрт марта суғорилди. Бунинг учун мавсумий суғориш меъёри Фон+ 70-75-50% ЧДНС вариантда об-ҳаво шароитлари ва тупроқдаги намлик захирасига қараб 2070-2080 м³/га.ни, 65-70-65% ЧДНС да 3000-3115 м³/га.ни, 70-80-75% ЧДНС да 3380-3575 м³/га.ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, қаттиқ буғдой навининг ҳосилдорлиги, йиллик сув истеъмоли сарфига қараб ўзгариб борди. Суғоришнинг 70-80-75% ЧДНС тартибида пайкалнинг айрим жойларида ўсимликлар ётиб қолишига олиб келди.

Жанубий минтақаси суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдой навларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун ўсув даврида суғориш тартиби суғоришдан олдинги тупроқ намлигини ЧДНСнинг 65-70-65% да ушлаш дон ҳосили ошишига ва сифатининг яхшиланишига таъсир қилди.

Ш.ХАЗРАТҚУЛОВА,
(PhD) Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали
А.ШОЙМУРАДОВ,
тадқиқотчи.

АДАБИЁТЛАР

1. Қашқадарё вилоятида бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш омиллари. // *Агротавсиянома, Аманов А.А., Тиллаев Р.Т., Раҳматов И., Зиядуллаев З.Ф. Қарши. 2002.*

2. Султанова З. С., Каримуллаева М. У. Внесение минеральных удобрений и режим орошения озимой пшеницы // *Аграрная наука, 2016. - №10. - С. 17-19.*

УЎТ: 633:631.5

МОШНИНГ “НАВРЎЗ” НАВИ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

The biometric index of Navruz varieties in the macro is characterized by the duration and sowing capacity of biodiversity. Biometric indicators were higher in sowing on May 12 and June 20.

Экинлар структурасининг ўзгариши дуккакли-дон экинларидан юқори сифатли ҳосил етиштириш учун интенсив технологияларни амалга оширишни талаб қилади. Шундай технологиялардан бири, суғориладиган майдонларда экилган бошоқли дон экинларини йиғиштириб олингандан сўнг, бўшаган майдонларда мошнинг эртапишар навларини тақрорий экин сифатида экиб, дон етиштиришни кўпайтиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда юртимизда донли, дуккакли, мойли экинларга катта эътибор қаратилиб, экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Деҳқончиликни ривожлантириш ва ердан унумли фойдаланиш учун катта имкониятлар очилди. Бугунги кунда энг асосий муаммолардан бири, бу — оқсил масаласи, яъни инсониятнинг оқсилга бўлган талабини қондириш. Бу масалани ечишда дуккакли дон экинларидан мош ўсимлигининг аҳамияти катта.

Марказий Осиё ва Кавказорти республикаларида мошдан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мошдан тайёрланган ун макаронга қўшилса, унинг тўйимлилиги янада ортади. Мош дуккакли-дон экинлар гуруҳига мансуб бўлиб, донида кўп миқдорда 24-28% оқсил тўпланади. Ундан озиқ-овқат саноати билан бирга, чорва ҳайвонлари учун тўйимли ем-хашак ҳам етиштириш мумкин. Шунингдек, мошнинг илдизларида туганак бактерия ривожланиб, эркин азотни ўзлаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади.

Озиқ-овқат учун ишлатиладиган дуккакли-дон экинлари орасида мош дони озиқлик қиймати, оқсил ва витаминларга бой бўлиши, калориясининг кўплиги билан ажралиб туради. Мош озиқлик қиймати билан буғдой, ловия, нўхат, кўк нўхат ва жавдар донларидан 1,5-2 баравар, тўйимлилиги бўйича эса 1,5 ба-

равар устун туради. Мош таркибидаги оқсилнинг ҳазмланиши 86% га етади. Мош таркибида оқсил 24-28%, лизин 8%>, аргинин 7%> бўлади, В ва РР витаминлар кўп бўлади.

Шундан келиб чиққанҳолда, 2016-2018 йилларда Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида тадқиқотлар ўтказилди. Институт Тошкент вилоятининг жанубий-шарқий қисмида, Чирчиқ воҳасида, Тошкент шаҳридан 15 км. узоқликда, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Географик ўрни жиҳатидан институт координатлари Гринвич шкаласида 69°18' шарқий узунлик ва 41°20' шимолий кенгликда чегараланади.

Тупроқ қатламлари воҳа учун характерли бўлиб, ботқоқ типидagi тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта-кичик тошлар ва қум аралашмалари ҳам мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги типик ортиқча намлик шароитларидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун жуда қулайдир. Тупроғи – ўтлоқи. Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, ҳайдов қатлами 30-40 см. Тупроқдаги эритмаларнинг рН миқдори 6,8-7,3 бирликларида бўлиб, механик таркиби бўйича оғир лойлидир. Тажрибалар 13 картанинг 1 чекида олиб борилди.

Илмий тадқиқот ишлари дала ва лаборатория услубида бажарилди. Тажрибалар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Т. ЎзПИТИ 2007 й), “Методика полевого опыта» (Б.Доспехов.1985 й), “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (1985,1989) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Мош навларида ҳосил йиғишдан олдин ҳисобли ўсимликлар йиғиб олинди, бу ўсимликларда биометрик ўлчовлар ўтказилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Мош ўсимлигида ҳосилдорликни белгилловчи асосий кўрсаткичлардан бири, унинг биометрик кўрсаткичларидир. Чунки, ҳосилдорликни шох сони, дуккаклар сони ва унинг вазни, дуккакдаги дон сони, вазни, 1000 дона дон массаси каби кўрсаткичлар белгилаб беради.

Тажрибалардан олинган натижаларни таҳлил қилганимизда, 12 май муддатида ва гектарига 200 минг дона уруғ экилган вариантда дуккаклар сони 34,3 дона бўлиб, экиш меъёри оширилганида бу кўрсаткич 26,0 донагача камайган. Дуккак вазни ҳам шунга мос ҳолда 26,0 г граммдан 23,1 граммгача камайганлиги аниқланди. Экиш меъёрлари ошиши эвазига дуккаклар сони 8,3 донага, вазни 3,0 г камайган. Дон сони бўйича бу кўрсаткич 239,2 дан 215,8 дона бўлиб, уруғ меъёри оширилганда 23,4 донага оз бўлган. 1000 дона дон вазни эса экиш меъёрига мувофиқ ҳолда 3,4-5,8 г кам бўлди. 20 июнь муддатида экилган вариантда дуккак сони экилган меъёрлар бўйича биринчи вариантда 33,1 дона бўлиб, экиш меъёри ошган сари 1,7-5,4 граммгача камайгани кузатилди. Дон вазни эса вариантлар бўйича 2,1-6,8 г га кам бўлган, 1000 дона дон вазни эса экиш меъёрлари бўйича 2,5-4,1 г кам бўлганлиги кузатилди. Кейинги экиш муддатларида ҳам юқоридаги қонуният кузатилди. 1 июлда экилган вариантда дуккаклар сони экиш меъёри бўйича 1,7-5,4 дона, вазни эса 2,6-4,3 г га, дон сони 2,4-2,0 донага, вазни эса 1,9-2,7 граммга камайганлиги аниқланди. Охириги экиш муддатида дуккаклар сони экиш меъёри бўйича 3,3-5,8 донага, ваз-

“Наврўз” навини экиш меъёри ва муддатининг биометрик кўрсаткичларга таъсири (2016-2018 йиллар)

№	Экиш муддати	Экиш меъёри минг/га	Шох сони дона	Дуккак			Дон		1000 та дон вазни г
				Сони	Вазни г	Узунлиги см	Сони дона	Вазни г	
1	12.V	200	4.1	34.3	26.1	12.1	239.2	23.9	51.9
2		300	3.8	28.0	25.0	10.5	228.2	22.3	48.5
3		400	3.4	26.0	23.1	9.4	215.8	19.0	46.1
4	20.VI	200	3.5	33.1	25.0	9.6	226.4	23.6	47.8
5		300	3.3	31.4	24.2	9.4	255.9	21.5	45.3
6		400	3.0	27.7	22.1	8.9	260.4	16.8	43.7
7	01.VII	200	3.0	29.1	24.8	9.1	191.2	20.1	46.2
8		300	2.9	27.4	22.2	8.6	182.8	18.2	44.2
9		400	2.6	23.7	20.5	8.4	170.2	17.4	40.9
10	10.VII	200	2.9	26.7	20.4	8.7	173.3	15.8	42.8
11		300	2.6	23.4	18.4	8.3	168.8	15.1	41.1
12		400	2.5	21.1	17.7	8.0	157.5	14.3	40.0

ни 2,0-2,7 г камайиб борган, 1000 дона дон сони 1,7-2,8 г камайиб боргани аниқланди.

Хулосалар сифатида мана буларни айтиш мумкин:

1. Экиш меъёри ошган сари мош навларининг дуккак сони, вазни, узунлиги, дон сони ва вазни ҳамда 1000 та доннинг вазни ҳам камайиб борганлиги аниқланган.
2. Такрорий экин сифатида мош навларини июн ойининг ўрталарида экилгани маъқул, деб ҳисобланади.
3. Мош навлари баҳорда экилганда, биометрик кўрсаткичлари юқори бўлиши аниқланди.

Х. ИДРИСОВ,
илмий ходим,

Шоличилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н, Худойқулов Ж.Б. Ўсимликшунослик. Т “Фан ва технология”. 2018 й.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М. Колос. 1979 г.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007 й.
4. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”. Ташкент. 1989 г.

УЎТ:635.65

ТАКРОРИЙ ЭКИН МОШ ИЛДИЗИДА ТУГАНАКЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ

The article explains a change in the number of formed root tubers of mash with different norms and sowing dates. It shows that if sowing mash after winter wheat are planted in the early term (June 20-30) with a rate of 14 kg per hectare on the roots of one plant, then considering the number of tubers are 24, the increment was observed by 5 pieces comparing with the late (July 10-20) sowing one.

Республикамизнинг суғориладиган майдонларида экилаётган қишлоқ хўжалик экинларининг асосини ғўза ва кузги бошоқли-дон экинлари ташкил этади. Республикамизнинг бир миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларида ҳар йили кузги бошоқли-дон экинлари етиштирилади. Демак, май-июнь ойларида кузги бугдой йиғиштириб олингандан сўнг шунча микдордаги майдонда такрорий экинлар етиштириш имконияти пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли технологияларини яратиш, шу орқали ҳосилдорликни ошириш, ғўза, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган алмашлаб экиш тизимларини янада такомиллаштириш, ушбу алмашлаб экиш тизимларида етиштириладиган такрорий экинларнинг тури ва навини тўғри

танлаш, турли тупроқ-иқлим шароитларида улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникасини, хусусан экиш муддати ва меъёри каби омилларни ўрганиш кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси шароитида мошни такрорий экин сифатида экиш муддати ва меъёрини илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш мақсадида дала тажрибалари олиб борилди.

Илмий тадқиқот ишлари ПСУЕАИТИ Қашқадарё илмий-тажриба станциясига қарашли Касби тумани А.Навоий ММТП худудининг тақирсимон тупроқлари шароитида ўтказилди. Тажриба даласи тупроқлари механик таркибига кўра, ўрта қумоқ, кучсиз шўрланган тақирсимон тупроқлар бўлиб, сизот сувлар сатхи 2,5-3,0 метрни таш-

кил этади.

Тажрибада мошнинг “Дурдона” ва “Қаҳрабo” навлари такрорий экин сифатида уч хил муддат (20-30.06; 1-10.07; 10-20.07.) ва уч хил (10 кг/га; 12 кг/га ва 14 кг/га) меъёрларда экиб ўрганилди.

Дуккакли-дон экинлари етиштиришда агротехник тадбирлар аҳамиятини янада ёрқинроқ ифодалаш учун илдида яшаб ҳаводаги эркин азотни ўзлаштирувчи туганак бактериялар фаолиятини таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимизда мошни дон учун кузги бугдой ангида такрорий экин сифатида турли муддатлар ва меъёрларда экиб, унинг самарали экиш муддати ва меъёрини аниқлашда мошнинг туганаклар ҳосил қилиши ҳам ўрганилди.


Адабиётлардан маълумки, қулай шароит бўлганда туганак бактериялар дуккакли ўсимликлар билан симбиоз ҳолда яшаб, дуккакли экинлар майдонининг ҳар гектарида йилига 100 кг дан 400 кг гача атмосфера азотини тўплаши мумкин (М.В.Фёдоров).

С.Н.Виноградский дуккакли-дон ўсимликларининг ҳаводаги эркин азотни илдидаги туганак бактериялар воситасида ўзлаштириши ҳамда уларни парваришlash қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг таъсири билан боғлиқлигини ўрганган бўлса, Ф.В.Турчин ҳаводаги азотни ўзлаштирадиган туганак бактериялар воситасида тўпланадиган азот-биологик азот бўлиб, экологик жиҳатдан соф ва самарали бўлишини илмий ва амалий жиҳатдан асослаган. Шу билан бир қаторда ҳаводаги эркин азотни дуккакли-дон ўсимликлари илдида яшовчи туганак бактериялар ўзлаштириш механизми ва салмоғи дуккакли-дон ўсимликларининг турлари, навлари, табиий иқлим шароити, етиштириш агротехникаси, хусусан, экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлигини ҳам қайд қилган.

Тажрибада ўсимликнинг илдида туганак бактерияларнинг ҳосил бўлиши шоналаш, гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш фазаларида ўрганилди.

Олиб борилган кузатув натижаларига кўра, мошнинг “Дурдона” навида вариантлар буйича шоналаш даврида 9-13 дон, гуллаш фазасида илдида ҳосил бўлган туганаклар сони 14-18 донани ташкил этган бўлса, дуккак ҳосил қилиш даврига келиб 15-24 донани таш-

1-диаграмма. Турли муддат ва меъёрларда экилган мошнинг илдида туганаклар ҳосил бўлиши



кил этганлиги аниқланди (1-диаграмма).

Мош ангида гектарига 14 кг. ҳисобида июн ойининг охирида экилганда дуккаклаш фазасида илдида ҳосил бўлган туганаклар сони 24 донани, июл ойининг бошида экилганда 23 донани ва июл ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганда эса 19 донани ташкил этди. Юқори натижа мош эрта муддатда июн ойининг охирида экилган 3-вариантда кузатилиб, кеч экилган вариантларга нисбатан ҳосил бўлган туганаклар сони 2-5 донга кўплиги кузатилди.

Экиш меъёрининг таъсири кўрадиган бўлса, мош уруғини гектарига 10 кг дан 14 кг гача ошириб бориш ҳам туганаклар ҳосил бўлишини 2-4 донгача ошириб борди.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида мош кузги бугдой ангида эрта муддатларда (20-30 июнь) гектарига 14 кг. уруғ сарфланиб экилса, битта ўсимлик илдида ҳосил бўлган туганаклар сони ўрта ҳисобда 24 донани ташкил этгани ҳолда, кеч муддатда (10-20 июль) экилганга нисбатан 5 тага кўпайиши тажрибаларда кузатилди.

С.НЕГМАТОВА,
қ.х.ф.д., кат.и.х., ПСУЕАИТИ,
Б.ШАВКАТОВ,
мустақил тадқиқотчи, ҚарМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Виноградский С.Н. Микробиология почвы. Проблема и методы. – М.: изд. АН СССР, 1952. – 410 с.
2. Фёдоров М.В. Микробиология. Тошкент, 1966.
3. Турчин Ф.В. Новые данные о механизме фиксации азота в клубенках бобовых растений. // Почвоведение. 1959, №10. С. 19-21.

ЎТ:635.656:581.14:631.4

КУЗДА ЭКИЛГАН НҲҲАТ НАВЛАРИ ИЛДИЗЛАРИДА ТУГАНАКЛАР МАССАСИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Замонавий деҳқончилик асослари тупроқда кечадиган турли-туман микробиологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ ва бу ҳосилдорлик тақдирини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Микроорганизмлар тупроқда органик моддаларнинг минерализация ва гумификация жараёнларини таъминлаш билан бир қаторда, биосферада моддалар алмашинувида энг муҳим оралиқ вазифани бажаради.

Дуккакли дон экинлари бошқа гуруҳ экинлардан фарқ қилиб, туганак бактериялар билан симбиоз ҳаёт кечириб, атмосфера азотини фиксациялаш ва тупроқдаги қийин ўзлаштириладиган фосфорли бирикмаларни ўзлаштириш қобилиятига эга. Нўхат алмашлаб экишда энг яхши ўтмишдош экинлар жумласига киритилади.

Нўхат илдида яшовчи туганак бактериялар биологик азот тўплайди ва улар тупроқдаги органик моддалар миқдорини, тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилади, тупроқ унумдор-

лигини оширади. Нўхат илдида тўпланган азот – биологик азот бўлиб, улар ўсимлик маҳсулотларида нитратларнинг тўпланишини, тупроқда органик моддаларни тез парчалайдиган зарарли микрофлора кўпайишининг олдини олишга ҳамда тоза маҳсулот етиштиришга имкон беради.

Дала тажрибалари 2015-2017 йилларда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги “Қарим бобо” фермер хўжалиги бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тажрибада нўхатнинг “Юлдуз”, “Ўзбекистанский-32” ва “Лаззат” навларини кузда 20 ноябр, 30 ноябр ва 10 декабрда 3-5 см, 6-9 см ва 10-12 см экилиб экиш муддатлари ва экиш чуқурлиги ўрганилди.

Тажрибада нўхатнинг “Юлдуз”, “Ўзбекистанский-32” ва “Лаззат” навлари илдида ҳосил бўлган туганаклар массаси кузда ҳар хил муддатда ва экиш чуқурлигида экилган вариантлари буйича гунчалаш, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида аниқланди. (1-жадвал).

Кузда экилган нўхат навларида туганакларнинг шаклланиши, г

Экиш муддатлари	Экиш чуқурлиги	Ғунчалаш				Гуллаш				Дуккаклаш			
		2015	2016	2017	ўртача	2015	2016	2017	ўртача	2015	2016	2017	ўртача
“Юлдуз” нави													
20 ноябр	3-5	15,1	15,2	15,4	15,2	19,6	19,9	20,7	20,1	21,0	21,6	22,6	21,7
	6-9	15,3	15,6	15,8	15,6	20,0	20,7	21,3	20,7	21,7	22,1	23,6	22,5
	10-12	15,3	15,4	15,6	15,4	19,7	20,1	20,9	20,2	21,2	21,6	22,7	21,8
30 ноябр	3-5	15,7	15,9	16,3	16,0	20,2	21,1	21,5	20,9	21,6	21,9	23,6	22,4
	6-9	16,0	16,2	17,6	16,6	20,9	21,7	21,8	21,5	22,0	22,8	24,5	23,1
	10-12	15,5	16,0	16,7	16,1	20,3	21,4	21,4	21,0	21,5	22,0	23,6	22,4
10 декабр	3-5	13,1	14,0	14,7	13,9	17,6	18,1	19,1	18,3	19,1	19,9	21,7	20,2
	6-9	14,0	14,9	15,6	14,8	18,1	18,9	20,1	19,0	19,7	20,9	22,8	21,1
	10-12	13,5	14,2	14,8	14,2	17,7	18,4	19,4	18,5	19,3	20,2	21,9	20,5
“Ўзбекистанский-32”													
20 ноябр	3-5	12,4	12,9	13,3	12,9	16,2	16,4	17,9	16,8	17,6	17,9	18,6	18,0
	6-9	12,7	13,4	14,1	13,4	16,5	17,0	18,5	17,3	18,0	18,6	19,7	18,8
	10-12	12,5	13,1	13,4	13,0	16,2	16,5	18,1	16,9	17,6	18,1	18,8	18,2
30 ноябр	3-5	12,9	13,5	14,1	13,5	17,0	17,6	19,0	17,9	18,0	18,9	19,1	18,7
	6-9	13,4	14,1	14,9	14,1	17,4	18,1	19,7	18,4	18,9	19,7	20,2	19,6
	10-12	13,0	13,7	14,7	13,8	17,2	17,8	19,1	18,0	18,3	19,1	19,4	18,9
10 декабр	3-5	12,6	12,7	13,1	12,8	15,6	15,9	16,1	15,9	17,4	17,7	18,5	17,9
	6-9	12,7	13,1	13,7	13,2	15,9	16,3	16,9	16,4	17,7	18,1	19,1	18,3
	10-12	12,6	12,9	13,4	13,0	15,7	16,1	16,4	16,1	17,6	17,9	18,7	18,1
“Лаззат” нави													
20 ноябр	3-5	11,6	11,9	12,7	12,1	15,3	15,7	17,6	16,2	16,1	16,7	17,7	16,8
	6-9	11,9	12,3	13,6	12,6	15,7	16,1	17,9	16,6	16,6	17,1	18,5	17,4
	10-12	11,8	11,1	13,0	12,0	15,6	15,8	17,5	16,3	16,4	16,9	17,9	17,1
30 ноябр	3-5	12,0	12,5	13,4	12,6	16,3	16,5	17,9	16,9	17,3	17,5	18,3	17,7
	6-9	12,5	12,9	14,1	13,2	16,5	17,0	18,3	17,3	17,5	17,9	19,1	18,2
	10-12	12,3	12,7	13,5	12,8	16,5	16,7	18,0	17,1	17,4	17,5	18,7	17,9
10 декабр	3-5	11,6	11,5	12,3	11,8	14,8	15,6	16,7	15,7	16,3	16,6	17,5	16,8
	6-9	11,7	12,1	13,1	12,3	15,1	15,9	17,3	16,1	16,5	16,9	18,1	17,2
	10-12	11,6	11,7	12,7	12,0	15,0	15,5	16,9	15,8	16,5	16,6	17,8	17,0

Барча ўрганилган навларда нўхат экини вариантлари бўйича ғунчалаш, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида илдизида туганакларнинг шаклланиши аниқланганда 2017 йилги дала тажрибасида 2015-2016 йилга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Ўсимликнинг ривожланиш фазалари бўйича нўхат навларида дуккаклаш фазасига боргунча туганакларнинг массаси ортиб борди.

Ушбу навлар кузда ҳар хил экиш муддатлари ва экиш чуқурлигида экилган вариантларда нўхат навлари илдизида ҳосил бўлган туганаклар массаси кескин фарқ қилиши аниқланди.

Бунда ғунчалаш, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида нўхат экини илдизида туганакларнинг шаклланиши навлар бўйича ўртача уч йилда бир туп ўсимлик илдизидаги туганаклар массаси “Юлдуз” навида вариантлар бўйича 30 ноябрда 6-9 см чуқурликда экилганда ғунчалаш фазасида 16,6 г, гуллаш фазасида 21,5 г ва дуккаклаш фазасида 23,1 граммни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич “Ўзбекистанский-32” навида вариантлар бўйича 14,1 г; 18,4 г; 19,6 г, “Лаззат” навида 13,2 г; 17,3; 18,2 граммни ташкил этди.

Бу эса 30 ноябр 3-5 см ва 10-12 см чуқурликда экилган вариантга нисбатан “Юлдуз” навида ғунчалаш ва гуллаш фазасида 0,6-

0,5 г ва дуккаклаш фазасида 0,7 г; “Ўзбекистанский-32” навида ғунчалаш фазасида 0,6-0,7 г, гуллаш фазасида 0,5-0,4 г ва дуккаклаш фазасида 0,9-0,7 г; “Лаззат” навида ғунчалаш фазасида 0,6 г, гуллаш фазасида 0,4-0,2 г ва дуккаклаш фазасида 0,5-0,7 граммгача туганаклар миқдори ортиқ бўлиши аниқланди.

Таҳлилдан маълум бўлишича, кузда 30 ноябрда 6-9 см чуқурликда экилган навлар орасида энг кўп туганаклар оғирлиги “Юлдуз” навида кузатилиб, 20 ноябр ва 10 декабрда 6-9 см чуқурликда экилган вариантга нисбатан 1-1,8 граммгача навлар бўйича бир ўсимликда 2,5-3,5 граммгача туганаклар миқдори ортиқ бўлиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, кузда ҳар хил муддат ва экиш чуқурлигида экилганда, навлар орасида энг кўп туганаклар оғирлиги 30 ноябр 6-9 см чуқурликда экилган вариантларда кузатилиб, бошқа экиш муддати ва экиш чуқурлигига нисбатан юқори бўлиши кузатилди.

**З.БОБОҚУЛОВ,
И.ХАМДАМОВ,
Б.МАВЛОНОВ,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳамдамов И. Ҳ., Мустанов С. Б., Бобомуратов З. С. Суғориладиган ерларда нўхат етиштиришнинг илмий асослари. – Т.: Фан. 2007.
2. Шукуруллаев П. Ш. Развитие клубеньковых бактерий на корнях нута. // Инф. лист. ДИТАФ науки и техника РУУ. – Ташкент, 1969. – С.25-28.
3. Ҳамдамов И.Х., Хаитова М. Экиш муддатларининг нўхат илдизидаги туганаклар шаклланишига таъсири // Фан ютуқлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд. 2005. 87-88 б.
4. Мустанов С. Б. Суғориладиган ерларда нўхат етиштириш технологиясига оид амалий қўлланма. – Самарқанд, 1991.

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА МОЙЛИ ЗИҒИРНИНГ “БАҲОРИКОР” НАВИ БОШЛАНҒИЧ УРУҒЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Республикамызда мойли экинларни етиштириш ерлардан унумли фойдаланишга имкон яратиш билан бирга, асосий тармоқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эhtiёжини қондириш муаммосини ечишга кенг йўл очади.

Бугунги кунда лалмикор майдонларда мойли экинлар майдони талабидан келиб чиқиб йилдан-йилга ошиб бормоқда, аммо кейинги йилларда бу экинлар навлари уруғларининг ҳар йили қайта-қайта экилиши натижасида уларнинг ҳосилдорлиги ва навдорлиги пасайиб бормоқда.

Мойли экин навлари уруғчилик тизимини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, шу сабабли мазкур майдонларда навнинг навдорлик хусусиятларини сақлаш учун элита уруғларини етиштирадиган хўжаликларда районлашган ва истиқболли навларнинг юқори сифатли, серҳосил ва навдор уруғлари билан таъминлаб, ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат. Шунингдек, юқори репродукцияли уруғлик етказиб берувчи субъектларни аниқлаб, ягона мойли экин навлари уруғчилик тизимини шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

“Баҳорикор” навининг I-II йилги авлод синаш питомникларида фенологик кузатув натижалари. (Ғаллаорол ИТС, 2018 йил).

№	Нав номи	Экилган оилалар сони	Экилган майдон (м ²)	Экилган сана	Фазалар бўйича						Вегетация даврининг давомийлиги (кун)
					Униб чиқиш санаси	Арчаш санаси	Ғунчалаш санаси	Гуллаш санаси бошланиши	Пишиш		
I йил авлод синаш питомниги											
1	Баҳмал-2 (ст)	600	1	21.03	18.04.	29.04.	14.05.	20.05.	12.07.	21.07.	90
2	Баҳорикор	600	1	21.03	17.04.	27.04.	12.05	19.05.	9.07.	19.07.	88
II йил авлод синаш питомниги											
1	Баҳмал-2 (ст)	400	5	23.03	19.04.	30.04	16.05	21.05.	15.07.	24.07.	94
2	Баҳорикор	400	5	23.03	17.04.	28.04.	14.05	20.05	13.07.	22.07.	92

Барча услуб ва агротехник тадбирлар, фенологик кузатувлар, дала ва лаборатория шароитида турли кўрсаткичлар бўйича баҳолашлар, таҳлиллар қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссияси услуби (1997) ва собиқ Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР, 1985) да ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

“Баҳорикор” навининг бошланғич уруғчилик тизими олиб боришда куйидаги натижаларга эга бўлинди.

I-йилги авлодларни синаш питомнигида ушбу экинларнинг морфологик ва хўжалик белгилари бир хил бўлган 600 та типик ўсимликлардан танлаб олинган уруғлар қатор қилиб алоҳида қўлда экилди ва энг яхши, донлари йирик, касалланмаган оилалар танлаб олиниб алоҳида йиғштириб олинди.

II-йилги авлодларни синаш питомнигида ўтган йилги I-йилги авлодларни синаш питомнигидан танлаб олинган 400 та оилалар ҳар 5 м² да алоҳида қилиб сеялка ёрдамида экилди, баҳолаш ҳамда танлашлар асосида бу навларнинг бир хил биологик ва мофологик белги-хусусиятларига эга бўлган оилалари танлаб олинди, касалланган ва зараркунандаларга чидамсиз оилалар яроқсизга чиқарилди.

II-йилги авлод синаш питомнигидан танлаб олинган уруғлар тозаланиб донлари бирлаштирилиб, I-йилги кўпайтириш майдонида кичик ҳажмли (СФК, - 7-10) сеялкалари ёрдамида экилди.

Экилган оилаларнинг касалликларга (антракноз, фузариоз) чидамлик белгиларини майсалар униб чиққанидан кўсақчаларнинг тўла сарғайиб пишгангача бўлган даврда 5-баллик система асосида баҳолаш ишлари олиб борилди. Таҷрибада ўсимликларнинг униб чиқиши бошланиши 17-18 апрел, тўлиқ униб чиқиши 20-21 апрел кунлари, арчаш санаси оилаларда тегишлича 27-30 апрел, ғунчалаш 12-14 майда тўғри келиб, бу ойда ёғингарчилик миқдори кўп йилликка нисбатан

деярли тенг миқдорда бўлганлиги учун ўсимликларнинг гуллаши 19-21 майга ва тўлиқ пишиши эса 19-24 июл кунлари қайд этилди.

Жорий йил фенологик кузатувлар натижаларига кўра ушбу питомникларда зиғирнинг ўсув даври давомийлиги ўртача 88-92 кунни ташкил этди.

Дала кузатувларида ҳамма экилган оилаларнинг навга хослиги, умумий ривожланиш, эртапишарлиги, касалликларга чидамлиги, маҳсулдорлиги, асосий морфологик белгилари синчиклаб ўрганилди ва баҳоланди. Шунингдек, олиб борилган биометрик таҳлил натижалари бўйича “Баҳорикор” навининг ўсимлик бўйи 45-47 см, шохланиш даражаси ўртача 5,0-5,5 донга, кўсақчалардаги донлар сони 6-7 донгача ораллигида ва 1000 донга дон вази 2,4-3,0 г гача ўзгарганлиги кузатилди. I-йилги авлод синаш питомнигида оилалар бўйича ўртача ҳосилдорлик 7,4-7,8 центнер ва II-йилги авлод синаш питомнигида эса 7,6-8,0 центнерни ташкил этди.

Барча уруғлик майдонларидан йиғштириб олинган ҳосиллар алоҳида қўл кучи ёрдамида тозаланиб, қондицион уруғлик талабларига

етказилган ҳолда уруғчилик тизимининг кейинги босқичларига ўтказилди

Олиб борилган таҷрибалар якунида “Баҳорикор” навининг I-йилги авлодлар синаш питомнигида ўрганилган 600 та оилалардан ҳосилдорлик бўйича ушбу навга хос бўлган 480 та оилалар танлаб олинди. Негатив танлаш асосида 80 та оилаларда касаллик аломатлари кузатилганлиги ва бошқа маҳсулдорлик белги ва кўрсаткичлари паст бўлганлиги сабабли яроқсиз деб топилди.

II-йилги авлодлар синаш питомнигида ўрганилган 400 та оилалардан ҳосилдорлиги бўйича 320 та оилалар танлаб олиниб бирлаштирилди ҳамда I-йил кўпайтириш уруғи олиш учун тайёрланди. Навга хос бўлмаган 20 та оилада касаллик аломатлари кузатилганлиги сабабли яроқсиз деб топилди.

Ш.ОРИПОВ,
қ.х.ф.ф.д.

Ф.АМАНОВ,
кичик илмий ходим.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Ғаллаорол илмий-таҷриба станцияси

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Т.Абдукаримов “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги” Ўқув дарслиги. Тошкент, 2010 йил.
2. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Ўсимликшунослик”. Тошкент, 2016 йил.
3. И.Г.Жданов “Мойли экинлар уруғи стандарти” Москва. “Колос” 1966 йил.
4. Ш.Х.Орипов, Ф.Б.Аманов “Мойли зиғирнинг “Баҳорикор” нави. “Аеро илм” илмий-оммабоп журнали 2-3 (34-35) сон. 2015 йил.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА СОЯНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

The article presents the agrotechnical significance of soybeans, a brief description of the ultra-early, early, middle-ripening soybean varieties brought from the Russian Federation. Methods of sowing, seeding rates, depth of seed embedding, brand of seeder, inoculants and features of their use, fertilizer, watering, weed control measures, diseases and pests, harvesting taking into account the biological features of varieties and soil and climatic conditions are given.

Ҳозирда республикада селекционер олимлар томонидан яратилган 16 та соя нави Давлат реестрига киритилган. Улар орасида эртапишар, ўртапишар, кечпишар навлар мавжуд. Аммо уларнинг етарли миқдорда уруғлари бўлмаганлиги туфайли жорий йилда соянинг тезпишар, эртапишар ва ўртапишар навлари Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидаги “СОКО” соя компаниясидан келтирилган элита уруғлари билан бир қаторда. Республикада яратилган ва Давлат реестрига киритилган соя навлари экилмоқда. Айтиш пайтда янги келтирилган навларнинг биологик хусусиятлари, минтақа тупроқ-иқлимига мос равишда етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган.

Соянинг келтирилган “Аванта”, “Бара”, “Амиго”, “Арлета”, “Спарта”, “Селекта-101” навлари жуда тезпишар ҳисобланади ва уларнинг ўсиш даври 83 кундан 100 кунгача. Пастки дуккакларнинг ер юзасидан жойлашиш баландлиги 12-14 см, 1000 та дон массаси 120 дан 180 граммгача, ўсимликнинг бўйи 85-110 см, Россия Федерациясининг жанубида асосий экин сифатида экилганда 2,03 дан 2,58 т/гача дон ҳосили олинган. Такрорий экин сифатида экилганда ҳосилдорлик 2,64 дан 2,96 т/га ни ташкил этган. Максимал ҳосилдорлик 3,78 дан 4,76 ц/га, бу кўрсаткич нав хусусиятларига қараб ўзгарган. Ҳосилнинг пишиб етилиши апрел, май ойида экилган пайкалларда август ойининг 1-3 ўн кунлигида пишиб етилган. Такрорий июннинг 3-ўн кунлигида экилганда сентябрнинг 2-3 ўн кунлигида пишиб етилган.

Республикада шариоитида “Аванта”, “Бара”, “Амиго”, “Арлета”, “Спарта”, “Селекта-101” навлари жуда тезпишар ва тезпишар ҳисобланади ва улар буғдой ҳосилидан бўшаган суғориладиган ерларга такрорий экиш учун тавсия этилади. Ўсув даври 108 дан 120 кунгача бўлган ўрта тезпишар навлар Ўзбекистон шариоитида асосий экин сифатида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Келажақда соянинг республикамиз тупроқ-иқлим шариоитига мос ўсув даври 111-120 кун, фаол ҳароратга талаби 2201-2300°C бўлган ўрта тезпишар, 121-130 кун, фаол ҳароратга талаби 2301-2400°C бўлган эртапишар ва ўсув даври 131-150 кун, фаол ҳароратга талаби 2401-2600°C бўлган ўрта кечпишар навларнинг уруғчилигини асосий экин учун ташкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Юқорида қайд этилган навларнинг бўйи 130-150 см, энг пастки дуккакларнинг ердан жойлашиш баландлиги камида 14-17 см, ётиб қолишга, чидамли дуккаклар етилганда донлари тўкилмайди, ҳосилдорлиги 30-40 ц/га бўлиши лозим. Қайд этилган кўрсаткичлар маҳаллий “Нафис”, “Ўзбекская-6”, “Барака” соя навларида мавжуд. Шундай навлар экилгандагина барча агротехнологик усуллар механизация ёрдамида бажарилиши ва етиштирилган ҳосил таннарх пасайиши таъминланади.

Соя такрорий экин сифатида экилганда сув ва шамол эрозиясининг зарарли таъсирини камайтиради, тупроқни органик моддалар билан бойитиб, унумдорлигини оширади. Суғориладиган ерларда тупроқ юзасини узлуксиз равишда ўсимлик қоплами билан таъминлаш даври кўп бўлади, тупроқ юзаси жуда қизиб кетмайди, намликни йўқолиши, тупроқни иккиламчи шўрланиши камайди. Соя такрорий экин сифатида анғизга экилганда экинзор микроклимини, дала фитосанитар ҳолатини, тупроқдаги микробиологик жараёнларни яхшилади.

Соя илдиэларида туганаклар ҳосил бўлиши учун уруғ экиладиган тупроқда туганак бактериялари бўлиши керак. Ўзбекистон тупроқларида соя экилмагани учун туганак бактериялар йўқ. Шунинг учун соя илдиэларида туганакларнинг ҳосил бўлишини таъминлаш мақсадида уруғлар экишдан олдин бактериялар Ризоторфин, Ризобифит, Нитрагин ёки Ризоазот билан ишланади. Уруғларни экишдан олдин бактериялар ўғитлар билан ишлатиш жараёнига инокуляция дейилади. Инокуляция ёпиқ бинода ёки соя жойда ўтказилади. Қуёш ёруғлиги тушса бактериялар нобуд бўлади. Шунинг учун сеялка қутилари ҳам қопқоғи ёпилган ҳолда ишлатилиши керак.

Сўнги йилларда Россия Федерациясида “Нитрофикс-П” препаратидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлиб у порошок ҳолида торфдан тайёрланган, шўр ва кислотали тупроқларда ҳам яхши натижа берган ва 2 йилгача сақланиши мумкин. 100 г порошок 50 кг уруғга сарфланади. “Нитрофикс-Ж” суюқ инокулянт бўлиб 2 йилгача сақланади ва ишланган уруғларни 20-25 суткагача сақлаб экиш мумкин. Қўллаш меъёри 1 т уруғ 2 кг препарат билан ишланади.

Оқдарё туманида “Фариза Жасмина Кумушкент” фермер хўжалиги шариоитида “Нитрофикс-П”, “Нитрофикс-Ж” препаратлари билан соянинг “Нафис” ва “Селекта-302” навлари уруғлари юқорида қайд этилган тартибда ва меъёрида қўлланилганда майсалар ҳосил бўлгандан 12-14 кун ўтгач, барча ўсимликларнинг илдиэларида туганак бактериялар фаолияти натижасида ҳар бир ўсимлик илдиэида 4-5 тадан туганакчалар ҳосил бўлиши ва ўсув даврининг кейинги фазаларида уларнинг сони ва массаси ортиб бориши кузатилди. Биз синаб кўрган бактериялар ўғитлардан энг самаралиси мазкур препаратлар эканлиги аниқланди.

Тупроқни ишлашда бегона ўт илдиэларидан тозаланган дала 28–30 см чуқурликда ҳайдалади. Ерни ҳайдаш олдидан органик, калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, фосфорли ўғитнинг 70–80% и берилади. Бирорта сабабга кўра, фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдаш олдидан солинмаган бўлса, кўрсатилган миқдордаги ўғитларни 10-14 см чуқурликда биринчи культивация билан бериш маъқул.

Гўнг 1 га майдонга 30-40 т солинади. Азотли ўғитлар гектарига 30-50 кг берилади. Сояга 90–100 кг/га фосфор, 40–60 кг /га калий солинади. Соя 1ц дон ва шунга мувофиқ поя барглари ҳосил қилиш учун ўртача 8,8 кг азот, 2,8 кг фосфор, ва 3,6 кг калий ўзлаштиради. Соя илдиэларида туганаклар ҳосил бўлмаса 2,0 т/га ҳосил олиш учун 1 гектарга 180 кг/га азот солиш керак. Бу миқдор 529 кг аммиакли селитрага ёки 391 кг карбамидга тўғри келади. тўғри келади. Агар қўлланилган азотли ўғитнинг ўзлаштирилиш коэффициенти 50% деб олсак 2,0 тонна дон ҳосили олиш учун 2 баробар кўпроқ азотли ўғитни (1058 кг аммиакли селитра ёки 782 кг карбамид) қўллашга тўғри келади. Шунинг учун соя етиштириш технологиясида туганак бактериялар билан уруғларни ишлаш энг муҳим технологик жараён ҳисобланади. Сояни экиш натижасида қутилган тупроқдаги ижобий ўзгаришлар кузатилмайди.

Қайд этиш керакки, инокулянтларни қўллаш азотли ўғитларни қўллашга нисбатан 10-11 баробар арзон.

Ўзбекистонда баҳорда навларнинг ўсув даври инобатга олиниб,

апрел ойининг иккинчи ва учинчи, май ойининг биринчи ўн кунлик-ларида ер етилиб, тупроқдаги ҳарорат 14-15°C етиши билан экилади. Экиш пайтида тупроқда намлик кам, етишмайдиган бўлса, экишдан 7-12 кун олдин нам тўплайдиган суғориш ўтказилади ва тупроқ етилиши билан уруғ экилади. Нам тўплайдиган суғориш ўтказилган майдонларда уруғлар бир текис ва қийғос униб чиқади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда соя асосан қатор оралари 60 ва 70 см қилиб пунктирлаб экилади. Уруғларни экиш меъёри, тезпишар навлар учун 500 минг уруғ/га, ўртапишар навлар учун – 400 минг унвчан уруғ/га. Уруғларни экиш чуқурлиги тупроқда намлик етарли бўлганда – 4-5 см, тупроқнинг юза қисми қуриганда 6-7 см. Механик таркиби энгил тупроқларда экиш чуқурлигини ошириш мумкин. Экиш СЗУ-3,6, СЗТ-3,6, СПЧ-6, СПЧ-8А, ССТ-12А, СУК-24 сеялкаларида ўтказилади.

Суғориладиган ерларда соя қатор оралари ишланади, ўсимликлар озиклантирилади, бегона ўтлардан тозаланиб суғорилади, касаллик ва зараркундаларга қарши курашилади. Қатор ораларини ишлаш одатда ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади. Биринчи культивация 6-8 см чуқурликда, кейингилари 10-15 см чуқурликда ўтказилади.

Соя ўсимлиги битлайди, чигирткалар, ўргимчаккана, трипслар, хасвалардан зарарланиши мумкин. Зараркундаларга қарши Сумми альфа 0,25-0,30 кг/га, Карате 0,15-0,25 кг/га қўлланилади. Касалликлардан антракноз, барглар мозаикаси, фитифтороз, илдиз чириш касаллиги экинзорда учраши мумкин.

Асосий экин сифатида экилганда, сизот сувлар чуқурлиги, тупроқ механик таркиби инобатга олиниб, 4-6 марта, Суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан культивация қилинади.

Қайд этилган агротехникага rioя қилинганда асосий экиндан 2,5-3 т/га, такрорий экиндан 1,5-2 т/га ҳосил олинади.

Соя ҳосили уруғларидаги намлик 14-15% га етганда, Кейс, Класс, Доминатор, Джон Дир комбайнлари билан ўриб-янчиб олинади. Товар дон ўрилганда минутига 350-400, уруғлик майдонларда 300-400 оборот тезликда, ўриш баландлиги 10-12 см, барабанлар ораллиги киришда 36-40 мм, чиқишда 10-12 мм қилиб соланади. Ўрим бир фазали усулда бевосита комбайнлар билан йиғиштирилади. Уруғларни тозалаш «Петкус-гигант», «Супер-Пектус» машиналарда ўтказилади. Уруғлар намлиги 14 % дан ортиқ бўлмаган ҳолда сақланади.

Маҳаллий “Нафис”, “Ўзбекская-6” навларини асосий экин сифатида экиб, юқорида қайд этилган агротехникага rioя қилиниб парвариш қилинганда гектаридан 3-3,5 т/га, такрорий экин сифатида маҳаллий “Орзу”, хориждан келтирилган “Селекта-201”, “Арлета”, “Спарта” навларидан 1,5-2 т/га дон ҳосили олиниши таъминланади.

Д.АБДУКАРИМОВ,
академик,
Н.ХАЛИЛОВ,
профессор,
Б.КУЛДАШОВ,
тадқиқотчи (СамВМИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ёрматова Д., Назарова Ф. ва бошқ. Соя 2017.-63 б.
2. Сорта, биопрепараты, росторегуляторы, агрохимикаты и технологии. Краснодар: 2017.- 43 с.
3. Халилов Н., Панжиев А. Нормы посева сои. “Сельское хозяйство Узбекистана”, 1989, №2
4. Халилов Н., Рахимов А. Биологик азот самарадорлиги ва экологик муаммолар. Тезисы докладов республиканской научно-практической конференции “Проблемы развития сельского хозяйства в экологических условиях Приаралья”. 20-21 мая. 2005.

УЎТ:633.52.847.14

СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА ОЛТИНГУГУРТНИНГ ТАЪСИРИ

In the article is showed growing of soybean in meadow marshland, using mineral fertilizers and sulfur for development, forming of grain and high yield. The yield is increased till 6.2 centers using mineral fertilizers, 5.0 centers using sulfur and 11.2-18.4 centers using both fertilizers and sulfur.

Республикамізда соянинг ижобий биологик хусусиятидан келиб чиқиб, соя ўсимлигини такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини яратиш ва такомиллаштиришда экиш усули, меъёри, минерал ўғитлар меъёрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сояни такрорий етиштиришда сув ва ер ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиб қўшимча ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда.

Соядан юқори ҳосил етиштиришда макро ва микроэлементлар тўла таъминланиши лозим. Тупроқдан олинандиган озика элементларидан соя жуда кўп азотни талаб қилади. Азот барча аминокислоталар таркибига киради, улардан оқсил шаклланади, нуклеин кислоталар ва хлорофилл.

Фосфор ўсимликнинг тез ўсишида ва тўғри ривожланишида катта аҳамиятга эга. Ўсимликнинг ривожланишидаги фосфорни асосий вазифаси –бу ўсимлик қувватини сақлаш ва ташиш, генетик материални ташиш. Фосфор илдиз ва баргларни ривожланишида ҳамда уруғларнинг шаклланишида муҳимдир.

Соя ўсимлиги калий элементини кўп ўзлаштиради — 125 кг/га. Ўсимликда ўтадиган физиологик жараёнларга калий жуда муҳимдир – у ҳаракатчан, ассимилятларни ташишда фаол қатнашади, сув режимини ва фотосинтезни бошқаради. Микроэлементларнинг дефицити соя ўсимлигининг касалликларга чидамсизлигини оширади. Микроэлементлар билан тўла таъминланганда ўсимликларда гул ва меваларнинг сони ошади, тўла етилади

Олтингургурт айрим аминокислоталар, хусусан оқсилнинг шаклланишини таъминлайди. Олтингургурт хлорофилл шаклланишида қатнашади ва соя бу даврда олтингургуртни кўп ўзлаштиради. Уруғ билан сера олтингургурт 27–66% фоиз умумий микдорига нисбатан олиб чиқади.

Соянинг озика элементларга муносабатини ўрганиш учун Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтида дала тажрибалари олиб борилди. Бу тажрибаларда соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланишига минерал ўғитлар билан олтингургуртнинг таъсири ўрганилди.

Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, ўтлоқи, ҳайдов

Даврлараро давомийлик ва амал даври (кун)

№	Вариантлар	Майсала ниш	Шона лаш	Гул лаш	Дуккак лаш	Пишиш	Амал даври
	“Орзу” нави						
1	Назорат	10	21	14	28	42	115
2	Фон-N ₅₀ P ₁₀₀ K ₇₀	10	25	14	22	42	113
3	Фон+S-1,5*	10	23	14	26	42	115
4	Фон+S-3,0	10	25	14	22	42	113
5	Фон+S-4,5	10	23	14	27	37	111

*Изоҳ: Олтингургурт меъёрлари 10 л сувга грамм ҳисобида қабул қилинган. (Гектарга 0,6; 1,2; 1,8 кг/га)

2. Соя навларининг ҳосилдорлиги

Т.р.	Вариантлар	кўрсаткичлар	
		дон ҳосили, ц/га	1000 та дон вазни, г
1	Назорат	18.8	126,6
2	Фон	25.0	134,6
3	Фон+S-1/5	30.0	135,7
4	Фон+S-3,0	37.3	138,2
5	Фон+S-4,5	36.4	136,8
	HCP ₀₅ ц/га	1,21	2,70
	%	4,17	2,06

Минерал ўғитлар эвазига дон ҳосили 6,2 ц/га, минерал ўғит+олтингурут нива уч хил меъёри эвазига 11,2-18,4-17,6 ц/га назоратга нисбатан ошганлиги аниқланди.

қатлами 30-40 см. Тупроқдаги эритмаларнинг рН миқдори 6,8-7,3 бирликларида бўлиб, механик таркиби бўйича оғир лойлидир. Тажрибалар 13 картанинг 2 та чекида ўтказилди.

Тупроқ қатламлари воҳа учун характерли бўлиб, у жойларнинг тупроғи ботқоқ типидagi тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта-кичик тошлар ва қум аралашмалари мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги тупроқ орткича намлик шароитларидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун жуда қулайдир.

Алмашлаб экишда соя учун бегона ўтлардан энг тоза далани танлаш лозим. Шолчилик институтида соя шоли билан алмашиб экилади. Тажибада соя учун ўтмишдош шоли ўсимлиги бўлди

Навлар май ойининг бошларида экилди: “Орзу” нави 2 май куни, “Нафис” нави 3 майда экилди. Олдинги бажарилган илмий ишларнинг натижаларида аниқланган мақбул экиш меъёрларига амал қилинди: “Орзу” нави гектарига 500 минг дона унувчан уруғ-62,5 кг/га, “Нафис” нави гектарига 400 минг дона уруғ (68 кг/га) экилди. Экиш чуқурлиги 4-5 см.

Экишдан олдин дастурда белгиланган минерал ўғитлар фони ташкил қилинди, бунда азот 50 кг, фосфор 100 кг ва калий 70 кг қўлланилди. Экиш усули кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см, туп ораси 5 см.

Тажриба даласи амал даврида 4 марта суғорилди ва 3 марта культивация қилинди.

Тажрибада ўрганилган минерал ўғит фонида олтингурут суспензия шаклида шоналаш ва гуллаш даврининг охирида барглари орқали озиклантирилганда соя ўсимлигининг ривожланиши ва ўсишига таъсири аниқланди.

Минерал ўғитлар таъсирида амал даври ўртача 2 кунга қисқарган бўлиб, минерал ўғит фонида олтингурут қўшиб озиклантирилганда, меъёрлари ошганда амал даври 2-4 кунга қисқаргани кузатилди.

Соя ўсимлигининг ўсиши кузатилганда, назорат вариантыда (ўғитлар қўлланилмаган) соянинг поя баландлиги 102,4 см; минерал ўғитлар қўлланилганда 108,8 см; минерал ўғитга олтингурут уч хил меъёрга қўшиб барг орқали озиклантирилганда 112,1-114,2 см гача ўсгани аниқланди. Бу тажибада минерал ўғитлар эвазига соя 6,4 см га, минерал ўғит +олтингурут эвазига 9,7-11,8 см га, фақат олтингурут эвазига 3,3-5,4 см га ўсганлиги аниқланди.

Минерал ўғитлар ва олтингурут соя донининг йирикчилиги ва дон ҳосилига таъсир кўрсатиб, назорат вариантыда дон вазни 126,6 грамми ташкил қилган. Мнерал ўғитлар қўлланилганда 8 граммга ошган; доннинг мутлақ вазни минерал ўғитга олтингурут уч хил меъёрга қўшиб барг орқали озиклантирилганда 135,7-138,2-136,8 граммни ташкил қилган.

Хулосалар:

1. Соя ўсимлигини етиштиришда минерал ўғитлар азот 50, фосфор 100 ва калий 70 кг қўлланилганда назоратга нисбатан қўшимча 6,2 ц/га дон ҳосилини олиш мумкин;

2. Ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда минерал ўғитларга 1,2 кг/га олтингурут қўшиб қўлланилганда назоратга нисбатан қўшимча 11,2-18,4 ц/га ҳосил етиштиришни таъминлайди.

Х.АТАБАЕВА,
профессор, ТошДАУ,

М.САТТАРОВ,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
Ўзбекистон Шолчилик ИТИ директори.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н., Исраилов И.А., Умарова Н.С. СОЯ — морфология, биология, етиштириш технологияси. Т. ТошГАУ, 2011.

2. www.agrodialog.com.ua.soya-udobreniya htmh-соя-микроудобрения

ЎУТ: 631.6+633

СОЯ НАВЛАРИНИ СУҒОРИШЛАР СОНИ ВА МЕЪЁРЛАРИ

Actually 3 times and 1198-1231m² watering rate made prior of 70% soil's moisture (than FWC) in the 1, 4, 7 and 10 variants when determined soil moisture on the depth of 100 cm prior watering since growing phase along the dramatically growing of response to the water of soya varieties at the blooming and grain formation phases. 4 times of watering with watering rate of 951-991m² made in the variants of 2, 5, 8 and 9 at the soil moisture of 75% prior of watering (than FWC) and when the watering number has reached to 5, the water outlay made of 792-817m² at the soil moisture of 80% prior to watering (than FWC) in the variants of 3, 6, 9 and 12.

Республиканинг дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мақсадида суғориладиган деҳқончилик минтақасида етиштириладиган асосий экин таркибида ғуза, бошоққиллар ва дуккакли дон экинларининг майдони ортиб бормоқда. Кўпдан-кўп фермер, деҳқон хўжаликларида агротехнологик тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобига экилаётган соя навларидан юқори ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Республикамиз суғориладиган ерларидан жадал фойдаланишда, тупроқ унумдорлигини сақлашда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда соя экиннинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам соя экини навларини турли иқлим-тупроқ шароитларида асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологияларини, жумладан, суғориш тартибларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда 2015-2018 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг “Орзу”, “Ўзбекистон-2”, “Олтинтож” ва “Селекта-201” навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича дала тажибалари олиб борилди. Тажиба майдонининг тупроғи типик бўз, оғир механик таркибли сизот сувлари чуқур жойлашган (>3). Тажиба 12 вариантда, 3 такрорланишда олиб борилди ва соя навла-

рининг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70%, 70-75-75% ва 70-80-80% (тупроқнинг чекланган нам сиғимига нисбатан) бўлган тартибда суғоришлар ўрганилди.

Тажрибада соя ўсимлиги навларининг суғориш меъёрлари ва суғориш сонлари, суғоришлардан олдинги қабул қилинган тупроқ намлигига, экиннинг илдизи тарқалган фаол қатлам чуқурлигига боғлиқ ҳолда турлича бўлганлиги аниқланди.

Тажрибанинг барча вариантларида биринчи суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧНСга нисбатан 70% фаол қатлам чуқурлиги 50 см бўлганда амалий суғориш меъёри 580-623 м²/га ни ташкил қилди.

Кейинги, яъни иккинчи суғоришдан бошлаб, ҳар бир суғориш вариантлар бўйича белгиланган суғоришлардан олдинги тупроқ намликларига асосан амалга оширилди.

Бунда иккинчи суғоришда барча вариантларда соя ўсимлигининг илдиз ва ерусти органларини жадал ўсиш фазасига кириши муносабати билан суғоришдан олдинги тупроқ намлигини аниқлаш чуқурлиги 70 см қилиб белгиланди ва назарий суғориш меъёрини белгилашда шу чуқурлик олинди.


Юқорида келтирилган ҳолат бўйича тажибанинг 1, 4, 7 ва 10 вариантларида яъни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70% (ЧДНСга

нисбатан) бўлганда ўртача 3 йиллик амалий суғориш меъёри 856 м³/га, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 75% (ЧДНСга нисбатан) бўлган 2, 5, 8 ва 11 вариантларда 685 м³/га, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 80% (ЧДНСга нисбатан) бўлган 3, 6, 9 ва 12 вариантларда эса 557 м³/га ни ташкил қилди.

Соё навларининг гуллаш ва донининг шаклланиш фазаларида сувга бўлган талабини кескин ошиб боришини ҳисобга олиб, шу ўсув фазасидан бошлаб суғоришлардан олдинги тупроқ намлигини аниқлаш учун унинг чуқурлиги 100 см қилиб белгиланди. Натижада тажрибанинг 1, 4, 7 ва 10 вариантларида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70% бўлганда (ЧДНСга нисбатан) амалий суғориш 3 марта бўлиб, суғориш меъёрлари эса 1198-1231 м³/га ни ташкил қилди. Суғоришларда олдинги тупроқ намлиги 75% (ЧДНСга нисбатан) бўлган 2, 5, 8 ва 9 вариантларда суғориш сони 4 марта, суғориш меъёрлари эса 951-991 м³/га суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 80% (ЧДНСга нисбатан) бўлган 3, 6, 9 ва 12 вариантларда суғориш сони 5 марта, суғориш меъёрлари эса 792-817 м³/га дан иборат бўлди.

Тажриба майдонида ўрганилган соё навларининг мавсуми давомида сарфланган сув меъёрлари ва суғориш сонлари натижаларини кўрсатишича (Расм), суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги бутун мавсум давомида 70% бўлган 1, 4, 7 ва 10 вариантларда жами 5 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри ўртача 3 йилда 5109 м³/га ни, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлган 2, 5, 8 ва 11 вариантларда 6 марта суғориш талаб қилиниб, мавсумий суғориш меъёри ўртача 5206 м³/га, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-80% бўлган 3, 6, 9 ва 12 вариантларда жами мавсум давомида 7 марта суғоришни талаб қилиб, бундаги мавсумий суғориш меъёри 5146 м³/га дан иборат бўлди.

Юқорида келтирилган соё навларини суғориш сонлари, ҳар гагли ва мавсумий суғориш меъёрларини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган соё навларини дастлабки гуллаш даврига бир марта 580-623 м³/га меъёрида суғориш, гуллаш даврининг дастлабки босқичида иккинчи суғоришни амалга ошириш ва бунда суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70% бўлганда 856 м³/га, 75% бўлганда 685 м³/га ва 80% бўлганда эса 557 м³/га ҳисобида суғориш талаб қилинади. Учинчи ва ундан кейинги суғоришлар соё навларини гуллаш ва дон шаклланиши давомида ўтказилиб, бундан тупроқнинг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70% бўлганда 1198-1231 м³/га, 75% бўлганда 951-991 м³/га ва 80% бўлганда 797-817 м³/га меъёрида сув талаб қилиниши аниқланди. Юқорида келтирилган суғориш тартиблари соё навларининг ҳосилдорлигига турлича таъсир кўрсатди. Тажрибада нисбатан юқори дон ҳосили ўсув даври давомида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-75-75% (ЧНС га нисбатан) бўйича суғорилган “Ўзбекистон-2” (29,2-30,2 ц/га) “Олтинтож”



Расм. Суғоришлардан олдинги тупроқ намликлари бўйича аниқланган мавсумий суғориш меъёрлари (ўртача 3-йиллик).

(26,5-27,2 ц/га) ва “Селекта-201” (26,6-27,4 ц/га) навларда кузатилади.

Соё навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича олиб борилган дала тажрибаларига асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Тажрибада ўрганилган соё навларини типик бўз, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда ўсув даври давомида 6 марта суғориш, бунда 1-2-суғоришларда суғориш меъёри 600-700 м³/га 3-6-суғоришларда эса 950-1000 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 5200 м³/га бўлиши керак.

Юқорида келтирилган тартибларда суғорилганда, соё навларидан 24,8-30,3 ц/га дон ҳосили олиш таъминланди.

О.СОТТОРОВ,
ассисент,

Тошкент давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н. *Соё. Тошкент-2009.*
2. Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н., Тиллаев Р ва бош. *Соё экинини етиштиришни биласизми? (Қўлланма), Т-2017.*
3. Вавилов П.П., Посыпанов Г.С. *Бобовые культуры и проблемы растительного белка. Россельхозиздат, 1983.*

ЎУТ: 631.81:633.19

МАЪДАН ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ СОЯ НАВЛАРИ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The use of timber fertilizers in soybean varieties is reflected in the elements of the crop and its effect on grain crops.

Дуккакли дон экинлардан ҳисобланган соё ўсимлиги бутун дунёда экилаётган майдони жиҳатдан буғдой, шולי, маккажўхори каби экинлардан кейинги ўринни эгалламоқда. Соё ўсимлиги дони ва оқсилдан тўрт юздан зиёд турли хил маҳсулотлар тайёрланади ва улар ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлатилади.

Суғориладиган тупроқлар шароитда соё экинини ўстиришда маъдан ўғитлардан фойдаланиш бўйича, айниқса, азотли ўғит билан озиклантириш меъёрлари илмий асосда тўла ишлаб чиқилмаганлиги ундан олинандиган дон ҳосилининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг “Марказий” тажриба даласида ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида 2018 йилда соё навларини маъдан ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш, суғоришнинг мақбул муддатларини белгилаш мақсадида дала тажрибаси ўтказилди.

Дала тажрибасида соянинг: “Тўмарис Ман-60”, “Ойжамол”,

“Селекта-201”, “Амиго” навларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Дала тажрибаси 4 қайтариқда, ярусли қилиб жойлаштирилди. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони 180 м² ни ташкил этди.

Ҳар бир навни 5 та вариантда, тажрибада азотли ўғитни 1-вариант азотли ўғитсиз (назорат), 2-вариант азотли ўғит соф ҳолда 60 кг/га, 3-вариант азотли ўғит соф ҳолда 90 кг/га, 4-вариант азотли ўғит соф ҳолда 120 кг/га, 5-вариант азотли ўғит соф ҳолда 150 кг/га миқдорида, фосфорли ўғит соф ҳолда 90 кг/га, калийли ўғит соф ҳолда 60 кг/га фонида ўрганилди.

Минерал ўғитлардан фосфорли ва калийли ўғитларнинг белгиланган йиллик меъёрининг 100 фоизини тупроққа асосий ишлов беришда, азотли ўғитнинг йиллик меъёрининг 30-35 фоизини соянинг шоналаш, қолган 65-70 фоизини гуллаш-дуккаклаш даврида берилди.

Келтирилган 1-жадвал маълумотларига кўра, ўтказилган дала тажрибаларида соё экин навларида олиб борилган биометрик ўлчов нати-

Турли меъёрларда азотли ўғитларни қўллашнинг соя навларининг биометрик ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири.

t/p	Навлар номи	Вариантлар	Ўсимлик бўйи, см.			Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони, дона.			Ҳосилдорлик, ц/га	
			1 июн	1 июл	1 авг	1 июн	1 июл	1 авг	Ўртача	Назоратга нисбатан фарқи, +/-
1	Тўмарис Ман-60	1	21,8	61,0	98,9	1,6	33,9	78,0	25,2	-
	Тўмарис Ман-60	2	22,4	68,6	102,6	1,7	37,3	84,5	30,4	5,2
	Тўмарис Ман-60	3	22,0	67,2	104,6	1,6	46,0	87,2	32,7	7,5
	Тўмарис Ман-60	4	23,4	68,3	106,9	1,8	47,6	92,6	35,8	10,6
	Тўмарис Ман-60	5	23,5	69,3	112,1	1,7	48,4	93,1	36,3	11,1
2	Ойжамол	1	20,6	61,1	104,1	-	15,6	67,5	19,8	-
	Ойжамол	2	20,8	63,3	110,4	-	17,7	72,3	24,9	5,1
	Ойжамол	3	20,9	64,5	115,2	-	20,9	74,5	26,8	7,0
	Ойжамол	4	21,3	64,9	117,6	-	23,2	79,2	28,7	8,9
	Ойжамол	5	21,2	65,3	120,9	-	19,4	81,3	29,1	9,3
3	Селекта-201	1	22,6	45,9	54,8	2,4	36,6	48,1	12,5	-
	Селекта-201	2	21,7	47,0	57,0	2,3	42,6	54,4	18,3	5,8
	Селекта-201	3	22,4	48,0	59,2	2,5	46,9	59,7	21,6	9,1
	Селекта-201	4	22,6	50,4	60,4	2,6	50,4	62,7	22,0	9,5
	Селекта-201	5	23,6	51,5	63,2	2,8	51,9	64,5	22,5	10,0
4	Амиго	1	31,0	52,2	58,8	4,4	29,5	45,0	10,1	-
	Амиго	2	30,4	52,4	60,9	4,3	32,6	47,4	15,7	5,6
	Амиго	3	29,8	53,4	61,9	4,8	41,3	53,6	18,4	8,3
	Амиго	4	28,8	54,3	64,0	5,2	46,6	56,4	18,8	8,7
	Амиго	5	29,5	55,6	66,3	5,3	49,0	60,3	19,0	8,9

жалари бўйича 1 июнда ўтказилган дастлабки ўлчовларда ўсимликлар бўйида вариантлар бўйича сезиларли фарқлар кузатилмади. Ўсимлик бўйи вариантлар бўйича 1 июн ҳолатида “Тўмарис Ман-60” навида 21,8-23,5 см, “Ойжамол” навида 20,6-21,3 см, “Селекта-201” навида 21,2-23,6 см, “Амиго” навида 29,5-31,0 см ни ташкил этди.

Ўсимлик бўйи 1 август ҳолатида ўлчанганда назорат (ўғитсиз) вариантда “Тўмарис Ман-60” навида 98,9 см, “Ойжамол” навида 104,1 см, “Селекта-201” навида 54,8 см, “Амиго” навида 58,8 см ни ташкил қилган бўлса, тажрибанинг 2 вариантыда азотли ўғитлар меъёри 60 кг/га бўлганда ўсимлик бўйи “Тўмарис Ман-60” навида 102,6 см, “Ойжамол” навида 110,4 см, “Селекта-201” навида 57,0 см, “Амиго” навида 60,9 см бўлиб, ўғит берилмаган назорат вариантыга нисбатан ўсимлик бўйи “Тўмарис Ман-60” навида 3,7 см га, “Ойжамол” навида 6,3 см га, “Селекта-201” навида 2,2 см га, “Амиго” навида 2,1 см га баланд бўлганлиги кузатилди. Қолган вариантлардан ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олишга эришилди.

Соя навларида шаклланган дуккаклар ўрганилганда азотли ўғитлар меъёрининг ортиб бориши билан дуккакларнинг тупдаги сони ҳам ортиб бориши кузатилди. 1 август кунига келиб тажрибанинг назорат вариантыда соянинг “Тўмарис Ман-60” навида бир туп ўсимликда 78 дона дуккак борлиги аниқланган бўлса, азотли ўғит 60 кг/га берилган вариантда 84,5 дона ёки назоратга нисбатан 6,5 дона, азотли ўғит 90 кг/га берилган вариантда 87,2 дона ёки назоратга нисбатан 9,2 дона, азотли ўғит 120 кг/га берилган вариантда 92,6 дона ёки назоратга нисбатан 14,6 дона, азотли ўғит 150 кг/га берилган вариантда 93,1 дона ёки назоратга нисбатан 15,1 дона кўп дуккак ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Соянинг “Ойжамол”, “Селекта-201” ва “Амиго” навларида ҳам бир туп ўсимликдаги дуккакларнинг шаклланиши юқорида келтирилган маълумотларга ўхшаш бўлганлиги кузатилди. (1-жадвал).

Дала тажрибасида соя навларини экиб-ўстиришда азотли ўғит берилмаган (назорат) вариантыда “Тўмарис Ман-60” навидан ўртача 25,2

ц/га дон ҳосили олинган бўлса, азотли ўғит меъёри 60 кг/га қўлланилган 2 вариантда 30,4 ц/га, азотли ўғит меъёри 90 кг/га қўлланилган 3 вариантда 32,7 ц/га, азотли ўғит меъёри 120 кг/га қўлланилган 4 вариантда 35,8 ц/га, азотли ўғит меъёри 150 кг/га қўлланилган 5 вариантда 36,3 ц/га миқдорида дон ҳосили олинган бўлиб, назоратга нисбатан 2 вариантда 5,2 ц/га, 3 вариантда 7,5 ц/га, 4 вариантда 10,6 ц/га, 5 вариантда 11,1 ц/га миқдорида кўп дон ҳосили олинган.

“Ойжамол” навидан азотли ўғит берилмаган (назорат) вариантыда ўртача 19,8 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, азотли ўғит меъёри 60 кг/га қўлланилган 2 вариантда 24,9 ц/га, азотли ўғит меъёри 90 кг/га қўлланилган 3 вариантда 26,8 ц/га, азотли ўғит меъёри 120 кг/га қўлланилган 4 вариантда 28,7 ц/га, азотли ўғит меъёри 150 кг/га қўлланилган 5 вариантда 29,1 ц/га миқдорида дон ҳосили олинган бўлиб, назоратга нисбатан 2 вариантда 5,1 ц/га, 3 вариантда 7,0 ц/га, 4 вариантда 8,9 ц/га, 5 вариантда 9,3 ц/га миқдорида кўп дон ҳосили олинган.

“Селекта-201” навидан азотли ўғит берилмаган (назорат) вариантыда ўртача 12,5 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, азотли ўғит меъёри 60 кг/га қўлланилган 2 вариантда 18,3 ц/га, азотли ўғит меъёри 90 кг/га қўлланилган 3 вариантда 21,6 ц/га, азотли ўғит меъёри 120 кг/га қўлланилган 4 вариантда 22,5 ц/га, азотли ўғит меъёри 150 кг/га қўлланилган 5 вариантда 29,1 ц/га миқдорида дон ҳосили олинган бўлиб, назоратга нисбатан 2 вариантда 5,8 ц/га, 3 вариантда 9,1 ц/га, 4 вариантда 9,5 ц/га, 5 вариантда 10,0 ц/га миқдорида кўп дон ҳосили олинган.

“Амиго” навидан азотли ўғит берилмаган (назорат) вариантыда ўртача 10,1 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, азотли ўғит меъёри 60 кг/га қўлланилган 2 вариантда 15,7 ц/га, азотли ўғит меъёри 90 кг/га қўлланилган 3 вариантда 18,4 ц/га, азотли ўғит меъёри 120 кг/га қўлланилган 4 вариантда 18,8 ц/га, азотли ўғит меъёри 150 кг/га қўлланилган 5 вариантда 19,0 ц/га миқдорида дон ҳосили олинган бўлиб, назоратга нисбатан 2 вариантда 5,6 ц/га, 3 вариантда 8,3 ц/га, 4 вариантда 8,7 ц/га, 5 вариантда 8,9 ц/га миқдорида кўп дон ҳосили олинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, соя навларига маъдан ўғитлар меъёри гектарига соф ҳолдаги фосфор 90 кг, калий 60 кг фониди “Тўмарис Ман-60” навида 120 кг/га азотли ўғит берилганда 35,8 ц/га, “Ойжамол” навида 120 кг/га азотли ўғит берилганда 28,7 ц/га, “Селекта-201” навида 90 кг/га азотли ўғит берилганда 21,6 ц/га, “Амиго” навида 90 кг/га азотли ўғит берилганда 18,4 ц/га дон ҳосил олинишини иқтисодий жиҳатдан энг самарали деб ҳисоблаш мумкин.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.,

А.МҶМИНОВ,

бўлим бошлиғи, қ.х.ф.н.,

У.ЭРГАШЕВ,

илмий ходим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли “ПҚ-2832-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қарори.

2. К.А.Темиряев “Земледелие и физиология растений”. Москва. 1957 г. 327 стр.

3. Р.И.Сиддиқов, М.Маннопова, А.А.Мўминов, А.Мансуров, З.Якубов. Республикада инновацион технологиялар асосида соя етиштириш бўйича таъсиялар. “Андижон нашриёти-матбаа” МЧЖ. 2018 йил.

СОЯНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ФАОЛИЯТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Soybean growing in meadow marshland with including mineral fertilizers and microelements (sulfur, magnase and iron elements). Feed through leaf plant's photosynthetic activity is activated and increase in yields.

Бутун дунёда оқсил тақчиллиги ҳукм сураётган бугунги кунда соя донининг оқсилга бойлиги, оқсили таркибида инсон учун фойдали аминокислоталарнинг барчаси мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, соя донининг овқатлилик аҳамиятини янада оширади. Соянинг афзаллиги лизин, метионин, аргинин, лейцин ва бошқа энг зарур аминокислоталарга бойлиги бўйича қатор озиқ-овқат маҳсулотлари билан тенглаша олишини алоҳида таъкидлаш зарур. Соя экиладиган кўп давлатларда ушбу экин ягона оқсил манбаи бўлиб, чорвачиликни ҳам тўйимли озиқа билан таъминлайди ва унинг маҳсулдорлигини оширади. Соя дони таркиби юқори сифатли аминокислоталар билан таъминланганлик жиҳатидан гўшт, сут, тухум каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тенглаша оладиган 28-52 % оқсил, 18-27 % экологик тоза ўсимлик мойи, кўплаб минерал тузларни, дармондориларни сақлаши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Соя (*Glycine max (L.) Merrill*) ёки «олтин дуккак» – унинг озиқ-овқатда ва чорвачиликда қўлланиши бўйича ер юзидаги муҳим ўсимликдир. Ҳосилдорлиги тупроқ-иклим шароитга боғлиқ ҳолда катта интервалда ўзгарувчан. Масалан, 2007 йилда Тожикистонда 0,82 т/га, Ҳиндистонда 1,23 т/га, Туркияда 3,50 т/га ни ташкил қилган. Энг юқори ҳосил шу йилда Туркияда, Мисрда, Италияда – 3,3–3,6 т/га олинган. Бу асосий соя етиштирадиган давлатларга нисбатан анча юқори бўлган: АҚШ, Бразилия ва Аргентинада – 2,8–2,9 т/га тўғри келган.

Темир хлорофиллнинг таркибий қисми ва нафас олиш ҳамда фотосинтез жараёнида муҳим. Олтингургурт хлорофилл шаклланишида қатнашади ва соя бу даврда олтингургуртни кўп ўзлаштиради. Марганец етарли бўлмаса, дуккакларда уруғ шаклланмайди.

Соянинг озиқа элементларга муносабатини ўрганиш учун Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтида дала тажрибалари олиб борилди. Бу тажрибаларда соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланишига минерал ўғитлар билан олтингургуртнинг таъсири ўрганилди.

Алмашлаб экишда соя учун бегона ўтлардан энг тоза далани танлаш лозим. Шолчилик институтида, соя шоли билан алмашлаб экилади. Тажрибада соя учун ўтмишдош шоли ўсимлиги бўлди.

Навлар май ойи бошларида экилди: “Орзу” нави 2 май куни, “Нафис” нави 3 майда экилди. Олдинги бажарилган илмий ишларнинг натижаларида аниқланган мақбул экиш меъёрларига амал қилиниб: “Орзу” нави гектарига 500 минг дона унувчан уруғ — 62,5 кг/га, “Нафис” нави гектарига 400 минг дона уруғ (68 кг/га) экилди. Экиш чуқурлиги 4-5 см.

Экишдан олдин дастурда белгиланган минерал ўғитлар фони ташкил қилинди, бунда азот 50 кг, фосфор 100 кг ва калий 70 кг қўлланилди. Экиш усули кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см, туп ораси 5 см.

Тажриба даласи амал даврида 4 марта суғорилди, 2 марта чопиқ ва 3 марта культивация қилинди.

Ўсимликдаги органик моддалар барг фаолияти ва илдиз орқали етказиб бериладиган минерал моддалар эвазига ҳосил бўлади. Тўпланадиган органик моддаларнинг асосий улуши - 95% гача баргда ўтадиган фотосинтез жараёнига ва 5-10% илдиз фаолиятига боғлиқдир.

Барг юзасининг шаклланишига, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш шароитига ҳамда қўлланиладиган агротехник тадбирлар-

га боғлиқ бўлади. “Орзу” навининг шоналаш даврида назорат вариантда барг юзаси 315 см² бўлганлиги кузатилди. Фон вариантыда 70 см² га, 3-вариантда 75,4 см², 4-вариантда 106 см². Ўғит фони эвазига барг юзаси бир туп ўсимликда 178 см² га ошган. Олтингургурт эвазига барг юзаси назорат вариантыга нисбатан 187, 335 ва 180 см² га ошганлиги кузатилди. Энг юқори кўрсаткич олтингургуртнинг иккинчи меъёрида олинди. Темир элементи эвазига барг юзаси назорат вариантыга нисбатан 138, 128, ва 118 см² га паст бўлганлиги аниқланди.

Дуккакланиш даврида барг юзаси бир туп ўсимликда назорат вариантыда 1810 см² га тенг бўлиб, минерал ўғитлар қўлланилганда 178 см² га ошган.

Минерал ўғитга олтингургурт қўшиб соя озиқлантирилганда, барг юзаси назоратга нисбатан 240 см² га ошди, минерал ўғитга марганец қўшиб соя озиқлантирилганда, барг юзаси назоратга нисбатан 187 см² га ошди; минерал ўғитга темир қўшиб соя озиқлантирилганда барг юзаси назоратга нисбатан 110 см² га ошди. Бир гектарда барг юзаси назорат вариантыда 22,0 минг

Минерал ўғит ва микроэлементларнинг соя барг юзасига таъсири

Т.Р.	Вариантлар	Бир туп ўсимликнинг барг юзаси, см ²	Бир гектарда барг юзаси, минг м ²	Дон ҳосили ц/га
1	Назорат	1810	22,0	18,8
2	Фон- N ₅₀ P ₁₀₀ K ₇₀	1988	28,0	25,0
3	Фон+S-1,5	2050	30,6	30,0
4	Фон+Mn-2,5	1997	33,0	33,0
5	Фон+Fe-2,5	1920	28,6	26,0
	HCP ₀₅	-	2,16 2,83	1,21 4,17

м²/га тўғри келди. Минерал ўғитлар эвазига 6,0 минг м²/га ошди. Минерал ўғитларга олтингургурт қўшиб озиқлантирилганда, барг юзаси 10,6 минг м²/га ошганлиги кузатилди. Минерал ўғитларга марганец қўшиб озиқлантирилганда, барг юзаси 13,0 минг м²/га ошди. Минерал ўғитларга темир қўшиб озиқлантирилганда барг юзаси 6,6 минг м²/га ошганлиги кузатилди.

Минерал ўғитлар эвазига дон ҳосили назорат вариантыга нисбатан 6,2 ц/га ошди. Минерал ўғитларга олтингургурт қўшиб озиқлантирилганда дон ҳосили 11,2 ц/га, марганец қўшилганда 14,2 ц/га ва темир элементи қўшилганда 7,2 ц/га ошганлиги кузатилди.

Хулосалар қуйидагича бўлди:

1. Соя ўсимлиги етиштирилганда минерал ўғитлар N₅₀ P₁₀₀ K₇₀ меъёрда қўлланилганда, соянинг фотосинтетик фаолияти фаоллашади;

2. Соя агротехнологиясида минерал ўғит билан бирга микроэлементларни ҳам қўллаб барг орқали озиқлантирилганда, соя ўсимлигининг дон ҳосили 6,2-14,2 ц/га ошиши таъминланади.

**Н.УМАРОВА,
Р.САИТКАНОВА,
Х.ИДРИСОВ,**

Шолчилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Х.Н.Атабаева. – Соя Монография. Т. Мил. энц, 2004 й.
2. <http://www.agrodialog.com.ua>

ҚАНДЖЎХОРИНИ ҚАЙТА ИШЛАБ БИОЭТАНОЛ ОЛИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ

The article presents the data of differences in technological schemes of obtaining bioethanol for the type of raw materials used, the technological scheme developed by the authors of the main raw materials which are zionized varieties of sugar sorghum grown in our country, as well as the difference from the applied analogs of technological schemes of obtaining bioethanol for the following processes, depending on the physics of chemical properties of sugar sorghum, primary processing, cutting, pressing and recommendations for the utilization of he article presents the data of differences in technological schemes of obtaining bioethanol for the type of raw materials used, the technological scheme developed by the authors of the main raw materials which are zionized varieties of sugar sorghum grown in our country, as well as the difference from the applied analogs of technological schemes of obtaining bioethanol for the following processes, depending on the physics of chemical properties of sugar sorghum, primary processing, cutting, pressing and recommendations for the utilization of waste in the production of bioethanol such as leaves and panicle, cake from the stem and thick sediment.

Сўнги йилларда атроф-муҳит муҳофазасига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бунда атроф-муҳитга таъсир этувчи омиллардан бири, нефть ва газ захираларининг чекланмаган миқдорда қазиб олиниши ва уларни қайта ишлаб олинадиган анъанавий ёқилғилардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, халқ хўжалигида ишлаб, чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини белгилловчи омиллардан бири, бу — ишлаб чиқаришда сарфланаётган энергия ресурсларига боғлиқлигидир. Ўз навбатида энергия ресурслари жаҳон бозорига нефть маҳсулотлари нархлари кескин ўсиши билан чамбарчас боғлаш мумкин.

Адабиётлар таҳлилига кўра, бугун ресурстежамкор технологияларни қайта тикланувчан энергия манбаларисиз тасавур этиш қийин. Сўнги йилларда дунё жамияти томонидан кенг ҳажмда қўлланилиб келаётган қайта тикланувчан энергия манбаларидан бири, бу — биоэтанол ёнилғиси ҳисобланади.

Биоэтанол — бу таркибининг асосини этил спирти ва қолган қисми бошқа спиртлар, органик эфир мойлар ва альдегид гуруҳлардан ташкил топган техник спирт ҳисобланади.

Биоэтанол ёнилғисини олишнинг асосий хомашёлари: шакарқамиш, маккажўхори, картошка, бугдой, арпа, қанджўхори (Сорго) экинлари ҳисобланиб, уларни қайта ишлашда чиқадиغان биоэтанол миқдорлари куйидагича: арпа— 1500 г/литр; бугдой — 2000 г/литр; маккажўхори — 2500 г/литр; қанд лавлаги — 3000 г/литр; қанджўхори (Сорго) — 4000 г/литр; шакарқамиш — 5000 г/литр.

Юқорида келтириб ўтилган биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашёларининг тури ва таркибига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Куйидаги расмда картошкани қайта ишлаб биоэтанол ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси келтирилган.

Биз томонимиздан олиб борилган илмий тадқиқотларда биоэтанол олишда хомашё сифатида Республикамизда қанджўхори (Сорго) ни маҳаллийлаштирилган навлари танлаб олинган бўлиб, куйида (2-расм) да биз томонимиздан ишлаб чиқилган, қанджўхорини қайта ишлаб биоэтанол ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси келтирилган.

Ишлаб чиқилган технологик схемага кўра, хомашё қанджўхори бўлиб уни қайта ишлаш ва биоэтанол ишлаб чиқаришдаги технологияси куйидаги жараёнлар кетма-кетлигини ўз ичига олади: хомашё етиштирилган даладан қўл кучи ёки механизациялаштирилган техникалар ёрдамида йиғиштириб олиниши мумкин. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотларда хомашё қўл кучи ёрдамида йиғиштириб олинди, йиғиштириб олинган хомашёга бирламчи ишлов берилди, яъни бунда жўхоридан барг ва рўвак қисми ажратиб олиниб, чорва моллари учун поя қисми эса кейинги босқичга узатилади. Кейинги босқичда жўхори пояси белгиланган ва илмий асосланган узунлигини



Расм. Картошкadan биоэтанол ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси..

ўлчамларда кесиб олиш учун кесиш жараёнига узатилади, кесиб олинган жўхори пояси унинг таркибидаги шарбатини ажратиб олиш мақсадида шнекли пресслаш ускунасида пресслаш жараёнидан ўтказилади, пресслаш жараёнидан поя шарбати ва поянинг қолдиқ (тўпон) қисми ажратиб олинади, поянинг тўпон қисми чорва моллари учун ем-хашак, поядан ажратиб олинган шарбат эса кейинги босқичга узатилади. Кейинги босқичда поядан ажратиб олинган шарбат махсус идишларда бижитиш учун узатилади, бижитиш идишларида поя шарбати таркибидаги керакли компонентлар парчаланиб, таркибида биоэтанол ҳосил бўлган эритмага айланади. Таркибида биоэтанол бўлган эритма кейинги биоэтанолни ажратиш жараёнига узатилади. Биоэтанолни ажратиш ва сувсизлантириш жараёни якунида биоэтанол ёнилғиси ва таркибидан биоэтанол ажратиб олинган масса (гушша) суюқлиги чиқинди сифатида қолади. Жараёндаги чиқинди (гушша) суюқлиги биогаз қурилмалари учун хомашё сифатида тавсия этилади. Технологик схема якунида ажратиб олинадиган асосий тайёр маҳсулот ёқилғи сифатида қишлоқ хўжалиги транспортлари ва бошқа техник воситалари учун ёқилғи сифатида қўлланилади.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, биоэтанол ёқилғисини олишда технологик схемалар хомашё турига қараб бир-биридан фарқ қилади. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган технологик схемада хомашё тури сифатида Республикамизда етиштирилаётган қанджўхорининг маҳаллий навлари танланди. Ишлаб чиқилган технологик схемада биоэтанол ишлаб чиқаришнинг бошқа технологияларидан фарқли равишда, хомашёнинг физик ва кимёвий хоссаларидан келиб чиқиб, жўхорига бирламчи ишлов бериш, кесиш, пресслаш жараёнлари бундан ташқари, биоэтанол ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўладиган чиқиндилар (жўхори поясининг барги, рўваги, поянинг тўпони ва гушша чиқиндиларидан тўғри фойдаланиш) бўйича тавсиялар берилганлиги билан фарқ қилади.

Б.СУЛАЙМОНОВ,

академик,

А.АЗИЗОВ,

Тошкент давлат аграр университети доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПК-2343 сонли «Ижтимоий соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларига энергия тежамкор технологияларни татбиқ этиш ва энергия ҳажмини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар» бўйича қарори.
2. А.Азизов. «Сырьевая база и отходы сельскохозяйственных продуктов при получении биоэтанола». «Агро или» журналы. Тошкент, 2016. 1-сон. —Б. 77-78.
3. Г.Н.Узаков., Р.Т.Раббимов., Х.А.Давлонов., Ю.Г.Узакова «Применение технологии пиролиза биомассы для получения альтернативных топлив» Изд. «Фан» Ташкент —2015. с 84-102.
4. Е.Д. Гельфанд. «Технология биотоплив» Архангельск, 2012. с 56-75.

ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ОЛМА НАВЛАРИ КЎЧАТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАР АСОСИДА ОЧИҚ ВА ЁПИҚ ТУРДАГИ СИМБАҒАЗЛАРДА ИНТЕНСИВ БОҒЛАРНИ БАРПО ҚИЛИШ

In this article studied 8 periods of doing of the graft. Get to high results when graft in the period on 5th of August to 5th of September.

Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станциясида олманинг пакана М-9 пайвандтағларида интродукция қилинган навлар пайвандланади ҳамда “нав-пайвандта” комбинациялари ўрганилади. 2018-2019 йилларда академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Марказий тажриба участкасининг 10-контурда жойлашган 1,3 га ер майдонида олиб борилмоқда. Участка денгиз сатҳидан 486 м. баландликда жойлашган бўлиб, тупроғи сугориладиган техник бўз, бўз тупроқ бўлиб, ерости сувлари 2,5-3,5 м да жойлашган, тупроғи нейтралга яқин (рН-7,8).

Бўриев Х.Ч., Абдуқаюмов З.А. ва бошқалар “Мевали ва резавор мевали экинлар билан тажрибалар ўтказиш ҳисоблари ва фенологик кузатувлар методикаси”, Б.А. Доспехов “Методика полевого опыта”, И.А. Прохоров, С.П. Потапов “Практикум по селекции и семеноводству овощных и плодовых культур” услубий қўлланмалари асосида тажрибалар олиб борилди.

Дарахларнинг ўсиш кучи, танасининг ҳажми, асосан, пайвандтаг ва навнинг ўсиш кучига ҳамда дарахларнинг ўсиш шариоитларига боғлиқдир.

Тажриба 4 қайтариқда ўтказилади. Майдонча 3 қаторли бўлиб, унинг ҳажми 21 м², ҳар қаторга 50 та ўсимлик жойлаштирилади. Озиқланиш майдони 70×20 см. Пайвандтаг ўтказилгандан кейин тутиб кетганлиги текширилади. Кузатишлар ва ҳисоблашлар дафтарига ўрганилаётган намуналар тўғрисида маълумотлар (номи, келиб чиқиши, қаламчалар олиш жойи, майдончаси №, каталог №), фенологик кузатувлар биометрик кўрсаткичлари ва бошқа кузатув ишлари ёзиб борилади.

Стандарт “Старк Эрлист” навида 16 август куни куртак пайванд қилингандан ёзги текширишдан кейин аниқланган куртакларнинг тутган ҳолати 88,1% ни ташкил қилди. Барча куртакларни пайвандлаш муддатининг ўртача кўрсаткичи 89,8% ни ташкил этди. Ўрганилган пайвандлаш муддатлари куртаклар-

нинг ёзги тутиб кетиши стандарт навнинг кўрсаткичларига яқин бўлганлиги кузатилди.

Стандарт “Старк Эрлист” навининг ёзги куртак тутиб кетиш кўрсаткичи 88,4% ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 22,2%, 14,0% ва 9,6% га кам 15 июль ва 15 сентябрь кунлари пайвандланган муддатларида “Память Ясаула” навида кузатилди.

6 август куни куртак пайвандланган муддатда 87,6% ни ташкил қилди, бу кўрсаткич стандарт навнинг кўрсаткичларига яқин бўлганлиги аниқланди.

Стандарт навга нисбатан 9,6%, 6,5% ва 5,3% га кўп 4, 5, 6 ва 7 муддатларда куртак пайвандланган вариантларда кузатилди.

Кузги-қишки даврда нобуд бўлган куртаклар стандарт “Старк Эрлист” навида 4,1% ни ташкил қилди. 15 сентябрь куртакларнинг пайвандланган муддатидаги кўрсаткичи 8,9% и нобуд бўлди, бу кўрсаткич стандарт “Старк Эрлист” навида нисбатан 21,7% га кўп бўлганлиги аниқланди. “Память Ясаула” навида 15 ва 25 июль муддатларида пайвандланган куртакларнинг кузги ва қишки даврда нобуд бўлиши 31,8 ва 24,4% га стандарт “Старк Эрлист” навида нисбатан кам зарарланганлиги кузатилди. 16 август ва 26 августда куртак пайванд қилинган муддатдаги куртакнинг нобуд бўлиши стандарт кўрсаткичларга яқин бўлди.

Ўрганилган пайвандлаш етти муддатдаги куртак пайвандларнинг ўртасидаги фарқнинг вариация коэффициенти кўрсаткичи ўртача $V=12,7\%$ ни ташкил қилди, ўртача квадратлар оғиши $4,9 \pm 1,6$ донага тенг бўлди. Тутиб кетган пайвандуст куртакларнинг ҳақиқий миқдори жами нобуд бўлган пайванд куртакларнинг нисбати корреляция коэффициенти $r=0,61 \pm 0,36$ ни ташкил этиб, ўрта аҳамиятга эга бўлди.

“Память Ясаула” навининг биринчи муддатида куртаклар пайвандлангандан сўнг келаси йили куртакларнинг тутган кўчатлари саноқ қилингандан, умумий соғлом куртаклар сони 59,4% ни ёки стандарт “Старк Эрлист” навида нисбатан 70,4% ни ташкил қилди.

“Память Ясаула” навида 6, 16, 26 август ва 5 сентябрь муддат-

Куртак пайванд қилиш муддатининг олманинг “Память Ясаула” нави куртагининг тутиб кетиши сифатига таъсири (2016-2017 йиллар.)

т/р	Куртак пайванд қилиш муддатлари	Ёзги текширишда тутган куртаклар,		Стандартга нисбатан, %	Ёзги текширишда нобуд бўлган куртаклар, %	Кузги-қишки даврда нобуд бўлган куртаклар, %	Жами нобуд бўлган пайвандуст куртаклар, %	Тутиб кетган пайвандуст куртакларнинг ҳақиқий миқдори, %	Стандартга нисбатан, %
		дона	%						
Старк Эрлист									
1	16/VIII st	44,2	88,1	100,0	11,6	4,1	15,7	84,3	100,0
Память Ясаула									
2	15/VII	31,1	62,2	70,6	37,8	2,8	40,6	59,4	70,4
3	25/VII	39,4	78,8	89,4	21,2	3,1	24,3	75,6	89,6
4	6/VIII	43,9	87,6	99,4	12,4	3,7	16,1	80,2	95,1
5	16/VIII	48,3	96,6	109,6	3,4	3,8	7,2	89,0	105,6
6	26/VIII	46,7	93,9	106,5	6,1	4,1	10,2	85,7	101,7
7	5/IX	41,4	92,8	105,3	7,8	5,3	13,1	81,6	96,8
8	15/IX	37,2	74,4	84,4	15,6	8,9	24,4	67,7	80,3
Уртача		44,9	89,8		14,5	4,4	18,9	81,1	
ЭКФ ₀₅								3,7	

ларида куртак пайвандларнинг тутиб кетиши 95,1% дан 105,6% гача бўлганлиги кузатилди.

Бизнинг фикримизча, бу муддатларда куртакларнинг етилиши меъёрида бўлиши ҳамда куртаклар тутиб кетиш учун шароит яратилмаганлиги бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган илмий изланиш натижаларига кўра, олманинг “Память Ясаула” нави асосида суперинтенсив боғларни барпо қилишда пайвандтагларга пайванд қилиш тадбирларини 6 августдан 5 сентябргача ташкиллаштириш мумкин экан.

Ўрганилган пайвандлаш етти муддатдаги куртак пайвандлар ўртасидаги фарқнинг вариация коэффициентини кўрсаткичи ўртача

$V=12,7\%$ бўлди.

Ўртача квадратлар оғиши $X=4,9\pm 1,6$ донага тенг бўлди.

Тутиб кетган куртакларнинг ҳақиқий миқдори жами нобуд бўлган пайванд куртакларнинг нисбати корреляция коэффициентини $r=0,61\pm 0,36$ ни ташкил этиб, ўрта аҳамиятга эга бўлди.

М.ЯКУБОВ,

Мевали экинлар агротехникаси ва интенсив боғдорчилик бўлими мудири,

М.МИРЗАЕВ,

к.х.ф.н., катта илмий ходим,

А.РАИМОВ,

кичик илмий ходим,

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти,

АДАБИЁТЛАР

1. Арипов. А.У., Арипов А.А. “Пакана ва паст бўйли пайвандтагларни кўпайтириш усуллари”. “Уруғли интенсив мева боғлари”. Т – Шарқ, 2013. 108-121 б.
2. Прохоров И.А., Потапов С.П. Аprobация и описание саженцев яблони и груши в питомнике. Практикум по селекции и семеноводству овощных и плодовых культур. Изд. “Колос” 1988.
3. Рыбаков А.А. Остроухова С.А. Окулировка. Плодоводство Узбекистана. Т – Ўқитувчи 1972. С. 160-166.
4. Ғуломов Б. ва бошқалар. Мевали дарахтларни пайванд қилиш усуллари. Мевали дарахтларга шакл бериш, кесиш ва пайвандлаш. Т – Фан, 2013. 39-44 бет.

УЎТ: 634.334.631.334.4

МАНДАРИННИНГ “КЛИМИНТИН” НАВИНИ IN-VITRO ШАРОИТИДА КУЛЬТУРАГА КИРИТИШ

In the present investigation nodal segments were used as explant for in vitro shoot regeneration in Klimintin. The MS basal medium was fortified with BAP and IBA to examine the different shoot regeneration parameters. When 2.9 mg/L BAP and 0.06 mg/L IBA added together to the medium produced the maximum sprouting percent, number of shoots, shoot length, and number of leaves.

Мандарин цитрус экинлар орасида бошқаларига нисбатан республикамизнинг жанубий вилоятлари шароитига жуда яхши мослашгандир. Шу боис республика бўйича жами цитрус майдонларининг катта қисми жанубий вилоятлар улушига тўғри келади.

Бугунги кунда дунёда мандарини (Rutaceae) етиштириш бўйича Хитой-17,155 минг тонна, Испания -2942 минг тонна, Туркия 1337 минг тонна, Марокаш-1078 минг тонна, Миср-1020 минг тонна етакчилик қилиб келмоқда. [1]. Мандарин ўсимлиги асосан уруғидан ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади, бу эса ўсимликларни йил бўйи кўпайтириш имкониятини чеклайди. Вируслар ва патогенлар томонидан ўсимликларни зарарланиши ҳамда пайвандтаг-пайвандуст номутаносиблиги сифатли “Климинтин” мандарини кўчатларини етиштиришда тўқинлик қилади. Бу муаммоларни ўсимликни тўқима культурасидан кўпайтириш йўли билан ҳал қилса бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг In-vitro лабораториясида Мандарин ўсимлигининг “Климинтин” навида ўтказилди. In-vitro шароитида ҳар бир ўсимликларни микроклонал кўпайтириш учун универсал озуқа мухити мавжуд эмас, улар турли ҳилдаги органик ва ноорганик қўшимчалар билан фарқланади.

Эксплантатларни тайёрлаш. Интродукция қилиб олиб келинган Климинтин мандарини дарахтидан энг камида 3 дона ён куртаги бўлган 1-2 см лик новда бўғимлари кесиб олинди. Новда бўғимлари лабораторияда 30 дақиқа давомида оқиб турган водопровод сувида ювиб ташланди. Кейинги босқичда 70% ли этанол спирти эритмаси билан 10 сония мобайнида ушлаб турилади. Новдаларни 0,1% ли натрий гипохлорид эритмаси билан 15 дақиқа стерилланди. Стерилланган новдалардан эритма қолдиғини йўқ қилиш мақсадида стерил дистилланган сув билан 3 мартаба чайиб ювиб ташланди.

Эксплантатлар ламинар шкафага кўчирилди ва новданинг юзаси стерилланди.

Озуқа мухити. Культуралар MS озуқа мухитларда синаб кўрилди. Озуқа мухитининг рН кўрсаткичи 1н ли NaOH ёки HCl билан 5,8 га келтирилди. Озуқа мухити 121°C ҳароратда 105 КПа босимда 20 дақиқа давомида автоклавда стерилланди. Автоклавлашдан кейин озуқа мухити хона ҳароратида совутилди ва фойдаланишга тайёр бўлди. Озуқа мухити таркибида турли ўстирувчи регуляторлари (BAP ва IBA) тутган MS озуқа мухитида культурага киритилди. Эксплантатларни ўстириш пробиркаларига кўчирилгандан сўнг 16 соат ёруғлик ва 6500 люксда 23 ± 1 °C да инкубаторда ўтказилди. Тажрибалар 4 хил вариантда ва 3 такрорийликда ўтказилди.

Ҳар 2 ҳафтада культуралар янги озуқа мухитга кўчирилди. In vitro шароитларда ривожланган микроклонал новдалар IBA тутган ярим кучдаги MS озуқа мухитига кўчириб ўтказилди ва илдиз системаси ривожлантирилди.

Эксплантларнинг юза қисмини стериллаш жараёнларининг таъсири

(1-жадвал)

Ишлов бериш, дақиқа	Инфекция-ланиш %	Фаол эксплантлар %	Нофаол эксплантлар%
Натрий гипохлорид 0,1% 15 дақ.	0	79	5
Натрий гипохлорид 0,1% 10 дақ.	5	48	13
Натрий гипохлорид 0,1% 7 дақ.	50	12	0
Натрий гипохлорид 0,1% 5 дақ.	70	0	0

Тадқиқот натижалари.

Стериллаш жараёнида энг намунали кўрсаткичлар 0,1% ли натрий гипохлоридда 15 дақиқа стерилланганда энг самарали услуб деб топилди. Энг самарасиз эса 0,1% ли натрий гипохлоридда 5 дақиқа мобайнида ишлов бериш бўлди (1-жадвал).

Цитокининлар хужайралар бўлиниши ва органогенезни жадаллаштиргани учун ўсимлик тўқима культураларида жуда муҳим бўлган ўсиш регуляторидир. Культура яхши ўсишини цитокинин тури ва концентрациясига боғлиқдир, ўсимлик турлари орасида цитокининлар ўзлаштирилиши ва ташилиши бўйича фарқлар бор, ташқаридан киритилган цитокининлар эксплантатлар ишлаб чиққан цитокининлар билан ўзаро таъсирлашади. Баъзи ҳолларда озуқа муҳитига ауксинларнинг қўшилиши новдаларнинг ҳосил бўлишига фойдали таъсир кўрсатади.[2].

“Климинтин” мандаринининг новда бўғими сегменти эксплантатлари ВАР 2,9 мг/л ва ИВА 0,06 мг/л комбинацияларидаги озуқа муҳитида ўстирилганда новдаларнинг энг юқори куртаклиниши даражаси 76,23%, новда узунлиги 2,65 см ва барглар сони 5,00 кузатилди. ВАР миқдорининг кўпайтирилиши новда бўғими сегментлари эксплантатлари куртаклинишига салбий таъсир кўрсатди. Озуқа муҳитига ИВА нинг киритилиши цитокининлар юқори концентрацияси таъсирини йўққа чиқаради. Цитрус ўсимликлари новдаларини ривожланишида турли концентрациялардаги ВАР дан фойдаланилган [3]. Новдалар ривожланиши учун энг яхши озуқа муҳити деб 2,9мг/л ВАР ва 0,06 мг/л ИВА деб топилди ва энг юқори новдалар сони қайд этилди 3.25. Цитокинин (ВАР) концентрациясининг ортиши билан новдалар сони ортиб боради, цитокинин концентрациясини маълум миқдоридан сўнг янада ортиши билан новдалар сони камайди (2-жадвал).

4-5 ҳафтадан сўнг in vitro шароитларда ривожланган новдалар илдиз ривожланиши учун ИВА тутган ярим кучдаги MS озуқа муҳитига кўчирилди.

Ўстириладиган хонада намлик 60-70 % бўлиши керак. Ундан қуруқроқ ҳаво озуқа муҳитини қурийтиб юборади, агар пробирка пахтали тиқин билан бектилган бўлса, озуқа моддаларни концентрацияси ўзгариб, ўстириш шароити бузилади. Кўпчилик тўқималарни ўстириш учун оптимал харорат 25°C бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. FAO STAT 2016.
2. Werbrouck SPO, Strnad M, Van Onckelen HA, Debergh PC. Meta-topolin, an alternative to benzyladenine in tissue culture. *Physiol. Plant.* 1996; 98:291-297.
3. Jeong JH, Murthy HN, Paek KY. High frequency adventitious shoot induction and plant regeneration from leaves of *stative*. *Plant Cell Tiss Org Cult.* 2001; 65:123-128.

УЎТ: 634.31

ФУНДУҚ ЎСИМЛИГИНИНГ ҚАЛАМЧАЛАРИДАН КЎЧАТ ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

The article given information about the artificially protected place root induction from offsets development of new accelerated methods.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида фундуқ ўсимлигининг бир йиллик новдаларини қаламчалари орқали кўпайтириш усуллари устида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Ўлчами катта бўлмаган қаламчалардан экиш учун фойдаланиш оналик захирасини самарали сарфлаш имконини беради. Бу усулнинг афзалликлари нафақат экиш материалларидан кенг миқёсда фойдаланиш, балки амалдаги соддалашган усулда ҳаваскор боғбончиликда фойдаланиш мумкин.

Климинтин навининг MS озуқа муҳитида культурага кириши

2 -жадвал

Ўстирувчи регуляторларнинг концентрация мг/л		Куртакланган новдалар %	Новдалар сони	Новда узунлиги	Барглар сони
ВАР	ИВА				
0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
0,4	0,01	44,7	1,00	1,00	2,50
0,9	0,02	53,36	1,50	1,18	2,75
1,4	0,03	58,39	1,75	1,85	3,00
1,9	0,04	65,75	2,00	2,28	3,50
2,4	0,05	70,63	2,75	2,43	4,25
2,9	0,06	76,23	3,25	2,65	5,00
3,4	0,07	67,62	2,50	2,30	3,75
3,9	0,08	49,73	1,00	1,73	2,25
4,4	0,09	37,28	0,75	1,20	1,75

Ўсимлик тўқималарини бир қисмини ажратиб олиб, уларни озуқа муҳитига ўтказишда бир бирига мос алоқаларни бузилиши ҳам хужайраларни генетик мўътадилликдан чиқишига олиб келади. Шунга ўхшаш натижалар озуқа муҳити таркибидаги фитогормонларни хужайранинг генетик аппаратида таъсири оқибатида намоён бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, in-vitro шароитида мандаринни культурага киритишда дастлаб тўлиқ стерилликка амал қилиш керак. Стериллаш ишлари автоклав ва ламинар брксларда бажарилади. Мандаринни стериллашда 0,1% ли натрий гипохлорид аралашмаси билан 15 дақиқа стерилланганда фаол эксплантлар 79 фоизни ташкил қилди. MS озуқа муҳитига ўстирувчи регуляторларни турли миқдорда таъсири ўрганилди. Бунда асосан куртакланган новдалар, новдалар сони, новда узунлиги ва барглар сони аниқланди.

Ю. САИМНАЗАРОВ

б.ф.д., профессор

Х. ИБОДУЛЛАЕВ,

таянч докторант

Ак.М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик илмий

тадқиқот институти.

муҳитнинг намлиги 70 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак. Баргдаги сув буғланиши, намлик тез парланишининг олдини олиш қаламча экилган ёпиқ иншоот устидаги полиэтилен плёнка устига қуёш нуридан химояловчи мослама ёпиш билан амалга оширилади.

Ёз фаслида (июль) экиш учун фундук ўсимлигининг ёғочлашган, яримёғочлашган ҳамда яшил новдаларидан қаламчалар тайёрланди. Новдалардан ўткир ток қайчи (секатор) билан 10–15 см узунликдаги қаламчалар кесилиб олинди. Новданинг пастки қисми бевосита барг банди тагидан тўғри бурчак остида, юқори қисмининг барг бандидан 3–5 мм баландидан кесилди. (Кесишда пўсти шилиниб кетмаслиги керак). Сўнгра пастки бир-иккита барг олиб ташланиб, қолганларида барг (юзаси) пластинкасининг 1/3 қисми кесилди. Қаламчалардан кам сув буғланиши ва уларни анча қалин экиш учун шундай қилинди.

Сунъий туман ҳосил қилувчи ҳимояланган жойнинг ичи қаламча экишдан (05-07-2018) 2–3 ҳафта олдин профилактика мақсадида касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга қарши кимёвий препаратлар билан дориланди (дезинфекция қилинади) (3 фоизли “Импак”, ҳашаротларга қарши 5 фоизли “Қаратэ”, “Гаучи” ҳамда “Вертимэкс” эритмаси). Қаламчалар махсус тайёрланган жойга экилди. Дастлаб 15 см қалинликда майдаланган тошшағал солиб, дренаж қатлами ҳосил қилинди. Шундан сўнгра шағал кўмилгунча йирик кум солинди. Унинг устига 10–12 см қалинликда 1/3 қисм тупроқ 2/3 қисм чириган гўнган иборат озуқали аралашма солинди (бир текис бўлиши ва яхши аралашishi учун тупроқ ва гўнгра элаб олинди). Бу аралашма устига яна 5–7 см қалинликда йирик тоза кум солинди. Қатламнинг умумий қалинлиги 30–35 см. га етди.

Қаламчалар экиш олдидан таги текис идишга тик ҳолда тахланиб, махсус эритмага (гетероауксин 1 л сувга 200 мг) остки куртаги кўмилгунга қадар солиниб, 14–16 соат давомида салқин жойга қўйилди.

Тажрибалар 3 хил вариантда: 1-вариант ёғочлашган, 2-вариант яримёғочлашган ва 3-вариант яшил қаламчалар экиш билан олиб борилди.

Қаламчалар ҳимояланган жойнинг намланган устки қатламига 10×10 см ораликда экилди. Бу эса 1 м² майдонга 100 дона қаламча экиш имконини берди. Улар кумга кўпи билан 2–2,5 см чуқурликда

экилди.

Қаламчалар яхши тутишига шароит яратиш учун туман ҳосил қилиш ускунаси ўрнатиш мақсадга мувофиқ, шунда ҳарорат бир хил ва ҳаво намлиги юқори бўлади.

Қаламчаларни парваришлаш агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилди. Ҳар бир вариантда 50 донадан қаламча экилди. Қаламчаларда илдиз шаклланиши ҳар 10 кунда кузатиб борилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ёғочлашган қаламчада илдиз ривожланмади. Яримёғочлашган қаламчаларнинг илдиз олиш миқдори 4 фоизни ташкил қилган бўлса, 3-вариантда яшил қаламчаларнинг илдиз олиши 40 фоизни ташкил қилди.

№	Вариантлар	Экилган қаламчалар миқдори, дона	Қаламчаларнинг илдиз олиши, %	Илдиз ривожланиши, кун
1	Ёғочлашган	50	0	-
2	Ярим ёғочлашган	50	4	60
3	Яшил қаламча	50	40	45

Кўришиб турибдики, фундук ўсимлигининг яшил қаламчасида илдиз шаклланиши ва ривожланиши жадал кечган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқот натижаларига кўра, фундукнинг 3-варианти – яшил қаламчалари орқали кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

**К.АБДУЛЛАЕВ,
А.РАИМОВ,**

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. *Культура орехоплодных. – Москва: Сельхозгиз. 1957. – С. 60-62.*
2. *А.П.Глазков, Ш.Т.Кейсерухский. Ореховые сады. – Москва: Издательство “ЗНАНИЕ”. 1968. – 43 с.*
3. *Размножение плодовых и ягодных растений зелеными черенками (Рекомендации). – Мичуринск, 1988. – 17 с.*

УЎТ: 634.3.31/34:631.527.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ХАНДАҚЛАРДА АПЕЛЬСИН НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

In article given information about cultivation of orange plants in wide trechs and also described perspective varieties on the territory of Uzbekistan.

Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳамда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши билан озиқ-овқат, хусусан, меваларга ва ундан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотлар, уларнинг тури ва сифатига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бозорларимиздаги цитрус меваларни импорт қилишни камайтириш учун аҳоли томорқалари ва деҳқон, фермер хўжаликларида уларни етиштириш истиқболли бўлиб, унчалик кўп маблағ талаб этмайди. Цитрус мевалар айниқса апельсин, янги узилган ёки шарбат ҳолда қолаверса қайта ишланган маҳсулотлари бошқа барча мевали экинлар орасида машҳурлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради, дейиш мумкин.

Апельсиннинг 300 га яқин нави бўлиб, улар 3 та асосий гуруҳларга бирлаштирилади:

Оддий апельсин. Меваси йирик-майда (5×5 см), эти оч сарик, аччиқ-чучук, кўп уруғли. Серҳосил: камдан-кам ҳолда уруғсиз навлар учрайди.

Киндакли (ўсиқчали) апельсин мевасининг йириклиги (500-600 грамм-гача) билан ажралиб туради, одатда, ўртача 200-250 грамм атрофида бўлади. Мевасининг учида сўргичсимон ўсиқ бўлиб, унинг ичида

бошланғич мева жойлашади, у баъзан пўстидаги кичик тешик (киндак) орқали кўришиб туради.

3. “Корольки” апельсинининг меваси етилганда эти ва суви тўқ қизил (қирмизи) ранга киради. Меваси ўртача йирик, жуда сифатли, ниҳоятда мазали, ўртача ва кеч муддатларда етилади.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти марказий тажриба участкасининг иситилмайдиган кенг хандақларида 1985 йилда экилган апельсин ўсимликлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кенг иситилмайдиган хандақнинг эни 6 метр, баландлиги 5 метр, ён тарафлари темир бетон, узунлиги 100 метр, устида темир каркас бўлиб, қиш вақтида полиэтилен плёнка билан ёпилади. Дарахтлар девордан 1 метр, қатор ораси 2 метр, тулпар ораси 3 метрдан, 3 қатор қилиб экилган. Апельсиннинг – “Гамлин” (назорат), “Вашингтон Навел”, “Королёк грушевидный”, “Гладкорий” ва дурагай № 29221 навлари ўрганилмоқда.

Апельсин навларини хандақларда парвариш қилиб ўрганилганда,

ўртача кўп йиллик фенологик фазалари-ни ўтиши куйидагича кузатилди:

Ўрганилаётган апельсин навлари ичида биринчи куртакларнинг очилиши "Гамлин" (назорат) ва "Гладкокорый" навларида 6 март куни, "Вашингтон Навель" навида ва №29221 гибрид навларида 9 март куни белгиланди. Ўрганилаётган апельсин навлари ичида биринчи бўлиб ғунчалаш даври 17 мартда "Гамлин" (назорат) ва №29221 навларида кузатилди, "Гладкокорый" навида 19 март, ғунчалаш даври кеч кузатилгани "Вашингтон Навель" ва "Королёк Грушевидный" навларида 20-21 март куни аниқланди. (жадвал-1).

Апельсин навларидан "Гамлин" (назорат) ва №29221 навлари 28 март куни гуллашни бошлади, "Гладкокорый" навида 1 апрель куни кузатилган бўлса "Королёк Грушевидный" навида кечроқ 30 апрель куни кузатилди. Апельсин навларида гуллашнинг тугаши апрель ойининг учинчи декадасида "Гамлин" навида 20 апрель куни кузатилди, гуллаш давомийлиги қисқа бўлиб 24 кундан 40 кунгача давом этди. Ўрганилаётган апельсин навларининг новдаларида иккита ўсув даври аниқланди, биринчи даври 6 март "Гамлин" (назорат) навида, иккинчи ўсув даври 29 май куни "Вашингтон Навель" навида кузатилди. Иккинчи ўсув давомийлиги 26-38 кунни ташкил этди. Дарахтларда ўсган новдаларнинг узунлиги 39 см дан 62 см ни, новдалар сони 56 тадан 82 донагачани ташкил қилди.

Апельсин навлари мевасининг энг эрта пиша бошлаши 3 октябрда "Королёк Грушевидный" навида кузатилди, "Гамлин" (назорат) нави 3 ноябрда пиша бошлади, "Гладкокорый" ва № 29221 дурагай навларида ҳаммадан кеч 30 ноябрда пишди. Пишиш давомийлиги навларда 21 кундан 41 кунгачани ташкил қилди. Шунингдек, апельсин навларининг ҳосилдорлиги ҳам ўрганилди. Ўрганилган навлар ичида мевалар сони санаб чиқилганда "Гамлин" (назорат) навида ўртача бир тупда 61 дона мева ҳосил бўлган бўлса, "Гладкокорый" навида эса ўртача бир тупда 96 дона мева ҳосил берди. Шу билан бирга "Вашингтон Навель" навида ўртача бир тупда 84 дона, Королёк Грушевидный" навида эса 72 дона ҳосил берганлиги аниқланди. № 29221 дурагайида эса 68 дона ташкил этди. Меваларнинг йириклиги бўйича ўрганилганда "Гамлин" (назорат) навида 86 граммни ташкил этган бўлса, "Вашингтон Навель" нави-

Апельсин навларида фенология фазаларининг ўтиши (ўртача, 2010-2018 йиллар)

Т/Р	Нав	Куртакларнинг очила бошлаши	Гулгунчаларнинг шаклланиши	Гуллаш		Новданинг 2-ўсуви бошланиши	Новданинг 2-ўсуви тугаши	Пишиш даврининг бошланиши	Тўлиқ пишиши	Пишиш даврининг давомийлиги	
				бошланиши	тугаши						
1	Гамлин (назорат)	6Ш	17Ш	28III	30IV	33	30V	15VI	3IX	24XI	21
2	Вашингтон Навель	9Ш	21Ш	6IV	8V	33	29V	14VI	28XI	25XI	28
3	Королёк Грушевидный	8Ш	20Ш	30IV	18V	19	1VV	25V	3IX	14XII	41
4	Гладкокорый	6Ш	19Ш	1IV	10V	40	25V	15VI	30XI	20XII	21
5	№ 29221	9Ш	17Ш	28III	20IV	24	30V	14VI	30XI	24XII	25

ўртача бир тупдан 9,3 кг ёки 153,6 ц/га ни ташкил этди. Шу билан бирга, "Королёк Грушевидный" навида ўртача бир тупдан 7,1 кг ёки 117,6 ц/га ни, "Вашингтон Навель" навида ўртача бир тупдан 8,6 кг ёки 142,7 ц/га ни ташкил этди. № 29221 дурагайида эса ўртача бир тупдан 6,5 кг ёки 107,7 ц/га ни ташкил этди (2-жадвал).

Апельсин навларининг қисқача таснифи

"Гамлин" - нави ҳосилдор, меваси юқори сифатли. Апельсин "Мейер" навида пайванд қилинган, дарахтларнинг ўртача баландлиги 2-2,5 метр, сербарг, барги ўртача, Тўқ яшил, асоси думалоқ, учи ингичка чўзиқ, ўртача чўзиқ, қалин силлиқ ялтироқ. Барг четлари ўткир қиррали. Меваси думалоқ, асоси шарсимон ясси-япаски, тўқ сариқ, қизғиш шарсимон. Данаги ўртача 6-8 мм, бир текис думалоқ овалсимон кучсиз чўзиқ, юқори қисми учли, паллалари юққа. Пўсти этидан осон ажралади, силлиқ, ялтироқ, зич, икки қават. Эти тўқ сариқ, сувли, мазаси чучук, енгил нордон ширин. Меваси ноябрь ойида пишади.

"Гладкокорый" - Кучсиз ўсувчи дарахт, шох-шаббаси ёйиқ бўлиб, новдалари тикансиз. Барглари ўртача катталикда, думалоқ овалсимон шаклда, тўқ яшил рангда, барг бандида кичик қанотчалари бор. Экилгандан 2-3 йилдан мева бера бошлайди. Мевалари ўртача катталикда 110-140 гр, юмалоқ чўзиқ шаклда. Жуда кичик чуқурча жойлашган, билинар-билимас етилмаган кўшимча (киндак) мевача билан тугайди. Пўсти силлиқ, ялтироқ, тўқ сариқ, дарахтда турган сари қизғиш тусга қиради. Эти сершарбат, мазаси ширин –нордон. Кам уруғли 3-6. Ҳар йили кўп ҳосил беради. Меваси октябрь-ноябрь ойларида пишади.

Дурагай № 29221-дарахтининг бўйи 1,5-2 м, сер барг, шох-шаббаси тарвақайлаб ўсади. Барглари ўртача катталикда, думалоқ овалсимон шаклда, тўқ яшил рангда, барг бандида кичик қанотчалари бор. Экилгандан кейин 3-4 йили мева бера бошлайди. Мевалари ўртача катталикда 100-110 гр, юмалоқ шарсимон шаклда. Пўсти салгина нотекис, тўқ сариқ, дарахтда турган сари қизғиш тусга қиради. Эти сершарбат, мазаси ширин-нордон. Кам уруғли, 4-7. Ҳар йили кўп ҳосил беради, меваси октябрь-ноябрь ойларида пишади.

Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ,
катта илмий ходим-изланувчи,
Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институту.

Апельсин навларининг ҳосилдорлиги (ўртача, 2010-2018 йиллар)

Т/Р	Нав	Меваларнинг ўртача сони, туп/дона	Меванинг ўртача оғирлиги, г.	Ҳосилдорлик	
				кг/туп	ц/га
1.	Гамлин (назорат)	61	86	5,2	86,6
2.	Вашингтон Навель	84	103	8,6	142,7
3.	Королёк Грушевидный	72	99	7,1	117,6
4.	Гладкокорый	96	97	9,3	153,6
5.	№ 29221	68	96	6,5	107,7

да эса 103 граммни ташкил этди. Шунингдек "Королёк Грушевидный" навида 99 граммни, "Гладкокорый" навида эса 97 граммни ташкил этди. № 29221 дурагайида эса 96 граммни ташкил этди. Ҳосилдорлик "Гамлин" (назорат) навида ўртача бир тупдан 5,2 кг ёки 86,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик "Гладкокорый" навида

АДАБИЁТЛАР

1. Бўриев Х.Ч., ва бошқалар. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. Услубий қўлланма. Тошкент, 2014 й.
2. Р.К.Ибрагимов, А.А.Алексеев, О.И.Алексеева «Выращивание цитрусовых в траншейной культуре» Ташкент-1981. (6-8).
3. В.Л.Витковский «Плодовые растения мира». Санкт-Петербург, Москва, Краснодар, - 2003. С 510-518.
4. П.М.Жуковский. Культурные растения и их сородичи. «Колос» Ленинград. 1971. С 564-584.

ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИДА ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИ БАРГЛАРИДАГИ СУВ МИҚДОРНИНГ ЎЗГАРИШИ

Олтинсимон қорағат навларининг барглари ва бир йиллик новдаларидаги сув миқдори вегетация давомида ҳамда навлар ичида ўзгарувчан бўлиб, барқарор кўрсаткичларга эга эмаслиги аниқланди. Тадқиқот учун танланган олтинсимон қорағат навлари баргларидаги сув миқдори даражаси вегетация давомида тупроқдаги сув миқдори ҳамда куннинг даврига боғлиқ ҳолда ўзгариши ва бу кўрсаткичлар навлар ичида турлича бўлиши кузатилди.

Дала тажриба майдонида суғориш чоралари амалга оширилганда, яъни далани суғоришдан олдин олтинсимон қорағат навлари баргларидаги сув миқдори суғориш ишлари амалга оширилгандан сўнги кўрсаткичларига қараганда пастлиги билан ажралиб турди.


Суғоришдан олдин олтинсимон қорағат навлари баргларидаги сув миқдори қуйидагича таҳлил қилинди:

Июнь ойида “Сиюма” навининг баргларида сув миқдори эрталаб соат 6:00 да 59,7% кундузи соат 14:00да 57,1% ва кеч соат 18:00 да 58,9% кўрсаткич билан бошқа навларга нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди. “Подарок ариадне” навининг баргларида сув миқдори эрталаб соат 6:00 да 65,8% бўлиб барча навлар ичида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Кундузи соат 14:00 да 61,8% ва кеч соат 18:00 да 61% кўрсаткичга эга бўлиб, кун бўйи пасайиб борди.

“Левушка” нави баргларида ҳам сув миқдори бошқа навларга нисбатан юқорироқ эканлиги билан ажралиб чиқди. Бунда эрталаб соат 6:00 да 64,6% , кундузи соат 14:00да 62,4% ва кеч соат 18:00 да 64,6% кўрсаткичга эга бўлди. Барча навлардаги сув миқдори эрталабдан то кечгача маълум миқдорда камайиб борди.

Июль ойида “Подарок ариадне” навининг баргларида сув миқдори эрталаб соат 6:00 да 58,4% кундузи соат 14:00да 57,4% ва кеч соат 18:00 да 58,4% кўрсаткич билан бошқа навларга нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди. “Валентина” навининг баргларида сув миқдори эрталаб соат 6:00 да 64,8% бўлиб, барча навлар ичида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Кундузи соат 14:00да 57,5% ва кеч соат 18:00 да 61,3% кўрсаткичга эга бўлди. Лекин “Рухшона” навида кеч соат 18:00 олинган баргларидаги сув миқдори эрталабки ва кундузги олинган баргларидаги сув миқдоридан паст бўлди. Барча навларда кундузи соат 14:00 да ҳаво ҳарорати юқори ва ҳаво намлиги паст бўлганлиги учун сув миқдори ҳам бирмунча пасайди.

Август ойида “Валентина” навининг баргларида сув миқдори эрталаб соат 6:00 да 50,96% бўлиб, барча навларга нисбатан паст миқдорни кўрсатади. Кундузи соат 14:00да 60,9% ва кеч



2-расм Олтинсимон қорағат навларининг баргларидаги сув миқдори (суғоришдан сўнг)

соат 18:00 да 60,6% кўрсаткичга эга бўлди. “Левушка” навида эрталаб 6:00 да 63,9% га эга бўлиб, қолган навлардан юқори кўрсаткичга эга бўлди. Кундузи соат 14:00 да “Сиюма” навининг баргларида сув миқдори 55,5% дан “Подарок ариадне” навида 61,9% гача эканлиги аниқланди. Кеч соат 18:00 да “Эликсир” навининг баргларида сув миқдори 56,2% дан “Левушка” навида 63,3% гача бўлди (1-расм).

Айниқса, баргларида сувнинг энг максимал миқдори эрталабки вақтда юқори кўрсаткичларни кўрсатган бўлса, куннинг иккинчи ярмида соат 14:00 да эса, аксинча, тескари, пасайиши ва кечки вақтга бориб, яна кўтарилиши кузатилди. Бундай қонуниятлар ўрганилган барча навларда аниқланди, бироқ шуни таъкидлаш лозимки, навлар ўртасида ушбу кўрсаткичлар бўйича фарқланиш намоён бўлди. Олтинсимон қорағат навлари дала тажриба майдонида суғориш ишлари амалга оширилганда баргларидаги сув миқдори суғорилмаган ҳолатдаги кўрсаткичларга нисбатан ўсиши аниқланди.


Шунингдек, баргларидаги сув миқдорининг кун давомида ўзгариши ҳам барқарор эмаслиги кузатилди. Бунда эрталабки даврда ҳамма навларда сув миқдорининг баландлиги ва куннинг иккинчи ярмига келиб пасайиши ва кечки даврга бориб эса қайта ўсиши аниқланди.

Май ойида баргларидаги сув миқдори эрталаб 6:00 да “Сиюма” навида 65,5% дан “Едгор” навида 69,7% гача бўлди. Кундузи соат 14:00 да эса “Сиюма” навида 61,1% дан “Рухшона” ва “Валентина” навларида 65,7% гача бўлди. Кеч соат 18:00 да “Сиюма” навида 64,4% дан “Валентина” навида 67,4% гача бўлди.

Июн ойида баргларидаги сув миқдори эрталаб 6:00 да “Едгор” навида 63% дан “Рухшона” навида 67% гача бўлди. Кундузи соат 14:00 да эса “Подарок Ариадне” навида 58,6% дан “Валентина” навида 68% гача бўлди. Кеч соат 18:00 да “Валентина” навида 61,5% дан “Рухшона” навида 65,9% гача бўлди (2-расм).

Олтинсимон қорағат навларининг баргларидаги сув миқдори ва танқислигини ўрганиш қаторида ўсимликнинг бир йиллик новдаларидаги сув миқдори ва сув танқислиги июнь ойи охиридан то август ойининг биринчи ўн кунлигига қадар суғоришдан сўнг ва суғоришдан олдинги ҳолатлари ўрганилди. Шуни таъкидлаш лозимки, олтинсимон қорағат навлари барглари сув миқдори тупроқдаги намлик даражасига қарамасдан, августга бориб камайиши маълум бўлди.

Хулосалар қуйидагича бўлди: Олтинсимон қорағат навлари барглари ва новдаларидаги сув миқдори тупроқдаги намлик даражасига қарамасдан, августга бориб камайиши



1-расм Олтинсимон қорағат навларининг баргларида сув миқдори (суғоришдан олдин)

маълум бўлди. Барглардаги сув миқдори барқарор эмаслиги ва вегетация ҳамда кун давомида ўзгарувчанлиги билан ажралди. Навлар бўйича суғоришдан олдин ва суғоришдан кейинги олинган натижалар бўйича “Сиюма” навининг баргларида сув миқдори бошқа навларга нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди. “Подарок ариадне” ва “Лёвушка” навининг баргларидаги сув миқдори эса барча навлар ичида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса эса “Подарок ариадне” ва “Лёвушка” навларининг турли шароитларда ҳам сув миқдорини яхши ушлаб туришдан далолат беради.

А.ҚОСИМОВ,
Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Р.М.; Ягудина С.И. Приусадебные ягодуники. –Т.: Меҳнат, 1988, стр 37-69.
2. Гончарева Э.А. Оценка устойчивости к разным стрессом плодо-ягодных и овощных (сочноплодовых) культур. Методическое указание по засухоустойчивости. Л. 1988, стр. 46-62.
3. Ягудина С.И., - Смородина. Ташкент. Изд-во “Фан”, 1976 г.

ЎЎТ:631.634.

МАЛИНАНИНГ РЕМОНТАНТ НАВЛАРИНИ ЭКИШ, ПАРВАРИШЛАШ ВА ШАКЛ БЕРИШ

Cultivating remontant varieties of raspberries is rarely different from normal varieties, but there are some features that are important for good harvesting. It is capable of yielding twice a year, for this is necessary to adhere to some agricultural regulations. We will talk about this in this article.

Малина – кенг тарқалган қимматли резавор экин. Унинг меваси ўзининг ажойиб мазаси ва хушбўй хиди билан ажралиб туради, у истеъмол қилинувчи маҳсулот сифатидагина қимматли бўлмай, балки шифобахш ҳамдир. Тиббиётда малинаниннг ҳўл ва қуритилган меваларидан терлатувчи ҳамда иситмани туширивчи восита сифатида фойдаланилади.

Малина бутасининг еростки қисми ўқилдиз ва ундан ёнла-масига ҳар томонга таралиб, тупроқнинг ғовак устки қисмида ер юзасида яқинроқ ҳолда жойлашадиган бачки илдизлардан ташкил топган. Илдиз системасининг қанчалик бақувват бўлиши ҳамда илдизларнинг тупроққа қанчалик чуқур кириши кўп жиҳатдан тупроқнинг механик таркибига, ҳосилдорлигига ва намлик даражасига боғлиқ. Енгил ва унумдор тупроқларда кўпчилиги навларининг илдиз системаси 150 см га етади, лекин илдизнинг асосий қисми 30-40 см чуқурликдаги қатламда бўлади. Оғир унумдорлиги кам тупроқларда, айниқса зич тупроқ қатламида илдиз системаси чуқур кириб бормайди, озиклантирувчи илдизларнинг асосий қисми 15-25 см чуқурликдаги юза қатламда жойлашган бўлади [1,2].

Малинаниннг ремонтант навларини экиш. Малинаниннг бир йилда икки марта ҳосил берувчи навлари ремонтант навлар дейилади. Малинаниннг ремонтант навлари учун куёш нури яхши тушадиган ва шамолдан ҳимояланган озуқага бой бўлган тупроқ ерлар танланади.

Малинаниннг ремонтант навларини баҳорда (куртак ёзилишдан олдин) ва кузда экиш мумкин, лекин кузги экиш энг самарали бўлиб, у сентябр охири ва октябр бошларида амалга оширилади. Малинада илдиз тизими етарлича бўлгани учун унга жудаям чуқур хандақ қазिश шарт эмас. Чуқурнинг ўлчами қоидаси бўйича 50x50x50 см ташкил этиш керак. Малина асосан 1,5 x 0,5 м ва 2,0 x 1,0 м схемада экилади [3].

Ўсимликни шундай экиш керакки, унинг илдиз бўғзи тупроқнинг юза қатламида жойлашиши керак. Бунда илдизларини ер юзасига чиқармасдан жойлаштириш керак. Кейин ўсимликни тупроқ билан кўмиб, уни чуқурлаштириб юбормасдан ер текисланади. Сўнгра 1 тупга 5 л. сув миқдорида суғорилиб торф, шоли қипиғи ёки чиринди билан мулчланади.

Малинаниннг ремонтант навларини парваришлаш. Малина новдаларининг икки йиллик ривожланиш босқичи ёзги ривожланиш босқичи билан бошқа резавор мевалардан ажралиб туради. Биринчи йилда новдалар жадал ўсади, кейинги йили ҳосил

бериб нобуд бўлади. Малина бутун ҳаёти даврида экишдан то нобуд бўлгунича 3 та ривожланиш босқичини ўтайди.

Биринчи босқич – боғ барпо қилингандан кейин 2 йил ўсиш. У илдизбачкилар ва новдаларнинг ҳар йиллик шаклланиши билан тавсифланади, иккинчи йилда малина нишона ҳосил беради.

Иккинчи босқич – ўсиш ва ялпи ҳосил бериш даври. Бу давр 3-8 йил давом этади.

Учинчи босқич – қуриш ва нобуд бўлиш. Ушбу мавсум малинаниннг 9-10 ёшларида бошланиб 13-15 йилгача давом этади. Бу ўсиш мавсумида азотли ва фосфорли озикланиш боғдан фойдаланиш муддатини узайтириши мумкин.

Яхши тутиши ва бақувват бўлиб ўсиши учун малинага кўнгилдагидек парвариш даркор. Органик ўғитлардан 100-140 т/га, минерал ўғитлардан тупроқ унумдорлиги ҳисобига солинади (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, малинани экишдан олдин тупроққа минерал ўғитлардан азот солинмайди. Фосфор 20-160 т/га, калий эса 65-325 т/га солинади. Экишдан кейин дастлабки икки йил мобайнида органик ўғитлардан 60 т/га, минерал ўғитлардан азот 60-80 т/га солинади, фосфор ва калийли ўғитлар солинмайди. Мева бериш вақтида эса органик ўғитлардан 40-60 т/га, минерал ўғитлардан азот 80-100 т/га, фосфор 80-200 т/га, 150-375 т/га солинади. Малинаниннг ремонтант навларини парваришлашда асосан бостириб суғориш (тупроқ 30-40 см чуқурликгача намланиши керак) ва мунтазам бегона ўтлардан тозалаб туриш керак. Ўсимлик илдизларига кислород етиб боришни таъминлаш

1-жадвал

Малинани ўғитлаш меъёрлари

Муддат	Тупроқ таъминланиши	Органик ўғитлар, т/га	Минерал ўғитлар, кг/га		
			Азот (N)	Фосфор (P ₂ O ₅)	Калий (K ₂ O)
Экишгача	Паст	140	-	160	325
	Ўрта	120	-	120	200
	Юқори	100	-	20	65
Экишдан кейин	Паст	60	80	-	-
	Ўрта	60	60	-	-
дастлабки 2-йил	Юқори	60	60	-	-
Мева бериш вақти	Паст	60	100	200	375
	Ўрта	40	80	120	275
	Юқори	40	80	80	150

енг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бунинг учун мавсумда 4-6 марта туплар атрофидаги тупроқни юза юмшатиш, илдишларга шикаст етказмасдан тупроқ атрофини чопиш керак.

Малинанинг қатор оралари тупроғини 15 см гача, қаторлар орасини 5-8 см чуқурликда юмшатиш тавсия этилади.

Ёзги мулчалаш (8-10 см қатлам) тупроқ исиб кетишидан ва қишки совуқлардан илдишларни ҳимоя қилади, тупроқда намликни ушлаб туриш эса бегона ўтлар ўсишини секинлаштиради. Мулчалаш экиш вақтида ва ҳар йили қайтарилиб турилади.


Малина кўчатлари мева оғирлигидан синиб кетмаслик учун новдаларини қозиқ ёки шпалерга боғланади. Агар икки марта ҳосил олишни хоҳласангиз, шпалернинг бир томонига бир йиллик новдаларни, бошқа томонига эса икки йиллик новдаларни боғлаш керак.

Кеч кузда малина кўчатларини барг қолдиқларидан, мулчадан ва қуриб қолган шохлардан тозаланади. Зараркунандаларни йўқотиш учун бу чиқиндилар ёқиб юборилади. Қаттиқ совуқ ва қорсиз қиш кунларида кўчат атрофини чиринди ёки ярим чиринган гўнг билан мулчланади (10 см қатламдаги).

Малина буталарини кесиш ва шакл бериш. Малина буталари қалинлашиб ва озиқ моддалари етишмаганидан нимжон ўсмаслиги учун вегетация даври давомида мунтазам ёш бачкилардан тозаланиб турилади. Баҳорда 10 та кучли новда қолдирилади.

Малинанинг ремонтант навлари мавсум давомида икки марта ҳосил бериш хусусиятига эга, лекин боғбонларнинг ҳаммаси ҳам бу хусусиятдан фойдаланмайди, жумладан, малинанинг илк ҳосили яхши етилади ва бирмунча ширинроқ мазага эга бўлади.

Агарда мавсумда бир марталик ҳосил териш режалаштирилаётган бўлса, кеч кузда буталар тўнка қолдирмасдан кесиб олиниб, новдалар ёқиб юборилади (бу эса қишловчи зараркунандалардан тозалаш имконини беради). Бу йилги экилган ма-



Баҳорда ремонтант малинани кесиш

лина кўчатларини бутунлай кесиб ташлаш керак эмас. Бундай кўчатларда баландлиги 20 см шохлар қолдирилади.

Агарда мавсумда икки марта ҳосил олишни хоҳловчилар кузда икки йиллик ҳосил новдаларини (кўнғир рангдагиси) ва нимжон бачки, бир йиллик новдаларда эса (яшил рангдагисини) меvasи бўлган учки қисмини кесиш керак.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, малинанинг ремонтант навларини экиш, парваришlash ва уларга шакл беришда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш юқори ҳосил олиш имконини беради.

С.ИСЛАМОВ,

қ.х.ф.доктори,

Тошкент давлат аграр университети,

Э.ЗУФТАРОВ,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзаев М.М., Собиров М.Қ. “Боғдорчилик”. Тошкент, : “Меҳнат”, 1987.
2. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. “Томорқаларда етиштирилайдиган резавор мевалар”. Тошкент, : “Меҳнат”, 1989. - Б. 71-80.
3. Ягудина С.И. “Ягодные культуры”. Ташкент, : “Ўзбекистан” 1966.
4. Спиваковский Н.Д. “Удобрение плодовых и ягодных культур”. Москва: Изд-во с.х. литературы, 1962.

УЎТ: 634.8

ТОК ТУПИГА ШАКЛ БЕРИШ ВА КЕСИШ ҚОИДАЛАРИ

In the conditions of Uzbekistan, the branches are cut at different lengths in accordance with the growth of the grape varieties and the branches (stronger branches are cut longer) leaving 6-8, 9-12, 12-15 buds on the branches.

Ток кесиш муҳим агротехник тадбир бўлиб, токнинг ўсиши ва мева қилишини тартибга солади. Бу усул ёрдамида токни парваришlash учун қулай шакл берилиб, у токзорлардан фойдаланиш давомида сақлаб турилади.

Токка тўғри шакл берилиши ва оқилона ўстириш тизими тупдан узоқ вақт давомида юқори ҳосил олинишини таъминлайди, куёш нуридан, иссиқлик, сув ва озуқа моддаларидан тўлиқроқ фойдаланишга, шунингдек, механизациянинг кенг қўлланишига имкон беради.

Тупни бир томонга еллиғичсимон шакллантиришда қатордаги туплар орасидаги масофа навларнинг ўсиш кучига боғлиқ; кучли ўсадиган навлар учун 2,5 м, ўртача ўсадиганлар учун 2 м. Бир томонлама еллиғичсимон шакл бериш учун тупда фақат керакли томонга ўсган новда ва енглар қолдирилади. Тупларни шакллантиришда ва улардан фойдаланишда ўз вақтида ва тўғри хомток қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шакллантирилган тупларни ҳар йили кесилган асосий

мақсад яхши, сифатли ҳамда юқори ҳосил олишни таъминlash, туп шаклини сақлаш, нав хусусиятлари, қўлланиладиган агротехника ва муайян ўсиш шароитига кўра, кўзчалар миқдорини тартибга солишдан иборатдир.

Тупда етарли миқдорда куртаклар бўлмаса, ривожланадиган новдалар сони камайиб кетади, куртаклар нормадан ортиқча бўлса, ҳосилдорлик пасаяди, узум боши ва мевасининг ўртача оғирлиги камаяди, кейинги йили мева олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган новдалар узунлиги ва сони қисқаради.

Токзорларда ток кесишни эрта ва ўртапишар навлардан бошлаш зарур, чунки уларнинг новдалари тезроқ пишади.

Шуни қайд қилиш керакки, хомтокни (кўк новдаларни боғлаш, тупларда новдалар кам ёки ортиқча бўлганида эрта ёзда чеканкаlash) тўғри ва ўз вақтида ўтказиш кесишни осонлаштиради ва ҳажмини қисқартиради. Хомток қилиш вақтида новдаларнинг кесилган жойи кузги кесилганга нисбатан тезроқ битади.

Токни умумқабул қилинган технология бўйича кесиш зарур. Бунда ўткир тоққайчи ва аррадан фойдаланилади. Енглар фақат ички томондан кесилади, бунда кесилган жойлар яқинидаги зарарланган майдонларнинг туташиб кетишига йўл қўймаслик керак, бу — тупнинг ўсишини сусайтиради ва ҳосилдорлигини камайтиради. Занглари кунда қолдирмай кесиш, бурчак куртақдан новда ҳосил бўлишини истисно этиш лозим. Ўринбосар новда ҳар доим мевали новдадан пастда ва енгнинг ташқи томонида қолдирилади. Енга бир неча мевали новда қолдирилганда кесиш узунлигини уларнинг қандай жойлашганлигига кўра табақалаштириш керак: мевали новда енг асосидан қанча узоқда жойлашган бўлса, у шунчалик узоқда қолдирилади. Новдадаги кесик силлиқ бўлиши ва тез битиши учун тоқ қайчининг новда ёки енг қисмига қаратилади. Кузда тоқ кесишда шакллантириш учун кераксиз новдалар ва ўсиб кетган енглари олиб ташланади ёки яхши ривожланган тупнинг ташқи томонига ўсган новдачага қурий бошлаган енглари олиб ташланади. Улар ўрнига бачки новдалар қолдирилади. Тупда пишган новдада тўрттадан кам бўлса, у ҳолда қатор жойлашган кучли новдалар янги енг шакллантириш учун қолдирилади. Енгларида асосга яқин жойлашган икки-учта кучли новда танланади, тупнинг ички томонига қараб ўсган энг пастки 2-3 та кўзча, ундан юқорисида 6-7 та, энг юқорисида 10-15 та кўзча қолдириб кесилади. Енг тез ўсиб кетмаслиги учун ўринбосар новдалар қолдирилади. Иккита ҳосилли новда кучли ҳосилли бўғинни ташкил этади.

Тоқ кўмилидиган районларда кузда дастлабки кесиш вақтида тупларда кўшимча куртақлар (қабул қилинган нормадан 20-25% миқдоридан) қолдирилади. Баҳорда туплар очилгандан кейин куртақлар қишда шикастланган ва синган новдаларни ҳисобга олган ҳолда қолдирилади.

Тоқдан ҳар йили мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш учун туплардаги куртақлар сони тоқнинг ўсиш кучи ва мева қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда навлар бўйича табақалаштирилади (жадвал 1.).

Мева қилиш коэффициенти паст (ривожланган новдалардаги узум бошлари сони) бўлган кучли ўсадиган навлар (“Пушти тоифи”, “Нимранг”, “Хусайни”, “Сурхак Китабский”, шунингдек, “Қора кишмиш” ва “Оқ кишмиш”да кўзчалар кўпроқ қолдирилади. Енгларида кучайтирилган ҳосилли бўғинлар қолдирилади, ҳосилли новдалар 10-15 та кўзча қолдириб кесилади. Бир тупда 200-300 та кўзча қолдирилади.

Ўзбекистон шароитида навнинг ўсиш кучи ва муайян новдага кўра (кучлироқ новдалар узунроқ кесилади) новдаларда 6-8, 9-12, 12-15 та куртақ қолдириб, ҳар хил узунликда кесилади. “Баян-ширей”, “Кульжинский”, “Соёки” навлари учун

Тоқ тупини кесиш бўйича куртақларнинг қолдирилиши ва мева қилиш коэффициенти кўрсаткичлари

	1 тупда қолдирилаётган куртақлар сони	1 га ўртача қолдирилаётган куртақлар сони	Мева қилиш коэффициенти %
Кучли ўсувчи навлар			
Пушти тоифи	15	280	32
Нимранг	12	220	30
Хусайни	8	200	25
Сурхак Китабский	10	220	56,4
Қора кишмиш	15	280	28
Оқ кишмиш	10	200	30
Ўрта ўсувчи навлар			
Алеатико	8	170	60
Баян-ширей	12	180	60
Ркацителли	10	160	60
Саперави	12	160	70,1
Пушти мускат	9	200	80,1
Кульжинский	13	190	40
Соёки	12	180	55
Кучсиз ўсувчи навлар			
Рислинг	8	80	70
Пино черный	10	100	76,4

озиқланиш майдони 3x2,5 м. бўлган тупдаги кўзчалар 160-200 тани ташкил этади.

Ўртача ўсувчи “Ркацителли”, “Саперави”, “Пушти мускат”, “Алеатико” навларида кўзчалар сони 150-180 тага етказилади. Ҳосил новдалари кўп бўлган кучсиз ўсадиган “Рислинг”, “Пино черный” навларида 80-100 та кўзча қолдирилади.

Республиканинг кўпгина туманларида тупларни кўмишдан олдин ва уларни очгандан кейин бўладиган совуқлар кўзчаларнинг зарарланишига, енгнинг кўп йиллик қисмларидаги тўқималарнинг қисман қуришига олиб келади.

Йилдан-йилга шикастланишлар кўпайиши натижасида ҳосилли новдалардаги кўп новдалар қуриши мумкин.

Кучли зарарланган тоқзорларда қисқа вақт ичида тупнинг ерустки қисмини қайта тиклаш ва бачкилардан ҳосил олиш учун тоқни яхши парваришлар зарур. Шунингдек олиш керакки, туп бошида ва калта кесилган новдаларда ёки кунданнинг пастки қисмида ривожланмаган ва уйғонмаган куртақларнинг катта захираси бор улардан мевасиз новдалар ривожланиши ва тупларнинг ер усти қисмини қайта тиклаш ва ҳосил олиш учун фойдаланиш мумкин.

Яхши сув озиқа режими кўшимча куртақларнинг ривожланишини кучайтиради.

А.ГУЛЯМОВ,

Боғдорчилик экинларини ишлаб чиқариш ва маркетинги бўйича координатор, Агрораноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги пойтахталарини амалга ошириш агентлиги.

АДАБИЁТЛАР

1. Алехин К.К. *Обрезка и формирование виноградных кустов.* Тошкент, 2001.
2. Абдуллаев Р.М., Мирзеев М.М., Набиев У.Я., Мирзеев Р.М., Аброров Ш., Бекчанов У. «Узум етиштириш ва майиз қуритишининг замонавий технологияси». Тошкент, 2011 й.
3. Жуков А.И. *Перспективное формирование винограда // Журнал “Виноделие и Виноградарство”.* Москва, Россия. №4. 2013.
4. Матузок Н.В. *Инновационная технология возделывания винограда в неукрывной зоне. // “Виноделие и Виноградарство”.* - Россия. №1 2010. -48 б.
5. Темуров Ш. *“Узумчилик”,* Тошкент, 2002 й.

САБЗАВОТЧИЛИҚДА ЎСТИРУВЧИ СТИМУЛЯТОРЛАР ВА МИКРОЎФИТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

The article contains the results of the study of the effect of microelements and growth stimulators separately and on joint application. Identifying the effectiveness of joint presowing seed treatment and use during the vegetative period of plants.

Сабзавотчиликда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўп жиҳатдан селекция – уруғчилик ишларининг тўғри ташкил этилиши билан бирга уруғни экишолди тайёрлаш ва ўсув даврида самарали парваришlash тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Картошқачилик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар уруғлик туганаклар экишолди чиниқтирилиб, нишлатилиб, микроэлементлар (Cu, Mn, B), ўстирувчи стимуляторлар, микробиологик ўғитлар эритмасида ишланиб экиш энг самарали усул эканлиги, гектаридан 24,0 – 30,0 тонна ҳосилдорликни таъминлаб, туганак таркибидаги крахмал миқдорини 0,5 – 1,4 % га оширганлиги исботланган.

Асосий сабзавот экини ҳисобланган помидорнинг “Волгоградский-5/95”, “Финиш” ва “Солярис” навларининг уруғлари экишолди термик кимёвий ва микроэлементлар (Cu, B, Mn) ҳамда ўстирувчи стимуляторларда (қаҳрабо кислота, ивин, гиббереллин) ишлаб экилганда назорат вариантыга нисбатан унвчанлик 9,8 -13,1 % га, стандарт кўчат чикими 20,5 – 21,7% ошгани, вирусли касалликлар билан касалланиш эса 8,6 дан 41% гача камайгани, жами ҳосилдорлик гектаридан 309,7 – 337,5 центнерни, шундан 1-ва-2 терим салмоғи 199,6 – 221,5 ц/га ни ташкил этгани аниқланди (Т.Э.Остонақулов, А.И.Исмойилов, 2018). Лекин, сабзавот, полиз ва картошка экинларида уруғни экишолди ишлаш, ўсув даврида микроўғитлар ва ўстирувчи стимуляторлар қўллашни бирга боғлаб ўрганиш бўйича изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Шуни ҳисобга олиб, биз 2017-2018 йиллар мобайнида Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик ИТИ Самарқанд тажриба станциясида махсус дала тажрибалари ўтказдик. Дала тажрибаларида помидорнинг – “Ложайн”, бодрингнинг – “Наврўз”, бошпиезнинг – “Зафар”, картошқанинг – “Яроқли-2010” навида қуйидаги вариантлар ўзаро таққосланди:

1. Ишланмаган (назорат);
2. H_3BO_3 (10 л сувга 5 гр)
3. KJ (10 л сувга 1 мл)
4. B+J (10 л сувга 5 гр+1мл)
5. B+J +ивин (10 л сувга 5 гр+1мл+5мл)
6. B+J+гиббереллин (10 л сувга 5 гр+1мл+100 мг)

Ўсув даврида 2 марта ишлов бериш (шоналаш (4 – 5 чинбарг) ва мева тугиш бошланган (бош 3 – 4 см бўлган) даврларда) амалга оширилди. Делянканинг майдони 56 м², тақрорлар 3 – 4 та бўлди. Экиш 12 – 14 апрелда (помидор), 8 – 10 мартда (картошка) 70x20см схемада, бодринг $140 \times 70 \times 40$,

Экинлар ўсиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги (2016 – 2018 йй).

№	Тажриба вариантлари	Ўсимлик бўйи, см	Бир туп ҳосил, г	Бир тупда мевалар сони, дона	Ҳосилдорлик, т/га	Кўшимча ҳосил	
						т/га	%
Помидор – “Ложайн F1” дугагайда							
1	Ишланмаган(назорат)	68	410	14	24,3	-	100
2	H_3BO_3	71	452	18	27,1	2,8	112
3	KJ	70	444	15	26,0	1,7	107
4	$H_3BO_3 + KJ$	73	469	19	29,5	5,2	121
5	$H_3BO_3 + KJ$ +ивин	75	486	21	32,4	8,1	133
6	B+J+гиббереллин	79	508	20	35,2	10,9	145
Бодринг – “Наврўз” навида							
1	Ишланмаган(назорат)	135	605	17	18,7	-	100
2	H_3BO_3	139	619	20	20,2	1,5	108
3	KJ	136	615	18	19,6	0,9	105
4	$H_3BO_3 + KJ$	142	628	23	22,0	3,8	120
5	$H_3BO_3 + KJ$ +ивин	147	640	22	24,0	5,3	128
6	B+J+гиббереллин	151	654	25	25,3	5,6	135
Бошпиез – “Зафар” навида							
1	Ишланмаган(назорат)	41	113	-	27,1	-	100
2	H_3BO_3	43	120	-	29,0	1,9	107
3	KJ	41	118	-	28,3	1,2	104
4	$H_3BO_3 + KJ$	45	135	-	30,6	3,5	113
5	$H_3BO_3 + KJ$ +ивин	49	151	-	32,1	5,6	119
6	B+J+гиббереллин	53	154	-	34,0	6,9	126
Картошка – “Яроқли-2010” навида							
1	Ишланмаган(назорат)	76	513	8,2	26,1	-	100
2	H_3BO_3	79	542	8,6	27,3	1,2	105
3	KJ	77	536	8,3	27,0	0,9	103
4	$H_3BO_3 + KJ$	83	555	8,8	29,8	3,7	114
5	$H_3BO_3 + KJ$ +ивин	87	563	9,0	31,6	5,5	121
6	B+J+гиббереллин	89	578	9,2	33,2	7,1	127

бошпиез қатор ораси 70 см сочма усулда жойлаштирилиб, барча экинлар уруғи экиш олди термик, кимёвий ва микроэлементлар(Cu, B, Mn) ҳамда ўстирувчи стимуляторлар (қаҳрабо кислотаси, ивин, гиббереллин) эритмасида ишланди. Тажриба даласида барча кузатиш, таҳлил ва ўлчашлар ҳамда парваришlash бўйича агротехнологик тадбирлар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсияларга мос равишда олиб борилди (2016).

Олинган маълумотлар натижасига кўра, помидор, бодринг, бошпиез ва картошка экинлар ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги микроэлементлар ва ўстирувчи стимуляторларга боғлиқ равишда сезиларли ўзгарди (жадвал).

Микроэлементлар алоҳида қўлланилганда ўрганилган экинларда ўсимлик бўйи, маҳсулдорлик кўрсаткичлари кам фарқланди. Ҳосилдорлик помидорда гектаридан 26,0 – 27,1, бодрингда 19,6 – 20,2, бошпиезда 28,3 – 29,0, картошкада 27,0 – 27,3 тоннани ёки кўшимча ҳосил 3 – 12% ни ташкил этди. Микроэлементлар (B ва J) бирга қўлланилганда эса кўшимча ҳосил гектаридан экинлар бўйича 3,5 – 5,3 тонна ёки 13 – 21% эканлиги қайд қилинди.

Ўсув даврида ўсимликларга 2 марта (шоналаш ва мева тугиш бошланган даврда) микроэлементлар билан ўстирувчи сти-

муляторлар (ивин, айниқса, гиббереллин) биргаликдаги эритмаси билан ишлов берилганда энг баланд бўйли, маҳсулдор ўсимликлар шаклланиб, ҳосилдорлик экинлар бўйича энг юқори (24,0 – 35,2 т/га), шундан қўшимча ҳосил 5,3 – 10,9 т/га ёки 19 – 45 % бўлгани кузатилди.

Хулосалар қуйидагича бўлди: сабзавотчиликда уруғни экиш олди тайёрлашда ва ўсув даврида микроэлементлар ҳамда ўстирувчи стимуляторлар билан ишлаш барқарор юқори ҳосил олиш технологиясининг асосий тадбирларидан ҳисобланади. Помидор, бодринг, бошпиез ва картошка етиштиришда ми-

кроэлементлар (бор, марганец, мис, йод), ўстирувчи стимуляторлар (қаҳрабо кислотаси, ивин, гиббереллин) дан фойдаланиш ҳосилдорликни гектаридан 3-12% (алоҳида), биргаликда қўлланилганда эса 13-45% гача ошириш имконини берар экан.

Т.ОСТАНАҚУЛОВ,
профессор,

А.ИСМОЙИЛОВ,

кичик илмий ходим,

СПЭваКТИИ Самарқанд

илмий-тажриба станцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. Т.Э.Остонақулов, А.Исмойилов. Зарафшон водийсида помидор навларининг уруғини экишолди тайёрлашнинг инновацион технологияси. СамҚХИ. Қишлоқ хўжалигида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Тўплам. Самарқанд. 1-қисм.2018. 27-29 б.
2. Т.Э.Остонақулов, В.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаев. Сабзавотчилик. Т. "Наврўз". 2018.
3. Веб сайтлар: www.agro.uz, www.ziyonet.uz.

УДК: 633.63:631.5 (575.1)

ТЕХНОЛОГИЯ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ САХАРНОЙ СВЕКЛЫ В УСЛОВИЯХ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

Основные почвенно-климатические условия Джизакской области позволяют выращивать сахарную свеклу, но для успешного развития свекловодства необходима научно обоснованная технология обеспечивающая получение высокого урожая.

Наши наблюдения показали, что количество вегетационных поливов и размеры поливных и оросительных норм по разному влияли на водопроницаемость почвы. Если весной за четыре часа впитывалось воды 1862 м³/га, то в конце вегетации при режиме влажности 75-75-60 % НВ, когда проводили 6 поливов, впиталось воды 1097 м³/га. При режиме 70-70-60 % НВ с 5 поливами в конце вегетации впиталось воды 1110 м³/га, в варианте с режимом 65-65-60 % НВ и 4 поливах этот показатель составил 1275 м³/га.

Высевали семена сахарной свеклы сорта Рамонская-032 (односемянная) с нормой посева 8-10 кг/га. После посева нами были проведены наблюдения за появлением всходов, то есть отмечены даты начала и полного появления всходов.

Как видно, начало появления всходов было отмечено на 12-17 день после посева, а полное появление всходов 19-22 день после посева.

Следует отметить, что во все годы исследований, густота стояния растений в целом по опыту была методически выдержана. Перед уборкой урожая отмечается некоторое снижение густоты стояния сахарной свеклы.

Так, фактическая густота стояния в конце вегетации при режиме орошения 65-65-60 % НВ составляла 86,2-106,5 и 125,2 тыс.растений на 1 га, при режиме 70-70-60 % НВ 88,5,107,0 и 128,2 тыс/га и при режиме орошения 75-75-60 % НВ 89,6, 106,0 и 129,2 тыс/га.

Выпад растений за вегетацию составил 0,7-4,8 тыс/га в среднем три года. Наибольший выпад растений наблюдался на вар. 3 при густоты стояния 130 тыс/га, при режиме предполивной влажности почвы 65-65-60 % НВ 4,8 тыс/га, а наименьший выпад растений отличался на вар.7 при густоте стояния 90 тыс/га и режиме орошения 75-75-60 % НВ – 0,7 тыс/га.

Исследования показали, что густота насаждения растений и режим орошения оказывают существенное влияние на динамику образования и накопления массы листьев и листовой поверхности.

Повышенная предполивная влажность почвы (75-75-60 % НВ) способствовала увеличению сырой массы листьев одного рас-

тения. При густоте насаждения растений 90 тыс/га она составляла при режиме орошения 65-65-60 % НВ (вар.1) 312 г,70-70-60 % НВ - 416 г (вар.4),75-75-60 % НВ (вар.7)-505 г.

Во всех вариантах опыта листовая поверхность одного растения при густоте насаждения растений 90 тыс/га была больше, чем при 110 и 130 тыс/га.

Так, при густоте насаждения растений 90 тыс/га, режиме орошения 65-65-60 % НВ (вар.1) листовая поверхность составляла 2445 см², при 110 тыс/га – 1887 см² (вар.2),при 130 тыс/га-1404 см² (вар.3).

Повышенный уровень предполивной влажности почвы привели увеличению листовой поверхности растений при 70-70-60 % НВ этот показатель в среднем был равен 3340 см², при 75-75-60 % НВ -5081 см².

Срок первого полива в варианте с предполивной влажностью 65-65-60 % НВ наступает позже на 5-8 дней, чем в варианте полива по влажности 70-70-60 % НВ и на 11-14 дней, чем в варианте полива по влажности 75-75-60 % НВ,

Режим орошения и густота насаждения растений оказали существенное влияние на урожайность корнеплодов.

Во всех вариантах опыта при густоте насаждения растений 90 тыс/га независимо от режима орошения продуктивность посевов повысилась.

При размещении на 1 га до 110 тыс. растений урожайность корнеплодов снизилась на 8,8 т, а при 130 тыс. – на 15,7 т с 1 га.

Дальнейшее увеличение число вегетационных поливов, обусловленное поддержанием влажности почвы на уровне 75-75-60 % НВ, увеличивало урожайность корнеплодов на 11,3-22,6 т/га.

Самый высокий урожай сахарной свеклы получен при режиме орошения 75-75-60 % НВ и густота насаждения растений 90 тыс/га.- 92,1 т/га.

Повышение оросительной нормы привела к снижению сахаристости, но сбор сахара с 1 га за счёт большого урожая корнеплодов увеличился. Наибольший сбор сахара получен при режиме орошения 75-75-60 % Н, густота насаждения растений 89,5 тыс/га,(вар.7)-17,78 т/га.

Лучшей сахаристостью отмечались корнеплоды при режиме орошения 65-65-60 % НВ.

Режим орошения и густота насаждения растений заметно повлияли и на морфологические признаки корнеплодов и листьев сахарной свеклы. В опытах лучший вариант зафиксирован при

режиме орошения 75-75-60 % НВ и густота насаждения растений 89,5 тыс/га.

С увеличением количества поливов и оросительных норм длина, ширина и масса корнеплодов увеличивались, а с повышением густоты насаждения растений уменьшались.

Затраты воды на получение 1 т сахарной свеклы составили 94;124;105 м³ и в среднем за три года при режиме орошения 75-75-60 % НВ 108 м³. В конце вегетации при уборке урожая был определен химический состав корнеплодов сахарной свеклы. Из результатов проведенных анализов видно, что с увеличением влажности почвы от 65-65-60 % НВ до 75-75-60 % НВ увеличивается содержание азота, калия и незначительное содержание фосфора, а увеличение густоты стояния с 90 до 110-130 тыс/га приводит к уменьшению содержания количества клетчатки, золы, азота, фосфора и калия в корнеплодах сахарной свеклы.

Выводы:

1. Выявлено, что в период вегетации сахарной свеклы наилучшее развитие растений наблюдалось в варианте 4 и 7 при густоте насаждения 90 тыс/га, при режиме орошения 70-70-60 % НВ и 75-75-60 % НВ.

2. Накопление сахара в корнеплодах идет более интенсивно при густоте стояния 130 тыс/га и режим орошения 65-65-60 % НВ.

3. Густота стояния растений не оказала существенного влияния на объемную массу почвы. Она заметно изменилась с повышением оросительной нормы. Если при режиме орошения 65-65-60 % НВ объемная масса почвы в пахотном слое составила 1,38-1,45 г/см³, то при режиме орошения 70-70-60 % НВ - 1,40-1,46 г/см³ и при режиме орошения 75-75-60 % НВ - 1,42-1,48 г/см³.

4. Выявлено, что сроки полива сахарной свеклы тесно связаны с режимом предполивной влажности почвы. При режиме орошения 75-75-60 % НВ оптимальной является схема полива 2-3-1 с поливными нормами 320-585 м³/га и оросительной нормой 2800-3020 м³/га, т.е. в период листообразования 2 полива нормой 320-480 м³/га, в период накопления массы корнеплодов 3 полива нормой 460-585 м³/га, в период сахаронакопления 1 полива нормой 520-525 м³/га.

5. Наибольший урожай свеклы получен в варианте 7- при густоте стояния 90 тыс/га и режиме орошения по влажности почвы 75-75-60 % НВ-921 ц/га.

6. Установлено, что накопление сахара в корнеплодах одного растения в период вегетации было на 1,5 % больше в вар.3 с густотой стояния 130 тыс/га и режиме орошения 65-65-60 % НВ по сравнению с вар.7 с густотой стояния 90 тыс/га и режимом орошения 75-75-60 % НВ. Однако за счет большего урожая корнеплодов сбор сахара в варианте 7 был самым высоким-177,8 ц/га.

Таблица 2.

Содержание сахара в корнеплодах и сбор сахара.

Варианты полива	Режим предполивной влажности почвы, % НВ	Теоретическая густота насаждения растений, тыс/га	Урожайность корнеплодов среднее за 3 года, т/га	Сахаристость корнеплодов, %	Сбор сахара, т/га	Прибавка урожая, т/га	
						От режима орошения	От густоты насаждения растений
1		90	69,5	20,2	14,04	-	-
2	65-65-60	110	60,7	20,5	12,44	-	20,1
3		130	53,8	20,8	11,03	-	36,3
4		90	82,5	19,6	16,17	22,3	-
5	70-70-60	110	70,1	20,1	14,09	16,9	25,5
6		130	55,8	20,3	11,32	8,4	50,2
7		90	92,1	19,3	17,78	38,3	-
8	75-75-60	110	79,1	19,7	15,58	31,2	27,2
9		130	61,1	19,9	12,16	9,4	65,2

7. Увеличение густоты стояния с 90 до 110,130 тыс/га приводит к уменьшению содержания в корнеплодах количества клетчатки на 4,5;5,2 %; золы на 8,0;16,0 %; азота на 25,6; 39,5 %; фосфора на 7,7;26,9 %; калия на 1,5;4,4 %; (65-65-60 % НВ).

Повышение уровня предполивной влажности почвы от 65-65-60 % НВ до 75-75-60 % НВ приводит к увеличению этих показателей: клетчатки на 30,7;30,9;30,0 %; золы на 40,0; 25,8; 31,1 %; азота на 53,3; 64,0; 68,3 %; фосфора на 33,3; 35,1; 44,1 %; калия на 16,7; 15,8; 14,6 %.

8. Наибольший чистый доход - 862 тыс.сум/га и уровень рентабельности - 90,4 %, получены в варианте 4 при фактической густоте стояния 87,5 тыс/га и режиме орошения 70-70-60 %.

Х.МАХСАДОВ,

К.С.Х.Н.,

НИИССАВХ Джизакский НОС.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Шелудко А.Е. На основе высокой агротехники. Сахарная свекла. №10, 1980. – с. 12.
2. Шелестов Ю.В., Бондаренко П.И. Продуктивность сахарной свеклы в зависимости от густоты стояний. Технические культуры, №2. – М. 1990. –С.11-16..
3. Махсадов Х.Э. Сахарная свекла в Узбекистане //Журнал Сахарная свекла. – Москва, 2001. №4. – С.28-29.

УДК:634.6

ВЛИЯНИЕ СТИМУЛЯТОРОВ РОСТА НА КАЧЕСТВО СЕЯНЦЕВ УНАБИ (*Ziziphus jujuba* Mill)

The article presents the results of research on the effect of growth stimulants on the quality of unabi seedlings. The highest growth rates (plant height 68.7 cm, stem diameter 11.1 mm, length of main roots 18.9 cm) were obtained from seed seedlings grown by sowing stratified seeds soaked in a solution of growth stimulator Hosilin. Keywords: Unabi, seeds

Узбекистан уникальный природный регион, где могут произрастать ценные плодовые культуры, выращивание которых в других регионах невозможно. Среди таких ценных плодовых культур унаби- китайский финик. Унаби—субтропическая плодовая культура, ценная по скороспелости, урожайности, прекрасному качеству плодов, засухоустойчивости и нетребовательности к почве. Природные условия Республики вполне благоприятствуют получению высокого хозяйственного эффекта и высокой урожайности культуры унаби. Но промышленное развитие этой культуры задерживается из-за отсутствия налаженной системы подготовки посадочного ма-

териала, современной технологии возделывания. Изучение способов и технологии выращивания посадочного материала этой культуры является актуальной и важной для отрасли плодоводства. В Узбекском научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия с 1953 года проводятся научные работы по выращиванию посадочного материала сортов унаби привезённых из Китая, России, других стран и созданных в Узбекистане.

Исследования по изучению влияния стимуляторов роста на посевные качества семян и посадочного материала унаби проведены в условиях Самаркандской научной станции научно-исследова-

Таблица

Влияние стимуляторов роста на качество семян унаби

№	Варианты опыта	Количество листьев, штук	Площадь листовой поверхности, см ²	Высота семян, см	Диаметр штамба, мм	Длина основных корней, см
1.	Вода-контроль	392,2	3374,3	63,3	10,1	16,8
2.	Борная кислота-0,05%	415,9	3519,1	66,4	10,9	18,2
3.	Янтарная кислота-0,1%	408,7	3498,7	65,8	10,6	17,8
4.	Хосилин-0,5%	422,6	3562,8	68,7	11,1	18,9

тельского института садоводства, виноградарства и виноделия им. М. М. Мирзаева в 2015-2017 годах. Изучены особенности подготовки стратифицированных семян унаби сорта Мелкоплодный кислый №1 к посеву, а также влияние стимуляторов роста на посевные качества семян и посадочного материала. Учеты и наблюдения при проведении лабораторных и полевых опытов были проведены по методике Всероссийского НИИ садоводства имени И.В.Мичурина «Методы и программа изучения сортов плодовых культур» (1973).

Семенам унаби присущее состояние органического покоя, поэтому даже при благоприятных естественных условиях для прорастания они обладают очень низкой всхожестью. Поэтому после стратификации семена унаби сорта Мелкоплодный кислый №1 намачивали в течении 30 мин в растворах стимуляторов роста- борная кислота-0,05%, янтарная кислота-0,1% и хосилин-0,5%. В варианте чистая вода семена унаби имели лабораторную всхожесть равную 65,4 %, а энергия прорастания составляла всего 14,5 %. Самые высокие показатели по лабораторной (88,5%) и полевой всхожести (78,7%) имели семена при обработке их в растворе стимулятора роста хосилин в концентрации 0,5%. Энергия прорастания этих семян составила 24,6%, а хозяйственная годность 77,8%. При намачивании стратифицированных семян унаби в растворе борной кислоты-0,05% концентрации эти показатели, соответственно, составили 86,9; 75,1; 23,5 и 76,7%. При намачивании семян в растворе янтарной кислоты-0,1% концентрации наблюдалось уменьшение показателей лабораторной и полевой всхожести семян по сравнению с вариантом хосилин-0,5%, соответственно, на 4,4% (лабораторная всхожесть). Самые низкие показатели при подготовке стратифицированных семян к посеву были получены в контрольном варианте, при этом лабораторная всхожесть семян составляла 65,4%, полевая всхожесть 55,4%, энергия прорастания-13,1 %, а их хозяйствен-

ная годность - 61,3%. В зависимости от вариантов семян унаби сформировали 392,2- 422,6 штук листьев, а площадь листовой поверхности составила 3374,3- 3562,8 см². При намачивании стратифицированных семян в растворах борной кислоты-0,05% и хосилина-0,5% эти показатели, соответственно, составили 415,9-422,6 штук листьев и 3519,1-3562,8 см² площадь листовой поверхности.

Рыба будет лучше расти в том аквариуме, в котором будет стабильно поддерживаться хорошее качество воды. Лучше и легче всего это делать при наличии и грунта, и растений и фильтров.

С.КИМ,
Т.ТАШПУЛАТОВ,
М.РАХМАТУЛЛАЕВА,
НИИ рыбководства.

ЎЎТ: 639.311

АЧИН КЎЛИДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ФУНКЦИОНАР МОДЕЛИ


The article says that a general idea on the technologies of mathematical modeling of controlled water bodies, including ecosystems of fish ponds, can be obtained from the availability of this technology in the scientific literature. In this connection, the authors of the article analyzed numerous conceptual, mathematical and simulation models of managed ecosystems of water objects developed at different times and for different types of reservoirs.

Сунъий ва табиий сув ҳавзасида карп балиғини ўстириш экотизимининг математик моделини ишлаб чиқишнинг мақсади сув ҳавзаси экотизимининг ишлаш қонуниятларини аниқлаш ҳамда унинг балиқ ҳосилдорлигини ошириш учун қўлланиши мумкин бўлган биологик жараёнларни бошқариш имкониятини яратишдан иборат.

Сув ҳавзаси балиқчилик хўжалиги имкониятларини баҳолашда рационлар учун ҳам балиқларнинг ҳар хил турлари ва экотизимнинг бошқа компонентлари ўртасида трофик ўзаро таъсирларнинг батафсил тавсифи талаб қилинади. Бошқа томондан, сув ҳавзаси экотизимида содир бўладиган жараёнларни тасвирлаш учун балиқчилик сув ҳавзасида кечётган гидробиологик жараёнлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш зарур.

Продуцентларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларида стехиометрия қонунларининг амалда қўлланилиши, трофик ўзаро боғлиқликлар ва трофик функциялар, модель ўзгарувчилари ва ташқи функцияларнинг функционал боғлиқликлари, фитопланктон, бактериялар ва макрофитлар томонидан биогенли элементлар истеъмол қилиниши тавсифланади. Организмлар ўсишининг ҳарорат функцияси, фитопланктон ва макрофитлар учун ёритилиш функцияси каби иқлим омилларининг таъсир қилишни ҳисоблаш усуллари ўрганилган. Бактериал деструкция жараёнлари, детритнинг балиқлар учун озуқа ҳисобланадиган биоген элементларигача парчаланишида стехиометрия қонунларининг амалдаги ишлаши жараёнида сув организмларининг метаболизми ва нобуд бўлиши математик жиҳатдан акс эттирилган.

Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида жойлашган Ачин кўли ҳавзасида карп балиғини ўстириш экотизимининг функционар модели блок-схемасида балиқларнинг тўрт тури ўрин олган – карп балиғи (CR), оқ амур (BA), оқ дўнгпешона балиғи (BT) ҳамда чипор дўнгпешона балиғи (PT). Демак, ушбу моделнинг мавжуд моделлардан асосий фарқи шундан иборатки, бу ерда у бир ўзгарувчига кенгайтирилган бўлиб,



1-расм. Ачин кўлининг функционар модели.

тадқиқотнинг объекти сифатида асосий озуқаси зоопланктон бўлган чипор дўнгпешона хизмат қилади.

Шу аснода, мазкур моделда бешта синалган ташқи функциялар ўрнига сув ҳавзаси экотизимида сунъий омукта емлар ва минерал ўғитларни киритиш билан ажралиб турган олти функция ҳисобга олинган. Ушбу емлар ва ўғитлар қуйидагича шартли белгиланган [.....]: $\phi_{CO}(t)$ –омукта ем, $\phi_{CU}(t)$ – (ипак курт гўмбаги)

– карп балиғи (CR) учун қўшимча омухта емлар, $\phi_{rs}(t)$ – омухта ем ўсимликлари – оқ амур (BA) учун қўшимча омухта ем, $\phi_{kr}(t)$ – заводда тайёрланган омухта емлар – чипор дўнгпешона балиғи (PT) учун қўшимча омухта емлар, $\phi_{su}(t)$ – суперфосфат, $\phi_{se}(t)$ – аммиакли селитра – фитопланктон учун қўшимча озуқа моддалари, кейинчалик уларни дўнгпешона балиғи (BT) учун озуқага айлантириш билан.

Ишлаб чиқилган математик моделда климат омилининг таъсири ҳисобга олинган: T – сув ҳарорати (T) ҳамда кўёш радиацияси интенсивлиги (I_0).

Бошқа ўзгарувчи моделлар балиқларнинг омухта емлар баъзи ҳамда карп балиғи сув ҳавзаси экотизимида моддалар айланишини ҳисобга олишдан келиб чиқиб танланади: MT – ярим ботирилган макрофитлар, MR – ботирилган макрофитлар, FT – фитопланктон, ZO – зоопланктон, BK – бактериялар, BN – бентос, PW, PS, NW ва NS – мос равишда сувдаги фосфор ва азот моддалар йиғиндиси, седиментларда фосфор ва азотнинг ноорганик моддалар йиғиндиси, шунингдек, сувдаги ноорганик углевод

моддаси – CW ҳамда седиментларда углевод – CS йиғиндилари ўзгарувчи моделлар ҳисобланмайди, аммо математик моделда уларнинг истеъмол қилиниши билвосита ҳисобга олинади, ва нихоят DW ва DS – сувда детрит ва седиментларда детрит.

Шундай қилиб, моделда вақт омили t га боғлиқ 16 фазали ўзгарувчилар олинган: CR(t), BA(t), BT(t), PT(t), MT(t), MR(t), FT(t), ZO(t), BK(t), BN(t), PW(t), PS(t), NW(t), NS(t), DW(t), DS(t)

Тадқиқ этилаётган балиқчилик ҳавзаси экотизимига мос математик модел чизикли бўлмаган 16 та биринчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар иестемасидан иборат. Дифференциал тенгламалар системасини компьютерда сонли интеграллаш учун Рунге-Кутта-Мерсон усулидан фойда-ланилади, усул қадамлари (1,150) интервалда автоматик тарзда ўзгартириш йўли билан ечилади.

Б.ЭЛМУРОДОВА,
катта ўқитувчи,

З.УЗОҚОВ,
т.ф.н.,

ТАТУ Қарши филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзоев С.Х., Элмуродова Б.Э., Комилиён Ф.С. О двух моделях управляемых экосистем карповых рыболовных прудов, внедрённых в условиях Таджикистана //Современные проблемы математики и её приложений. Материалы международной научной конференции (21-22 июня 2018 г.) – Душанбе: ФМГУ. 2018. С. 60-66.

2. Отчёт о научно-исследовательской работе за 2017 год по теме: (КХА-6-013-2015) «Разработка технологии получения рыбных кормов с использованием отходов переработки сельскохозяйственной продукции». (Составители: Н.А. Каримов, руководитель темы, к.б.н.; Д. Омонкулов, м.н.с.; Д. Шохимардонов, м.н.с.) – Ташкент: УНПЦСХ, НИИЖП. 2017, С.60

3. Каримов Б.К., Комилов Б.Г и др. «Аквакультура и рыболовство в Узбекистане: современное состояние и концепция развития». -Т., ФАО, 2008, С.146.

4. Элмуродова Б. - Предпосылки развития рыбного хозяйства Республики Узбекистан с учетом региональных особенностей. «АГРО ИЛМ». 2016. № 4. С.34-35

5. Элмуродова Б.Э., Комилиён Ф.С. Математическое моделирование экосистемы выростного карпового рыболовного пруда тепловодного хозяйства. «Проблемы вычислительной и прикладной математики» журналы, 2018. №6. С.51-57

УЎТ: 631.6

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

СУҒОРИШНИНГ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Илмий-техник тараққиёт — бу кам меҳнат сарфи билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишда янги бирлаштириш ва комбинациялашга имкон берувчи янги билимларни очиш ва уларни жамият олдидаги ишлаб чиқаришда қўллашнинг узлуксиз жараёнидир. Кенг маънода бу – иқтисодийнинг турли даражасида илмий-техник ривожланиш остида табиий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга имкон берувчи янги инновацион технологияларни яратиш ва татбиқ этиш тушунилади.

Шунинг учун замонавий ишлаб чиқаришнинг кенг кўлами ва ўсиш жадаллиги билан барқарор ривожланишнинг стратегик йўналиши сифатида кам чиқиндилар ва чиқимсиз технологияларни қўллаш муаммоларини бартараф этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Чиқимсиз технология тушунчаси БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Декларациясига мос равишда инсон зарурати учун табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш доирасида билимларни, ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини амалий қўллашни таъминлашни билдиради.

Ресурстежамкор техника ва технологик схемалар, қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялаш соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий тамойиллари кам чиқиндилар ёки чиқиндисиз технологияларга асосланиши керак ва у қуйидагилардан иборат:

тизимлилик тамойили — суғоришнинг ҳар бир алоҳида технологик жараёни агроландшафтли тизимлардаги барча қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга динамик тизимнинг элементи сифатида қараш;

табиий ресурслардан фойдаланишнинг комплекслилик тамойили — энергетик ресурсларнинг барча компонентлари ва потенциалларини максимал ишлатиш ҳамда уни амалга оширишнинг конкрет шакллари биринчи навбатда агроландшафтли тизимларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг технологик жараёни босқичида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

ишлаб чиқаришнинг атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсирини чегаралашга талаблилик тамойили — унинг ҳажми ва экологик такомиллашганлигини ҳисобга олган ҳолда, яъни сув, тупроқ ва ер каби табиий ва ижтимоий ресурсларни сақлаш билан боғлаш.

Шунинг учун камчиқиндилар ва чиқиндисиз технологияни мақбул ташкил этилганлиги, табиий тизимнинг барча компонентларини оқилона ишлатиш ва ишлаб чиқаришни энергия, материал ва меҳнат сарфини максимал камайтириш ва қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялашнинг янги экологик асосланган технологияларини излаш, бу билан атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтириш ва унга зарар етказмасликка қўп жиҳатдан боғлиқлигини алоҳида такидлаб ўтишимиз керак.

Қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялаш соҳасида камчиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар асосида яратилаётган буткул янги технологиялар, қайсики табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасини сезиларли орттиришга имкон берувчи фундаментал илмий ва инновацион ғояларга асосланган қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг ресурстежамкор технологиялари келгусида самарали ҳисобланади, яъни мазкур технология унинг номига кўра ресурсларни сақлаш — жамғаришга йўналтирилган.

Қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялаш соҳасида ресурс тежаш – ишлаб чиқариш даврининг барча босқичларида тугал маҳсулотни ва энергияни кам сарфлаб, инсонга ва табиий экотизимга энг оз таъсир билан ишлаб чиқиш ва сотишдан иборатдир.

Замонавий қишлоқ хўжалик ерларини техноген мелиорациялаш очиқ тизим бўлиб, унда қишлоқ хўжалик экинларидан нисбатан катта бўлмаган якуний маҳсулотни олиш катта чиқимларни талаб қилади, айниқса сув ресурсларини ва катта чиқиндилар кузатилади, яъни табиий ресурсларнинг жуда оз қисми мақсадли маҳсулотга айланади, уларнинг катта қисми чиқиндига айланади.

Қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялаш соҳасида одатдаги кўп сув сарфловчи технологияларни камчиқиндили ва ресурс тежовчиларга босқичма-босқич ўзгартириб бориш, даражама-даража очиқ ишлаб чиқариш тизимидан ресурсларнинг эркин кириши ва чиқиндиларнинг чиқишини минималлаштириш билан бирга атроф муҳитни ифлослантиришини тўхтатиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялашда ишлаб чиқаришни камчиқиндили ва ресурстежовчи комплексларига босқичма-босқич ўтиш, "Суғориладиган ерларда маҳсулот ишлаб чиқаришни комплекслаштириш" атроф-муҳитга бўлган юкламани аҳамиятли даражада пастлатиш ва агроландшафт тизимининг тупроқ ҳосил қилиш жараёнини мақсадли йўналтирган ҳолда ростлаш ва бошқариш имконини беради.

Шундай қилиб, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг очиқ тизими сифатида сув ресурсларидан бир марта ва табиат тизимининг материали сифатида ер ресурсларидан кўп марта фойдаланиш тамоилига асосланади.

Агроландшафт тизимининг ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни моделлари ўзида ташқи муҳит билан органик боғланган қандайдир тизимни намоён қилади. Бундай ишлаб чиқариш тизими атроф-муҳитдан дастлабки энергия ва ресурсни олади, унга эса тайёр маҳсулот ва турли-туман бўлган чиқиндиларни беради.

Умумий ҳолда, суғориладиган ерлардаги барча технологик жараёнларни уларга экологик мос тушиш нуқтаи назаридан кўриш мумкин, яъни, аниқ бир миқдорий нисбат доирасида атроф-муҳитга таъсири агроландшафт тизимида меъёрда фаолият этишига таъсир этмайдиган технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни нисбатан экологик ҳисоблаш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнларида суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатини сақлаб қолиш учун баланс услуби ёрдамида барча фойдаланилаётган ресурслар миқдори, яъни сув ресурслари охириги яқунда тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари (ташлама сувлар) миқдорига тенг бўлиши керак, дейилган сақлаш қонунига асосан баҳолаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ҳудудларида ишлаб чиқариш фаолияти ҳар сафар қишлоқ хўжалик экинларининг сув истеъмоли камчиллигини қоплашга сув ресурсларидан фойдаланиш билан бошланади ва ҳар сафар сув ресурсларининг истеъмоли сувни атроф-муҳитга ташлаш билан тугалланади, яъни уларнинг асосида ишлаб чиқариш ва истеъмол сфераси бўйича материянинг сақланиш қонунидан келиб чиқиб, қуйидаги сув балансини тузиш мумкин:

$$B + O_c + \Phi + V_{\text{кдс}} + V_{\text{вд}} + P = (T + I) + D_r + D_b + \Sigma C + O$$

бу ерда В – баланс қилинаётган ҳудудга олинган сув; $V_{\text{кдс}}$ – коллектор-дренаж тармоқларидан суғоришга ишлатилган сув; $V_{\text{вд}}$ – тик зовур қудуқларидан суғоришга ишлатилган сув; О – атмосфера ёғинлари; Т – қишлоқ хўжалик экинларининг барги юзасидан бўладиган транспирацияси; И – тупроқ юзасидан физик буғланиш; Ф – суғориш тизимлардан филтрация йўқотишлар (баланс қилинаётган ҳудудга бу кириш бўлади, лекин суғориш тизимлардан бўладиган филтрация экологияни бузишга олиб келади); D_r – ётиқ горизонтал зовурга сизот сувидан чиқаётган сув; D_b – тик зовур тизимидан тортиб олинган сув ҳажми; П – баланс қилинаётган контурга четдан келаётган ероти сувлари; О – баланс қилинаётган контурдан чиқаётган ероти сувлари; ΣC – суғориш далаларидан ирригацион сувларнинг умумий ташламалари ва каналлардан техник сабабларга кўра бўладиган ташламалар;

Бунда ресурстежамкор суғориш технологиясининг интеграл критерияси "суғориш технологиясининг чиқиндилигини", қайсики, чиқиндилик коэффициенти билан баҳолаш мумкин:

$$\hat{E}_k = \frac{(T + I) + D_r + D_b + \Sigma C + \hat{I}}{O}$$

Қишлоқ хўжалиги ҳудудларининг баланс тенгламаси таҳлили шуни кўрсатаптики, суғоришнинг технологик жараёнида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланмайдиган сув солиштирма миқдорининг пасайиши ($D_r + D_b + \Sigma C + \hat{I}$) ва суғориш техникасини ишлаб чиқиш жараёни (И) кўп ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологик имкониятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун суғоришнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари, биринчидан, агроландшафт тизимларда тупроқ юзасидан бефойда физик буғланишни (И), иккинчидан, сув манбаидан суғориладиган майдонгача сувни етказиш жараёнида филтрацион йўқотишларга (Ф), учинчидан, суғориш далаларидан ирригацион сувларни умумий ташламалари ва каналлардан техник сабабларга кўра бўладиган ташламаларга (ΣC) ва келгусида ётиқ горизонтал ва тик зовурлардан сизот сувидан чиқаётган сув ҳажмини ($D_r + D_b$) олиб чиқиб кетишга асосланмаслиги керак.

Бунда қишлоқ хўжалик ҳудудлари ҳамда экинларини суғоришнинг ресурстежамкор технологияларининг биринчи мақсади бирлик вақт ичида биосферага чиқариладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган сув ресурсларининг оқими миқдорини қанчага камайтиришдан иборат бўлган биосферанинг табиий баланси сақланиб қолишиги ва асосий табиий ресурсларни сақлаб қолиш келгусида ўсимликнинг транспирация қобилиятига мос равишда ўлчанган (керакли) сувни беришни таъминлай оладиган суғоришнинг инновацион техника ва усуллари ишлаб чиқишнинг асосий мақсадли йўналиши бўлиши керак.

Б.АМАНОВ,
т.ф.ф.д., доц.,
(ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Икрамов Р.К. *Принципы управления водно-солевым режимом орошаемых земель Средней Азии в условиях дефицита водных ресурсов / Тр. САНИИРИ. – Тошкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. – 191с.*

2. Мустафаев Ж.С., Рябцев А.Д. *Адаптивно-ландшафтные мелиорации земель в Казахстане. – Траз. BIG NEO Service, 2012. – 528 с.*

3. Исмаилов Э., Маматкулов Н., Ходжаев Ф., Норбоев Н. *Биофизика: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ветеринария, зоотехния касб таълими, ветеринария ва касб таълими. Зоотехния бакалаврият йўналишлари учун ўқув дарслиги. Тошкент 2013. 261 б.*

4. <http://www.uuooi.org> Кореянинг "UNESCO-UNITWIN" холдинги компанияси ва "Handong Global" Университети маълумотлари.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИДА МИКРОБИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ СИДЕРАТ ЎҒИТЛАРИ ТАЪСИРИДА БОШҚАРИЛИШИ

Microbiological processes heavily flun into the meadows and typical sulfur-soils. In light sulfur –soils they flow much slower. It happens because of the lack of humus in the soil.

Сидерат экинлари етиштириладиган мударат деҳқонлар ва фермер хужаликлари учун ташвиш келтирмайдиган куз ва эрта баҳорги ҳамда кузги дон экинлари йиғиштириб олингандан кейинги муддатда экилади ҳамда эрта баҳорда ва куз ойларида йиғиштириб олинади.

Ўтлоқ бўз тупроқларда тупроққа ҳайдалган сидерат ўғитларининг ёз давомидида чириши ва тупроқдаги микроорганизмлар миқдорининг ўзгариши мавсум даврида озиқа режимининг яхшиланишига олиб келади. Шу сабабли тупроқнинг биологик хусусиятларини кузатиш амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Дала тажрибалари Оқдарё туманидаги “Сайдон келажаги чорваси” фермер хўжалиги даласида олиб борилди. Тупроқдаги микроорганизмлар сони аниқлаш учун электив муҳитларда тупроқни сувда бир неча марта суюлтириш орқали амалга оширилди. Бунда умумий бактериялар сони – гўшт пептон агарда (МПА), замбуруғлар Чапек муҳитида, акциномицетлар крахмал аммиакли агарда (КАА), азотофиксатор ва динитрификаторлар Эшби ва Виноградский муҳитида аниқланди.

Сидерат ўғитлари тупроқнинг барча хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатиб, суғорма деҳқончилик қилинадиган тупроқларнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилади ва тупроқда қўшимча озиқа захирасини ҳосил қилади. Тупроқда сидерат ўғитлари таъсирида озиқа режимининг яхшиланиши бевосита биологик жараёнларнинг жадаллашишига сабаб бўлади, бунда тупроқдаги микроорганизмларнинг сони, тур ва таркиби ўзгариб боради. Озиқа таъсирида биологик жараёнларнинг йўналтирилган ҳолда бошқарилиши бевосита тупроқ унумдорлигининг ҳам ошиб боришига сабаб бўлади.

Тупроқдаги микроорганизмлар миқдорининг динамик ривожланиб бориши одатда тупроқда намлик ва ҳарорат муқобил даражада сақланганда амалга ошади. Бунда тупроқ ҳарорати 25-35°C ва тупроқ намлиги ДНС га нисбатан 70-80% бўлишликни тақозо этади. Масалан, ҳароратнинг ошиши (+34,5°C) тупроқда нитрификация жараёнининг тезлашишига, ҳароратнинг пасайиши эса (2,5-3°C) нитрификация жараёнининг секинлашишига сабаб бўлади, бунда аммонификацияловчи бактериялар фаолияти яхшиланади (2).

Ўтлоқ бўз тупроқлар биологик жараёнларнинг жадаллиги билан бошқа тупроқлардан ажралиб туради. Ўтлоқ бўз тупроқлардаги биологик жараёнларнинг боришини микробиологик таҳлиллар орқали кузатадиган бўлсак, маълумотлар шундан далолат берадики, суғориладиган ўтлоқ тупроқларда биологик жараёнлар ўта юқори бўлиб, бактериялар, замбуруғлар ва акциномицетлар сони яшил ўғитларнинг кимёвий таркиби ва озиқавийлик қимматининг юқори ва пастлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради (1-жадвал).

Масалан, ўтлоқ бўз тупроқларда назорат вариантыда мавсум охирида бактериялар сони 2280 минг донани ташкил этган бўлса, сидерат ўғитлари қўлланилган вариантларнинг бир таркибли кўк нўхат, жавдар, тифон вариантларида 7390-7970 минг донани. Кўк нўхат+жавдар ва тифон+жавдар вариантларида 8330-

8730, тифон+кўк нўхат+жавдар каби уч компонентли вариантыда эса 9731 минг донани эканлиги қайд этилди. Замбуруғлар сонининг ўзгаришида ҳам мавсум охирида назорат вариантыда 80,8 минг донани бўлган бўлса, сидерат қўлланилган вариантларда 163-219 минг донани, акциномицетлар сони эса ўз навбатида 2900-7000 минг донани эканлиги таҳлилларда асослаб берилди. Демак, сидерат ўғитлари ўзининг озиқавийлик қимматига кўра назорат вариантыга нисбатан ўтлоқ бўз тупроқларда бактериялар сонини 4-5 мартагача, замбуруғлар сонини 2,-2,5, мартагача акциномицетлар сонини эса 2-3 мартагача оширади экан.

Микробиологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, барча муддатларда ўтказилган таҳлилларда ўтлоқ бўз тупроқларда аммонификаторлар ва денитрификаторларнинг фаоллиги тупроқнинг намлик, сув-физик ва механик хусусиятларига ва сидерат ўғитларининг озиқавийлик қимматига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўтлоқ бўз тупроқларда назорат вариантыда денитрификаторлар сони июль ойида 1 грамм куруқ тупроқда 700 млн. донани, сидерат ўғитлари қўлланилганда 1650-2750 млн. донани ташкил этди. Олигонитрофиллар сони эса назорат вариантыда 38 млн, сидерат ўғитлари қўлланилганда 109-160, азотофиксаторлар сони эса назорат вариантыда 330 млн донани ташкил этган бўлса, сидерат

Жадвал

Ўтлоқ бўз тупроқлар ҳайдов қатламида сидератларнинг денитрификатор ва азотофиксаторлар сонига таъсири (2017-2018 йиллар. млн. донани/г тупроқда.)

т/р	Вариантлар	Денитрификатор	Олигонитрофиллар	Азотофиксаторлар
		M±m	M±m	M±m
1	Назорат(шудгор)	700±8,3	38,3±5,5	330,5±6,1
2	Кўк нўхат	2020,5±53,6	128,3±41,8	1290,5±17,4
3	Жавдар	3350±164,6	120±39,9	1170,3±16,8
4	Тифон	1650,2±43,8	108,8±35,6	1070,8±16,0
5	Кўк нўхат+Жавдар	2490±74,0	148,3±45,8	1430,8±18,4
6	Тифон+Жавдар	2310,8±69,1	140,5±44,6	1370,5±18,9
7	Тифон+Кўк нўхат+Жавдар	2750,8±82,9	159,8±50,5	1510,5±19,2

n=4; p≤0,05

қўлланилган вариантларда эса мос равишда 1071-1510 млн. донани ташкил этди. Демак, яшил ўғитлар редуцентлар учун биоэнергетик материал сифатида қаралса, ўтлоқ тупроқларда денитрификатор олигонитрофил ва азотофиксаторлар сони мавсум охирида назорат вариантыга нисбатан 4-6 мартагача ошиши исботланди (2-жадвал).

Хулоса қилиб шуни айтсак бўладики, сидерат ўғитлари ўтлоқ бўз тупроқларда мавсум охирида назорат вариантыга нисбатан бактериялар сонини 4-5 мартагача, замбуруғларни 2,0-2,5, акциномицетларни 2-3, денитрификатор олигонитрофил ва азотофиксаторлар сонини 4-6 мартагача оширади экан.

Н.ХАЛМАНОВ,

қ.х.ф.д. проф. Самарқанд давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажриба ишлари услубиёти. Ташкент, 2007.
2. Холикулов Ш.Т. Влияние мульчирования на свойства почвы и урожайность хлопчатника. Ташкент, изд. “ФАН” 2004 г. 156 с.

ТУРЛИ МУДДАТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН СИДЕРАЦИЯНИНГ ЁМҒИР ЧУВАЛЧАНГЛАРИ СОНИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, тупроқ жуда кўп организмлар учун яшаш муҳити бўлиб ҳисобланади. Ҳар 1 м³ тупроқда 100 турга яқин тирик мавжудотларни учратиш мумкин. Уларнинг сони ва биологик массаси жуда катта миқдорни ташкил этади.

Маданийлашган, унумдор тупроқларда 3-3,5 млрд/га макро ва микроорганизмлар бўлиб, уларнинг массаси 8-10 тоннани ташкил этади. Буларга дала сичқонлари, тупроқда яшовчи хилма-хил ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари кабилар киради.

Айниқса, ёмғир чувалчангининг тупроқ структурасини яхшилашдаги роли каттадир.

Ёмғир чувалчанги чириндига бой нам тупроқларда ҳаёт кечиради. Уни ариқ бўйларидан, экинлар экилган даладарда учратиш мумкин. Чувалчанглар тупроқ ичида ҳаёт кечиради, лекин кучли жаладан сўнг баъзан кўплаб ер юзига чиқиб қолади. Ана шу сабабдан улар ёмғир чувалчанги деб аталади.

Улар тупроқнинг 5-6 м чуқурлигида қишлайди. Ноқулай шароитда улар тупроққа чуқур кириб, ўралиб, копток бўлиб олади ва махсус шиллик модда ажратиш, ўз атрофида ҳимоя қобиғи — капсула ҳосил қилади. Бунга уларнинг диапауза даври дейилади.

С.Жўраев, У.Баҳодиров, М.Хўжамова, М.Ахмедоваларнинг (2013-2014) кузатишларида эса қадимдан суғориб келинаётган, оғир механик таркибли типик бўз тупроқнинг 60-65 см гача чуқурликда ёмғир чувалчанглари учраши аниқланган.

Ёмғир чувалчанглари тупроқни юмшатиб, унга сув ва ҳаво ўттишини яхшилайдди. Ўсимлик илдизлари чувалчанглар қазиган инлар орқали яхши ўсади. Бундан ташқари, чувалчанглар тупроқни ичагидан ўтказиб, уни чириндига бойитади. Чувалчанглар кўп бўлган тупроқ донатор бўлиб, намлик ва озик моддаларни ўзида яхши сақлайди. Бир гектар майдонда ёмғир чувалчанглар бир йил давомида 250-600 тонна тупроқни қайта ишлаб бериши ҳақида олимлар томонидан маълумотлар келтирилган.

Ёмғир чувалчангларининг айрим турларидан чорвачилик ва уй-рўзгор чиқиндиларини қайта ишлаб, сабзавот ва полиз экинлари учун қимматли ўғит ҳисобланадиган биогумус олишда фойдаланилади. Шунинг учун чувалчанглар тупроқ структураларини яхшиловчи ва уларни таркибларга ажратувчи ноёб хислати билан алоҳида ажралиб туради.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ёзги ва кузги сидерат экинларидан сўнг ёмғир чувалчангларининг тарқалишини ўрганиш мақсадида 2014-2018 йилларнинг баҳор, ёз ва куз фаслида Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқларидан тупроқ зоологиясида умумқабул қилинган услубларга таянган ҳолда тупроқ қатламларидаги чувалчанглар сонига сидерациянинг таъсири ўрганилди. Намуналар ҳар бир вариантдан 4 тадан шахмат усулида 0,25 м² (эни ва бўйи 50 см) жойни 0-20 ва 20-40 см гача бўлган чуқурлик қатламларидан алоҳида-алоҳида олинди.

Қазиб олинган тупроқ намуналар олдиндан тайёрлаб қўйилган, сатҳи 2 м² бўлган полиэтилен плёнка устига ташланиб, қўл ёрдамида эзилиб, ундаги ёмғир чувалчанглар йиғиб олиниб ва сони саналиб, маълумотлар қайд этилди.

Ёмғир чувалчанглари иқлим шароити, тупроқ ҳажм массаси,

тупроқ намлигининг оптимал бўлиши ва тупроқда органик массанинг ўзгаришига ўта сезувчан бўлади.

Тажрибаларимизда чувалчанглар сонининг ўзгаришини экинлар вегетацияси давомида кузатганимизда баҳорда тупроқда чувалчанглар сонининг энг юқори бўлиши, ёзда эса кескин камайиши, кузга бориб чувалчанглар сони яна ортиши кузатилади. Яъни, ёз фаслида ёмғир чувалчанглари сонининг кескин камайиб кетишини тупроқда ҳароратнинг кўтарилиши ва намликнинг камайиши билан тушунтириш мумкин.

Ёзда ва кузда сидерат (горох, нўхат, рапс ва арпа) экинлари экилиб, парваришланиб ва ҳосил бўлган яшил биомассаси кузда ва эрта баҳорда майдаланиб, шудгор остига кўмиб юборилиб, унинг ёмғир чувалчанглари сонига таъсири ўрганилди. Бунда биринчи тажрибада (ёзги вариантда) ёмғир чувалчанглари сони баҳорда тупроқнинг 0-20 см қатламида 20,5-24,8 донани; 20-40 см да эса 33,7-38,7 донани, ёзда юқоридагига мос равишда 8,87-13,77 донани; 11,44-19,76 донани ташкил этган бўлса, кузда эса 11,21-18,39 донани; 14,97-23,56 донани ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич сидерат сифатида рапс қўлланилган вариантда кузатилиб, назорат-сидератсиз вариантга нисбатан баҳорда 17,51-20,24 донани; ёзда 9,36-12,02 донани; кузда эса 12,1-13,8 донани кўп бўлди. Нисбатан кўпроқ кўрсаткичлар эса арпа вариантда ҳисобга олинди.

Худди шунингдек, иккинчи тажрибада (кузги вариантда) сидерат сифатида рапс қўлланилган вариантда назорат-сидератсиз вариантга нисбатан 0-20 ва 20-40 см қатламларда ёмғир чувалчанглар сони 10,39-13,59 донани; 8,77-10,94 донани ва 13,77-15,43 донани ортиқ бўлди. Шунингдек, бу ерда ҳам рапс варианты ўз устунлигини намойён қилди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, иккала тажрибаларда ҳам сидерат сифатида рапс қўлланилган вариантларда ёмғир чувалчанглари сони энг кўп бўлганлиги, арпа экилган вариантларда эса чувалчанглар сони нисбатан кўп бўлиши аниқланди.

Демак, ёмғир чувалчанглари сони ёзги сидерат қўлланилган вариантларда кузги вариантларга қараганда кўплиги аниқланди. Буни яшил биомасса миқдори билан боғлаш мумкин. Яъни ёзги сидерат қўлланилган вариантларда яшил биомасса миқдори 14,46-50,58 т/га ни ташкил этган бўлса, кузги вариантларда бир мунча кам бўлиб, 6,41-22,48 т/га бўлган. Шу сабабли ёзги вариантлар қўлланилганда кузги вариантларга нисбатан ёмғир чувалчанглари сонининг бир мунча юқори бўлди, деган хулосага келиш мумкин.

Улар баҳор, ёз ва куз фаслларида тупроқнинг ҳайдов қатламида тўпланиши ва қиш фаслида эса чуқурроқ қатламларга кўчади.

Хулоса қилиб айтганда, сидерация қўлланилганда, тупроқ азрацияни яхшиланishi ва намликнинг яхши сақланишига имкон бериши натижасида ёмғир чувалчангларининг кўпайиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилди.

Ю.КЕНЖАЕВ,
мустақил изланувчи,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Бабьева И.П., Зенова Г.М. Биология почв. - М., Университет. 1989. - 335 с.
2. Всеволодова-Перел Т.С. Дождевые черви фауны России. Кадастр и определитель. - М. 1997. - 98 с.
3. Гиляров М.С. Зоологический метод диагностики почв. М., Наука. 1965. С-1-278.;
4. Мавлонов О.М., Ахмедов Г.Х. Тупроқ зоологияси. - Тошкент: Университет. 1992. - 78 б.
5. Рахматуллаев А.Ю., Хамраев А.Ш., Холматов Б.Р. Ўзбекистан ёмғир чувалчанглари. Ўқув-услубий қўлланма. ЎЗР ФА кичик босмаҳонаси. Тошкент, 2010. - 56 бет.

ЎРТА ОСИЁДА АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШНИНГ ТАРИХИ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, аҳоли яшаш ҳудудларида, йирик корхоналар, ўқув масканлари ва шифохоналар атрофида ажойиб ландшафтга эга бўлган кўкаламзор ҳудудлар барпо этила бошланди.

Барчамизга маълумки, ота-боболаримиз ҳам ўзлари яшаб турган ҳудудларда, дам олиш масканларида ва турли жойларда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борганлар. Албатта, улар ўсимлик дунёсининг маҳаллий шароитда ўсиб ривожланиши, мослашуви, унинг манзарали ва эстетик кўринишини эътиборга олганлар.

Ўрта Осиёда боғ-хиёбон санъати кўп асрлик тарихга эгадир. Эрамыздан VI-VII аср олдин Мурғоб, Зарафшон ва Амударё водийларида жудаям бой Форслар империясининг провинциялари – Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм кабилар мавжуд бўлиб, улар шимоли-ғарбий Ҳиндистон, Эрон, Қашғар, Жанубий Хитой билан қадимдан умумий савдо йўли орқали боғланган. Афсуски, бизга ҳозирги кунгача саёҳатчилар томонидан 12 асрдан бошлаб ёзилган таърифларина етиб келган. Бунда Ўрта Осиёнинг суғориладиган қисми худди гуллаб турган боғлар каби, деб таърифланади.

XIII асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган Марко Поло шундай деб ёзади: “Самарқанд – ғаройиб боғлар билан ўраб олинган буюк шаҳар, уни текисликлар ўраб туради, турли мевали ўсимликлар ўсади”.

Самарқанднинг ажойиб боғлари, саройлари ва далаҳовлилари ҳақида қадимги араб географи Ибн-Хаукам (1) эслайди: “Самарқанд Сўғди дарёсининг жанубида жойлашган буюк ва ажойиб шаҳар. Шаҳарда уй-ҳовлилар жудаям кўп, ҳаттоки, унча яхши бўлмаган уйлارнинг ҳам боғлари, узумзорлари, фавворалари бор”. Шаҳардан ташқаридаги хиёбонлар жудаям чиройли, кўркамлиги билан ажралиб турган. Масжид-мадрасалар эса қадимги Самарқанднинг кўрки бўлган.

Испан элчиси Клавио де Гонзалес томонидан таърифланган Самарқанд боғлари бирининг номи Давлатобод бўлган. Бу боғнинг майдони жуда катта бўлиб, у ерда мевали дарахтлар кўп бўлган. Боғда кийик ва тустовуқлар кўпайтирилган. Мевазордан катта узумзорга чиқиш йўли бўлган, боғда 6 та сув омбори ва қатор ариқлар мавжуд бўлган. Боғнинг юқори баланд қисмида жудаям кўп хонали ажойиб, гўзал сарой бўлган. Бу баландлик атрофини сув билан тўла ариқ ўраб олган ва 2 та кўприк солинган. Қадимги Самарқандда бундан ташқари яна Жаҳоннома, Дилкушо, Боғишамол, Чинор номли боғлар мавжуд бўлган.

XV аср охири XVI асрнинг бошларига келиб, Самарқандда боғ ва хиёбонларда экиладиган ўсимликларнинг турлари кўпая бошлади. Дарвеш Муҳаммад Тарахан боғида қайрағоч, туя, кумушранг тераклар экилган. Жаҳоноро боғида эса зирклар, пихта, мажнунтол, чинор, узум ва мевали дарахтлар экилган.

XVIII асрга келиб, Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ бўйича алоқаси яхшиланиб, кенгайиши натижасида ўсимликларни интродукция қилиш ҳам кучая борган.

Жамоатчилик боғларида асосий ролни чойхона, масжид, мадрасалар атрофидаги катта бўлмаган боғлар ўйнаган. Масжид-мадрасаларнинг очик, тош плиталар ётқизилган

ҳовлиси бўлиб, унда одатда 4 бурчагига симметрик ҳолда экилган тўртта дарахт ўсиб турган. Дарахт ва буталарни кесмаганлар. Чойхоналар одатда дарахт сояси тагида, жилдираб оқиб турган ариқлардаги сув устига жойлашган бўлган. Бошқа аҳоли яшайдиган пунктлар ҳам яшил шаҳарлар каби таърифланган. Айниқса, бу жойларда узумзорлар кўп бўлган. Саёҳатчиларни Самарқанднинг чиройи ва бойлиги лол қолдирган бўлса, ажаб эмас.

Улуғ Ватан урушигача ва ундан кейинги даврларда маҳсус кўкаламзорлаштириш ташкилоти фақат Тошкентда мавжуд бўлган. 1977 йилга келиб, Ўзбекистонда 15 та кўкаламзорлаштириш хўжаликлари барпо этилди. Йилдан-йилга аҳоли яшайдиган жойларда яшил майдонлар кенгаймоқда, уларнинг манзарали сифати яхшиланмоқда, санитар-гигиеник роли ошиб бормоқда.

Хозирда аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш ишлари орасида асосий ўринни кварталлар орасидаги экиш ишлари эгаллайди. Хиёбон, болалар спорт майдончалари, мактаблар атрофидаги майдончалар, болалар боғчалари, биноларга кириш жойларида манзарали ўсимликлар экиш жудаям ривожланган. Агар олдинги вақтда қисқа вақт ичида тез ўсувчи, шароитимизга мос келадиган турларни экиб, яшил майдончаларни кўпайтириш масалалари турган бўлса, ҳозирга келиб эса замон талабига қараб юқори манзарали баргли ва игнабаргли дарахтлар, чиройли гулладиган буталар етиштирилмоқда, экилмоқда. Қимматбаҳо манзарали дарахтларни етиштириш ҳам кучаймоқда. Гуллар ва газонлардан иборат майдончалар кўпаймоқда.

Қишлоқ аҳоли пунктларида янги кўринишдаги дам олиш хиёбонлари кўплайб барпо этилмоқда. Шунингдек, ҳозирда Академик Ф.Н.Русанов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Ботаника” боғида маълум бир аниқ шароитда ўсадиган ўсимликларнинг тур ва хиллари ишлаб чиқарилмоқда ва ўсимликларнинг биологияси, экологияси ўрганилиб, янги нав ва тизма яратилмоқда. Албатта, бу ерда манзарали боғдорчилик ҳам ўрганилади.

Манзарали боғдорчилик ҳозирги вақтда хилма-хил ўсимлик навларига эга бўлиб, булар орасида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўтсимон гул ўсимликлари салмоқли ўринни эгаллайди. Уларнинг кўпчилиги ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан субтропик ва тропик мамлакатларга мансуб бўлиб, бизнинг мамлакатимизга келтирилиб иқлимлаштирилган.

Манзарали боғдорчилик ҳам ўзининг ривожланиш тарихига эга. Манзарали боғдорчилик бу — боғлар, хиёбонлар ва бошқа кўкаламзорлаштириш ишларини яратиш санъатидир. Бу ҳол қўлдорчилик даврида ҳам мавжуд бўлиб, бунда асосий аҳамият хиёбонларга, саройларга, томорқаларга қаратилган.

Ф.ТАШПУЛАТОВА,

Тошкент Давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Т.И. Славкина, О.И. Подольская. *Декоративное садоводство. //Озеленение населенных мест. –Ташкент: Мехнат. 1987. -177 с.*
2. Галактионов И.И., Ву А.В., Осин В.А.. «*Декоративная дендрология*». Москва: Высшая школа, 1967.

ЖАНУБИЙ СУРХОН СУВ ОМБОРИНИНГ ЛОЙҚА ОҚИЗИҚЛАР БИЛАН ТЎЛИБ БОРИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

In article first of all provided discussion about water erosion and its speed, then main attention given to analyse of hydrometeorological values and sediment regime of Surkhondarya which main discharger of South Surkhan water reservoir.

Ушбу мақолада тадқиқот объекти бўлган Жанубий Сурхон сув омборини тўлдирувчи манба Сурхондарё жуда лойқа дарёлардан ҳисобланади. Унинг юқори оқимида (Қоровултепа ёнида) дарё сувининг ўртача лойқалиги $0,908 \text{ кг/м}^3$ га тенг, Молгузар қишлоғида эса $2,90 \text{ кг/м}^3$ ни ташкил этади. Демак, Қоровултепа ёнидагига нисбатан Молгузарда дарё сувининг лойқалиги уч мартадан ҳам ортиқдир. Кўриниб турибдики, Марказий Осиёнинг кўпчилик дарёларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам, лойқа оқизиклар миқдори дарёнинг қуйи оқими томон ортиб боради. Сувининг лойқалиги жиҳатидан Сурхондарё узининг қуйи оқимида Амударёдан кам фарқ қилади. Дарёдаги лойқа оқизикларнинг ўртача кўп йиллик миқдори Қоровултепа ёнида $62,8 \text{ кг/сек}$ ёки йилига 1978

1- жадвал

Сурхондарёда лойқалик ва муаллақ оқизиклар сарфларининг йил давомида ўзгариши (Шўрчи, 1987-2016 йиллар)

Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Лойқалик, кг/м^3	0,49	0,59	1,81	3,84	4,84	4,64	2,02	1,07	0,21	0,32	0,52	0,49	2,86
Оқизиклар сарфи, кг/сек	24	32	158	592	1011	915	238	52	6	13	25	25	258

оқизикларнинг ўлчамлари бир-бирдан кескин фарқ қилади. Масалан, муаллақ оқизикларнинг диаметри $0,25 \text{ мм}$ ва ундан кичик бўлса, чўкмаларнинг ўлчамлари бир неча см. гача боради.

Юқорида келтирилган 2-ва 3-жадвалларда Сурхондарёнинг қаттиқ, яъни лойқа оқизиклари тавсифи келтириб ўтилди. Унга кўра, дарёнинг ўртача кўпйиллик муаллақ оқизиклари (Сурхон гидропости бўйича) миқдори сув омборида 7,9 миллион тоннани ташкил этади. Агар уларнинг солиштирма оғирлиги $1,2 \text{ т/м}^3$ га тенг бўлса, бу йилига $6,6 \text{ млн.м}^3$ ҳажмга тенг бўлган оқизиклар миқдорини ифода қилади.

Қуйида Сурхондарёда қайд этилган лойқа оқизикларнинг асосий кўрсаткичлари уларнинг ўртача кўп йиллик қийматлари асосида ҳисобланди.

Дарё сувининг ўртача лойқалигини ҳисоблаш.

Бу ишни амалга ошириш учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

Лойқа оқизиклар ҳажмининг ўртача қийматларини ҳисоблаш.

Лойқа оқизиклар ҳажмини оғирлик ва ҳажм ўлчов бирликларида аниқлаймиз:

а) лойқа оқизиклар ҳажмини оғирлик ўлчов бирлигида ифодалаш:

б) лойқа оқизиклар оқимини ҳажм ўлчов бирлигида ифодалаш:

бу ерда - лойқа оқизикларнинг солиштирма оғирлиги бўлиб, унинг қийматини $1,15 \text{ тонна /м}^3$ га тенг деб қабул қилдик.

Ювилиш модулини ҳисоблаш:

Ювилиш қатламини ҳисоблаш:

Эрозион метри ҳисоблаш:

Юқоридаги каби ҳисоблашлар Сурхондарё лойқа оқизикларининг энг катта (макс.) ва энг кичик (мин.) қийматлари учун ҳам бажарилди (4-жадвал).

Изоҳ: Q – сув сарфи, R – муаллақ оқизиклар сарфи, ўртача лойқалик, W_{RG} – оқизиклар ҳажми, W_{RV} – лойқа оқизиклар ҳажми, M_R – оқизиклар модули, $h_{ю}$ – ювилиш қатлами, $h_{э}$ – эрозион метр.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Сурхондарёнинг Шўрчи гидрологик постида қайд этилган ўртача йиллик сув сарфларининг максимал ва минимал қийматлари орасидаги фарқ 5,5 мартани ташкил этади. Худди шунингдек, ўртача кўп йиллик сув сарфи билан унинг минимал қийматлари орасидаги фарқ 3 мартага яқиндир. Бундай фарқлар дарёнинг муаллақ оқизикларида

2- жадвал

Сурхондарё муаллақ оқизикларининг фракцион таркиби, фоизда

Заррачалар диаметри, мм	0,25 дан ортиқ	0,25÷0,10	0,10÷0,05	0,05÷0,01	0,01 дан кам
апрел - сентябр	3,2	11,6	18,3	24,6	42,3
октябрь - март	5,7	28,9	14,8	17,1	38,5
Йиллик ўртача	4,5	17,7	16,6	20,8	40,4

минг тонна, Молгузар ёнида эса 193 кг/сек ёки йилига 6080 минг тоннани ташкил этади.

Сурхондарё қор ва музликлардан тўйинувчи дарёлар сирасига киради. Жанубий Сурхон сув омбори Сурхондарёнинг ўзанида жойлашганлиги сабабли, йил давомида сув омборига дарёдан турли миқдорда оқизиклар келиши кузатилади.

3- жадвал

Сув омбори тубида чўккан лойқа оқизикларнинг фракцион таркиби, фоизда

Заррачалар диаметри, мм	40 дан ортиқ	40÷29	29÷10	10÷5	5 дан кам
Май ойида	3,2	11,6	18,3	24,6	42,3
Ўртача йиллик	5,7	28,9	14,8	17,1	38,5

ди. Сурхондарё ҳавзасида ва унинг ирмоқларида апрел-июн ойларида сел-тошқинлари келишини инобатга олсак, асосий лойқа оқизикларнинг сув омборига қуйилиши ана шу ойларга тўғри келади. Сурхондарёда лойқа оқизиклар ва муаллақ оқизиклар сарфларининг йил давомида ўзгариши 1-жадвалда келтирилган.

Сув омборларининг лойқа оқизиклар билан тўлиб бориш жадаллигини баҳолашда уларнинг фракцион таркибини библиш муҳимдир. Сурхондарёдаги муаллақ оқизикларнинг фракцион таркиби 2-жадвалда, сув омбори тубида чўккан лойқа оқизикларнинг фракцион таркиби эса 3-жадвалда келтирилди.

Юқоридаги ва қуйидаги жадваллар маълумотларини солиштирадиган бўлсак, уларда келтирилган лойқа

янада ортади. Масалан, муаллақ оқиқиқларнинг ўртача йиллик минимал сарфи унинг максимал қийматига нисбатан 85,6 марта кичикдир. Лойқа оқиқиқларнинг қолган кўрсаткичлари, яъни лойқалик (Q), оқиқиқлар ҳажми (W_{RG} , W_{RV}), оқиқиқлар модули (M_R), ювилиш қатлами ($h_{ю}$), эрозион метр (h_3) нинг экстремал қийматларини солиштириб, юқоридаги каби хулосалар чиқариш мумкин.

Хулосалар қуйидагича бўлди: Юқоридаги ҳисоблашларга кўра, Сурхондарё сувининг ўртача лойқалиги 2,02 г/л. Лойқа оқиқиқлар ҳажми оғирлик ва ҳажм ўлчов бирликларида аниқланди. Ювилиш модули 509, ювилиш қатламини 0,443 мм/йилни ва эрозион метр эса 2257 йилни ташкил қилди. Демак, Сурхондарёнинг Шўрчи гидропостида ўлчанган лойқа оқиқиқлар сарфининг ўртача қиймати 140,6 кг/сек. га тенг бўлганда, ҳавза юзасининг баландлиги 2257 йил давомида 1 метрга пасаяди. Бу қиймат, табиийки, ҳисоб даври давомийлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

С.МАНСУРОВ,

*Гидрология ва гидрогеология кафедраси
ассистенти,*

Ш.АБДУВАХОБОВ,

талаба,

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти.*

Сурхондарёнинг Шўрчи гидрологик пости маълумотлари асосида аниқланган лойқа оқиқиқлари кўрсаткичлари

Гидрологик кўрсаткичлар	Лойқа оқиқиқларнинг қийматлари					
	Мак	Мин	ўрт	Мак/мин	мак/ўрт	мин/ўрт
Q , м ³ /сек	137	24,8	69,6	5,52	1,97	0,36
R , кг/сек	488	5,7	140,6	85,61	3,47	0,04
г/л	3,56	0,23	2,02	15,47	1,76	0,11
W_{RG} , 10 ⁶ т	15,38	0,18	4,43	85,44	3,47	0,04
W_{RV} , 10 ⁶ м ³	13,4	0,15	3,8	89,33	3,52	0,03
M_R , т/км ² йил	1767,8	20,7	509,2	85,40	3,47	0,04
$h_{ю}$, мм/йил	1,54	0,02	0,44	77,00	3,50	0,04
h_3 , 10 ³ йил	649	50000	2272	0,01	0,28	22,00

АДАБИЁТЛАР

1. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Сув эрозияси, дарё оқиқиқлари ва уларни муқдорий баҳолаш. Тошкент: "Университет", 1998.

2. Хикматов Ф.Х. Водная эрозия и сток взвешенных наносов рек Средней Азии, усовершенствование методики их расчета и прогноза. Автореф... д-ра геогр. наук. - Ташкент, 2002. - 50 с.

3. Щеглова О.П., Хикматов Ф. Климатическая модель формирования стока взвешенных наносов в горных бассейнах рек Средней Азии // Изд-во. АН Уз ССР. Сер. техн. наук. – Ташкент, 1982. - N 6.

УЎТ: 631.6

“АМУ-СУРХОН” ИТҲБ ҲУДУДИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРДА СУВДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

This article considers the sustainability of agricultural products, the efficient use of existing sources of water, the use of lubricant technologies and the improvement of irrigation systems. Scientific and practical proposals and recommendations have been developed for the application of agricultural products, soil, climatic conditions, water level, forging technologies, and the elimination of these problems due to the water resources used in Surkhondarya region.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, уч томонидан тоғ билан ўралган. Шимолдан Зарафшон тизма тоғлари, ғарбдан Кўҳитанг, шарқдан эса Боботоғ билан чегараланган. Вилоят жанубидан Амударё оқиб ўтади. Амударё вилоятнинг асосий сув манбаи бўлиб, у шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон оқади. Бу географик ўзига хослик иқлим шароитига маълум даражада таъсир кўрсатиб туради, албатта.

Суғориладиган тақир тупроқ Шеробод, Термиз ва қисман Жарқўрғон туманларида тарқалган. Бу ерда гумус қатлами 60 см. дан ошади, тупроқ таркибидеги гумус 0,7-0,8, азот 0,043-0,61 фоизни ташкил этади. Бундай ерлар узоқ муддатдан бери суғориб келинаётганлиги сабабли шўрсизлантирилган. Механик таркибига кўра, ўрта ва енгил кумоқ тупроқлардир. Бундай тупроқлар энг унумдор ҳисобланиб, иқтисодий жиҳатдан юқори самара беради. Вилоятнинг асосий сув манбаларидан яна бири Сурхондарё дарёси ҳисобланиб, у Қоратоғ ва Тўпаланг дарёларининг қўшилиш жойидан бошланади. Унинг умумий узунлиги 200 км ва сув сарфи (Шўрчи станциясида) 79,2 м³/с га тенг. Вилоятда асосан пахта, буғдой, сабзавот ва полиз экинлари, боғ-узумзорлар, маккажўхори, беда ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади.

Суғориш тармоқларини, суғориш техникасини ва суғориш майдонларини суғориш мавсумига тайёрлаш. Бу иш суғориш, зах қочириш ва ташлама тармоқларини ва улардаги иншоотларни

нормал техник ҳолатга келтиришдан бошланади.

Фермер хўжалиқларининг ички тармоқларида бажариладиган ишлар тури ва ҳажмини аниқлаш учун махсус ҳайъат тузилиб, бу ҳайъат аъзолари суғориш мавсуми тугагач, кузги-қишки, кейинчалик баҳорги ишлар туркумини аниқлайди.

Кузги-қишки ишлар туркумига асосан:

Суғориш тармоқларидан сувни чиқариб юбориш;

Суғориш, зах қочириш ва ташлама тармоқларини ҳамда улардаги иншоотларни таъмирлаш;

Суғориш ва зах қочириш тармоқларини лойқа ҳамда ўтлардан тозалаш;

Барча мелиоратив техникани консервациялаш (бўяш ёки коррозияга қарши мойлаш), асбоб ва жиҳозларни ечиб олиб, махсус хоналарда қишки даврда сақлаш ёки мойлаб ўраб қўйиш;

Суғориш далаларида шўр ювиш ва эксплуатацион (жорий) текислашишларини амалга ошириш.

Баҳорги ишлар туркумига қуйидагилар кирди:

Хўжалик ички тармоқларини ва иншоотларини назорат этиб, қайтадан жиҳозлаш;

Барча сув ўлчаш иншоотларида тарировка ишларини амалга ошириш ёки тарировка жадвал ва графикларига аниқликлар киритиш;

Суғориш далаларида жорий лозим бўлганда капитал текислашишларини амалга ошириш;

Суғориш тармоқларидан сув сарфининг исроф бўлишига қарши

тадбирларни амалга ошириш;

Суғориш зах қочириш ва ташлама тармоқлари ва улардаги иншоотларнинг сув қабул қилишга тайёрлигини текшириш ва аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш.

Сувдан фойдаланиш режасини таҳлил қилиш ва ўзгартиришлар киритиш:

Баъзи бир йилларда фермер хўжаликлариغا бериладиган ҳақиқий сув ҳажми режалаштирилган сув ҳажмидан куйидаги сабабларга кўра кескин фарқ қилиши мумкин:

Қишлоқ хўжалик экинларининг тури ва майдони режалаштирилганидан 10% дан ортиқ ҳажмда ўзгарганда;

Об-ҳавонинг ўзгариши натижасида суғориш сувага талабининг кескин ўзгаришида;

Суғориш манбаининг суғоролиш қобилияти пасайганда;

Суғориш тизимида рўй берган авария натижасида сув билан таъминлашнинг узоқ вақт мобайнида камайганда.

Бу ҳолатларда хўжалик ички СФРга ўзгартиришлар киритилиши керак.

Агарда бундай ўзгаришлар режалаштирилган сув сарфи қиймати билан ҳақиқий сув сарфи қийматлари ўртасидаги фарқ 10%дан ошмаса, хўжаликка бериладиган сув сарфи қайта ҳисобланмайди. Мабодо фарқ 10% дан ортса унда юқори ташкилотлар билан келишилган ҳолда СФРга ўзгартиришлар киритилади ва қайта тасдиқланади.

Сув танқис бўлиши кутилаётган йилларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик нуқтаи назаридан эксплуатацион тадбирлар ёрдамида ҳам ечиш режалаштирилиши кўзда тутилади, яъни суғориш нормаларини гектарига 200-300 м³/га га камайтириш ва сув танқислиги бошлангунга қадар юқори суғориш нормалари билан қишлоқ хўжалик экинларини суғориб тупроқда кўпроқ нам тўплаш кўзда тутилади.

Эксплуатацион баҳолаш ва суғориш усулини танлаш

Суғориш майдонларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан қабул қилинган суғориш усули ва суғориш техникаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам СФР тузишда суғориш режими, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш жараёни техник имкониятлар билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

Хўжаликлар томонидан сувдан тўғри фойдаланилганлик куйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

Ҳисобий давр (10 кунлик, ойлик, мавсум) учун сувдан фойдаланиш коэффиценти аниқланилиб, бу кўрсаткичлар бўйича сувдан фойдаланилганлик таҳлил қилинади;

Назорат қудуқлари ёрдамида сизот сувларининг сатҳи ва уларнинг минерализацияси назорат қилиб борилади;

Ҳар йилнинг апрел ва октябр ойлари бошида шўрланган майдонлар аниқланилиб, харитага туширилади;

Хўжаликка сув бериш кўрсаткичи орқали сув бериш режасининг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги аниқланади.

Сувдан фойдаланиш коэффиценти (СФК) куйидаги кўринишларда аниқланиши мумкин:

$$\bar{N} \hat{O} \hat{E} = \frac{w_s \cdot Q_s}{w_p \cdot Q_p}$$

Бу ерда: $w_x w_p$ – ҳисобот даврида ҳақиқатда суғорилган ва режа бўйича суғорилиши керак бўлган майдонлар, га;

$Q_x Q_p$ - ҳисобий даврда суғориш майдонига ҳақиқатда берилган (гидротехник ўлчовлар натижасида) ва режа бўйича берили-

2014-2018 йилларда Сурхондарё вилояти бўйича суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, тупроқ шўрланиши, сизот сув сатҳи тўғрисида маълумот.

Т/р	Мелиоратив кўрсаткичлар	2014 йил, мингга	2015 йил, мингга	2016 йил, мингга	2017 йил, мингга	2018 йил, мингга
	Жами суғориладиган майдон	325,69	325,69	325,32	321,23	325,77
1	Тупроқ шўрланиши бўйича					
	Шўрланмаган ерлар	210,36	211,66	214,41	223,48	228,07
	Кам шўрланган ерлар	65,7	72,43	70,37	70,04	69,6
	Ўртача шўрланган ерлар	48,04	39,80	35,38	31,34	27,3
	Кучли шўрланган ерлар	1,58	1,42	1,08	0,92	0,8
2	Сизот сув сатҳи бўйича					
	0-1,0 метргача бўлган майдон	0,06	0,06	0,06	0,06	0,06
	1,0-1,5 метргача бўлган майдон	0,15	0,15	0,15	0,15	0,12
	1,5-2,0 метргача бўлган майдон	2,85	2,79	2,63	2,52	2,48
	2,0-3,0 метргача бўлган майдон	151,55	149,32	146,81	144,62	145,7
	3,0-5,0 метргача бўлган майдон	65,61	66,98	69,18	70,28	72,3
	5,0 метрдан юқори бўлган майдон	105,47	106,02	102,4	108,14	105,11
3	Мелиоратив ҳолати бўйича					
	Яхши ерлар	275,06	283,11	283,26	292,94	293,26

ши лозим бўлган сув сарфини ўртача миқдори, м³/с.

$$\bar{N} \hat{O} \hat{E} = \frac{P_s \cdot \eta_s}{P_{\text{сбп}} \cdot \eta_p}$$

Бу ерда: $P_{\text{сбп}}$ – суғориш режасининг бажарилиши %;

$P_{\text{сбп}}$ – сув бериш режасининг бажарилиши, %;

η_x, η_p - хўжалик ички тармоқларининг ҳақиқий ва режавий фойдали иш коэффиценти қиймати.

СФК қиймати 0,9 дан кам бўлишлиги, тунги суғоришларни амалга оширилмаётганлигидан, суғориш сувининг коллектор-зовурларга ташланаётганлигидан, хўжалик ичи тармоғининг ҳақиқий фойдали иш коэффиценти тўғри эмаслигидан суғоришда, суғорилган майдонларнинг ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради.

СФК бирдан катта ($\text{СФК} > 1,0$) бўлса, унда суғориш нормалари режадагидан кам бўлганлиги ёки ҳақиқатда суғориш даласига берилган сувни миқдори тўлиқ ҳисобга олинмаганлигидан ёки ҳақиқатда суғорилган майдонларнинг тўғри ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради.

Ғовасой дарёси Фарғона водийсининг сел келиши жадал бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, максимал сув сарфининг келиши тез-тез содир бўлиб туради. Ғова қишлоғи яқинидаги гидропост маълумотларига кўра, ўртача кўп йиллик оқим миқдори 195 млн. м³/йилга, ўртача кўп йиллик сув сарфи эса 6,2 м³/с га тенг. Максимал сув сарфлари (ўртача 22 - 32 м³/с) йилнинг май-июн ойларида, кам сувлилик даври (ўртача 1,2 м³/с) йилнинг январ-феврал ойларида кузатилади. Дарё сув оқимининг серсус даври йилнинг баҳор ва ёз фаслларида тўғри келади ва йиллик сув оқимининг

70% га яқини апрел-июн ойларида оқиб ўтади.

Ғовасой дарёси оқимининг ҳосил бўлишида қор сувлари асосий манба ҳисобланади ва ўртача йиллик сув оқими миқдори ёгингарчиликнинг кўп ва кам ёғишига қараб ўзгариб туради.



Расм. Турли таъминланганлик йилларида Ғовасой дарёси гидрографларининг ўзгариши.

Фовасой дарёси ҳавзасининг сув билан таъминланганлик ҳисобий даражасини аниқлаштириш учун дарё ҳавзасидаги барча сув таъминоти манбалари бўйича мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдори ўрганилди ва 1988 йил - серсув, 2011 йил - ўртача сувли ва 2008 йил - камсувли йиллар ҳолатлари учун сув оқими режимлари аниқлаштирилди ҳамда гидрографлари чизиб чиқилди.

Йиллар бўйича таҳлил қилинганда, айрим серёғин йилларда баҳорги сув таъминоти яхши ва айрим йилларда талаб даражасидан анча оз бўлишлигини кўрсатмоқда.

Охириги ўн йилликлар (2008-2017 йиллар) маълумотларини таҳлиллари натижаларидан дарё сув оқимининг ўртача кўпйиллик миқдорида ўзгаришлар айтириб сезилмас-да, йил ичида ўзгариши, яъни тебраниши ортиб бораётганлигини, дарё сув оқимини серсув даврларида сел-тошқинларни фаоллашганлигини кўриш мумкин. Минтақадаги иқлим ўзгаришлари таъсирида Фовасой дарёси оқимининг миқдори ва шаклланиш муддатлари ҳам ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, дарё йиллик гидрографи кўрсаткичларини ойлар бўйича тақсимланишини кўрсатишича дарё гидрографининг чапга силжиши рўй бермоқда.

Олинган натижаларга кўра, Фарғона водийсининг шимолий қисмидаги Фовасой дарёлари оқимининг йил ичида кўпайиш даври эса вегетация бошланишидан 1,5-2 ой олдин кузатилмоқда.

Фовасой дарёси йиллик гидрографи кўрсаткичларининг ойлар бўйича тақсимланишининг чапга силжиши ва пасайиши дарё сув оқимидан фойдаланишда ўзига хос қийинчиликлар юзага келтиради, яъни дарё сув оқимининг асосий қисми фаол истеъмол қилинадиган даврдан олдинроқ оқиб ўтмоқда, фаол истеъмол қилинадиган даврда эса сув ресурсларини тақчиллиги рўй бермоқда.

Чотқол тоғлари жануби-шарқий ёнбағридан сув йиғадиган дарёлар оқимининг миқдори глобал исийш даврида ўзгариши мумкин ва буни сувдан фойдаланишда ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, юзага келган шароитда Фовасой дарёси сув оқимини истеъмол қилинадиган режимга мослаштириш учун дарёнинг Ўзбекистон ҳудудидаги ҳавзасида мавсумий сув омбо-

ри ташкил қилиш, дарё сув оқимини ростловчи сув омборини дарё ўзанида мос жой танлаш ҳамда дарёнинг қайта росланган оқимини етказиб беришнинг иқтисодий жиҳатдан самарали вариантларини танлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Фовасой дарёси сув ресурсларидан самарали фойдаланишда новегиация давридаги дарё оқимларини ростловчи кичик сув омборлари барпо этиш, дарё сув ресурсларини тезкор бошқарувни амалга ошириш асосида улардан фойдаланишни такомиллаштириш, дарё оқимининг ишончли мониторингини ташкил этиш ҳамда ҳар бир сув олувчи тармоқларни гидропостлар билан таъминлаш ва сув ҳисоби аниқлигини ошириш лозим. Натижада дарёнинг юқори ва қуйи қисмида суғоришнинг сув тежовчи технологияларни замонавий усулларини жорий этиш ҳамда уларни амалиётга қўллаш асосида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ва камсувлилик йиллари сув танқислигининг олдини олишга эришилади.

Г.ЖУМБАЕВА,
ассистент,
М.ГАФФАРОВА,
магистрант,
У.ТУРСУНОВА,
талаба,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Сув Ўзбекистон келажги учун муҳим ҳаётий ресурс. Тошкент, БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2007 – 136 б.

2. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И., Акбарова К.Х. Кичик дарё ҳавзасида сув билан таъминланганликни ошириш. “Мелиорация, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш масалалари”: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2012 й. 48-51 б.

3. Солиев Э.А. Фовасой дарёси сув сарфининг ўзгарувчанлиги // География тарихи — хотира ва қадриятлар: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган: НамДУ, 2005. - б.43-45.

ЎЎТ: 633.88.581.5.631.4:633/635

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА БИОМЕЛИОРТИВ ЎСИМЛИКЛАР ЎСТИРИШ ОРҚАЛИ ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

In the article given the results of tolerability to salt in salivated and half salted lands of biomelioretic plants glycyrrhiza, chamaemilla, calendula, rosa and a decrease in salt level.

Ушбу мақолада шўрланган ерларнинг шўрини камайитириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида биомелиорант ширинмия ўсимлигини ўстириш орқали муайян шўрланган ердаги анион, катионларнинг ўзгариш жараёни натижалари келтирилган.

Илмий ишлар иккита вариантда олиб борилди. Биринчи вариантда Тошкент вилояти Бекобод туманининг “Хикматли” фермер хўжалиги шўрланган ерларида ҳамда иккинчи вариант ЎзФА “Ботаника институти ҳузурдаги Ботаника боғи тажриба ерларида” тажриба туваклариде олиб борилди. Шўрланган тупроқларда анион ва катионларнинг миқдорини ва сифат кўрсаткичларини қишлоқ хўжалигида қабул қилинган стандарт усуллардан фойдаланилган ҳолда аниқланди [1-2].

Тошкент вилояти Бекобод туманининг “Хикматли” фермер хўжалиги шўрланган ерла-

рига 2018 йил 14 апрел ойида экилган ширинмия ўсимлигининг биомелиоратив хусусиятларини ўрганишда назорат сифатида мойчечак, тирноқул, наъматак каби биомелиорант ўсимликлар билан таққосий солиштириб ўрганилди. Биомелиорант ўсимликларни шўрланишни

1-жадвал

Бекобод тумани “Хикматли” фермер хўжалигининг ўртача шўрланган тупроқларидаги сувда эрувчан тузлар анион ва катионларининг миқдори (қуруқ ҳолда, %) (2018 йил апрел ойи)

Горизонт, См	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺ +K ⁺	Қуруқ қолдиқ
0-10	0,025	0,142	1,088	0,268	0,088	0,146	1,925
10-20	0,025	0,049	0,990	0,273	0,058	0,093	1,615
20-30	0,2027	0,040	0,915	0,260	0,057	0,069	1,480
30-50	0,028	0,038	0,820	0,252	0,051	0,045	1,325
0-50	0,026	0,061	0,927	0,261	0,061	0,080	1,534

камайтириш хусусиятларини ўрганишдан олдин, биомелиорант экиладиган майдондаги сувда эриган анион ва катионларнинг миқдорини аниқладик. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йил апрел ойида Бекобод тумани “Хикматли” фермер хўжалиги ўртача шўрланган тупроқларидан намуналар 10-20, 20-30, 30-50, 0-50 см. горизонт чуқурликларидан олиниб унда анионлар (HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-}) ва катионлардан (Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ + K^+) ларнинг миқдорлари ҳамда қуруқ қолдиқ ўрганилди.

Жадвалдаги натижаларидан кўриниб турибдики HCO_3^- аниони, Ca^{2+} катиони (20-30 см) чуқурроқ горизонтларда жойлашгани, Cl^- , SO_4^{2-} анионлари ва Mg^{2+} , Ca^{2+} , Na^+ + K^+ катионлари эса юқорироқ горизонтларда жойлашганлиги кузатилди (0-10 см). Қуруқ қолдиқ ҳам юқори горизонтда максимал миқдорда эди (1,925%).

Ушбу шўрланган ерга ширинмия ўсимлигининг илдиз қаламча намуналари ҳамда назорат намуналари сифатида тирноқгул, наъматак, мойчечак ўсимликлари экилди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Кўп йиллик ширинмия ҳам, наъматак ҳам шўр ерда фаол ўсди. Назорат намуналари тирноқгул, мойчечакларнинг ҳам шўр ерга

Бекобод тумани “Хикматли” фермер хўжалигидаги шўрланган ерларга экилган ўсимликларнинг биомелиоратив кўрсаткичлари (2018 йил июнь ойи)

Ўсимлик номи	Тажриба вариантлари	HCO_3^-	Cl^-	SO_4^{2-}	Ca^{2+}	Mg^{2+}	Na^+ + K^+	Зич қолдиқ
Ширинмия	Тажриба	0,024	0,036	0,0780	0,214	0,48	0,41	1,380
Мойчечак	Назорат	0,029	0,041	0,0810	0,222	0,54	0,48	1,430
Тирноқгул	Назорат	0,026	0,038	0,0790	0,218	0,52	0,44	1,410
Наъматак	Назорат	0,032	0,044	0,0820	0,58	0,58	0,52	1,450

адаптация хусусиятлари ширинмия ўсимлигига нисбатан юқорироқ эканлиги кузатилди. Тупроқ шўрига чидамлилиги бўйича биомелиорант ўсимликлар қуйидаги ўринларни эгаллади: мойчечак, тирноқгул, ширинмия, наъматак (2-жадвал).

Кейинги тажрибаларимизда (2018 йил октябр ойи) Бекобод тумани “Хикматли” фермер хўжалиги шўрланган ерлардан келтирилган тупроқ намуналарини ЎзФА “Ботаника институти ҳузуридаги Ботаника боғи тажриба ерларида” тажриба тувакларига солиниб, ширинмия ўсимлиги илдиз қаламчалари экилди, агробиологик кузатувлар олиб борилди (3-жадвал).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ширинмия ўсимлиги нафақат шўрга чидамлилиги билан ҳамда тупроқ шўрини камайтириш хусусиятига эга эканлиги исботланди. HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-} анионлари ҳамда Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ + K^+ катионлари тупроқнинг юқори қатламларига нисбатан кўпроқ бўлиб, пастки қатламларга тушган сари камайиб бориши кузатилди.

Демак, ширинмия ўсимлиги тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайти, шўрланишини камайтиради ҳамда илдизининг чуқур кетиши сабабли ер структурасини яхшилайти.

Н.ЭГАМБЕРДИЕВ,
т.ф.д., профессор,
С.НИҒМАТИЙ,
б.ф.н., доцент,
Г.ИСЛАМОВА,
магистрант, (ТИҚХММИ).

Шўр тупроқларга экилган ширинмия ўсимлиги таъсирида тупроқдаги сувда эрувчан анион ва катионларнинг миқдорий ўзгариши.

(2018 йил октябр ойи, қуруқ ҳолда, %)

Горизонт, см	HCO_3^-	CO_3^{2-}	Cl^-	SO_4^{2-}	Ca^{2+}	Mg^{2+}	Na^+ + K^+	Зич қолдиқ
0-10	0.020	йўқ	0.054	1.028	0.231	0.041	0.054	1.530
10-20	0.019	-	0.048	0.880	0.218	0.031	0.018	1.456
20-30	0.017	-	0.041	0.520	0.186	0.034	0.018	1.410
30-50	0.019	-	0.035	0.40	0.178	0.024	0.031	1.260
0-50	0.020	-	0.032	0.610	0.201	0.021	0.041	1.410

АДАБИЁТЛАР

1. Л.Е.Паузнер, Н.З.Коваленко, С.Х.Нигматов. «Некоторые данные о солеустойчивости семян солодок голой и уральской». – Ташкент, 1970.

2. С.Х.Нигматов. Перспективы использования солеустойчивых растений в целях ботанической мелиорации засоленных земель. Сб. науч. трудов Института ботаники АН Уз ССР. – Ташкент: «Фан». – 1979. – С. 73-74.

3. К.Х.Ходжаев., Х.Х.Холматов., Итоги интродукции перспективных лекарственных растений в Ботанический сад АН Уз ССР/ Интродукция

и акклиматизация растений: Сб. Науч. Тр. – Ташкент, БС АН Уз ССР, 1963. – Вып. 2. – С. 127-157

4. Б.Е.Тухтаев., С.А.Омаров. Интродукция лекарственных растений и экофизиология солеустойчивых видов на засоленных землях // Биологическое разнообразие. Интродукция растений.: Материалы VI международной научной конф. 5-8 июня 2007. – Санкт-Петербурге, 2007.

5. М.Хайитова. “Шўрланган тупроқларни ювишда қўлланиладиган усуллар”/“Агро илм” журнали. – Тошкент, 2018. – №4 (54).

ЎЎТ: 631.8: 631.4: 633.88

СИДЕРАТ СИФАТИДА ЭКИЛГАН АМАРАНТНИНГ БИОМАССА ҲОСИЛ ҚИЛИШИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ТАЪСИРИ

As a result of creating a favorable environment for nutrition amaranth through the use of mineral fertilizers, the growth and development of the amaranth plant improved dramatically. As a result of the application of mineral fertilizers, an optimal nutrient regimen is created for amaranth, which contributes to a significant increase in plant biomass.

Баъзи оғир металллар билан ифлосланган тупроқларни фиторемедиация услуб билан соғломлаштириш учун амарант ўсимлигидан фойдаланилганда, амарант ўсимлиги оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда ўсиши ва тупроқни тозалаш хусусиятига эга эканлиги ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Биогаз ишлаб чиқариш жараёнида органик субстратдан метан гази ажралиши ортиши учун микробиологик жараёнларни яхшилаш мақсадида ҳам амарант ўсимлиги шарбати ва тўппаларидан фойдаланилганда, амарант қўлланилган субстратда метан ҳосил бўлиши назоратга нисбатан юқори бўлган.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида таркибида биологик фаол моддалар ва антиоксидант моддалар манбаи, асосан паст молекулали сувда эрувчан, тирик организмларда юқори физиологик фаолликка эга бўлган доривор қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Антиоксидантлар эркин радикалларни ўзига бириктириб олиб, хавфли касалликларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунга боғлиқ равишда янги ва қурилган ҳолда таом тайёрлашда фойдаланиладиган яшил ва баргли сабзавотларга аллоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йиллардаги маълумотларга қараганда,

худди шундай экинлардан бири, барглари сабзавот сифатида фойдаланиладиган, таркибида мураккаб кимёвий комплекс бирикмалар сақлайдиган амарант ҳисобланади. Ушбу ўсимлик одам организмига ҳар томонлама ижобий таъсир қилади. Амарантнинг руваклари пишиб етилган даврда ҳам унинг пояси яшил тусда бўлади ва тупроққа яшил масса сифатида тушади, яъни ундан кўкат-ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Самарқанд вилояти шароитида кузатув олиб борилганда амарантнинг дон ҳосилдорлиги 29,7 ц/га, поя ҳосилдорлиги 498,5 ц/га ни ташкил этди. Ўсимлик ўриб-йиғиштириб олингандан кейин тупроқда қоладиган илдиз-анғиз қисми 74,8 ц/га ни ташкил этган.

Демак, ушбу ўсимликни етиштириш нафақат кўп миқдорда сифатли юқори озуқавий қийматга эга бўлган дон олиш имконини беради, балки унинг ҳосилини йиғиштириб олгандан сўнг тупроқда кўп миқдорда илдиз ва анғиз қисмлари ва кўк масса қолади. Ҳозирги саноат ва деҳқончиликнинг интенсивлашуви даврида ушбу ўсимликни экиш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимизда фойдали ва доривор ўсимликлар генофондини бойитиш, фармацевтика учун экологик тоза қимматбаҳо хом ашё, чорва молларига оқсил ва витаминларга бой ем-хашак етказиб бериш билан бирга тупроқ унумдорлигини ошириш учун кўп миқдорда кўк масса олиш мумкин.

Органик ўғитлар ва уларнинг манбалари тақчил бўлган бир пайтда кўкат ўғитлардан фойдаланиш тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши муаммосини ҳал қилишда асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки яшил ўғитлар доимий равишда тикланадиган органик модда манбаидир.

Сидерат ўсимликлар ўсимлик вегетация даврининг биринчи ва иккинчи ойларида тупроқнинг биологик фаоллигини оширади, физик хоссаларини яхшилайдди, тупроқнинг ифлосланишини сезиларли даражада камайтириб, ҳосилдорликни оширади. (Хайруллин А.И., 2003; Курило А.А., 2011; Кисилёв М.В., 2012; Солдатова С.С., 2012).

Тадқиқотларимизда тадқиқот объекти сифатида Зарафшон воҳаси суғориладиган магний карбонатли шўрланган ўтлоқ бўз тупроқларида ўтказилди. Амарантнинг “Харьковский-1” нави олинди.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти, Жомбой туманининг ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида ўтказилди. Тажриба даласи тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори – 1,32 %, ялпи азот – 0,128 %, ялпи фосфор – 0,174 %, ялпи калий – 2,8 % ни ташкил этади. Ҳаракатчан азот ва фосфор билан кам, алмашинувчан калий билан ўртача таъминланган. $N-NH_4$ – 8,8, $N-NO_3$ – 17,6, ҳаракатчан фосфор – 22,6, алмашинувчан калий – 200 мг/кг ни ташкил этади. Тупроқ муҳити реакцияси – 7,2-7,4 га тенг. Тупроқ ҳайдов қатламида умумий карбонатлар миқдори 25,6% бўлиб, шундан магний карбонат 5,7% ни ташкил этади. Тупроқ қатламлари чуқурлашган сайин калций карбонат миқдори кескин ортиб, магний карбонат секинлик билан камайиб боради. Тупроқ муҳити ишқорийлиги карбонатлар умумий миқдорининг ошишига мос равишда тупроқ куйи қатламларида ортади. Ялпи ва ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдори ҳам тупроқ профили бўйлаб пастки қатламларда камайиб боради. Тупроқнинг ҳажмий массаси 1,3 см², солиштирма массаси эса 2,5 см² бўлиб, механик таркиби ўрта қумоқ.

Тажриба даласи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, ўсимлик ва дон таҳлилари, барча фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчашлар услубий қўлланма ва тавсияномалар асосида амалга оширилади.

Яшил ўғитлар ерга ҳайдаб ташланганда тупроқни органик модда билан бойитади. Дуккакли экинлар экилганда азотнинг ҳаракатчан шакллари миқдори ошади ва тупроққа чуқур кириб борадиган сидератлар илдизлари озиқ элементларни қийин ўзлаштириладиган минерал бирикмалардан ўзлаштиради ҳамда тупроқ ҳайдов қатламидан ювилиб келган сувда яхши эрийдиган озиқ моддалар

ни чуқур қатламлардан ўзлаштириб яна юқори қатламга қайтаради.

Амарант ўсимлиги 18 июл куни кузги буғдойдан бўшаган майдонга экилди. Амарантни экиш қўлда амалга оширилди. Амарант ўсимлиги ёз ойларида экилганда ўсимлик униб чиққунга қадар сув қўйиб туриш керак бўлади. Бунда бир марта бегона ўтлардан тозалаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Сабаби амарант ўсимлиги вегетация даврининг дастлабки босқичида жуда секин ривожланади. Бундай ҳолатда ғалла ва бегона ўтлар тез ривожланиб, амарантни сиқиб қўйиши мумкин. Бу эса амарантнинг бегона ўтлар орасида қолиб ривожланмай қолишига олиб келади. Такрорий экилган сидерат амарантни асосий экин сифатида экилгандан фарqli равишда турли хил кемирувчи ва сўрувчи зараркундалардан ҳимоя қилиш лозим. Акс ҳолда ёз ойларида айни ҳашаротлар кўпайган вақтда улар батамом нобуд бўлиши мумкин. Сидерат амарант ўтдан тозалангандан сўнг бир марта энгил култивация қилиниб ўғитланди. Такрорий сидерат амарантга фосфорли ва калийли ўғитлар тупроқни шудгор қилишдан олдин қўлланилди. Азотли ўғитлар эса тупроқни култивация қилганда берилди. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, такрорий сидерат амарантнинг ўсиши ва ривожланиши тупроқ унумдорлигига боғлиқ равишда ўзгариб борди. Ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жуда ҳам суст бўлди. Минерал ўғитларнинг қўлланилиши натижасида амарантнинг ўсиши кескин яхшиланди. Такрорий сидерат амарантнинг биомасса ҳосил қилишига минерал ўғитларнинг таъсири ҳам ўрганилди. Энг кам биомасса назоратда кузатилди. Фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилиши билан амарант биомассасининг миқдори ортиб бориши кузатилди. Биомасса миқдори айниқса азотли ўғитлар билан фосфорли, калийли ўғитлар биргаликда қўлланилганда энг юқори бўлиши кузатилди. Масалан, назоратда биомасса миқдори 201,07 ц/га ни ташкил этган бўлса, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилган вариантда 238,41 ц/га, N_{100} +Фон вариантыда 574,29 ц/га, N_{150} +Фон вариантыда 729,54 ц/га ва N_{200} +Фон вариантыда эса 813,45 ц/га бўлиши кузатилди. Демак, минерал ўғитларни биргаликда қўллаш доривор амарантнинг биомасса ҳосил қилишини кескин оширади.

Хулоса қилиб айтганда, иқлим глобал ўзгараётган ҳозирги даврда углеродни органик модда шаклида тупроққа тўплаш тупроқ унумдорлигини ошириши билан бир вақтда атмосфера глобал исишини маълум миқдорда юмшатиши мумкин. Такрорий сидерат амарантнинг 30 т/га меъёрида минерал ўғитлар фонида қўлланилиши тупроқнинг озиқ режимини яхшилайдди ва ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг яхшиланишига олиб келади ва бу борада анъанавий органик ўғит — гўнга яқин бўлади.

Шу мақсадда анъанавий сидерат ўсимликларни экиш, ҳамда янги ноанъанавий сидерат ўсимликлардан фойдаланиш қишлоқ ҳўжалигини экологизация қилиш ва тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

**Т.ОРТИҚОВ,
Б.ШОНИЁЗОВ,
Ш.НОРМАМАТОВ,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳазратқулов Ш., Ортиқов Т. Амарант – инсон иммун тизимининг шифокори // “Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги”, Тошкент. -№ 6. 2013. Б. 21-22.

2. Быков А.И. Разработка элементов технологии возделывание амаранта метельчатого в условиях лесостепи Зауралья. Автореферат дисс... степ. Сельско-хоз. техн. наук. Курган. 2009. 20 с.

3. Дала тажрибаларини ўтказиш услуги. Т. УзПИТИ, 2007. 145-бет

4. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Т. 1963. 438с

ОРОЛ БЎЙИ ҲУДУДЛАРИ ВА ДЕНГИЗНИНГ ҚУРИГАН ТУБИ МЎЙНОҚ ҚИСМИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ ВА ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

The article summarizes the results of research conducted on the territory of the Aral Sea and the dried bottom of the Aral Sea. For the purpose of afforestation and the creation of forest plantations here. The main properties and ecological-meliorative conditions of soils analyzed. The data on the study of the mechanical composition, agrochemical properties, the content of water-soluble salts and the establishment of chemise and the degree of salinity of soils of the dried seabed presented.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус Фармойиши билан ташкил этилган экспедиция ва ишчи гуруҳи томонидан шу йилнинг январь ойида Оролбўйи ва денгизнинг қуриган қисми ҳудудларидаги тупроқни шамол эрозияси ва дефляция жараёнларидан ҳимоялаш, бу ерларда саксовулзорлар, ихота ўрмонзорлари барпо қилиш мақсадида мазкур ҳудуд тупроқлари ва уларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатлари ўрганилди.

Оролбўйи ҳудудлари ва денгизнинг қуриган қисми тупроқлари саҳро типига мансуб турли хил тупроқлардан, хали тўла ривожланмаган мелкозем-тузли бирикмалардан иборат бўлиб, бу ҳудудларда аллювиал денгиз ва кўл ҳамда эол (шамол) ётқиқларида ривожланган турли даражада шўрланган ва шўрхоклашган, механик таркибига кўра, асосан, енгил қумоқ, қумлоқ ва қумлардан ташкил топган, денгизбўйи қолдиқ шўрхоқлари, денгизнинг қуриган қисми яримавтоморф ва яримгидроморф типик шўрхоқлари; гидроморф ва ўта ортиқча намланиш шароитидаги турли даражада шўрланган ва шўрхоклашган гидроморф шўрхоқлари, қисман шўрланган ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ аллювиал тупроқлари ривожланган. Бу ҳудуд учун тупроқгрунтларнинг комплекслашган тузилиши ва интразоналликнинг кескин ифодаланганлиги, шунингдек, гидроморф тупроқларнинг автоматроф тупроқлар билан муттасил алмашиб туриши характерли. Уларда шўрхоқларнинг турли типлари (маршли, майин, қатқалоқ, қолдиқ, сорли) ҳамда қумли чўл ва қумоқли тупроқлар шаклланган. Грунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашиши ва юқори минерализацияси, денгизнинг қуриган туби тупроқгрунтларида тузлар концентратиясининг ортишига имкон яратган, тузлар миқдори ва захираларининг катта қисми тупроқларнинг устки горизонтларида тўпланган. Денгизнинг қуриган туби тупроқгрунтлари ва грунт сувларидаги тузларнинг кимёвий таркиби бир-биридан фарқланади. Грунт сувлари ҳудуднинг барча ерларида сульфат-хлоридли минерализацияланиш типидан, тупроқгрунтлар асосан хлорид-сульфатли типдаги шўрланиш химизмидан иборат бўлиб, бу ҳолат эҳтимол хлор ионларининг сульфат ионларига нисбатан юқори фаоллиги билан боғлиқ.

Бугунги кунда Оролбўйи регионининг бутун бир зонасида ўта оғир шароитлар шаклланган. Бу ерларда сув ва ер ресурслари сифати йўқотган, экотизимлар таркиби ва барқарорлиги бузилган ва атроф-муҳит маҳсулдорлиги ва қайта тикланиш

имконияти пасайган. Регионда бир йилда 300 кунга яқин қумли-тузли бўронлар кузатилади [2, 3]. Оролбўйи ҳудудлари ва денгизнинг ўрганилган қуриган туби Мўйноқ қисми тупроқ-грунтларининг асосий хоссалари ва экологик-мелиоратив ҳолатини баҳолашда ҳудудда қўйилган тупроқ кесмаларининг устки 0-30, 30-70 ва 70-100 см. лик қатламларидан олинган тупроқ намуналарида ўтказилган аналитик-кимёвий таҳлиллар натижалари 1- ва 2-жадвалларда ўз аксини топган.

Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши ҳамда

1-жадвал.

Орол бўйи ҳудудлари ва денгизнинг қуриган туби Мўйноқ қисми тупроқларининг кимёвий, агрокимёвий ва умумфизикавий хоссалари

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Азот, %	C:N	Озиқа элементлари мг/кг		Физик қум (>0,01 мм)	Физик лой, % (< 0,01 мм)	Механик таркиби бўйича тупроқ номи
					P ₂ O ₅	K ₂ O			
1	0-30	0,108	0,010	6,26	2,0	293,8	95,2	4,8	Қум
	30-70	0,194	0,014	8,04	3,0	293,8	95,2	4,8	Қум
2	0-30	0,194	0,016	7,03	2,0	204,7	96,0	4,0	Қум
	30-70	0,516	0,028	10,66	4,0	611,6	82,5	17,5	Қумлоқ
4	0-30	0,136	0,010	7,89	5,0	132,4	95,2	4,8	Қум
	30-70	0,559	0,032	10,13	2,0	874,1	85,7	14,3	Қумлоқ
6	0-30	0,172	0,013	7,67	4,0	293,8	93,6	6,4	Қум
	30-70	0,387	0,024	9,35	3,0	423,8	95,2	4,8	Қум
8	0-30	0,430	0,026	9,59	10,0	192,6	94,4	5,6	Қум
	30-70	0,237	0,018	7,64	2,0	322,7	87,3	12,7	Қумлоқ
12	0-30	0,538	0,032	9,75	4,0	180,6	85,7	14,3	Қумлоқ
	30-70	0,237	0,016	8,59	2,0	240,8	84,1	15,9	Қумлоқ
16	0-30	0,667	0,048	8,06	3,0	661,8	84,1	15,9	Қумлоқ
	30-70	0,215	0,016	7,79	2,0	394,9	82,8	7,2	Қум
18	0-30	0,473	0,029	9,46	2,0	322,1	76,1	23,9	Енгил қумоқ
	30-70	0,151	0,012	7,30	3,0	204,7	97,6	2,4	Қум
21	0-30	0,473	0,028	9,80	3,0	293,8	75,4	24,6	Енгил қумоқ
	30-70	0,194	0,015	7,50	2,0	228,8	87,3	12,7	Қумлоқ
23	0-30	0,430	0,027	9,24	5,0	293,8	78,5	21,5	Енгил қумоқ
	30-70	0,237	0,016	8,59	3,0	228,8	88,9	11,1	Қумлоқ
24	0-30	0,301	0,023	7,59	3,0	79,5	91,3	8,7	Қум
	30-70	0,194	0,015	7,50	2,0	50,6	96,8	3,2	Қум
28	0-30	0,301	0,022	7,94	7,0	50,6	98,4	1,6	Қум
	30-70	0,366	0,026	8,17	3,0	50,6	98,4	1,6	Қум
32	0-30	0,731	0,046	9,22	3,0	467,2	79,3	20,7	Енгил қумоқ
	30-70	0,731	0,046	9,22	2,0	394,9	85,7	14,3	Қумлоқ
34	0-30	0,882	0,058	8,82	5,0	462,2	88,1	11,9	Қумлоқ
	30-70	0,817	0,056	8,46	2,0	322,7	87,2	12,7	Қумлоқ
36	0-30	0,860	0,058	8,60	2,0	65,0	87,2	12,7	Қумлоқ
	30-70	0,796	0,054	8,55	2,0	710,4	65,8	34,2	Ўрта қумоқ
39	0-30	0,817	0,058	8,17	4,0	640,5	79,3	20,7	Енгил қумоқ
	30-70	0,645	0,044	8,50	2,0	539,4	79,3	20,7	Енгил қумоқ
40	0-30	0,731	0,050	8,48	5,0	611,6	78,5	21,5	Енгил қумоқ
	30-70	0,602	0,042	8,31	3,0	467,2	67,4	32,6	Ўрта қумоқ
41	0-30	0,688	0,048	8,31	2,0	539,4	81,7	18,3	Қумлоқ
	30-70	0,753	0,052	8,40	2,0	467,2	76,9	23,1	Енгил қумоқ

Орол бўйи ҳудудлари ва денгизнинг қуриган туби Мўйноқ тумани қисми тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори, шўрланиш даражаси ва типлари

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Сувда осон эрувчи тузлар миқдори, %			Шўрланиш		рН
		Куруқ қолдиқ	Cl	SO ₄	Типи	даражаси	
1	0-30	2,410	0,420	1,040	х-с	Шўрхок	7,55
	30-70	1,470	0,368	0,552	х-с	Кучли	7,71
	70-100	2,654	0,735	0,920	х	Шўрхок	7,58
3	0-30	0,950	0,263	0,284	с-х	Кучли	7,56
	30-70	2,188	0,455	0,890	х-с	Шўрхок	7,45
	70-100	3,585	1,330	1,040	с-х	Шўрхок	7,36
5	0-30	1,942	0,350	0,890	х-с	Кучли	7,54
	30-70	1,260	0,403	0,354	с-х	Шўрхок	7,35
	70-100	2,596	0,595	0,960	х-с	Шўрхок	7,55
9	0-30	2,716	0,683	1,040	х-с	Шўрхок	7,36
	30-70	1,616	0,543	0,384	с-х	Шўрхок	7,54
	70-100	2,678	0,770	0,921	с-х	Шўрхок	7,43
16	0-30	7,812	3,413	1,440	х	Шўрхок	7,14
	30-70	2,548	0,630	1,020	х-с	Шўрхок	7,48
	70-100	3,700	1,138	1,152	с-х	Шўрхок	7,34
19	0-30	4,526	1,225	1,440	с-х	Шўрхок	7,27
	30-70	1,814	0,263	0,800	х-с	Кучли	7,55
	70-100	1,960	0,315	1,020	х-с	Кучли	7,50
21	0-30	5,444	1,488	1,600	с-х	Шўрхок	7,13
	30-70	0,780	0,186	0,314	х-с	Ўртача	7,60
	70-100	1,595	0,287	0,576	х-с	Кучли	7,31
32	0-30	4,220	1,453	1,152	с-х	Шўрхок	6,86
	30-70	6,020	2,125	1,464	с-х	Шўрхок	6,92
	70-100	2,054	0,210	1,020	х-с	Шўрхок	7,21
34	0-30	5,920	1,426	2,304	х-с	Шўрхок	7,04
	30-70	4,132	1,006	1,440	х-с	Шўрхок	7,25
	70-100	2,008	0,543	0,830	х-с	Шўрхок	7,48
36	0-30	4,980	1,706	1,304	с-х	Шўрхок	7,09
	30-70	3,120	0,938	1,040	с-х	Шўрхок	7,25
	70-100	2,320	0,569	0,890	х-с	Шўрхок	7,36
38	0-30	4,538	1,605	1,152	с-х	Шўрхок	7,23
	30-70	7,280	2,293	2,302	с-х	Шўрхок	7,13
	70-100	1,388	0,368	0,364	с-х	Шўрхок	7,59
39	0-30	5,546	1,935	1,160	х	Шўрхок	7,15
	30-70	3,330	1,059	0,920	с-х	Шўрхок	7,33
	70-100	3,482	1,146	1,080	с-х	Шўрхок	7,29
40	0-30	4,008	1,278	0,664	х	Шўрхок	7,55
	30-70	3,666	1,068	0,604	х	Шўрхок	7,73
	70-100	1,980	0,595	0,304	х	Шўрхок	8,10
41	0-30	5,862	1,750	1,152	х	Шўрхок	7,78
	30-70	4,422	1,260	1,080	с-х	Шўрхок	7,77
	70-100	2,580	0,735	0,520	с-х	Шўрхок	7,87

кучсиз ишқорий реакцияга эга. Гумусли горизонтнинг (0-30 см) сувли суспензияси рН кўрсаткичлари 7,1-7,5, кейинги ўтиш қатламида (30-70 см) 7,7-8,1 ни ташкил этади.

А.АХМЕДОВ,

М.РУЗМЕТОВ,

А.МИРЗАМБЕТОВ,

Тупроқшунослик ва агрохимия институтлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Камолов С. Процессы миграции солей в Каракалпакии. Проблемы освоения пустынь Ашхабад. 1998 №3,4
2. Чуб В.Е. Оценка влияния аэрозольей на климатические характеристики бассейна Аральского моря. Проблемы освоения пустынь Ашхабад. 1998 №3,4
3. Насонов В.Г., Рузиев И.Б. Влияние миграции солей на мелиоративное состояние орошаемых земель в бассейне Арала. Проблемы освоения пустынь Ашхабад. 1998 №3,4
4. Курбанбаев Е., Артыков О. Интегрированное управление водными ресурсами в дельте реки Амударья. Global Water Partnership. 145 - с.

КУЗГИ ИМКОН – ЁЗГИ ХИРМОН

Wheat is wintering when the daily temperature is 5 ° C. The sowing time is determined by the date at which the temperature is. It is cultivated 35-40 days before the 5oS observable date, so that the wheat is full at the time of wintering

Андижон вилоятида кузги буғдойни етиштиришда бирмунча агротехник талабларга риоя қилиш зарур, чунки бу талаблар хосилдорликнинг кескин ошишига сабаб бўлади. Жумладан, қуйидаги талабларни бажариш ўта муҳим ҳисобланади:

Шудгор. Кузги буғдой етиштиришда шудгор экишдан 30-45 кун олдин ўтказилса 20-25 см, иқлим қуруқ келиб, нисбатан кечроқ ўтказилса 18-20 см чуқурликда амалга оширилади.

Экиш меъёри ва чуқурлиги. Режадаги 30, 40, 50 ва 60 ц/га ҳосил олиш учун, мутаносиб равишда, 1 гектар майдонга 3,25; 4,29; 5,46 ёки 6,5 млн. дон уруғлик дон экилиши лозим. Экиш чуқурлиги географик минтақа, тупроқ типи, зичлигига қараб ўзгаради ва 3-4 см дан 6-7 ёки, ҳатто, 7-9 см гача бўлади.

Гўнг. Меъёри – 15-20 т/га, эрозияга мойил ва унумдорлиги паст ерларда – 25-30 т/га.

Минерал ўғитлар. 100 кг буғдой дони ҳосили шаклланиши учун экинни минерал ўғитлар билан тўғри қўллаш лозим. Ўғит меъёри қанча юқори бўлса, интенсив навларнинг ҳосили ҳам шунча юқори бўлади. Голландия, Дания ва Англияда бир мавсумда солинадиган ўғитларнинг умумий миқдори 500 ва 400-450 кг/га, дон ҳосили эса (2004 й.), мутаносиб равишда, 77,9 ц/га, 69,7 ц/га ва 70,3 ц/га олинган.

Ўзбекистонда азотли ўғитларнинг йиллик меъёри 180-210 кг (соф ҳолда) (Сиддиқов). Тажрибаларда бир мавсумда 270 кг/га (N₁₂₀P₉₀K₅₀), 410 кг/га (N₁₈₀P₁₄₀K₉₀) ва 630 (N₂₈₀P₂₁₀K₁₄₀) кг/га меъёрларида ўғит берилганда дон ҳосили “Чиллаки” навининг 54,7; 71,1 ва 87,6 ц/га, “Крошка” навида 62,6; 74,6 ва 91,8 ц/га ни ташкил этган. Бундай меъёрларда азот, фосфор ва калийнинг нисбатлари тахминан 1:0,75:0,5 га тўғри келади.

Республика минтақаларининг ўрни ва об-ҳавосини ҳисобга олган ҳолда ғаллани биринчи (эрта баҳорги) озиклантириш 10-25 февралда амалга оширилади (аммо, ўғит экиш олдида ҳам берилишини ҳисобга олсак, амалда бу – иккинчи озиклантириш). Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг (180-210 кг соф ҳолда) 25% ни бериш тавсия қилинади (физик ҳолда 150-160 кг/га).

Қишловга тупламасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан, макка ва кунгабоқар экинларидан сўнг ғалла экилган майдонларда қўшимча 100 кг. дан озиклантириш яхши самара беради.

Эрта баҳорги озиклантириш тупланиш жараёнини жадаллаштиради, 1м² майдонда 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга замин яратади.

Ўсиш жараёни кеч бошланган ҳолларда эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 30% ни бериш тавсия қилинади. Меъёрни бундан оширмаслик лозим,

акс ҳолда, ўғитнинг ортиқча қисми сув ва ёғингарчилик билан ювилиб кетади.

Сугориш меъёри: 500-700 м³.

Суспензия. Эрта баҳорда майса ривожланиши сустр бўлган майдонларда қўшимча озиклантириш лозим. Ишчи эритма тайёрлашда 12 кг аммофос, 6 кг. калий ва 6 кг. карбамид 300 л. сувда эритилади ва пуркалади.

Минерал ўғитлар ва улардаги озуқа моддалар

№	Ўғит	Миқдори(соф ҳолда), %			Озуқа модда меъёрини тўла айлантириш коэффициенти
		N	P	K	
1.	Аммиакли селитра	34			2,94
2.	Аммоний сульфат	20,8			4,88
3.	Мочевина (карбамид)	46			2,17
4.	Аммиакли сув	25			
5.	Суперфосфат (20%)		19-20		5,00
6.	Суперфосфат (15%)		15		6,67
7.	Аммонийлашган суперфосфат	1,5-2,5	14-15		
8.	Калий хлорид			62	1,66
9.	Калий тузи			40	2,5
10.	Калий сульфат			45	
11.	Нитрофос	23,5-24	14-17		
12.	Нитрофоска	11	10	11	
13.	Аммофос	9-12	42-50		2,17

Буғдойдан юқори ҳосил олиш учун албатта минерал ўғитларни ўз вақтида, тўғри қўллаш лозим. Акс ҳолда, ўсимликларда физиологик ва биокимёвий жараёнлар бузилади. Уларнинг анатомик ва морфологик белгилари ўзгаради, булар эса ўсимликларнинг ҳосил тўплашига салбий таъсир қилади. Масалан, айрим касалликлар билан зарарланган ғалла экинларининг дони пуч ёки яримпуч бўлиб қолади ва ўрими-йғим пайтида йўқолади, дон таркибидаги оксил, жумладан клейковина ҳам камаяди. Буғдой экинларининг асосан замбуруғлар кўзгатадиган бир қатор юқумли касалликлари Ўзбекистонда ҳам қайд этилган.

Бунга асосланган ҳолда, Андижон вилояти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ерларида мустақил-изланувчилар Тош ДАУ профессори Б.А.Ҳасанов раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Д.ТУРДИЕВА,
Н.ЮСУПОВ,
К.ДЖАМОЛОВ,
ассистентлар,
Н.ЗАЙНОБИТДИНОВ,
талаба,
ТошДАУ Андижон филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳасанов, Очилов, Гулмуродовларнинг 1992, 2009, 2015 йилларда чоп этилган китобларидан фойдаланилди.
2. Сиддиқов Р., Саидов С. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2016, № 9, 12-13-б.
3. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. Буғдой. Тошкент, ТошДАУ, 2008, 168 б.
4. Аманов А., Зиядуллаев З., Туфлиев Н. ва б. Лойиҳа ҳудудларида кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш. Қарши, 2013 й. “ADA Servis Navoiy” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилган, 24 бет.

ПАХТА КЎСАКЛАРИГА ИНТЕНСИВ ИШЛОВ БЕРУВЧИ АППАРАТДА ТЕРИЛГАН ВА ТЎКИЛГАН ҲОСИЛНИНГ БАРАБАНЛАР ЗОНАСИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Distribution collected and tumbled pat in device with intensive processing boll pat on zone drum

Пахта кўсақларига интенсив ишлов берувчи (КИИБ) аппаратнинг терим тўлиқлиги сериядаги вариантга нисбатан 4-6 фоизга юқори. Аммо ерга тўкилган пахта миқдори ҳар икки аппаратда ҳам деярли бир хил [1, 2].

КИИБ аппаратида шпинделли ва колокли барабанларнинг ўзаро шахмат тартибда жойлашуви бу барабанларни очилган пахта кўсақлари таъсирида турлича технологик юкланишда бўлишлиги ва демакки, ерга тўкилаётган пахта хомашёси улушининг аппарат ишчи камераси узунлиги (зоналари) бўйича ҳар хиллиги тўғрисидаги гипотезани олға суриш имконини беради.

1-жадвал

КИИБ аппаратида шпинделли барабанлар билан териб олинган пахта массаси, г

Такрорлик рақами	Барабан рақами				Жами
	1	2	3	4	
1	165,77	49,81	21,70	552,70	789,98
2	244,53	61,10	18,48	443,81	767,92
3	141,85	41,66	27,86	793,49	1004,86
4	237,74	52,88	33,36	540,07	864,05
5	288,38	50,82	22,98	516,48	878,66
Ўртача	215,65	51,25	24,87	569,31	861,08
%	25,04	5,95	2,88	66,13	100

Шпинделли барабанларнинг технологик юкланганлик даражасини баҳолаш учун ҳар бирининг узунлиги 2 м бўлган кичик участкаларда беш карра такрорликда махсус лаборатория-дала тажрибалари ўтказилди. Бунинг учун ҳар бир барабан тегишли пахта ажраткич қисмига ўрнатилган алоҳида тўплагич 1÷4 идишлар билан жиҳозланди.

Тажрибалар пайтида ғўза тупларининг баландлиги 0,90-0,95 м, эни 0,52-0,6 м, кўсақларнинг очишлиш даражаси 62-70%, дефолиациядан кейин туплардаги барглarning тўкилиш улуши 80-84%, бир гектардаги ғўза тупларининг қалинлиги 105-110 минг донани ташкил этди. Олдинги ва орқадagi колокли ҳамда шпинделли барабанларнинг айланиш частоталари мос равишда 124 ва 100 мин⁻¹ ҳамда 94 мин⁻¹. Иш тирқишининг кенглиги: шпинделли барабанлар орасида – 42 мм, ўзаро жуфтликда ишловчи шпинделли барабан ва колокли барабаннинг эластик колоклари орасида – 10 мм. Пахта териш машинасининг ишчи тезлиги – 1,07 м/с.

Машина ҳар гал 2 метри участкани босиб ўтганда ғўза тупларидан 1÷4 шпинделли барабанлар билан териб олинган пахталар мос равишда 1÷4 тўплагичларга йиғилади. Тўплагичларга йиғилган пахталар тарозида алоҳида-алоҳида тортилди ва иш дафтарида қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, олдинги колокли барабан билан ўзаро жуфтликда ишловчи 4-шпинделли барабан энг юқори юкланишга эга (териб олинган ҳосилнинг улуши 66,13%), 3-шпинделли барабан энг паст юкланишда (ҳосилнинг атиги

2,88 фоизини териб олган), чунки 4-барабандан кейин ғўза тупларининг ўнг шохларида пахталари терилмаган кўсақлар оз қолади.

Кўсақларга ишчи камерада асосий ишловни 1 ва 4-шпинделли барабанлар беради – уларнинг улушига аппарат терган жами пахтанинг 91,17 фоизи тўғри келади. Қўзғалмас секция барабанлари (№3, №4) жами ҳосилнинг 69,01 фоизини, қўзғалувчан секция барабанлари (№1, №2) эса 30,99 фоизини терган.

Аппаратнинг иш жараёнида ерга тўкилаётган пахта миқдори ва уни ишчи камера туби бўйлаб тарқалиш қонуниятини аниқлаш мақсадида 5÷8 зоналарга махсус қопчалар жойлаштирилди (1-расмга қаранг). 5, 7 – қопчалар биринчи каркасга ва 6, 8-қопчалар иккинчи каркасга ўрнатилган. Каркаслар аппаратнинг пастки рамкаларига маҳкамланган бўлиб, уларнинг ғўза қаторига қараган томони туплар ва қопчаларни шикастланишини олдини олиш мақсадида эластик элементлар билан жиҳозланган.

Узунлиги 25 м бўлган тажриба майдончасидаги жўякларнинг тепа қисмларидаги тупроқлар олиб ташланиб, уларнинг профили қопчалар формасига мослаштирилди. Машина ҳар гал 25 метрли қатордаги ҳосилни териб олгандан кейин қопчаларга йиғилган пахталар алоҳида-алоҳида тортилиб, массалари ўлчанди. Кейин қопчалардаги пахтанинг тозалашдан олдинги ва кейинги ифлослик даражалари аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

КИИБ аппарати ишчи камераси тубига тўкилган пахта массасининг зоналар бўйича тақсимланиши ва ифлослик даражалари

Зона	Зоналарга йиғилган пахта			
	Қопчаларга йиғилган пахта		Ифлослиги	
	Массаси, г	Улуши, %	Тозаланмаган	Тозаланган
5	216,66	23,46	18,67	6,23
6	290,10	31,42	25,77	7,14
7	276,56	29,95	32,31	8,63
8	140,00	15,17	39,10	12,02
Жами	923,32	100		

КИИБ аппарати технологик иш жараёнида шпинделли барабанлар билан териб олинган ҳосил улушлари, ишчи камера тубига тўкилган пахта массасининг зоналар бўйича тақсимланиши ва ифлослик даражаларини ўзгариш қонуниятларини яққол англаб этиш мақсадида 1 ва 2-жадвал рақамлари асосида информация схема курилди (расм).

Расмдан кўриняптики, №4 ва №1 – шпинделли барабанлар ҳосилнинг 91,17 (66,13+25,04) фоизини териб олган. Уларнинг тагида жойлашган №5 ва №6 – қопчаларга ерга тўкилган пахтанинг 54,88 (23,46+31,42) фоизи йиғилган; №3 ва №2 барабанлар ҳосилнинг 8,83 (2,88+5,95) фоизини терган. №7 ва №8 – қопчаларга йиғилган ҳосил улуши 45,12% (29,95+15,17); шпинделли барабан қанчалик кўп юкланишда бўлса, унинг тагидаги зонага шунчалик пахта кўп тўкилган; кўсақларга



Расм. КИИБ аппарати иш кўрсаткичларининг рақамли инфор­мацион схемаси:
 барабанлар ичига ёзилган рақамлар – улар ёрдамида терилган пахта улуши, касрнинг суратида – зоналарга тўкилган ҳосил улуши,
 махражда – шу ҳосилнинг ифлослик даражаси

ишлов бериш сонининг ошиши билан ерга тўкилаётган пахта­ларнинг ифлослик даражаси ор­тиб борган, яъни 6,23% < 7,14% < 8,63% < 12,02%; бу рақамлар агротехник талаблар чегарасида ётади.

Шундай қилиб, шпинделли барабанлар билан териб олин-

ган ҳосил улушлари, қопчалардаги пахтанинг массалари ва ифлослик даражалари аппарат иш жараёнида тўкилаётган ҳосилни ерга туширмасдан тутиб қоладиган қурилма яратиш, уни аппарат тубига ўрнатиш, тутиб қолинган ҳосил машина тозалагичидан ўтгандан кейин уни алоҳида бункерга эмас, балки асосий бункерга йиғиш (йўналтириш) мақсадга мувофиқ. КИИБ аппаратининг конструктив, кинематик ва технологик параметрларини шпинделли барабанларнинг пахта ҳосили билан турли даражада юкланганлигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш долзарб илмий масаладир

М.ТОШБОЛТАЕВ,
 т.ф.д., проф,
А. ҚОДИРАЛИЕВ,
 кичик илмий ходим,
 (ҚХМИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. М. Тошболтаев, Р. Худайкулиев. Пахта кўсақларига интен­сив ишлов берувчи терим аппарати: назария ва амалиёт. (Монография) // Тошкент: “Yosh kuch press matbuoti” МСНЖ, 2014. – 146 б.
 2. М. Тошболтаев, С.А. Нечкин, А.И. Бобров. Агротехнические показатели хлопкоуборочного аппарата с многократной обработкой кустов при различных схемах // Механизация хлопководства. – Ташкент, 1987. – №5. – С. 14-15.

УЎТ: 631.312.44

ТЕКИС ШУДГОРЛАЙДИГАН ПФХ-2 ФРОНТАЛ ПЛУГИ

This article is about a constructive scheme of the front plow PFX-2 the results of his experimental studies.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда энг кўп меҳнат ва энергия талаб қиладиган технологик операциялардан бири – бу тупроққа асосий ишлов бериш ҳисобланади. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий, энергия ва ресурстежамкор, серунум, илғор ва истиқболли технологиялардан фойдаланиш замон талабидир. Бугунги кунда, энергия ва ресурстежамкор текис шудгорлаш технологияси энг самарали, замонавий ва истиқболли технологиялардан ҳисобланади. Текис шудгорлаш технологияси қўлланилганда дала юзасида очик эгат ва марзалар ҳосил бўлмайди, ерни экишга тайёрлаш учун кўшимча ишлар бажарилмайди, иккинчи экинни экишгача бўлган вақт қисқаради, энергия ва ресурслар тежалади, шуд­горлаш билан бир вақтда экиш ишларини ҳам бажариш мум­кин. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимларининг маълумотларига кўра, текис шудгорлаш қўлланилганда тупроққа асосий ва экиш олди­дан ишлов бериш давомидаги текислаш жараёнлари бўйича ба­жариладиган ишлар 30% га камаяди [1].

Текис шудгорлашнинг энг истиқболли технологиясида тупроқ палахаси оғирлик марказини кўндалангига силжитмасдан ўз ўрнига 180° га тўлиқ айлан­тириб ётқизилади. Мазкур технология истиқболли эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плуглар ёрда­мида амалга оширилади. Плуг конструкциясига кўра, тупроқ па­лахсаларининг бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ағдарилганлиги сабабли, корпусларни бир кўндаланг чизиққа симметрик равишда (фронтал) жойлаштириш мумкин. Бу фронтал плугнинг қамраш кенглигини унинг узунлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгартириш имкониятини беради. Плугнинг қамраш кенглиги корпуслар со­нига боғлиқ эмас [2].

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари томо­нидан Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академия­си олимлари билан ҳамкорликда эгатсиз текис шудгорлайдиган

ПФХ-2 фронтал плуги ишлаб чиқилди. Текис шудгорлайдиган ПФХ-2 фронтал плуги 6-12 км/соат тезликда солиштирма қаршилиги 0,08 МПа бўлган донли ва техник экинлардан бўшаган ерларни такрорий экинлар етиштиришга учун 27 см чуқурликгача текис шудгорлашга мўлжалланган. ПФХ-2 фронтал плуги 3 ва 4 классдаги тракторлар билан агрегатланади [3].

ПФХ-2 фронтал плугининг техник тавсифи

Агрегатланиши ..	3, 4-5 класс тракторлари
Қамраш кенглиги, м	2,1 м
Ҳайдаш чуқурлиги, см	27 см
Ишчи тезлиги, км/соат	6-12
Корпуслар сони, дона	4
Корпус ишчи юзаларининг тури	
винтсимон	
Ғилдираклар сони ва тури	2
(металли)	
Ғабарит ўлчамлари, мм:	
узунлиги	2400
кенглиги	2100
баландлиги	1650
Хизмат кўрсатувчи персонал, киши	1
(тракторчи)	

ПФХ-2 фронтал плуги рама 1, рўпарасимон йўналган ўнг ва чап томонлама ағдарувчи корпуслар 2 ва 3, заплужниклар 4, диск­ли пичоқлар 5, таянч ғилдираги 6, тақиш механизми 7 ҳамда та­янч-текисловчи ғалтак 8 дан ташкил топган (расм).

Плугнинг асосий ишчи органлари – корпус, заплужник ва та­янч-текисловчи ғалтак. Заплужник – тупроқ палахасини ўз ўрнига 180° га айлан­тиришга ёрдам берувчи кўшимча ишчи орган. Таянч-текисловчи ғалтак кесакларни эзиш, майдалаш ва шудгор юза­сини текислашга мўлжалланган.


ПФХ-2 фронтал плугининг принципал технологик иш жараё-

нида тупроқ палахсалари ўз ўрни чегарасида 180° га тўлиқ айлан-тириб ётқизилади. Агрегатнинг ҳаракатлиниш жараёнида диски пичоқлар тупроқни тик текисликда кесиб, палахсаларни дала юзасидан ажратади. Корпус лемехлари тупроқ қатламини остидан қирқиб, ағдаргичга узатади. Сўнгра палахса ағдаргич юзаси бўйлаб юқорига ҳаракатлана бошлайди. Бунда палахсанинг лемех орқали қирқилган қисми ердан узилмаган ҳолда ағдаргич юзаси бўйлаб юқорига кўтариллади. Палахса иккита ишчи юзага эга бўлган, яъни корпус ағдаргичи юзаси ва заплужник қаноти юзаси таъсирида 160°-165° га айлантирилади. Кейин палахса оғирлиги ҳисобига 180° га айланиб ўз ўрни чегарасига тушади. Шудгор юзасидаги нам ҳолатда бўлган йирик кесаклар корпус ва заплужникдан кейин жойлашган таянч-текисловчи ғалтак таъсирида эзилади, қисман зичланади ва текисланади.

ПФХ-2 фронтал плугининг дала синовлари Қашқадарё вилоятининг фермер хўжалиқларида кузги бошоқли экинлардан бўшаган далаларда ўтказилди. Агрофон — кузги буғдой пояли, тупроқ тури — оч тусли бўз, дала рельефи — текис. Тупроқнинг 0...30см қатламидаги намлиги ва қаттиқлиги 16,5% ва 2,1 МПа, ўсимлик пояларининг баландлиги 15...20 см, дала юзасидаги ўсимлик қолдиқларини ўртача оғирлиги 0,42 кг/м². Плугнинг дала синовлари натижасида: плугнинг қамраш кенлиги, ҳайдаш чуқурлиги, шудгор туби текислиги, шудгор юзаси текислиги, тупроқнинг майдаланиш даражаси, ўсимлик қолдиқларини кўмилиш даражаси ва чуқурлиги каби агротехник кўрсаткичлари ўрганилди.

Ўтказилган дала синовлари натижаларига кўра, ПФХ-2 фронтал плуги эгатсиз, текис шудгорлаш жараёнини сифатли таъминлади. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 1,65 м/с бўлганда, плугнинг қамраш кенлиги 2,12 м, шудгорлаш чуқурлиги 24,9 см ни ташкил этди. Шудгор туби текис, шудгор юзаси уюмлиги 5,6 см га тенг. Ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш чуқурлиги 13,2 см, тупроқнинг майдаланиш даражаси 92,8 % га тенг бўлди.

Тупроқ палахсаси оғирлик марказини кўндалангига силжитмасдан ўз ўрнига 180° га айлантириб текис шудгорлаш технологиясига асосланган техник воситалар асосида мужассамлашган,



Расм. ПФХ-2 фронтал плуги.

1-рама, 2, 3-ўнг ва чап томонлама ағдарувчи корпуслар, 4-заплужник, 5-диски пичоқ, 6-таянч ғилдираги, 7-тақиш механизми, 8-таянч-текисловчи ғалтак

бир ўтишда бир нечта технологик жараёнларни амалга оширувчи комплекс агрегатларни яратиш мумкин. Ўзбекистон шароитида такрорий экинлар етиштиришда текис шудгорлайдиган плуглардан кенг кўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ф.МАМАТОВ,
т.ф.д., профессор,
Ҳ.РАВШАНОВ,
т.ф.н., доцент,
И.ТЕМИРОВ,
т.ф.н., доцент,
Ш.ҚУРБАНОВ,
таянч докторант, ҚарМИИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Бойметов Р.И., Тукубаев А. Плуг для гладкой пахоты // Хлопководство. – 1985. – № 12. – с. 19.
2. Эргашев И.Т. Механико-технологические основы технологии и технических средств для гладкой безбороздной вспашки: Дисс. док. тех. наук. – Янгиюль, 2002. – 138 с.
3. Патент УзР FAP № 2017 0223. Фронтал плуг/ Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Эргашев И.Т. ва бошқ.// Расмий ахборотнома. – 2017. – №10.

УЎТ: 631. 312:631.51

ЃЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА БУЃДОЙ УРУЃИНИ КЎП ҚАТОРЛАБ ЭКУВЧИ ШАРНИРЛИ ЭККИЧДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ


Ѓўза қатор орасига кўп қаторлаб экиш, асосан, экичларнинг конструкциясига боғлиқ. Қабул қилинган экич эгатнинг қиялигига осон ботиши, қаторлар орасидаги масофани сақлаши, белгиланган экиш чуқурлигига осон созилиши каби талабларга жавоб бериши керак. Бундан ташқари, уларнинг қатор ораларига белгиланган схема бўйича жойлашувига экичларнинг ўлчамлари кичик бўлиши билан бирга бикирлиги ҳам етарли даражада бўлиши талаб қилинади. Бу эса ғўза қатор орасида ишлай оладиган бутунлай янги экични яратишни тақозо этади.

Шу мақсадда мавжуд экичлар юқоридagi талаблар асосида ўрганилди. Олинган натижалар асосида мавжуд экичларнинг маълум элементларидан фойдаланган ҳолда янги экич конструкци-

яси яратилди.

Ѓўза қатор орасига кўп қаторлаб кузги буғдой уруғини экувчи янги экич қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ўлчамларининг кичик бўлиши;
- белгиланган чуқурликка оз куч билан ботиши;
- экичнинг кенлиги унинг узунлиги бўйича ўзгармас бўлиши;
- тортишга бўлган қаршилигининг оз бўлиши;
- шакли тупроқни ёриб ўтишига мос бўлиши;
- эгатнинг ёнбошида ҳам экич белгиланган агротехника талаб бўйича ишлаши;
- белгиланган экиш чуқурлигини сақлаши;
- уруғни очилган ариқчанинг тубига ташлаши ва уни бекитиб кетиши.



1-расм. Ғўза қатор ораларига кўп қаторлаб бугдой уруғини экувчи экичнинг тузилиши

Ғўза қатор орасига кузги бугдой уруғини экувчи янги яратилган экичнинг конструкцияси 1-расмда келтирилган.

1-экич устун; 2- экич тумшуги; 3- ҳимоя планкаси; 4-уруғ ўтказгич; L-тумшук узунлиги; b-ҳимоя планкалар орасидаги масофа.

Экичнинг қаршилигини камайтириш мақсадида уруғ ўтказгичнинг кенглиги устун кенглиги билан бир хил қилиб ясалган. Бу экич кичик ўлчамли бўлиб, дон уруғини ғўза қатор ораларига 10...12 қаторли қилиб экиш имкониятини беради.

Экич устун 1, экич тумшуги 2, уруғ ўтказгич 3, ҳимоя планкаси 4 дан иборат. Содда конструкцияга эга бўлишига қарамай экичларга юклатилган учта вазифаларни, яъни уруғ учун ариқча очиш, очилган ариқчага уруғни жойлаштириш ва жойлашиб бўлган уруғни кўмиш ишларини тўлалигича бажаради.

Ишлаш пайтида экичнинг олдида тупроқ уюмининг ҳосил бўлмаслиги, тумшук тупроққа кириб боришининг осонлиги ва экичнинг қаршилиги юқори бўлмаслигини ҳисобга олиб, ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида экич тумшугининг ўткирлиги бурчаги ва унинг тупроққа кириш бурчаги мос равишда $2\alpha = 54^\circ \dots 66^\circ$ атрофида, $\alpha = 55^\circ \dots 65^\circ$ га, шунингдек, уруғнинг очилган ариқчага тўла жойлашиб олишини таъминлаш учун экичнинг ҳимоя планкаси узунлиги $S = 90$ мм га тенг бўлиши асосланди.

Ғўза қатор ораларига уруғни кўп қаторлаб экиш жараёнида қаторлар орасидаги ёввойи ўтлар ҳамда тўкилган ғўза баргларининг экичларга илашиши рўй бериб, уруғларнинг бир хил чуқурликка экилишига салбий таъсир кўрсатади. Уларни бартараф этиш учун экич олдида ёввойи ўтлар ҳамда тўкилган ғўза баргларини кесиш учун вертикал, ҳаракат йўналишига нисбатан қия қилиб пичоқлар ўрнатилди.

Пичоқ тигининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги назарий жиҳатдан асосланди ва мос равишда $\beta = 30-35^\circ$ тенг деб қабул қилинди.

Кичик ўлчамли экичлар қатор ораларига кўп қаторлаб дон уруғини экиш учун улар махсус рамага жойлаштирилди.

Рама марказий қисм 1, унинг икки томонидан эгатларнинг қия юзларида ишловчи ва марказий қисм 1 билан шарнирлар 3 ёрдамида боғланган қанотлар 2 ва марказий 5 ва қанотлардаги сирпанчиқлар 4 лардан иборат.

Қанотлардаги сирпанчиқлар эгат қияликлари юзасида сирпаниб эгатларга экилаётган бугдой уруғларининг бир хил чуқурликка экилишини таъминлайди.

Рамага эса асосланган схема бўйича экичлар 6 ўрнатилган. Раманинг устун 8 градил 7 га қулф 9 ёрдамида қотирилади.

Рама экичлар билан бирга кичик хажмли тупроқ каналда синаб кўрилди ва ижобий натижа олинди. Шундан сўнг қатор ораларида синаб, уруғни экиш учун экичлар ўрнатилган рама ва трактор ғилдирактаридан орқада юришини ҳисобга олиб экичлар рамасидан аввал юмшатгич ва эгат очгич иш органлардан иборат бўлган агрегат тузилди (2-расм).

1-борона; 2-юмшатгич; 3-эгат очгич; 4-шарнирли экич. В-қатор

оралари кенглиги, С- ғўзалар ҳимоя кенглиги.

Қатор ораларини юмшатиш учун ўқ-ёйсимон панжалардан фойдаланилди. Демак, юмшатувчи органлар шундай жойлаштирилиши керакки, ғилдиракни зичлаш кенлигидан келиб чиқиб, юмшатиладиган тупроқнинг қамров кенглиги 55 см дан кам бўлмаслиги керак.

Бунинг учун танланган ўқ-ёйсимон юмшаткичлар эгат орасига қуйидагича жойлаштирилди. Агрегатни технологик иш жараёни куйидагича:

Агрегат МТЗ-80Х трактори билан агрегатланади. Унинг олдинги рамаси грядилига бороналар мослаштирилиб қотирилади. Унинг вазифаси эгат оралари (2 марта) юмшатиладиган сўнг (уруғни сепиш услуби қўлланилганда эса 2-4 марта эгат оралари юмшатилади) тўкилган барглар ёки ёввойи ўтларни йиғиштириш ва тупроқни қўшимча юмшатиш ҳисобланади. Сўнг экиш агрегатининг юмшатгичлари 3 билан трактор ғилдираги томонидан зичлашган тупроқ юмшатилади, шакллогич 2 ёрдамида қатор орасига шакл берилади ва рамага жойлаштирилган экичлар ёрдамида дон уруғи қаторлаб экилади.

Ҳар бир экичга бункердаги микдорлагичдан ёнбағирлики ҳар хил қиялигида ҳам ўзини вертикал ҳолатини ўзгартирмайдиган уруғўтказгичлардан уруғ туширилади.

Ўтказилган тажриба яратилган янги экичнинг ғўза қатор ораларида ишлаши мумкинлигини кўрсатди. Белгиланган 10 та қаторнинг барчасига уруғнинг ташланиши ва агрегат ўтиб кетгандан сўнг ариқча тупроқ билан бекилишини кўрсатди.

Экич уруғни ғўза қатор орасига экиб ўтиб кетгандан сўнг эгатнинг кўндаланг профилнинг ҳолати.

Қатор ораларини экишдан кейинги профилнинг чуқурлиги 18...22 см атрофида ҳосил бўлди. Бу эса уруғ экилган эгатга қўшимча сув ариғини очмасдан бемалол суғориш имконини берди. Суғориш суви берилган кенликда ҳам дон униб чиққан. Чунки дон тупроқ остига 3...5 см чуқурликка ташлангани тўғрисида суи ташланган уруғларни ювиб кета олмади. Бу эса эгат профилнинг кўндаланг периметридан фойдаланиш даражасини 80-93% гача орттирди.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкинки?

Ғўза қатор ораларига дон уруғини экиш сифатини аниқлашда қаторлари кўндаланг периметридан фойдаланиш даражасидан фойдаланишни экиш услубининг қанчалик мукамал эканлигидан далолат бериб катталик сифатида қабул қилиш мумкин.

Янги ишлаб чиқилган кичик ўлчамли экичлардан фойдаланиш қатор ораларининг кўндаланг периметридан фойдаланиш даражасини орттиришга олиб келиши (90-93%) дон уруғини сепиб экиш услубларига қараганда афзаллиги билан ажралиб туради.

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ,

профессор,

А.ХУДОЁРОВ,

доцент,

Д.АБДУЛЛАЕВ,

доцент, Тошкент Давлат аграр университети Андижон филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Худойбердиев Т.С. Игамбердиев А.К. Экиш машиналарини экиш усули бўйича таққослаш // "AGRO ILM". Тошкент, 2000. №4 Б.39-40

2. Xudoyberdiyev T.S. Boltaboyev B.R. Murodov R. Razzaqov B. *Doing up the scattered seeds of wheat soil of the furrow collected at formation* // European science review- Austria, №9-10. 2016.-P. 226-228

3. Худайбердиев Т.С. Игамбердиев А.К. Вахобов А., Мирзаахмедов А. Ғўза қатор ораларига кузги бугдой экиш // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. Тошкент, 2011- №10. Б.25-26

4. Худайбердиев Т.С., Игамбердиев А.К. Мирзаахмедов А.Г. Ғўза қатор орасига ёйсимон пичоқли экич билан кузги бугдой экишга тавсиялар. Тошкент: 2011. 18 б.

ОРГАНИК ЎҒИТЛАРНИ ЛОКАЛ СОЛАДИГАН ЎҒИТЛАГИЧНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАЛА СИНОВЛАРИ

The article presents the results of preliminary field tests of an experimental fertilizer for local application of organic fertilizers for melons and gourds. It is noted that the embedment depth of manure was, on average, 17.3 cm, the width and height of the formed fertilizer belt, respectively, 9.4 and 7.3 cm.

Органик ўғитларни экинлар яхши ўзлаштира оладиган даражада далаларга солиш ишлари яхши механизациялашмаган ва бунга кам эътибор берилмоқда. Бунинг асосий сабаби, органик ўғитларни солиш меъёри жуда катталигидадир. Ўғитнинг самарасини пасайтирмаган ҳолда уни солиш меъёрини камайтириш йўлларида бири – ўғитни локал усулда солишдир. Бунда ўғит бевосита ўсимлик илдизлари ривожланадиган ҳудудга солинган учун самараси сезиларли даражада ортади. Ўғитни локал усулда солишдан яна бир мақсад – ўсимликлар ўзининг дастлабки ривожланиш даврида кучли илдиз тизимини ривожлантириб олишлари ва уларнинг кейинги жадал ривожланиши учун қулай шароит яратишдан иборат.


Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (ҚХМИТИ) да полиз маҳсулотларини етиштиришда органик ўғитларни тупроққа локал солиш технологияси ва уни амалга ошириш учун ўғитлагич қурилма ишлаб чиқилиб, унинг дастлабки дала синовлари ўтказилди.

Бунинг учун МТЗ-80X трактори ва ўғитлагич қурилмадан иборат дала агрегати тузилди. Ўғитлагични айлантириш учун унинг етакловчи вали қарданли вал ёрдамида тракторнинг орқа қувват олиш валига уланди. Ўғитлагичнинг олд брусига ўрнатилган ариқочгичлар 10 см чуқурликка, орқа брусдаги ариқочгич 20 см чуқурликка созилди. Олдинги ариқочгичлар агрегатнинг узун симметрия ўқидан икки томонга 45 см дан (яъни, ўзаро 90 см) масофада, орқадаги ариқочгич эса симметрия ўқига тўғрилаб маҳкамланди. Тажрибалар ҚХМИ тажриба хўжалигининг 2а-картасида ўтказилди. Дала аввалига шудгор қилинган, сўнгра чизел-культиватор ва тирма-молалар билан ишлов берилиб, пушта олишга тайёрланган. Агрегатнинг ҳаракатланиш тезлиги 6,39 ва 7,57 км/соат ни ташкил этди (МТЗ-80X тракторининг пастлатилган



1-расм. Ўғитлагич қурилманинг иш жараёнидаги кўриниши (4- ва 5-узатмалари).

Дастлабки синовларда ўғитлагич қурилманинг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди:



3-расм. Ўғит солинган пушталар профили схемаси

- ўғитни кўмиш чуқурлиги;
- ўғит тасмасининг кенлиги ва баландлиги;
- ўғит тасмалари орасидаги масофа;

Жадвал

Ўғитлагич қурилманинг дастлабки дала синовлари натижалари

Кўрсаткичлар	Ўғитни кўмиш чуқурлиги, см	Ўғит тасмасининг ўлчамлари, см		Тасмалар орасидаги масофа, см	Пуштаннинг баландлиги, см
		кенлиги	баландлиги		
$M_{\text{ср}}, \text{ см}$	14,9	9,4	7,3	89,9	25,1
$\pm\sigma, \text{ см}$	2,29	1,69	1,23	9,56	3,64
$V, \%$	15,4	18,0	16,8	10,6	14,5
ДТ бўйича	8-15	8-12	2-4	70 ёки 90	12-25

- пуштаннинг баландлиги.

1-расмда ўғитлагичнинг иш жараёнидаги кўриниши тасвирланган. Синовларда олинган натижалар жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, органик ўғитни кўмиш чуқурлиги ўртача 14,9 см бўлиб, унинг ўртача квадратик четланиши 2,29 см ни ташкил этди. Солинган ўғит тасмасининг кенлиги 9,4 см, баландлиги 7,3 см, икки пуштага солинган ўғит тасмалари орасидаги масофа 89,9 см га тенг бўлди. Уларнинг вариация коэффицентлари мос равишда 18,0%; 16,8% ва 10,6% га тенг. Пуштаннинг баландлиги 25,1 см ни ташкил этиб, ўртача квадратик четланиши 3,64 см, вариация коэффиценти эса 14,5% ни ташкил этди.

2-расмда ўғитлагич қурилма ёрдамида локал усулда солинган ўғитнинг координаталарини аниқлаш учун қовлаб очилган пушталарнинг кўндаланг кесими, 3-расмда эса шу кўндаланг кесимнинг координата каттакларига туширилган схемаси тасвирланган.

1-агрегат ҳосил қилган пушталар профили; 2-даланинг дастлабки ҳолати;

3-пушта тагига солинган ўғит

Жадвалда полиз экинлари экиладиган далаларда пушта ҳосил қилиб, органик ўғитларни локал соладиган ўғитлагич қурилма бажариши лозим бўлган технологик жараён учун ишлаб чиқилган вақтинчалик дастлабки талаблар (ДТ) ҳам келтирилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, ўғит тасмасининг баландлиги бўйича олинган натижалар ДТга мос тушмайди, бошқа кўрсаткичлар эса меъёр даражасида. Дастлабки талаблар вақтинчалик эканлигини ҳамда ундаги рақамлар дала тадқиқотлари давомида аниқлаштирилиши мумкинлигини эътиборга олиб, дастлабки дала синовларидан ўтказилган тажрибавий ўғитлагич қурилма белгиланган технологик жараённи тўла бажарди, деб айтишга ҳақлимиз.

А.АБДУРАХМАНОВ,
т.ф.н., катта илмий ходим.,

П.УТЕНИЯЗОВ,
кичик илмий ходим,
(ҚХМИТИ).


АДАБИЁТЛАР

1. Юркин С.Н. Эффективные способы внесения удобрений. – М.: ВНИИТЭИСХ, 1981. – 53 с.
2. Трапезников В.К., Иванов И.И., Тальвинская Н.Г. Локальное питание растений. – Уфа: Гилем, 1999. – 259 с.
3. П.А.Утениязов. Органик ўғитларни локал солиш технологияси // “Агро илм” журнали. – Тошкент, 2016. – №1 (39). – 70-71 б.

ЎЗА ҚАТОР ОРАСИГА ИШЛОВ БЕРИШДА КОМБИНАЦИЯЛАШГАН СУСПЕНЗИЯ СЕПИШ МОСЛАМАСИ ПУРКАГИЧ УЧЛИКЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

This article is devoted to the effective use of modern technologies and technical means in the fight against diseases and pests of agricultural crops in the country, improving the quality of processing.

Қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлган ўза ўсимлигининг ривожланиши турли хил омилларга боғлиқ бўлиб, касалликларга ва зараркундаларга қарши курашишда кимёвий ишчи аралашма (пестицидлар) ва суспензиялар билан ўз вақтида ўзаларга тўғри ишлов беришга боғлиқдир. Ўсимликларга кимёвий ишлов бериш жараёнида вентиляторли мосламалардан фойдаланилганда атроф-муҳитнинг ҳавонинг кучли заҳарланишига сабаб бўлади. Амалдаги санитария қоидаларига асосан вентиляторли сепиш мосламаларидан фойдаланиш аҳоли яшаш пунктлари ва дам олиш жойларидан энг камида 500 метр узоқликда рухсат этилади.



1-расм. КХУ-4 култиваторига комбинациялашган суспензия сепиш мосламасини ўрнатиш баландлигини аниқлашга доир схема.

Ўсимликларга ишлов беришга қўйилган бундай замонавий талаб экин майдонларига мукамал агрокимёвий ишлов бериш учун олимлар олдида юқори самарадорли, ҳавони минимал даражада ифлослантирадиган, энергиятежамкор технологияни яратиш борасида муҳим вазифалар юклайди.

Ишлов бериш жараёнида номукамал қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш агрокимёвий ишчи аралашмалар сарфининг ошиб кетишига сабаб бўлади ва атроф-муҳитнинг экологик таркибини ёмонлаштиради, энергия сарфини оширади, иқтисодий самарадорликни пасайтиради.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун ўсимликларга кимёвий ишлов беришда ишлаб чиқаришга комбинациялашган техникаларни жорий этиш лозим. Бунда ўзаларга кимёвий ишлов беришда кимёвий аралашмани ҳавога эмас, балкибевосита ўза барглари уст ва ост томонларига сепадиган мини-пуркагичларни фойдаланиш самарали ҳисобланади. Чунки бундай мосламалардан фойдаланилганда кимёвий аралашмаларнинг атроф-муҳитни зарарлаши 500 метрдан 200 метргача камайд. Кимёвий ишлов беришда кимёвий аралашманинг атроф-муҳитга тарқалиш доирасининг камайирилиши экин майдонларининг аҳоли яшаш пунктларига яқин жойларида ҳам ишлов бериш имконини беради.

Комбинациялашган пуркагичларни қўллаш орқали тупроққа ва атмосферага тарқаладиган кимёвий ишчи суюқлик сарфини ва атроф-муҳитнинг зарарланишини, инсонлар соғлигига салбий таъсирининг максимал даражада камайишига олиб келади. Бу ўз навбатида аҳолига яқин бўлган ҳудудларда ҳам қишлоқ хўжалик техник экинларини етиштириш имконини яратади.

Шуни айтиш мумкинки, ўза қатор ораларига ишлов беришда комбинациялашган пуркагичнинг ишчи суюқлик сарфига пуркаш учликларининг параметрлари билан боғлиқ бўлади.

Сепиш мосламасининг учликларини маълум иш тартибига сошлаш пуркагичнинг ҳаракат тезлиги ва қамраш кенглигини ҳисобга олган ҳолда, ўза баргига сепилдиган суспензия сарфи бўйича амалга оширилади. Юқоридаги параметрларни ҳисобга олган ҳолда учлик орқали узатиш сарфи (m^3/c) куйидаги формула орқали аниқланади.

$$q = 0.001 \frac{QAv}{n}; (1)$$

Бу ерда Q - ишчи суюқликнинг белгиланган меъёрий сарфи, л/га; V - агрегатнинг қамров кенглиги, м; V - агрегатнинг тезлиги, м/с; n -учликлар сони. Учликлар орқали сепилдиган суюқлик сарфи (1) формула

бўйича, учликдан сепилдиган суюқликнинг сепилиш юзаси f (mm^2), резервурдаги ишчи суюқликнинг босими P (МПа)ни танлаб, куйидаги ифодани олиш мумкин.

$$q = 0.001 f \sqrt{2P}; (2)$$

Бу ерда μ -учликнинг турига боғлиқ бўлган сарф коэффициенти бўлиб, ўзаки марказдан қочирма учликлар учун $\mu=0.41$; конуссимон ва тангенциал марказдан қочирма учликлар учун $\mu=0.27$ га тенг бўлади.

$f = \pi r^2/4$ лигини ҳисобга олган ҳолда, босим P да, маълум шароит талаб қилинадиган учликнинг чиққиш тешигининг кундаланг кесим юзаси, магистралдаги ишчи босим P ва агрегатнинг ҳаракат тезлигига v -боғлиқлигини кўрсатади, яъни

$$Q = 0.001 f \sqrt{\frac{2P}{vA}}; (3)$$

Кимёвий ишчи аралашма билан ишлов берилганда ўза барглари уст ва ост қисмларининг қоплаш текислиги комбинациялашган суспензия сепиш мосламаси юзасида жойлашган баландликга боғлиқдир. Кимёвий ишчи аралашма ёки суспензия билан ишлов берилдиган ўза барги юзаларини қоплаш текислиги КХУ-4 култиваторига ўрнатилган комбинациялашган мосламанинг жойлашиш баландлигига боғлиқ бўлади. Агротехник талабларга биноан комбинациялашган суспензия сепиш мосламасининг баландлиги n ни шундай танлаш керакки, бунда баргларга икки томонлама ҳам уст ва ост томонидан ишлов бериш ва қамраш кенглиги бўйича суюқлик сарфи миқдорининг бир текислигини таъминлайдиган пуркаш конусларидан сепилган суюқлик юзаси бир-бирини қоплаши керак бўлади.

Суспензия сепиш мосламасини минимал ўрнатиш баландлиги куйидаги формула орқали аниқланади

$$h_{min} = \frac{\ell}{g \left(\frac{\alpha}{2}\right)}; (4)$$

бу ерда ℓ - n - учликлар орасидаги масофа, м; V -пуркагич мосламасининг қамраш кенглиги, м; n - учликлар сони α - пуркаш бурчаги.

Суспензия ва кимёвий ишчи аралашмаларни сепиш мосламасининг мақбул жойлашиш баландлиги формула орқали ифодланади

$$D h = h_{min} \leq h \leq h_{max} = 9 h; (5)$$

Шуни хулоса қилиш мумкинки, илмий тадқиқот тажрибаси ўтказиш натижасида КХУ-4 култиваторига ўрнатилган комбинациялашган суспензия ва кимёвий ишчи аралашмаларни сепиш мосламасининг мақбул жойлашиш баландлиги (5) ифодани қаноатлантирса мақсадга мувофиқ бўлади.

**А.БЕКНАЗАРОВ,
А.ХАСИЛБЕКОВ,
Б.НУРМУХАМЕДОВ,
Ш.ЁДГОРОВА,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Тошболтаев М.Т. Состояние и перспективы развития механизации сельского хозяйства в Республике Узбекистан // «Кадрлар тайёрлаш тизимида - аграр таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси» илмий асарлар тўплами. ТошДАУ. 2005. 163 - 166-бетлар.

3. Норкулов Э, Тошболтаев М. Т. Ўза парвариши — дастлабки аэротехник тадбирлар // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. 2007 йил.

4. Ташкулов С.Т., Баръетас.Т.К. Дефолиация хлопчатника сортов «Ташкент». Ташкент: Узбекистан, 1976. - 96 с.

5. Догода А.П. Обоснование параметров и режимов работы опрыскивателя тунельного типа для виноградников // Дисс. Симферополь, 2017.

МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ТОЗАЛАШ МАШИНАСИ ҲАВО-ТОЗАЛАШ ҚИСМИНИНГ МАҚБУЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

In the article results of the technological process and experiment were illustrated of machine which was created for preliminary cleaning the oily plants (safflower, sunflower and others).

Ҳозирда мойли экинлар етиштириш стратегиясига кўра, махсар лалми ерларда, кунгабоқар ва соя эса ғалладан сўнг такрорий экин сифатида катта майдонларда етиштирилмоқда.

Уларнинг ҳосили Кейс-2366, Доминатор-130, Нью-Холланд ТС-5060, Дон-1500Б каби замонавий комбайнлар ёрдамида йиғиштириб олинмоқда. Йиғиштирилган махсар уруғи ёғ заводларига топширилишидан олдин албатта дастлабки тозалашдан, зарур бўлса қуришти жараёнидан ҳам ўтиши керак. Мойли экинларни сақлаш ёки уни қайта ишлашдаги базис меъёрларга кўра намлик 13 фоиздан, бегона қўшилмалар миқдори 2 фоиздан ошмаслиги зарур.

Амалиётда бегона аралашмалар миқдори 8-13 фоизни ташкил этиб, мойнинг сифати-га салбий таъсир қилмоқда.

Ёғ заводларидаги мавжуд технологик линиялар пахта чигити учун мўлжалланганлиги сабабли мойли экинлар уруғини сифатли тозалаб олиш имконини бермайди. Чунки улар уруғининг ўлчам-масса кўрсаткичлари ва аэродинамик хоссалари чигитникдан кескин фарқ қилади.

Фермер хўжалиқларида эса ўзида уруғ тозалаш машиналари йўқ. Шу боис улар бу ишларни асосан қўл меҳнати ёрдамида оддий усулда — шамол кучидан фойдаланиб бажармоқдалар.

Демак, иш унуми етарлича катта ва энергия-ресурстежамкор уруғ тозалаш машиналарини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб илмий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Олиб борилган изланишлар асосида ҚХМИТИда янги конструкциядаги уруғ тозалаш машинаси ишлаб чиқилди.

1 – бункер; 2 – таъминлагич жўва; 3 – сўрувчи қувур; 4 – вентилятор; 5 – чанг сўндиргич; 6 – юқори ғалвир; 7 – пастки ғалвир; 8 – бегона аралашмалар йиғиладиган идиш; 9 – тоза уруғ йиғиладиган идиш; 10 – электродвигател; 11 – ғалвирга ҳаракат берадиган шатун; 12 – тебрантиргич; 13 – рама.

Уруғ тозалаш машинасининг технологик схемаси.

Ушбу уруғ тозалаш машинаси конструкциясига ЎзРнинг №FAP 01127 ва №FAP 01209 патентлари олинди.

Уруғ тозалаш машинаси иш жараёни куйидагича кечади. Тозалашга мўлжалланган уруғли аралашма бункер 1 дан ўтиб, уячали резина тақсимлагич 2 ёрдамида меъёрланиб, ҳаво аспирацион қисмининг қия ўрнатилган сўриш қувури 3 га етказиб берилади. Сўриш қувурида вентилятор 4 ҳосил қилган ҳаво оқими ёрдамида уруғли аралашма таркибдаги энгил аралашмалар (чанг, барг, қипиқ ва бошқа) ажратиб олинади ва чанг сўндиргич 5 га узатилади ва сўндирилган энгил аралашма сўндиргич учки қисмида ўрнатилган қопга келиб тушади. Бу машинанинг иш жараёнида ён-атроф чангиб кетишининг олдини олади. Йирик ва майда оғир аралашмалар сўриш қувурининг қия туби бўйлаб ҳаракат қилиб, юқори ғалвир 6 га келиб тушади. Бу ғалвирда уруғли аралашма таркибдаги йирик аралашмалар туби қолинади. Уруғ ва майда аралашмалар ғалвир кўзларидан ўтиб, пастки ғалвир 7 га тушади ва унда майда бегона аралашмалар ажратиб олинади, тоза уруғлар эса пастки ғалвир 7 юзаси бўйлаб ҳаракатланади ва тоза уруғ учун мўлжалланган сиғимли идиш 9 га келиб тушади. Юқори ва пастки ғалвир ёрдамида ажратиб олинган бегона аралашмалар эса улар

Омилларнинг мақбул қийматлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Омилларнинг қийматлари		
	X_1 , мин ⁻¹	X_2 , градус	X_3 , мм
Шартли	0,0499	-0,8964	0,0495
Ҳақиқий	2209,98	30,03	98,51
Яхлитланган	2200	30	100

Асосий омиллар ва уларнинг ўзгариш чегараси

№	Омиллар	Белгиланиши		Омиллар сатҳи		
		Ҳақиқий	Шартли	-1	0	+1
1.	Вентиляторнинг айланишлар сони, мин ⁻¹	n_v	X_1	2000	2200	2400
2.	Сўриш қувурининг қиялиги, градус	β_k	X_2	20	30	40
3.	Сўриш қувурининг баландлиги, мм	h_k	X_3	70	100	130

учун мўлжалланган идиш 8 га тушади. Машинанинг ҳаракатланадиган ишчи қисмларига ҳаракат электродвигател 10 дан тасмали узатмалар орқали берилади. Ғалвирлар тебрантиргич 12 ва унинг шатуни 11 ёрдамида илгариланма-қайтма ҳаракатга келтирилади.

Уруғ тозалаш машинаси ҳаво билан тозалаш қисмининг мақбул параметрларини аниқлаш учун кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Бунда, вентиляторнинг айланишлар сони, сўриш қувурининг қиялиги, сўриш қувурининг баландлигини уруғли аралашмалар таркибидан энгил аралашмаларнинг ажралиши ва уруғ нобудгарчилигига таъсири V_3 режаси асосида тадқиқ этилди. Бу омилларнинг ўзгариши чегаралари ушбу 1-жадвалда келтирилган.

Вентилятор айланишлари сони n_v , сўриш қувурининг қиялиги β_k , сўриш қувурининг баландлиги h_k нинг энгил аралашмаларнинг ажралиш тўлиқлиги ва уруғ нобудгарчилигига таъсири куйидаги сатҳларда тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижалари билан энгил аралашмаларнинг ажралиш тўлиқлиги ва уруғ нобудгарчилиги бўйича регрессия тенгламалари олинди:

- энгил аралашмаларнинг ажралиш тўлиқлиги бўйича, (%)

$$Y_{e.a.} = 82,073 + 1,130X_1 + 1,120X_2 + 1,103X_3 - 0,573X_1^2 - 0,154X_1X_2 - 0,590X_2^2 - 0,540X_3^2, \quad (1)$$

- уруғларнинг нобудгарчилиги бўйича, (%)

$$Y_n = 0,014 + 0,001X_1 + 0,001X_2 + 0,001X_3 - 0,001X_2^2 - 0,001X_3^2, \quad (2)$$

Ушбу регрессия тенгламалари экстремумга тадқиқ этилиб, вентиляторнинг айланишлар сони, сўриш қувурининг қиялиги, сўриш қувури баландлигининг мақбул қийматлари аниқланди.

Ўтказилган кўп омилли тажрибаларга кўра, уруғ тозалаш машинаси сўриш қувури, вентилятор айланишлар сонининг мақбул параметрлари ва иш режимлари $n_v=2200$ мин⁻¹; $\beta_k=20$ градус; $h_k=100$ мм бўлганда энгил аралашмаларнинг ажралиши ва уруғ нобудгарчилиги талаб даражасида бўлиши аниқланди.

**М.КАРИМОВ
О.ОЧИЛДИЕВ**

илмий ходимлар, (ҚХМИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Хушвақтова Х. Мойли экинларни такрорий экиш// «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2011. – №2. 22. – Б
2. Ботиров Х., Мирзаев Т., Холматов Б. Такрорий экин сифатида экиладиган соянинг «Тўмарис» ва «Ойжамол» навларини сўғориш режимининг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига таъсири// «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2013. – №8. 30. – Б.

БОҒ ҚАТОР ОРЛАРИНИ ҲАР ХИЛ ЧУҚУРЛИҚДА ТЕКИС ШУДГОРЛАЙДИГАН ФРОНТАЛ ПЛУГНИНГ КОНСТРУКТИВ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

In the article, a frontal plug design was developed which will allow the soil to grow in various depths of soil and provide movement of the aggregate along the center of the garden. Constructive parameters of the frontal plug, which are smooth plowing between the row of gardening.

Боғдорчиликда асосий ишлов бериш боғдорчилик ва умумий ишларга мўлжалланган плуглардан фойдаланиб амалга оширилиб келинмоқда. Бу плугларнинг камчилиги шундан иборатки, ҳар бир боғ қатор орасини ишлашда қатор ораларида марзалар, тупроқ уюмлари, дарахтларнинг ҳосилли шохлари ва илдизларининг зарарланиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида қўшимча ишларни келтириб чиқариши билан биргаликда боғларнинг ҳосилдорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатади.


Келтирилган камчиликларни бартараф этиш ва боғлардан юқори ҳосил олиш учун қатор ораларига асосий ишлов беришда янги технологиялар ва техникалардан фойдаланиш билан боғ қатор ораларини белгиланган агротехник талаблар даражасида шудгорлаш ишларини ўз вақтида сифатли яқунлашни тақозо қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, боғдорчиликда қатор оралари тупроқларига ҳар хил чуқурликда ишлов берадиган ва агрегатнинг боғ қатор ўртаси бўйлаб ҳаракатини таъминлай оладиган фронтал плуг конструкцияси ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган плуг икки модулдан иборат бўлиб, чап модул қатор ўрта қисмини 25-30 см чуқурликда, дарахт танасига яқинлаштирилган ўнг модул эса 15-18 см чуқурликда ишлов беради. Икки модул орасида битта модул кенглигидаги майдон шудгорланмай қолади ва кейинги ўтишда 25-30 см чуқурликда ишлов берилади. Плуг корпусларининг бундай жойлаштирилиши дарахт илдизларининг шикастланишини камайтириш ва дарахт тубига яқинлашиб ишлов бериш, тракторнинг эса қатор ўртаси бўйлаб ҳаракатланиш имконини беради.

Тадқиқотлар натижаларига асосан кўп йиллик боғ қатор ораларини эгат ва марзаларсиз текис шудгорлайдиган лойihalangan плугнинг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган асосий конструктив параметрлари 1-расмда келтирилган.

Плугнинг иш жараёнига ва энергия сарфига таъсир этадиган асосий параметрларга қуйидагилар кирилади: v_n – битта корпусга тўғри келадиган тупроқ палаҳсаси кенглиги; $l_{\text{с}}$ – корпуслар жойлашиш чизигидан таянч ғилдираклар ўқигача бўлган бўйлама масофа; v_n – осииш қурилмаси пастки шарнирлари орасидаги масофа; h_i – осииш қурилмаси пастки шарнирининг баландлиги; h_s – осииш қурилмаси баландлиги; l_i – осииш қурилмаси симметрия ўқи билан плугнинг симметрия ўқи ўртасидаги масофа (плугнинг тракторга нисбатан ўнг томонда жойлашишини ифодалайди), a_p , a_c – мос равишда ўнг ва чап модулларнинг шудгорлаш чуқурлиги; V – агрегатнинг ҳаракат тезлиги.

Плуг иккита: ўнг ва чап модуллардан иборат бўлиб, бу модуллар иккита: жуфт ўнг 7 ва чап 2 томонга ағдарадиган корпуслар ва бу корпусларга мос заплужниклар 3 ва 6 лардан ташкил топган. Чап модул корпуслари модулнинг симметрия



ўқи II-II га, ўнг модул корпуслари эса III-III га нисбатан симметрик жойлашган. Бунда ўнг модул корпуслари чап модул корпусларига нисбатан кам чуқурликка ишлов берадиган қилиб жойлаштирилган, яъни $a_c > a_p$.

а- горизонтал текисликда; б- кўндаланг фронтал текисликда
1-расм. Боғ қатор ораларини текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив схемаси ва параметрлари

Плугнинг шудгорлаш чуқурлиги олд томонда жойлаштирилган таянч ғилдираклар 8 ёрдамида ростланади.

Плугнинг осииш қурилмаси иккита пастки ва битта юқори шарнирлардан иборат бўлиб, плугнинг симметрия ўқидан чап модул томонга l_i масофага силжитилган. Ҳар бир модул орқасига плуг рамасига алоҳида-алоҳида бириктирилган таянч-текисловчи катоклар 4 ва 5 ўрнатилган.

Боғ қатор ораларидан ҳаракатланганда чап 2 ва ўнг томонга ағдарувчи корпуслар 7 тупроқни кесади ва заплужниклар 3, 6 палаҳсани кўтаради ва уни тўлиқ 180° га ағдаради. Корпуслар орқасида жойлашган таянч-текисловчи катоклар 4, 5 тупроқларни қўшимча равишда майдалайди ва тупроқ юза қисмини текислайди.

Боғ қатор ораларини шудгорлашда v_n нинг қийматига яна битта қўшимча талаб қўйилади, яъни v_n нинг қиймати боғ қатор оралари кенглиги ва корпуслар сонига боғлиқ ҳолда танланиши лозим. Ҳозирда паст, ўрта ва кучли усувчи боғ қатор оралари $V_m = 5 \dots 6$ метр кенгликда бўлиб, шудгорланадиган майдон ҳимоя зонаси кенглигида, $\Delta = 0,5 \dots 1$ м ни ташкил қилади. У ҳолда $v_n = 0,5 \dots 1$ м қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Тўрт корпусли плуг бир ўтишда 2 метр кенгликда, икки ўтишда эса 4 метр кенгликдаги ҳудудни шудгорлайди. v_n нинг қиймати 0,5 м дан кичик бўлса ҳимоя зонаси белгиланганидан катта қолади, бу эса қўшимча қўл меҳнати талаб қилади. $v_n > 0,5$ м бўлиши ҳимоя зонасини камайтириш имконини беради, аммо $k = \frac{a_c}{a_p}$ қийматнинг талаб қилинган $k = 1,6 \dots 2,2$ оралиқдан ошиб кетишига сабаб бўлади. Қабул қилинган палаҳса кенглигида битта модулнинг қамраш кенглиги $2v_n = 2 \cdot 50 = 100$ см га тенг бўлади. Модул кенглигига мос равишда таянч-текисловчи каток кенглиги ҳам 100 см бўлади. Плуг симметрия ўқидан модуллар симметрия ўқларигача бўлган масофалар ҳам $2v_n$ тенг қабул қилинади, чунки бу ҳолатда модуллар орасидаги масофа ҳам $2v_n$ га тенг бўлиб, агрегатнинг қайтишида чап модул

томонидан шудгорланади.

Таянч ғилдаракларнинг жойлашишини ифодаловчи $\xi_{\text{г}}$, $\xi_{\text{д}}$, $\xi_{\text{пр}}$, масофалар плугнинг равон ҳаракатланиши, ғилдираклардаги юкламанинг тенглиги ва доимийлигини таъминлаш шартларидан келиб чиққан ҳолда асосланади. Плугнинг тракторга нисбатан ўнг томонга чиқариб жойлаштириш $\xi_{\text{н}}$ масофанинг қийматиға боғлиқ бўлиб, $\xi_{\text{н}}$ нинг рационал қиймати агрегатнинг горизонтал текисликдаги ҳаракатининг равонлигини таъминлаш шартидан келиб чиқиб аниқланади.

Осиш қурилмасининг параметрлари $v_{\text{н}}$, $h_{\text{д}}$, $h_{\text{г}}$ эса плугнинг бўйлама ва кўндаланг вертикал текисликлардаги тебранишларига таъсир этувчи асосий факторлар ҳисобланади ва улар рухсат этилган чегаралардан шудгорлаш чуқурлигининг чиқмаслик шарти ($\Delta a < 2\text{см}$) билан асосланади.

Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган плугнинг асосий конструктив параметрларини асослаш билан плугнинг боғ қатор ораларида равон ҳаракатланишини ва агротехника талаб

даражасида сифатли ишлашни таъминлашга эришилади.

И.ЭРГАШЕВ,
т.ф.д., профессор,
Х.ПАРДАЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
Б.РАХИМОВ, Ю.РАХИМОВ,
магистр талабалар,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Аниферов Ф.Е., Ерошенко Л.И., Теплинский И.З. *Машины для садоводства. - 2-е изд., перераб. и доп. - Л.: Агропромиздат. Ленингр. отд-ние, 1990. - 304 с.*
2. Эргашев И.Т., Маматов Ф.М., Пардаев Х.К., Ахмедов М.К., Таштемиров Б.Р. Патент FAP 00840. *Боғ қатор ораларини турли чуқурликларда текис шудгорлаш учун плуг// Расмий ахборотнома. -2013. -№10.*

УДК 621.34.348.45

АГРОТЕХНИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ВЕНТИЛЯТОРНОГО ОПРЫСКИВАНИЯ С ДВОЙНЫМ СОПЛОМ

Для возделывания основных сельхозкультур в Узбекистане разработаны типовые механизированные технологии и исходные требования на технику. Под практическую реализацию механизированных технологий разработана Система Машин. В сельскохозяйственном производстве в основном применяются опрыскиватели, опыливатели, аэрозольные генераторы. По конструкции опрыскиватели подразделяют на штанговые и вентиляторные. В СП «Agrixim» разработан принципиально новый опрыскиватель с двойным соплом, который сочетает в себе положительные элементы штанговых и вентиляторных опрыскивателей.

Принципиальная схема опрыскивателя показана на рис. 1, 2 и 3, где на раме 1 смонтированы вентилятор 2 с нагнетательным патрубком 3; рабочие органы (сопла) левый 4 и правый 5, противоположно направленные и несущие на концах форсунки: левые 6 и правые 7; привод 8, связанный с валом отбора мощности трактора.

Противоположно направленные рабочие органы смещены относительно друг друга в горизонтальной плоскости по ходу движения агрегата и в месте сочленения образуют короб 9, разделенный диафрагмой 10 на передний 11 и задний 12 отсеки.

Задняя часть короба 9 выполнена криволинейной, где сверху имеется пазуха 13, а в нижней отводок 14, на котором закреплены задние форсунки 15 и воздушные насадки 16.

Отводок 14 в горизонтальной плоскости имеет закругленную форму. В заднем отсеке 12 размещена заслонка 17, которая образует окно 18. Снизу рабочих органов имеются левый 19 и правый 20 наклонные патрубки для воздушного потока, которые снабжены левыми 21 и правыми 22 форсунками.

На концах рабочих органов размещены левый 23 и правый 24 направители воздушного потока, положение которых регулируется винтовыми механизмами 25 и 26. Внутри рабочих органов вмонтированы левый 27 и правый 28 по-




Рисунок 1. Компонентная схема опрыскивателя (вид сбоку).
лые цилиндры.

Гидросистема и емкости для рабочей жидкости взяты от базового опрыскивателя VP-1 (на рисунках не показаны).

Работает устройство следующим образом.

Через вал отбора мощности трактора посредством привода 8 приводится в движение крыльчатка вентилятора 2, создается воздушный поток, который через нагнетательный патрубок 3 подается в короб 9, где диафрагмой 10 делится на две части и направляется в левый 4 и правый 5 рабочие органы (сопла).

Одновременно гидросистемой к форсункам 6 и 7 подается рабочая жидкость, которая распыляется форсунками, подхватывается воздушной струей и наносится на растения (деревья, виноградники), расположенные слева и справа от опрыскивателя.

Направление распыла по высоте регулируется левой 23 и правой 24 заслонками, которые могут отклоняться вверх-




Рисунок 2. Компоновочная схема опрыскивателя (вид сзади).
вниз посредством винтовых механизмов 25 и 26.

Для обработки полевых культур дополнительно включаются в работу наклонные сопла 19 и 20, несущие форсунки 21 и 22, а также форсунки 15 и воздушные сопла 16. Рабочая жидкость, распыленная форсунками 21, 22 и 15 подхватывается воздушным потоком, создаваемым соплами соответственно 19, 20 и 16, и наносится на растения (полевые культуры), расположенные сзади опрыскивателя.

Напор воздуха для работы форсунок 21 и 22 обеспечивается полыми цилиндрами 27 и 28. Напор воздуха, необходимый для работы форсунок 15 обеспечивается раздельной заслонкой 17, которая в верхней части корпуса 9 образует проходное окно 18, через которое воздух подается к соплам 16.

Корпус двоядных сопел 4 и 5 в задней части имеет пазуху завихрения 13, где сконцентрированный поток воздуха разворачивается и доставляется к нагнетательным патрубкам 16, затем подхватывает распыленную форсунками 15 рабочую жидкость и наносит ее на растения, расположенные непосредственно сзади опрыскивающего агрегата (трактор+опрыскиватель).

Включение в работу всех упомянутых форсунок 6,7,21,22,15 позволяет получать сплошное качественное нанесение химических препаратов на зараженную поверхность сельскохозяйственных растений, возделываемых на гладком поле.

Полевые испытания опрыскивателя с двойным соплом проводились в сезоне уборки хлопка 2018 года на полях УзГЦИТТ. Оценка агротехнических показателей опрыскивателя проводилась на технологическом процессе дефолиации хлопчатника, посеянного с междурядьями 60 и 90

см. Для междурядий 60 см использовался для агрегатирования трактор Т28Х4МА, а для междурядий 90 см – трактор ТТ3-811.

На опрыскивателе использовались по 7 шт. распылителей на боковых цилиндрических соплах, по 3 шт. на наклонных боковых соплах и 6 шт. на среднем заднем сопле. Опытами установлено, что общий минутный расход препарата в целом по опрыскивателю при давлении в системе от 2 до 17 бар составил от 34,7 л/мин до 66,5 л/мин.

Агрегат работал с рабочей скоростью 6 км/ч. При этом ширина захвата опрыскивателя при агрегатировании с трактором Т28Х4МА равнялась 25,2 м (по АТТ не менее 24 м), а с трактором ТТ3-811 – 27 м. Это связано с увеличенной мощностью двигателя трактора ТТ3-811.

Эффективность процесса дефолиации хлопчатника на шестой день после обработки составила:

для междурядий 60 см – после шести дней опало листьев 89,15%, раскрылось 63% коробочек; после 12 дней




Рисунок 3. Компоновочная схема опрыскивателя (вид сверху).

опало листьев 95,89%, раскрылось 67% коробочек;

для междурядий 90 см – после шести дней опало листьев 75,72%, раскрылось 75,7% коробочек; после 12 дней опало листьев 79,8%, раскрылось 79,8% коробочек.

Испытания показали, что по эффективности дефолиации растений хлопчатника вентиляторный опрыскиватель с двумя соплами с установленными параметрами отвечает агротехническим требованиям и техническому заданию. Агрофон хлопкового поля подготовлен для машинного сбора хлопка-сырца.

А.ЮЛДАШЕВ,
директор,
ООО «AGRХИМ»

ЛИТЕРАТУРА

1. Матчанов Р.Д., Пальмин Г.И. Машины для хлопководства за 35 лет (конструктивные особенности, тенденция развития). — Ташкент: Фан, 1996 г. — С. 50-60.
2. Система Машин и технологий для комплексной механизации сельскохозяйственного производства на 2011-2016 г.г. Часть I. Растениеводство. — Ташкент: «YUSUF YANGI NASHR», 2013.
3. Сабликов М.В. Механизация хлопководства. — Москва: «Колос», 1975 г.
4. Матчанов Р.Д. Защита растений в системе «культура-вредитель-препарат-машина». — Ташкент: «Фан», 2016 г.
5. Опрыскиватель. Патент РУз № IAP 05658.

УСТРОЙСТВО ЭКСТРАГИРОВАНИЯ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ НА ОСНОВЕ ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

In the scientific work, the installation of electromagnetic technology for extracting, in particular, pectin from vegetable raw materials (cotton caselets) has been developed. The introduction of this technology has reduced the processing time and energy consumption. In this case, electromagnetic fields of ultrahigh frequencies were used.

Для экстрагирования компонентов растительного сырья на основе электромагнитных технологий применяется разработанное устройство [3]. Принципиальная конструктивная схема которой показана на рис.1.

Предлагаемый экстрактор содержит вертикальный цилиндрический корпус 1, в нижней части которого расположена сетчатая вставка 2, загрузочный патрубок 3, выгрузочный пробковый кран 4, патрубок 5 ввода экстрагента и крышку 6. Внутри корпуса (соосно) установлена центральная циркуляционная труба 7 с раструбом 8, выполненная в виде многослойного желоба и, расположенная вокруг циркуляционной трубы, сквозные перфорированные трубчатые элементы 9 с загнутыми в сторону циркуляционной трубы нижними концами. Трубчатые элементы закреплены к циркуляционной трубе двумя рядами радиальных связей 10 с бандажными кольцами 11. Внутри трубчатых элементов расположены шнеки 12, а над раструбом установлена лопастная мешалка 13. Привод шнеков и мешалка осуществляется от мотор редуктора 14, звездочек 15 и цепной передачи 16. Коническая сетчатая вставка образует с днищем корпуса полость 17 для рециркуляции экстракта через патрубок 18, насос 19, клапан 20 и конфузурно – диффузорное устройство 21. Для равномерного распределения сырья по трубчатым элементам внутри корпуса предусмотрен многосекционный склиз 22.

С внешней стороны корпуса напротив трубчатых элементов установлены волноводы 23. Волноводы расположены на уровне середины высоты трубчатых элементов таким образом, что зона воздействия СВЧ – волн превышает радиус установки трубчатых элементов.

Предлагаемый экстрактор работает следующим образом. Растительное сырье, преимущественно сухие створки хлопковой коробочки (содержит до 9% пектиновых веществ) подается в экстрактор через загрузочный патрубок 3, а через патрубок 5 вводится экстрагент в отношении створка: экстрагент 1(6-7). В качестве экстрагента используют 0,2 – 0,5% -ный раствор щавелевой кислоты. Одновременно включением мотор – редуктора 14 приводят в движение лопастную мешалку 13 и через цепную передачу 16 и звездочку 15 все шесть шнеков 12 в перфорированных трубчатых элементах 9.

Изначально створки хлопковой коробочки, как плавучее сырье, плавают на поверхности экстрагента на уровне раструба 8 циркуляционной трубы 7 и трубчатых элементов 9. За счет вращения шнеков 12 они продавливаются по трубчатым элементам 9 вниз и, пройдя загнутую часть, попадают в нижнюю горловину циркуляционной трубы 7, где захватываются восходящим потоком экстрагента, создаваемым конфузурно – диффузорным устройством 21 и насосом 19. Водно – сырьевая смесь проходит трубу 7 и, распределяясь равномерно по многослойному желобу, вновь поступает в трубчатые элементы 9.

По мере многократного прохождения циркуляционного потока через элементы 9 сырье пропитывается экстрагентом, набухает и подвергается воздействию электромагнитных полей сверхвысоких частот (ЭМП СВЧ), возбуждаемые волноводами 23 магнетрона (на фиг. 1 не показан) и вся обрабатываемая масса нагревается до 55-60°C и экстрагируется. Пектиновые вещества переходят в экстрагент частично выцеживается через перфорации труб наружу и, пройдя грубую фильтрацию через сетчатую вставку 2, поступает




Рис. Устройство экстрагирования.

а) принципиальная конструктивная схема, б) сечение А-А, в) вид Б.

во внешний контур рециркуляции и через конфузурно – диффузорное устройство 21 вновь поступает в аппарат до завершения процесса экстрагирования и получения конечного экстракта.

Применение электромагнитной технологии способствовало размягчению затвердевших стенок паренхимы и протоплазмы растительных клеток при сушке, что сократило время экстрагирования и увеличило выход целевого продукта.

В результате действия электромагнитной энергии происходило колебательное движение молекул воды и способствовало проникновению их в более глубокие поры сырья и увеличению диффузии экстрактивных веществ в раствор.

Внедрение данного устройства позволит интенсифицировать процесс экстрагирования и увеличить выход экстрагированных веществ, применяя при этом теорию единого электромагнитного поля.

А.САИТОВ,
соискатель, ассистент,
И.КОЛЕСНИКОВ,
к.т.н., доцент, с.н.с.,
ТашИИТ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Н.Ф. Ушакова. Опыт применения СВЧ энергии при производстве пищевых продуктов/ Н.Ф. Ушакова, Т.С. Копысова, А.Г. Кудряшова, В.В. Касаткин // Пищевая промышленность. – 2013. - №10 – с 30-32.

2. Т.С. Копысова, Исследование кисломолочных продуктов питания с применением растительного экстракта по физико-химическим показателям с 131-133 // Инновационные технологии переработки продовольственного сырья: материалы междунар. науч. – техн.конф. – Владивосток: Дальрыбвтуз, 2011. -479с.

3. А.А. Саитов, И.К. Колесников, Ж.Ф. Курбанов. Экстрактор для сухого растительного сырья с помощью СВЧ – энергии. // Изобретения. Официальный бюллетень. Ташкент 2018 г., №11(211), - С. 14.

ИПАК ҚУРТИ УРУҒЧИЛИГИ ТИЗИМИДА ХАРАЖАТЛАР ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

The article analyzes the formation of the prime cost of the product produced in the silkworm breeding system based on specific samples and provides recommendations for its reduction.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштириладиган бошқа маҳсулотлар сингари ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш таннархи ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари, фан ва техника ютуқлари ҳамда замонавий илғор инновацион тажрибалардан қай даражада фойдаланганлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш таннархи таркибининг тўғри ҳисоб-китобини амалга оширмай туриб, уруғнинг бир бирлиги учун харажат нархини белгилаш мумкин эмас.

Ипак қурти уруғи етиштиришда ишлатиладиган уруғ, тўшама қоғоз, ёнилғи, минерал ўғит, заҳарли химикатлар, инвентарлар ва бошқа материаллар нархи, электр энергияси ва юк ташиш тарифларининг ўзгариши каби омиллар таннарх структурасининг ўзгаришига турлича таъсир кўрсатади. Тармоқда уруғ ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган ўзгаришларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархи ва унинг структурасидаги ўзгаришларда акс этади. Шу сабабли ҳам таннарх ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо беришда энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Қайд этилганидек, пахта, дон маҳсулотлари, мева ва сабзавотчиликда бўлгани каби пиллачиликда ҳам уруғчилик тизими ва таъминоти даражаси бирламчи аҳамиятга эга. Пиллачилик тармоғида уруғчилик тизимининг алоҳида ўзига хослик жиҳати шундаки, уруғ ишлаб чиқариш бир неча босқичда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тамойилларига асосланади.

Бугунги кунда республикамизда пилла уруғчилиги тизимининг ривожланиш даражаси мавжуд ресурс ва салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда талаб даражасида, деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотларига кўра, республикамизда фаолият юритаётган ипак қурти уруғчилиги корхоналари томонидан ипак қурти уруғи етиштириш кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 2006 йилда 311676 қути, 2010 йилда 318439,2 минг қути ва 2014 йилда 246545,0 қути ипак қурти уруғи етиштирилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич ўтган 3-4 йилда яна камайган. Жумладан, 2015 йилда 183965 қути, 2017 йилда 70453 қути, 2018 йилда эса 100300 қути ипак қурти уруғи ишлаб чиқарилган, холос. Натижада бугунги кунда республикада боқилаётган пилланинг дурагай уруғлар миқдори импорт ҳисобига — валютага кириб келмоқда.

Шу жиҳатдан республикамизда замонавий бозор талабларига жавоб бера оладиган юқори сифатли табиий ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришиш, энг аввало, тармоқдаги уруғчилик корхоналари томонидан тайёрланган маҳсулотларга қатъий талаблар қўяди. Бунда:

— биринчидан, тайёрланган пилла уруғи ўзининг таркиби бўйича юз фоиз бир хил зотга (ёки дурагайга) мансуб бўлиши;

— иккинчидан, физиологик ҳолати бўйича ҳамма уруғ бир хил ва аъло сифатли бўлиши лозим, бунга эришиш учун уни тайёрлашдаги бутун технологик жараёнларни амалга оширишда белгиланган экологик шароитлар, ҳарорат, қурт боқилаётган ҳавонинг нисбий намлиги ва ипак қуртининг барча ривожланиш босқичларида уруғ, қурт, пилла ва капалакларни жойлаштириш майдони ва ҳажми, ёритиш шароити ҳамда озиклантириш жараёни қатъий назорат ва тартибда бўлиши;

— учинчидан, ишлаб чиқарилган уруғ ипак қуртининг касалликларини чақирувчилардан холи бўлиши, улар уруғнинг ичида ҳам, сиртида ҳам бўлмаслиги каби қатор талаблар қўйилади.

Бундай талаблар асосида тайёрланган уруғлар сифатли ва саноат талабига жавоб берадиган уруғлар бўлади.

Умуман, пиллачиликда наслчилик ва уруғчилик ишлари энг аввало янги зотни яратишни ва дурагай йўналишларни танлаш, сўнгра шу зот ва дурагайларни ҳар хил синаш, у муваффақиятли тугалланса, суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш ҳамда пилла хомашёси етиштириш учун «саноат» уруғини тайёрлаш вазифасини қўяди. Бу ишларни бажариш эса махсус илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар ҳамда давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки пилла уруғчилиги тизимида саноат уруғларини тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу уруғлар пилла хомашёсини етиштирувчи фермер (деҳқон) хўжаликлари ва касаначилар ҳамда уруғлик пилла етиштирувчи хўжаликларга тарқатилади. Демак етиштирилган “саноат” пилла уруғларининг арзон ва сифатли бўлиши, биринчидан, пилла хомашёси етиштириш, иккинчидан эса, етиштирилган пилла сифатининг талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Таҳлил натижаларига кўра республикадаги пилла уруғчилиги корхоналарида тайёрланаётган “саноат” пилла уруғларининг таннархи йилдан-йилга ошиб бориши кузатилмоқда. Мисол учун, 2014 йилда Самарқанд вилоятидаги “Самарқанд пилла уруғчилик” МЧЖ, ҳозирги “Samarqand tianzhu silk worm” МЧЖ ҚК уруғчилик корхонасида етиштирилган “саноат” пилла уруғи бир қутисининг таннархи 50 минг сўмни, уни сотиш баҳоси 52,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бир қути уруғ ҳисобига олинган фойда 2,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 0,4 фоизни ташкил этган. 2018 йилда етиштирилган бир қути уруғ таннархи 73,0 минг сўмни, сотиш баҳоси 90 минг сўмни ташкил этиб, олинган фойда миқдори 17,0 сўмни рентабеллик даражаси эса 21,6 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, корхонада уруғ етиштириш харажат турлари бўйича мос равишда: уруғ ишлаб чиқариш учун хомашё (уруғ) қиймати 37,7 ва 41,2 фоизни, меҳнат ҳақи 36,0-15,7 фоизни, электр энергия 0,2-0,5, табиий газ 0,3-0,6 фоиз, ишлаб чиқариш ва материал харажатлари 10,0-11,4, асосий воситалар эскириши 1,6-4,5, дезстанция, ённингга қарши кураш ва меъёрлаштириш харажатлари 0,3-0,2, транспорт харажатлари 0,7-0,2 ва давр харажатлари 13,2-19,4 фоизни ташкил этган. Қайд этилган таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, ўтган давр мобайнида корхонада хомашё сифатида фойдаланиладиган уруғ қиймати (3,5 пункт), электр энергия (0,3 пункт), табиий газ (0,3 пункт), асосий воситаларнинг эскириши (2,9 пункт) ва давр харажатлари (6,2 пункт)да кескин ўсиш кузатилгани ҳолда корхонада тўланадиган меҳнат ҳақи улуши (-20,3 пункт) ва транспорт харажатларида (-0,5 пункт) кескин камайиш тенденциялари юз берган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб айтиш лозимки, бу ҳолатни, фикримизча, 2014-2018 йилларда хомашё сифатида фойдаланиладиган уруғлик қийматининг ўсиши кейинги йилларда пилла уруғчилиги корхоналарида уруғ етиштириш ҳажмларининг кескин камайиб кетиши натижасида маҳсулот бирлиги учун қилинган харажатлар ва таннархининг ошиши, электр энергияси ва табиий газ нархнинг кескин суратлар билан ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин маҳсулот таннархида меҳнат ҳақи улушининг камайишини ижобий ҳолат, деб баҳолаб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, ре-

спубликаимиз пиллачилик тармоғида етиштирилаётган уруғлик маҳсулотлари таннархини камайтириш энг долзарб вазифалардандир. Бунинг учун:

- пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашда дастлаб асосий эътиборни уруғ ишлаб чиқариш тизимига қаратиш;

- тармоқнинг ўзагини ташкил этувчи уруғчилик тизими корхоналари, пилла хомашёсини етиштириш, хизматлар кўрсатиш ва моддий-техник таъминот ва қайта ишлаш саноати корхоналари ўртасида кооперация муносабатларини такомиллаштириш;

- пиллачилик тармоғи корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш, шартномавий, ташкилий-иқтисодий муносабатларни ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатиш;

- ипак қурти уруғи етиштириш тизимида турли техника-технологиялар ва инвентарлар ишлаб чиқариш тизимини маҳаллийлаштириш;

- ипакчилик мажмуи, жумладан, ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш тизимида интеграцион алоқаларни такомиллаштириш негизида ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг замонавий усуллари жорий этиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш

мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимизда етиштирилаётган ипак қурти уруғи таннархини камайтириш ва уларнинг сифатини мунтазам равишда яхшилаб боришга эришиш, пиллачилик тармоғини инновацион асосда ривожлантириш, тармоқни модернизациялаш, тармоқда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг даромадларини ошириш ва моддий рағбатлантириш, етиштирилаётган ипак қурти уруғининг рақобатбардошлик даражасини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Н.АСҚАРОВ,

ҚХИИТИ лойиҳа раҳбари, и.ф.н., кат.и.х.

А.БАХРИДДИНОВ,

ҚХИИТИ катта илмий ходими.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, "Иқтисод-молия", 2005 йил.

2. Н.Ахмедов, Н.Нодиралиева. Ипак қурти уруғи тайёрлашнинг янги технологияси. (Магистрлар учун маъруза матнлари). ТошДАУ, Тошкент, -2003 йил.

УЎТ: 333

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Diversification of farming activities has changed dramatically over the past few years, and the practice of setting up and operating production based on market principles is based on modern management principles. As a result of the capacity building of the farms, ensuring their financial and economic stability, their capacity to increase the productivity of agricultural crops, to increase productivity in livestock, to improve the quality of products and to increase their range.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбop маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишларимиз ҳам аста-секин ўз самарасини бермоқда. Жорий йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда қарам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ҳамда бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги тоқзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта иш-

“Шердор” фермер хўжалигининг 2015-2018 йиллардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 й.нинг 2015 й.га нисбати,%
1	Умумий ер майдони	17,8	56,3	55,8	55,8	313,5
	Шундан, сувли экин ерлар, га	2	-	-	-	-
	Лалми экин ерлар, га	9,7	18,5	18,5	18,5	190,7
	Боғзорлар, га	4	4,3	4,3	4,3	107,5
	Тоқзорлар, га	2	2	2	2	100,0
	Яйловлар, га	-	31,5	31	31	-
	Бошқа ерлар, га	0,1	-	-	-	-
2	Умумий ҳосил, тонна	50	55,1	68	88,5	177,0
	Шундан, мева, тонна	20	30,1	43	64,5	322,5
	Узум, тонна	30	25	25	24	80,0
3	Умумий даромад, млн. сўм	18	20	17	42	233,3
4	Фойда, млн. сўм	14	16	13	27	192,9
5	Рентабеллик, фоиз	28,6	25	30,8	55,6	194,4

ланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна хўл мева четга сотилди ва бу 856 миллион доллар валюта келтирди.


Қўйидаги расмда Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш динамикаси келтирилган.

Жадвал натижаларига, кўра, фермер хўжаликлари сони 2000 йилда 43 759 та, ўртача ер майдони 20,3 га, 2019 йилда 77554 та, ўртача ер майдони эса 48,1 га ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Гарчи ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам бир неча баробар ўсган бўлса-да, бу ўсиш саноат маҳсулотлари баҳолари ўсиши олдида ҳеч нарса бўлмай қоляпти. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўртасида йирик номутаносиблик вужудга келди. Оқибатда баҳоларнинг эркинлашуви қишлоқ хўжалиги корхоналари даромадларининг ошишига олиб келмади, аксинча, аксарият хўжаликлар танг иқтисодий аҳволга тушиб қолди.

Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариши мақсадларида харид этиладиган моддий-техника ресурсларидан етарли миқдорда ва ўз вақтида фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Мисол учун, “Шердор” фермер хўжалиги Узун туманида жойлашган бўлиб, фермерлик фаолиятини 1994 йилда сабзавотчилик маҳсулотларини етиштиришдан бошлаган. 2003 йилга келиб фермер хўжалиги ихтисослигини боғдорчиликка ўзгарган ҳолда, ҳозирда



Расм. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш динамикаси.

ҳам боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Сўнги йилларда фермер хўжалигида боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш буйича юксак тажриба тўпланди, ишлаб чиқариш жараёни самарали тарзда йўлга қўйилди. Натижада, 2015-2018 йиллар мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлигида юқори натижалар қайд этилди. Ушбу ҳолат хўжаликни модернизациялаш ва диверсификациялаш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга туртки бўлиб хизмат қилди. Яқин келажакда амалга ошириладиган фермер хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш борасидаги стратегик лойиҳаларнинг характерига жадвалда келтирилган кўрсаткичлар таъсир этди.

Рентабелликни оширишига сабаб — фермер хўжалигида иссиқхона ташкил этилиб, унда етиштирилган маҳсулотлардан келган даромад иссиқхонани қуришга сарфланган харажатларни қоплаш имконини берди.

Фермер хўжалиги 2020 йилда мавжуд боғларнинг 3,5 гектарини реконструкция қилишни ва 6,5 гектар майдонда янги, интенсив боғ барпо этишни мўлжалламоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтиришнинг асосий

йўналишлари:

иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш;
ишлаб чиқаришни модернизациялаш;
ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жалб этиш;
экинлар навларини тўғри жойлаштириш, маҳсулот сифати ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш;

сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимини такомиллаштиришдан иборат.

4. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади:

аввало, оралиқ ва такрорий экинларни тўғри танлаш, алмашлаб экишнинг йўлга қўйилиши натижасида ернинг структураси яхшиланиб, ҳосилдорлик юқори бўлади;

табиий шароитнинг ноқулай келиши сабабли ҳосилдорлик пайсийи натижасида олинмаган фойда камайиб кетган ҳолларда уларни бошқа тармоқдан қоплаш имкони туғилади;

аҳоли ўртасида, айниқса, қишлоқ жойларда йил давомида доимо иш билан бандлик таъминланади;

хўжаликнинг молиявий барқарорлиги таъминланади, яъни фақат бир тармоқдан келадиган даромадга қараб қолмаслик имконининг мавжуд бўлиши;

хўжалиқда етиштирилган маҳсулотларни шу ернинг ўзида қайта ишлашнинг мавжудлиги таннархнинг арзонлашуви ва юқори иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Ш.ТУХТАМИШЕВ,
ассистент,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Хусанов О. "Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари". "Бозор, пул ва кредит" журнали, 2014.03.12
2. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. "Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари" Т.: "Наврўз", 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
4. Сурхондарё вилояти Узун тумани «Шердор» фермер хўжалиги маълумотлари.
5. www.kun.uz
6. www.agro.uz

УЎТ: 631.587 (575)

ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҲОЛАТИ БУЗИЛГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

This article is based on the recommendation of the main factor of reconstructing the state of destroyed lands and supplying their stability in the dekhans and household plots

Бугунги кунда мамлакатимизда истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш энг устувор масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикаимиздаги мавжуд деҳқон ва томорқа хўжаликларининг умумий майдонлари "Давергеодезкадастр" кўмитасининг маълумотларига қараганда, 2011 йилда 698,5 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар 521,2 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда тегишинча 703,9 минг гектарни ва 522,9 минг гектарни ташкил қилади. Демак, деҳқон ва томорқа хўжаликлари майдонлари ушбу йилларда 5,4 минг гектарга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. 2011 йилда деҳқон ва томорқа хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони 1,5 миллионга яқин кишини ташкил эт-

ган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич яна 2,2 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ерларда республика ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 55-60% ишлаб чиқилмоқда. Бу майдонларнинг деярли 75% га яқини суғориладиган минтақаларда жойлашган. Аммо ҳанузгача деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимига бозор механизмларининг тўла жорий этилмаганлиги, хусусан ер ва мулк солиқлари тизимида чигалликлар, ерга эгалик муносабатларидаги тушунмовчиликлар, банк билан деҳқон ва томорқа хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш зарурлиги, соҳага оид инвестициялаш тизимидаги ноаниқликлар ва бошқа сабаблар бундай ерлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Юқоридаги келтирилган муаммоларни ама-

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижалари
(2018 йил июль-август ойлари ҳолатига)

Жадвал.

Тадқиқот ўтказилган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони — 146 та			
Савол	Респондентларнинг жавоблари		
	Жавоб вариантлари	Сони	%
Ҳолати бузилган ерлар бўйича тушунчага эга эмасликларини?	фикрга эга эмас	130	89%
	фикрга эга	16	11%
Ерлар ҳолатининг бузилиш сабабларини келтириб чиқарувчи омилларни биласизми?	ҳа	38	26%
	йўқ	108	74%
Деҳқон ёки томорқа хўжалигини деҳқон ҳолати бузилган ерларни тиклаш учун давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш зарурми?	ҳа, албатта	126	86%
	йўқ	20	14%

лий ечими сифатида, қолаверса, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнги йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тизимли муаммоларнинг бугунги кунда энг долзарбларидан бири бу – ерларнинг деградацияга учраши, уларни бегона ўтлар босиши, эрозия каби кўплаб юз бераётган муаммолар натижасида нафақат ҳолати бузилган ерларнинг кўпайиши, балки уларнинг оборотдан чиқиб кетиши сабабли ер тақчиллиги вужудга келмоқда. Ушбу муаммоларнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги бу борада уларни ҳал қилиш юзасидан самарали ечимлар топиш нечоғлиқ мураккаб эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Шу нуқтаи назардан, республикамизнинг қатор туманларида деҳқон ва томорқа хўжаликларининг суғориладиган экин майдонлари ичида 35-40%, айрим деҳқон хўжалиги ер майдонларида 50 фоизгача учрайдиган, иккиламчи, кучли шўрланган, бегона ўтлар босиши, ботқоқланиш, ерларда гумуснинг пасайиши, сув тақчиллиги каби салбий ҳолатлар давом этмоқда. Бунинг оқибатида деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хажмининг кескин камайишига, иш ўринлари сонининг қисқариб кетишига, деҳқон ва томорқа хўжаликларидан олинаётган аҳолининг даромадларини кескин камайиб кетишига асосий сабаб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот доирасида муаммони ўрганиш мақсадида, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги мавжуд деҳқон ва томорқа хўжаликлари раҳбарлари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Ижтимоий сўровда 146 нафар респондентлар иштирок этган бўлиб, сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 89% ҳолати бузилган ерлар бўйича тушунчага эга эмасликларини, 74% аҳоли ерлар ҳолатининг бузилиш сабабларини келтириб чиқарувчи омиллар бўйича билим ва малакага эга эмасликларини, 81% аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклаш ва яхшилаш бўйича қандай тадбир-

лар ўтказишни билмасликларини, 86% аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклашда давлат томонидан молиялаштириш зарурлиги билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Шу нуқтаи назардан, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятидаги юқоридаги таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлаш ва бугунги кун бозор иқтисодиёти шароитида ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, деҳқон ва томорқа хўжаликларидаги ҳолати бузилган ерларнинг доимий мониторингини олиб боришни йўлга қўйиш, ерларни тиклаш бўйича

жаҳон давлатлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг мос келувчи жиҳатларини қўллаш энг асосий вазибалардан ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни чуқур модернизация қилиш ва ердан фойдаланишни диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда давлат мақсадли дастурларининг амалга оширишни такомиллаштириш. Хусусан, деҳқон ва томорқа хўжаликларида тизимли муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиш, ҳудудлардаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳолати бузилган ерларни тиклашни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳудудий дастурларни биринчи навбатда ҳолати бузилган суғориладиган ерларни тиклаш билан боғлиқ дастурларни ишлаб чиқиш, бунда деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни идоралараро алоҳида ҳисобини юритиш (ким юритади, идоралараро мувофиқлаштириш, услублари, ҳисоботи ва бошқалар)ни такомиллаштириш натижасида ушбу ерлар бўйича ягона ҳисоб тизимини шакллантириш лозим.

Деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳолати бузилган суғориладиган ерлар юзасидан навбатчи электрон карталарни яратиш орқали уларни тиклаш ишларини оператив бошқариш ва мониторинг қилиш тизимини шакллантириш натижасида уларнинг навбатчилиги, манзиллиги, маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш, ҳолати бузилган суғориладиган ерларни тиклаш чораларининг давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш каби масалалар бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳолати бузилган суғориладиган ерларни тиклашнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш натижасида ушбу ерлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва ташкил этиладиган иш жойлари сони ошиши ва қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли бандлиги таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамиздаги ҳолати бузилган 170 минг гектар суғориладиган ерларни тиклаш орқали нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг суғориладиган ерларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради, балки деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортишига, ички ва ташқи бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларига ортиб бораётган талабларни қондирилишига ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшиланishiга хизмат қилади.

Ю.УСМАНОВ,

мустақил изланувчи, (ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Х.Шукурлаев. *Ерлар рекультивацияси ва муҳофазаси.* -Тошкент, 2009.
2. “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони //ПФ-5199, 9.10.2017 й.;
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳисоботлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. “Давргеодезкадастр” қўмитаси. -Тошкент, 2018.
5. Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш. Республика илмий-амалий семинар мақолалари материаллари. Тошкент, 2017 й.
6. А.Алтиев. *Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Монография.* Тошкент, 2018.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ЗАРУР

In the article organization of tax control, which is one of the main form of tax administration, has been investigated by the author. In the result of researches, the role of tax control in evaluating performance of state tax service bodies has been justified scientifically based on the experience of foreign countries. Based on the scientific sources under review, the researcher was firstly suggested defining the level of coverage by tax monitoring.

Пул-товар муомаласи соҳасида амалга оширилаётган жараёнлар натижаларида шаклланган маблағларни давлат манфаати нуқтаи-назаридан қайта тақсимлаш эвазига давлат бюджети маблағлари даромад қисми шаклланади. Бюджет даромадлари қонун ҳужжатларида тасдиқланган параметрлар асосида харажат қилинади.

Давлат даромадларининг шаклланиши ва харажатларнинг мақсадли ҳамда ўринли эканлигини давлат томонидан назорат қилиб борилиши жамиятда қонунчилик ижроси ҳамда ажратилган маблағлар самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексига кўра, давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати тизимини чизма кўринишида қуйидаги шаклда ифодалаш мумкин.

Давлат молиявий назоратининг ушбу таснифи барча давлатлар учун хос ҳисобланади. Лекин ҳар бир давлат ўз давлатчилиги ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб таснифланган молиявий назорат турларининг шакл, усул ва услубиёти ҳамда ваколатли органлар тизимини белгилайди. Давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар тизими ва уларнинг ваколатлари, уларни ўтказиш тартиб ҳамда қоидалари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси мувофиқ давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларининг 95 фоиздан ортиқ қисми солиқлар ҳисобидан шаклланиши давлат солиқ назоратини аҳамияти ва зарурлигини белгилаб беради.

Тадқиқотларимиз сўнгги 20-25 йилларда нашр этилган илмий ва амалий манбаларда давлат солиқ назорати хусусида турли қарашлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш тўғрисидаги концепциясида “солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш” мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Мақзур вазифани бажариш мамлакатимизда солиқ назоратини такомиллаштириш ва давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлаш учун хизмат қилади. Солиқ назорати юқоридаги 1-расмда келтирилганидек давлат молиявий назоратининг муҳим ва энг кўп ўтказиладиган назорат шакли ҳисобланади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига унинг асосларини белгиловчи махсус бўлим мавжуд. Ушбу қонун ҳужжати билан белгиланган меъёрлар солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ назоратидан ўтказишнинг умумий тартиб ва қоидаларини белгилаб беради.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолашда самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар масаланинг сифат ва миқдорий кўрсаткичи ҳисобланади.

Лекин ушбу мезонларни аниқлаш методологияси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Натижада давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолаш тизими ҳанузгача эски тартибда ишлаб келмоқда. Бу эса давлат солиқ хизмати органларининг иш фаолияти натижасига салбий таъсир этади. Чунки уларнинг фаолиятини баҳолашдаги мавжуд тизим ходимлар меҳнатини рағбатлантиришни таъминлай олмайди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолаш тизими натижасида олинган ахборот кейинги фаолиятни яхшилаш учун қабул қилинадиган зарурий бошқарув қарори учун асос бўлади. Қабул қилинадиган бошқарув қарори фақат давлат солиқ хизмати органи фаолиятига эмас, балки солиқ тўловчи фаолиятига ҳам сабаб бўлади. Агар қарор ижобий бўлса, тарафларнинг манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолашда, аввало, улар томонидан солиқ қонунчилигида белгиланган аниқлилик, адолатлилик, ошкоралилик ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига амал қилинишини ифодаловчи кўрсаткичларга баҳо бериш муҳим. Чунки ушбу тамойилларга тўлиқ амал қилиш даражасининг юқорилиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ва солиқ ундиришга нисбатан одилонга ёндашувни ифодалайди. Аксинча эса, давлат солиқ хизмати органлари томонидан идоравий манфаат нуқтаи назаридан солиқ тўловчилардан кўпроқ солиқ ундиришга қаратилган фаолият олиб борилганлигини кўрсатади.

Солиқ текширувларининг самарадорлигини баҳолаш жуда кўп қиррали жараёндир, аммо самарадорлик кўрсаткичи — натижа ва натижани келтириб чиқарадиган харажатлар нисбати билан белгиланиши зарур. Яъни, кам миқдордаги харажат ва назорат фаолияти натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар, жарималар ҳамда жарималар миқдори уни амалга ошириш харажатларидан сезиларли даражада кўп бўлиши керак.

Солиқ текшируви самарадорлигини баҳолаш усуллари ёки индивидуал кўрсаткичларни таҳлил қилиш, унинг мақсадлари, натижаларни белгилаш, уларни тақдим этиш шакли, фойдаланувчилар гуруҳи, тадқиқотнинг чуқурлиги ва даврийлиги, таҳлил қилинган статистик маълумотларнинг табиати билан белгиланади. Тадқиқот натижалари ташқи ва ички фойдаланувчилар томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни мустақил баҳолаш учун фойдаланилиши мумкин.

Шу сабабли давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самардорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш муҳим ёндашувни талаб этади.

Фикримизча, бундан буён давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ назоратини ўтказишда солиқ тўловчилар билан ўзаро шартнома асосида солиқ мониторинги олиб бориш йўналишига эътиборни кучайтириш зарур ҳисобланади. Ушбу назорат турининг амалга оширилганлик даражаси давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида белгиланишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Чунки бу кўрсаткич солиқ тўловчининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни давлат солиқ хизмати органига тақдим этишдаги ишончининг даражасини ифодалайди. Солиқ тўловчининг ўз молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни давлат солиқ хизмати органларига ихтиёрий равишда тақдим этиши улар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг ўсишини билдиради.

Тадқиқотларимиз натижасида ушбу кўрсаткични куйидаги тартибда аниқлашни тавсия этиш мақсадга мувофиқ, деган ҳулосага келдик.

Бунда,

- ҳудудни солиқ мониторинги билан қамраб олиш даражаси;
- таҳлил даври бошида ҳудуддаги жами солиқ тўловчилар сони;
- таҳлил даври охирида ҳудуддаги жами солиқ тўловчилар сони;
- солиқ мониторинги амалга оширилган ҳудуддаги солиқ тўловчилар сони.

Ушбу тартибда аниқланган кўрсаткич даражасининг ўсиб бориши давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчилар ишончининг ўсишини ифодаласа, кўрсаткичнинг пасайиши солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органига бўлган ишончи камайганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда "Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати" деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб" белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш борасида давлат солиқ хизмати органига амалга оширилган ишларни аниқ ва тўғри ташкил этиш натижасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятининг ўсишига эришиш мумкин. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятининг ўсиши солиқ қонунчилиги ижросининг сифатли таъминланишига таъсир этадиган омиллардан ҳисобланади. Ушбу даражага эришиш эса солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ мониторинги билан қамраб олиш даражасининг ўсиши билан бирга, солиқ ҳуқуқбузарликларининг камайишига ҳам сабаб бўлади.

Б.ИБРАГИМОВ,
мустақил тадқиқотчи.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 2 июль, 26-сон, 509-модда.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й., 52 (I)-сон.*
3. *Е.И.Комарова. Развитие налогового контроля в России и оценка его эффективности.// Современные проблемы науки и образования. 2015 г. 1-часть.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ 4848-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 10 октябрь, 40-сон, 467-модда.*
5. *2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий он ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5618-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 14 январь, 1-2-сон, 7-модда.*

УЎТ: 519.86

УЗУМ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ АСОСИДА ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

The article analyzes the statistical analysis of grape yield $\{Y_t, t \in T\}$, in the form of fixed time series in the Kibray district of the Tashkent region in 2006-2016, which is based on point interval statistical estimates of their yield and statistical hypotheses associated with this process.

Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш жараёнининг маълум бир муддатда мавсумий тақдорланиб туриши, уни дискрет $\{Y_t, t \in T\}$ тасодифий вақтли (динамик) қатор сифатида таҳлил қилишимизга асос бўлади. Мақолада, Тошкент вилояти, Қибрай туманида 2006-2016 йилларда етиштирилган узум ҳосилдорлиги $\{Y_t, t \in T\}$ турғун вақтли қатор сифатида статистик таҳлил қилиниб, уларнинг ҳосилдорликларига нуқтавий, интервалли статистик баҳолар берилган ва бу жараён билан боғлиқ турли статистик гипотезалар текширилган.

Маълумки вақтли қаторнинг $\{Y_t, t \in T\}$ асосий ташкил этувчилари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин: 1) асосий йўналишни кўрсатувчи тренд, 2) тренд атрофида тебраниб турувчи қисм, 3) мавсумий таъсир этувчи, 4) тасодифий қисм. Тўпланган статистик маълумотлар бўйича энг кичик квадратлар усули билан чиқиқли

боғланишда қатнашувчи номаълум параметрларни куйидаги нормал тенгламалар системаси билан ечиб $\left. \begin{matrix} b \sum_{t=1}^n x_t + a \sum_{t=1}^n x_t^2 = \sum_{t=1}^n x_t y_t \\ b m + a \sum_{t=1}^n x_t = \sum_{t=1}^n y_t \end{matrix} \right\}$ куйидагиларга эга бўламиз

1. 2006 ё. $Y(t) = 95,4 \quad t = -5,0 \quad t^2 = 25 \quad Yt = -477$
2. 2007 ё. $Y(t) = 95,7 \quad t = -4,0 \quad t^2 = 16 \quad Yt = -398,8$
3. 2008 ё. $Y(t) = 100,4 \quad t = -3 \quad t^2 = 9 \quad Yt = -301,2$
4. 2009 ё. $Y(t) = 101,3 \quad t = -2 \quad t^2 = 4 \quad Yt = -2$
5. 2011 ё. $Y(t) = 107 \quad t = 0 \quad t^2 = 0 \quad Yt = 0$
6. 2012 ё. $Y(t) = 141,2 \quad t = 1 \quad t^2 = 1 \quad Yt = 141,2$

8. 2013é. $Y(t) = 141,4 t = 2 t^2 = 4 Yt = 282,8$
9. 2014é. $Y(t) = 214,8 t = 3 t^2 = 9 Yt = 644,4$
10. 2015é. $Y(t) = 215,1 t = 4 t = 16 Yt = 860,4$
11. 2016é. $Y(t) = 215,6 t = 5 t^2 = 25 Yt = 1078$

ЖАМИ: 2016é. $Y(t) = 1528,5 t = 0 t^2 = 110 Yt = 1530,6$

$$\bar{a} = \frac{\sum_{t=1}^T (Y_t - \bar{Y}(t-t))}{\sum_{t=1}^T (t-t)^2}, \quad a_0 = Y(t) - \bar{a}_1 t, \quad \bar{Y} = \frac{1}{T} \sum_{t=1}^T Y_t, \quad \bar{t} = \frac{T+1}{2}$$

$$\sum Y(t) = 1528,5 \sum Yt^2 = 238985,5 \sum Yt = 1530,6 a_0 = \frac{1528,5}{11} = 138,95 a_1 = \frac{1528,5}{110} = 13,9$$

Қўрай туманида 2006-2016 йилларда етиштирилган узум ҳосилдорлигининг t вақт билан боғланишини ифодаловчи тенгламаси қуйидагича бўлади:
 $y(t) = 138,95 + 13,9t$

Ўрганилаётган динамик қаторларнинг муҳим номаълум параметрларини чекли айрмалар ва сирғанувчи ўртача қиймат усуллари билан, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиб, 95% ли кафолат билан уларнинг ҳосилдорлигига нуқтавий ва қуйидаги формулалар ёрдамида интервалли статистик баҳолар қўрилган (жадвал 1):

$$\bar{\sigma}_y = \sigma \sqrt{\frac{1}{T} + \frac{(T-1)}{2} \left(\frac{1}{\sum_{t=1}^T (t-t)^2} \right)^2}; \quad \sigma^2 = \frac{1}{T-2} \sum_{t=1}^T (Y_t - \bar{Y}_t)^2$$

бу ерда

Танланманинг характеристикалари (узум):

Ўртача ҳосилдорлик \bar{Y}_T ц/га -138,95

Танланма ўртача квадратик четланиш σ_T 51,56

Вариация коэффициентининг (%) 37,11,

Асимметрия A_s 0,86, Экссесса E_s -1,16,

Танланма ўртача қийматнинг \bar{X}_T хатоси m_x $M_x \frac{\sigma}{\sqrt{n}} = 15,53$

Лимитик хато m_x $m_x = tm_x = 31,6$

Ўртача квадратик четланишнинг хатоси m_{σ} $m_{\sigma} = \frac{\sigma}{\sqrt{2n}} = \frac{51,56}{4,69} = 10,99$

Вариация коэффициентининг хатоси (%) m_{σ} $M_{\sigma} = \frac{\sigma}{\sqrt{2n}} = \sqrt{1 + \left(\frac{v}{100} \right)^2} = 8,44$

Интервалли статистик баҳо (95% ли) $\bar{X}_T \pm m_x$ $\bar{Y}_T \pm m_x = 138,95 \pm 31,6$
 (107,89; 170,01) ст / га

Статистик критериялар ёрдамида H_0 95% ли кафолати билан $H_0: P(X < x) = \Phi_{\sigma, \sigma}(x)$

Жадвал-1 да, ҳар бир қишлоқ хўжалик экини ўртача ҳосилдорлигининг нормал тақсимотига эга бўлишлиги ҳақидаги H_0 гипотеза $P(X < x) = \Phi_{\sigma, \sigma}(x)$ Жак-Берра, Шапиро-Вилкоксон, Пирсон ҳамда параметрик критериялари билан текширилиб $|A_s| < 1,5\sigma$, $|E_s + \frac{6}{(T+1)}| < 1,5\sigma$,

$$A_s = \frac{m_s}{S_T^3}, E_s = \frac{m_e}{S_T^3} - 3, \quad S_T^2 = \frac{1}{(n-1)} \sum_{i=1}^k (x_i - \bar{x}_T)^2, \quad m_s = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^k (x_i - \bar{x}_T)^3, \quad m_e = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^k (x_i - \bar{x}_T)^4$$

$$m_4 = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^k (x_i - \bar{x}_T)^4, \quad \sigma_1 = \sqrt{\frac{6(T-2)}{(T+1)(T+3)}}, \quad \sigma_2 = \sqrt{\frac{24T(T-2)(T-3)}{(T+1)^2(T+3)(T+5)}}$$

шу асосида интервалли статистик баҳолар берилган. Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача ҳосилдорлиги $\bar{y}(t)$ аксарият ҳолларда нормал тақсимотга эга бўлади, чунки барча қишлоқ хўжалик экинлари деярли бир хил шароитда, бир хил қалинликда, катта майдонларда ўстирилади. Вақтли қаторнинг хусусиятларини ўрганишда автокорреляция коэффициентини муҳим аҳамиятга эга. L йилга (L -лаг дейилади) вақтни сўриб, қуйидаги формула ёрдамида автокорреляция коэффициентлари ҳисобланади:

$$R_L = \frac{\sum_{t=1}^{T-L} Y_t Y_{t+L} - \frac{\sum_{t=1}^T Y_t \sum_{t=L+1}^T Y_t}{N-L}}{\sqrt{\left[\sum_{t=1}^{T-L} Y_t^2 - \frac{(\sum_{t=1}^T Y_t)^2}{N-L} \right] \left[\sum_{t=L+1}^T Y_t^2 - \frac{(\sum_{t=L+1}^T Y_t)^2}{N-L} \right]}}$$

$L=1,2,3,\dots$ қийматларда R_L нинг қийматлари ҳисобланиб Y_1, Y_2, \dots, Y_{T-1} ва Y_2, Y_3, \dots, Y_T тасодифий миқдорлар орасида корреляцион боғланиш мавжудлиги аниқланди (R_1, R_2, \dots, R_k қийматлар ноқадан фарқли). Иккинчи томондан Дурбин-Ватсон критерияси билан ҳисоблашлар кўрсатадики, $d_{\text{ёқ}} = \sum_{t=1}^{T-1} (Y_{t+1} - Y_t)^2 / \sum_{t=1}^T Y_t^2$ барча $d_{\text{ёқ}}$ қийматлар, махсус жадвалдан топишган $d_{\text{ёқ}0} = 1,08$ критик қийматдан кичик $d_{\text{ёқ}} < d_{\text{ёқ}0}$. Демак, барча ўрганилган тасодифий миқдорлар автокорреляцион $Y_t = \rho Y_{t-1} + \varepsilon_t$, боғланишга эга. Яъни бу хўжалик йилида узумдан олинандиган ҳосилдорлик ўтган йилги ҳосилдорликка боғлиқ экан.

Жадвал -1

№	Йил.	Y(t)ц/га	Y _t ²	ΔY _t	ΔY _t ²	Δ ² Y _t	Δ ² Y _t ²	Δ ³ Y _t	Δ ³ Y _t ²
1	2006	95,4	9101,2						
2	2007	99,7	9940,1	4,3	18,5				
3	2008	100,4	10080,2	0,7	0,5	-3,6	13,0		
4	2009	101,3	10261,7	0,9	0,8	0,2	0,0	3,8	14,4
5	2010	96,6	9331,6	-4,7	22,1	-5,6	31,4	-5,8	33,6
6	2011	107,0	11449,0	10,4	108,2	15,1	228,0	20,7	428,5
7	2012	141,2	19937,4	34,2	1169,6	23,8	566,4	8,7	75,7
8	2013	141,4	19994,0	0,2	0,0	-34,0	1156,0	-57,8	3340,8
9	2014	214,8	46139,0	73,4	5387,6	73,2	5358,2	107,2	11491,8
10	2015	215,8	46668,0	0,3	0,1	-73,1	5343,6	-146,3	21403,7
11	2016	215,6	46483,4	0,5	0,3	0,2	0,6	73,3	5372,9
жами		1528,5	238985,5	120,2	6707,6	-3,8	12696,7	3,8	42161,5


Тошкент вилояти Қўрай туманида 2006-2016 йилларда етиштирилган узум ҳосилдорлигини вақтли қатор сифатида статистик таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: 1) туманда 2006-2016 йилларда етиштирилган узум ҳосилдорлиги жуда кўп тасодифий омилларга боғлиқ жараён; 2) узум етиштириш жараёнининг бош йўналишини характерловчи тренд қисми чизиқли боғланишга эга $y(t) = 138,95 + 13,9t$;

3) узумнинг ўртача ҳосилдорлиги $\bar{y}(t)$ нормал тақсимланган тасодифий миқдор; деган асосий $P(X < x) = \Phi_{\sigma, \sigma}(x) H_0$ статистик гипотезалар, параметрик ҳамда Пирсон, Жак-Берра, Шапиро-Вилкоксон критериялари ёрдамида, 95% кафолат билан қабул қилинади. Бу муҳим тасдиққа асосан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳақиқий ҳосилдорлигига (яъни, а-математик кутилишига) 95% кафолат билан интервалли статистик баҳолар берилган; 4) туманда ҳар йили етиштирилаётган узум ҳосилдорлиги автокорреляцион боғланишга эга, яъни мазкур йилдаги ҳосилдорлик аввалги йилларда олинган ҳосилдорликка боғлиқ бўлади. $Y_t = \rho Y_{t-1} + \varepsilon_t$; 5) умумий ҳолда туманда ҳар йили етиштирилаётган узум ҳосилдорлиги турғун бўлмаган динамик қаторни ташкил этади.

В.ВАХОБОВ,
А.ФАЙЗИЕВ,
М.ХИДОЯТОВА,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

- 1). Т.Андерсон "Статистический анализ временных рядов. М.МИР. 1976.759 стр.
- 2). М.Дж. Кендалл, А.Стюарт "Многомерный статистический анализ и временные ряды". М. "Наука".1976. 736 стр.
- 3). К.Д.Люис "Методы прогнозирования экономических показателей" М."Фис", 1986.134 стр.
- 3). Б.А. Сулаймонов, А.А.Файзиев, Ж.Н. Файзиев "Тажриба маълумотларининг статистик таҳлили", Тошкент, ТошДАУ, 2015, 124 б.
- 4). А.А.Файзиев, В.Вахобов, Ж.Н. Файзиев «Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини динамик қатор ёрдамида прогноз қилиш». МВУССО РУ, УзНУ, Материалы Республиканской научно-практической конференции «Статистика и её применения», Г. Ташкент, 2017 г. 19-20 Октябрь, 153-156 стр.



3-расм. Пойма ва ўзан оқимлар чуқурлигига нисбатан оқимлар ўзаро таъсири зонаси кенглигининг боғлиқлиги.

поймада оқимнинг тезлиги ошади, тезликнинг тақсимланиши Шлихтинга – Абрамовича (2. В-расм) универсал боғлиқлигига бўйсунувчи пойма ва ўзандаги сув оқимлари чегарасидан ўзаро таъсирнинг ягона зонаси мавжудлигини ҳам аниқлашга муваффақ бўлинган:

$$(U - U_n) / (U_p - U_n) = (1 - \eta_a^{3/2})^2 \quad (5)$$

бу ерда $\eta_a = y/b$ – нисбий координата; b – русла ва ўзан сув оқимлари ўзаро таъсир этиш зонасининг кенглиги.

Ягона зонанинг кенглиги куйидаги тенглама (3-расм) билан изоҳланади:

$$b^e/h = 2.4h_p/h_n - 2.4 \quad (6)$$

Бир томонлама поймалик дарёлардаги кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш асосида юқори уярма, сиқилиш, ёйилиш ва тикланиш зоналарининг узунликларини ва ушбу зоналарда тезлик майдонларини ҳисоблаш усуллари Амударёнинг Қарши магистрал канали жойлашган ҳудудини ҳимоялаш лойиҳасида ишлаб чиқаришга

жорий этилган ва унинг натижасида қирғоқ ювилишларини олдини олиш, пойма ерларини қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, буғланиш майдонининг камайишига имкон яратилган. Натижада дарё ўзанини тартибга солиш лойиҳасида қўлланилди ва ўртача йиллик самара 12,78 млн. сўмни ташкил этди.

Хулосалар сифатида айтганда, пойма ва ўзанли сув оқимларининг ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш асосида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Пойма ва ўзанли оқимларнинг ўзаро таъсири чегараланган кенгликда гирдобли йўлдош жилғаларнинг тарқалиши сингари рўй беради.

2. Иккита оқимнинг ўзаро таъсири зонасида тезликнинг тақсимланиши универсалдир.

Х.ХАЙИТОВ,
т.ф.н.(PhD)
(ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Бакиев М.Р. Совершенствование конструкций, методов расчета и проектирования регуляционных сооружений. Автореф. дисс...д.т.н. М., 1992. 46 с.

2. Хайитов Х.Ж. "О некоторых результатах экспериментальных исследований работы перемычка на реках с односторонней поймой" – Т.:ТИИМСХ, Материалы Республиканской научно-практической конференции. 2003., 42-44 с.

3. Бакиев М.Р., Хайитов Х.Ж. "Рекомендации по проектированию поперечных дамб на реках с односторонней поймой при частичном освоении междамбного пойменного пространства" – Т.:ТИИМ., 2011., 20 с.

УДК: 636.085.52

ПРИГОТОВЛЕНИЕ СИЛОСА И СЕНАЖА ИЗ РУЛОНА

В настоящее время в подсобном и фермерском хозяйстве внедряется технология силосования кормов в рулонах, обернутой плёнкой. Силосование кормов в рулонах имеет ряд преимуществ, экономически выгодно потому, что капитал вложения по сравнению с другими способами заготовки силоса. Во-первых, при силосовании значительно снижаются затраты труда на уборку и закладку. Во-вторых, корм не измельчают, поэтому можно использовать технику, предназначенную для приготовления сена и сенажа. В корме, чем выше содержание сухого вещества, тем меньше требуется рулонов и плёнку на единицу сухого вещества. Рулоны отличаются высокой транспортабельностью, что облегчает, удешевляет привозку корма.

Размер рулонов должен быть: ширина 1,2 м, диаметр 0,8-1,6 м. Рулоны обертывают полиэтиленовой плёнкой толщиной около 0,25 мм и растяжимость

70%, нахлётку положен 6 и даже 8 слоев, которые при необходимости можно неоднократно перемещать в упакованных рулонах. Обвёртывание проводят в первые два часа после прессования. Как и при обычном силосовании качество корма может быть улучшено внесением в силосуемую массу химических или биологических консервантов для повышения содержания сырого протеина.

Таким образом, правильное силосование кормов в рулонах экономически выгодно для подсобных и фермерских хозяйств.

Д.РАХМАНОВ,
докторант,
НИИ животноводства и птицеводства;
З.АХМЕДОВА,
д.б.н, профессор,
Т. ШОНАХУНОВ,
докторант,
НИИ микробиологии.

+

+

+

+

+

+

+

+

+

+

+

